

С. МУКСИМОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
ҚҰЙЧИЛИК
ЭКОНОМИКАСИ



«ЎЗБЕКИСТОН НАШРИЁТИ»
Тошкент — 1972

На узбекском языке

Муксимов Сайдигани Муксимович
ЭКОНОМИКА ОВЦЕВОДСТВА УЗБЕКИСТАНА

Издательство «Узбекистан», — Ташкент — 1972 г.

Редактор С. Норматов
Рассом А. Ахмеджанов
Бадний редактор М. З. Гумаров
Техредактор А. Альберт
Корректорлар С. Бадалов, Р. Солижонов

Теришга берилди 15/VI-1972 й. Босишга рухсат этилди 2/X-1972 й. Қоғоз
формати 84X108 1/32, № 2. Бос. л. 7,5. Шартли бос. л. 12,6. Нашр. л. 12,87.
Тиражи 7000. Р10261. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, Навоий, 30*,
Шартнома № 38-72.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
давлат комитетининг Тошкент полиграф комбинатида тайёланган матрицадан
Морозов номли босмахонада Сосилди. Самарқанд, Типографская, 4. Заказ
№ 5384 Баҳоси 58 т.

4-1-4
1972

КПСС XXIV съезди материалларида қайд әтилганидек, ўтган саккизинчى беш йилликда мамлакатимизда йи-лига ўрта ҳисобда 170 млн. тоннага яқин дон, 6 млн. тоннадан зиёд пахта, 12 млн. тоннага яқин гүшт, 80 млн. тоннадан зиёд сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Лекин шунга қарамай, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳали уларнинг етиштирилаётган даражасидан юқоридир. Шуни ҳисобга олиб, тўққизинчى беш йилликда дон етиштириш ўртача йиллик миқдорини 195 млн. тоннага, гүштни 14,3 млн. тоннага, сутни 92,3 млн. тоннага етказиш мўлжалла-нади. Беш йилликнинг ҳар бир йилида ўрта ҳисобда 96—98 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик ялпи маҳсу-лоти етиштирилади.

Янги беш йилликда қишлоқ хўжалик тараққиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мазкур соҳадаги ўсишлар асосан ишлаб чиқаришни интенсив ривожланти-риш йўли билан таъминланади. Шу мақсадда қишлоқ хў-жалигига жами 129 миллиард сўм ҳажмида, яъни ўтган беш йилликдагига қарагандা 47 миллиард сўм кўп капи-тал маблағ сарфлаш белгиланган. Бу, қишлоқ хўжалиги-даги меҳнатни кўп даражада механизациялаш, унинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқари-шини саноат негизига кўчириш йўлида олға томон катта силжиш ясаш учун кенг йўл очиб беради.

Саккизинчи беш йиллик мамлакатимиз қишлоқ хўжа-лигидаги ҳам улкан ютуқлар билан якунланишида Ўзбе-кистоннинг салмоқли ҳиссаси бор. Чунончи, ўтган беш

йиллик мобайнида 20,7 млн. тонна пахта етиштирилиб, давлатга топширилди. Бу олдинги (1961—1965) беш йил ичидаги етиштирилганидан 3,25 млн. тонна кўпдир. Шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча ўди.

КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларга биноан тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРнинг энг муҳим вазифаси — фан ва техника тараққиёти ютуқларидан бутун чоралар билан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва самарадорлигини ошириш, халқ хўжалик пропорцияларини яхшилаш негизида республика экономикасини жадал суръатлар билан ривожлантириб, аҳоли турмушининг моддий ва маданий даражасини анча оширишни таъминлашдан иборат. Шу мақсадда республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажмиши 1970 йилдагига қараганда 1975 йилда ялпи 25,4% кўпайтириш, жумладан пахта етиштиришни 4,9—5 млн. тоннага етказиш мўлжалланган. Шунингдек, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва шу каби маҳсулотлар етиштириш ҳам анча кўпаяди.

Янги беш йилликда республикада чорвачиликни юксалтиришга ва унинг етакчи тармоқларидан бўлган қўйчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Республика изида 1,5 млн. гектар яйловга сув чиқарилади, 3,5 млн. гектар майдондаги яйловларда гидротехника иншоотлари реконструкция қилинади ҳамда яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Шулар асосида беш йилликда қоракўл тери етиштириш 42% кўпайтирилади.

Ишлаб чиқаришни замонавий техника, фан ютуқлари заминида ҳамда илмий зосода ташкил этиш — юксак самарадорликка эришишнинг муҳим омилларидир. Ҳамма хўжаликларда ички резервларни излаб топиб, улардан ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ва арzon маҳсулот етиштириш учун фойдаланиш — ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик ходимлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Партия XXIV съезди қарорларидан руҳланган республикамиз чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунладилар. Масалан, 157,9 минг тонна гўшт етиштирилиб, план 106,8% баражиради. 380 минг т. сут тайёрланиб, план 111%, 353 млн. дона тухум тайёрланиб, план 127%, 21 минг т.

дан күпроқ жун тайёрланиб, план 109, 8%, 2 млн. дона қоракўл тери етиштирилиб, план 105,8% адо этилди.

Республика колхоз ва совхозларида қўйчиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Қўйчилик хўжаликларида қўйлар туёғи, қўй гўшти, жун, қоракўл тери етиштириш анча кўпайди. Қўйларнинг насли, маҳсулот сифати яхшиланди. Қўйчиликни ривожлантиришда тобора юксак кўрсаткичларга эришаётган илфор хўжаликлар сафи кенгайиб бормоқда. «Қонимех», «Муборак», «Чимқўргон», «Нурота», «Коммунизм» совхозларининг ютуқлари бутун мамлакатимиз бўйича машҳур бўлиб кетди.

Лекин, шунга қарамай қўйчилик ҳамма жойда ҳам сермаҳсул ва сердаромад соҳага айлантирилди, деб бўлмайди. Бунинг сабаби, қўйчиликни конкрет шароитларга мувофиқ равишда жадал ривожлантиришни таъминлайдиган аниқ тадбирлар тўла белгиланмаганида, ишлаб чиқилган тадбирларни амалда бажаришда эса, етарли изчиллик йўқлигидадир. Шунга кўра қўйчилик билан шуғулланувчи колхоз ва совхозлар экономикасини чуқур ўрганиш, илфор хўжаликлар тажрибасини оммалаштириш йўлларини белгилаш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, камчиликларнинг содир бўлиш сабабларини аниқлаш ва шулар асосида қўйчилик рентабеллигини оширишга қаратилган илмий жиҳатдан асосланган тадбирларни белгилаб, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

ҚҮЙЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Қўйчилик — чорвачиликнинг маҳсулдор тармоқларидан бири. Гўшт етиштиришни кўпайтиришда қўйчиликнинг ҳиссаси катта. Иттифоқимиз миқёсида ҳар йили ўрта ҳисобда сўйилган вазнда 1—1,1 млн. т. қўй гўшти етиштирилади. Бу ҳамма турдаги гўшт миқдорининг 12—13% ини ташкил этади. Ўзбекистонда қўй гўшти етиштиришнинг иқтисодий аҳамияти анча юқори. 1970 йили республиканинг ҳамма категориядаги хўжаликларида сўйилган вазнда 214 минг т. гўшт ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 52 минг т. сини ёки 24,1% ини қўй гўшти, 61% ини қорамол, 7,8% ини чўчқа, 8,1% ини бошқа турдаги мол ва парранда гўшти ташкил этади. Демак гўшт етиштиришда қўйчилик қорамолчиликдан кейинги иккичи ўринда туради.

Республикада ўтгани ўн йил (1961—1970) мобайнида 536,4 минг т. қўй гўшти ва ёғи етиштирилиб, унинг аксарият қисми давлатга сотилди. Қўйчиликнинг янада юқори даражада ривожланишини таъминлаб, қўй гўшти етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтириш қўйчилик хўжаликлари олдида турган муҳим вазифадир. Колхоз ва совхозлар бу вазифани бажаришда қўйларнинг тез етилиш хусусиятидан оқилона фойдалансалар, ютуқларига ютуқ қўшилаверади.

Қўйчиликка доир манбаларда таъкидланишича, онасини эмиш даврида тирик вазнини икки бараварга ошириш учун чўчқа боласига 18 кун, улоққа 22 кун, бузоққа 47 кун, тойчага 60 кун талаб этилса, қўзилар учун атиги 10 кун кифоя. Шу муддатда қўзилар вазни bemalol икки

баравар кўпайиши мумкин. Гўшт етиштиришни кўпайтиришда қўйчиликнинг роли ва иқтисодий аҳамияти нақадар катталигини шундан ҳам кўрса бўлади.

Маълумки, Ўзбекистонда асосан қоракўл ҳисор ва жайдари зот қўйлар урчитилади. Булардан ҳисор қўйла-ри сергўштлиги билан алоҳида ўринда туради. Улар бошқа қўйларга нисбатан анча тирик бўлиб, қўчкорла-рининг тирик вазни ўрта ҳисобда 100—120 кг, айримлари ҳатто 140—160 кг. гача, совлиқларнинг ўртача тирик вазни эса 80 кг. дан 90—94 кг. гача боради. Бўрдоқига боқилган ҳисори қўчкорларнинг тирик вазни 180—190 кг. ни ташкил этади. Бу зот қўйлар мазали ва сифатли гўштдан ташқари, ўрта ҳисобда 18—20 кг, бўрдоқига боқилганлари ҳатто 30 кг. гача думба ёғи беради. Ҳисор қўйларининг яна бир муҳим томони шундаки. қўэзилари-ни шу йилнинг ўзида гўштга топширса бўлади. Колхоз ва совхозларнинг тажрибасидан маълумки, яйлов шароитида боқилган ҳисор қўйларининг тирик вазни олти ойда 40—42 кг. га етади. Бу афзалликлари уларни урчи-тишга, туёғини кўпайтиришга қаратилган тадбирларни жадаллик билан амалга оширишни тақозо этади, чунки мазкур зотга мансуб қўйларнинг сони охирги йилларда кескин камайиб бормоқда.

Ўзбекистон шароитида гўшт етиштиришда маҳаллий жайдари зот қўйларнинг аҳамияти ҳам каттадир. Тўғри, жайдари қўйлар ҳисор қўйларига нисбатан кам вазнга эга: жайдари қўчкорнинг ўртача тирик вазни 90 кг., совлиқларники эса 65—70 кг. ни ташкил этади. Яхши семирган жайдари қўчкорнинг тирик вазни 126—128 кг. гача, совлиқларники 100—105 кг. гача етади. Аммо, жайдари қўйлардан сўйилган вазнда чиқадиган гўшт бошқа зот қўйларга нисбатан анча кўпни, яъни тирик вазнининг 53—59% ини ташкил этади.

Маълумки, ҳисор ва жайдари қўй гўшти ниҳоятда мазали ва сифатли бўлади. Яна шуни қайд қилиш керакки, қўй гўшти бошқа гўштларга қараганда юқори истеъмол сифатига эга. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари-дан яқол кўриш мумкин (1-жадвал).

Ўзбекистонда қўй гўшти етиштиришни кўпайтиришда қоракўл қўйлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки уларнинг сони бошқа қўйлар миқдоридан анча кўпdir. Мазкур зотга мансуб қўйларнинг гўшти қўйчиликдан оли-надиган барча гўштнинг совхозларда 84,5% ини, кол-

Асосий гўшт турларининг состави ва калорийлиги

(проф. К. С. Петровский маълумоти, 1965 йил)

	Категорияси	Истегемол диган қисми, %	Кимёвий состави			
			сув, %	оқсил, %	ж	100 гр. маҳсулотининг калорий- лиги (ккал)
Қорамол гўшти	I	79	55,7	14,2	8,3	135
Қорамол гўшти	II	74	54,8	15,6	2,8	89
Қўй гўшти	I	77	50,7	12,6	13,1	173
Қўй гўшти	II	73	50,6	15,2	6,6	123
Чўчка гўшти (серёғ) . .		88	42,0	12,8	33,0	359
Чўчка гўшти (ўртача ёғли)		86	52,4	14,2	18,5	230

хозларда эса 54% дан ҳам кўпроқ қисмини ташкил эта-ди. Қоракўл қўйларнинг гўшти ҳам юқори сифатли бў-лади.

Қоракўл қўйлар Ўрта Осиёнинг чўл ва чала чўл-зона-ларида боқилади, бу жойларнинг қаҳратон қиши-ю ёз-нинг жазирамасига яхши бардош беради. Улар ана шу хусусиятлари билан бошқа зот қўйлардан ажralиб ту-ради. Бинобарин, бошқа турдаги молларни мутлақо бо-қиб бўлмайдиган ёки бу иш жуда қийинчилек билан амалга ошириладиган катта-катта чўл-биёбонларда қоракўлчиликни bemalol ривожлантириб, ундан катта да-ромад олиш мумкин.

Қоракўл қўйларини урчитишдан асосий мақсад қора-кўл тери етиширишdir. Қоракўл терига эҳтиёж йилдан-йил ошиб боряпти. Бу қимматбаҳо қўй мўйнасидан қандай ажойиб ва гўзал буюмлар тикилиши ҳаммага аён.

Жаҳон миқёсида энг кўп қоракўл тери СССРда етиш-тирилади. Мамлакатимиз қоракўл тери етишириш бўйи-ча жаҳонда биринчи ўринда туради. СССРдан ташқари, қоракўл қўйлари Афғонистонда, Жанубий Африка рес-публикасида ҳамда Фарби-Жанубий Африкада ҳам урчитилади. Ҳар йили жаҳон миқёсида етишириладиган қоракўл териларининг ярмидан кўпини СССР берса, 30% ини Фарби-Жанубий Африка, 18% ини Афғонистон бера-ди. Шунингдек, жуда оз миқдорда бўлса-да қоракўл қўй-

лари Эронда ва айрим Европа мамлакатларида ҳам урчитилади. Лекин бу мамлакатлар қоракўлчилигининг товар аҳамияти йўқ ҳисобдир.

Серқ ўёш Ўзбекистонимиз Совет Иттилоқида етишириладиган жами қоракўл териларининг 36,3% ини беради. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон қоракўли чиройи ва жозибаси, жингала гулларининг жойлашиш тартибининг гўзаллиги, енгиллиги, чидамлилиги, жингаласининг зичлиги, умумий кўриниши латифлиги, рангининг тиниқлиги, жунининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги жиҳатидан алоҳида ажralиб туради. Қоракўлимиз фақат СССРдагина эмас, бутун дунёга машҳурдир. Шунинг учун Ўзбекистон қоракўлининг жаҳон миқёсида бозори чаққон. Уни айниқса, Англия, Франция, АҚШ ва бошқа қатор мамлакатлар кўплаб сотиб олмоқдалар.

Бундан, Ватанимизнинг валюта фондини бойитишда Ўзбекистон ўзининг четга чиқариладиган қоракўл терилари билан муҳим роль ўйнаши кўриниб турипти. Республикамиз фақат охирги 10 йил (1961—1970) мобайнида давлатга 22 млн. 997 минг 500 дона юқори сифатли қоракўл тери топширди. 1971 йилнинг ўзида республикамизда 2 млн. дона қоракўл тери тайёрланди. Бу 1950 йилда тайёрланганидан 78% кўпdir. Лекин республика хўжаликларида қоракўл тери етиширишни янада кўпайтиришнинг катта резервлари бор. Уларни аниқлаб, ишга солиш ва тўла фойдаланиш қоракўлчиларнинг муҳим вазифасидир.

Республикамиз 1975 йилда давлатга 2,7 млн. дона қоракўл сотиши керак. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1970—1975 йилларга мўлжалланган перспектив планида ана шундай вазифа белгиланди. Иттилоқимиз миқёсида эса 1975 йилда 7,3 млн. дона қоракўл тери ишлаб чиқарилиши керак. Кўриниб турибдик, Ўзбекистон келажакда ҳам Совет Иттилоқида қоракўл етиширишда биринчи ўринни эгаллайди ва мамлакатимизда етишириладиган бу қимматбаҳо маҳсулотнинг 37% ини етказиб беради.

Қўйчиликдан олинадиган муҳим маҳсулотлардан яна бири жундир. Қўй жуни ўзининг физикавий, химиявий ҳамда техникавий хусусиятлари туфайли тўқимачилик ва трикотаж саноатининг қимматли ва зарур ҳом ашёси ҳисобланади. Қўй жунидан ишлаб чиқарилган енгил сано-

ат маҳсулоти юқори сифатга ва қимматга эгадир. Чунки жундан тайёрланган кийим ўзида кўп иссиқ сақлаш хусусияти билан бошқа буюмлардан устун туради. Тўғри, охирги йилларда сунъий ва синтетик тола ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилди ва тобора кўпаймоқда. Шу билан бирга жун ва жун маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб боряпти. Шунинг учун ижтимоий чорвачиликнинг олдида гўшт билан бир қаторда, жун етиширишни ҳам йилдан-йил кўпайтириш вазифаси турипти.

Жаҳон миқёсида жун етишириш бўйича СССР Австралиядэн кейин иккинчи ўринда туради. Мамлакатимизда 1970 йили 415 минг т. жун етиширилди. Лекин жун етиширишнинг сифат томонини ифодаловчи кўрсаткич, яъни ўртача бир қўйдан қирқиб олинадиган жуп миқдори бўйича мамлакатимиз Австралиядан эмас, ҳатто Янги Зеландия, Аргентина, АҚШ дан ҳам анча орқада.

Мавжуд ҳар бош қўйдан жун қирқиб олишни кўпайтириш— ялпи жун маҳсулоти етиширишни юксалтиришнинг асосий омили бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда жун етиширишни кўпайтиришда Ўзбекистон чорвадорлари ҳам ўз ҳиссаси билан иштирок этмоқдалар. Тўғри, республикамиз Иттифоқда етишириладиган жуннинг жуда кам қисмини, яъни 5,5 процентини беради, холос. Лекин шуни эътиборга олиш керакки, республикамиз колхоз ва совхозларида асосан дагал жун етиширилади. Иттифоқимизда 1970 йили тайёрланган 79,2 минг т. дагал жуннинг қарийб 28% Ўзбекистонда етиширилди. Қоракўл қўйларидан олинадиган дагал жун таркибида 55% тивит, 32% ҳали етилмаган жун, 11% ингичка қил ва қарийб 2% дагал жун борлиги аниқланган. Бу турдаги дагал жундан пийма тайёрланади, намат босилади. Кўклам қирқиб олинган қоракўл қўй жунидан қимматбаҳо бобрик, сукно, костюмбоп шевот ва бошқа матолар ҳамда яхши гиламлар тўқилади. Булардан ташқари, полос, одеял сингари кўп турли буюмлар тайёрлашда ҳам мазкур жундан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда кейинги ўн йил (1961—1970) мобайнинда 216,1 минг т. жун етиширилди. 1970 йили 1953 йилдагига қараганда 36% кўп жун тайёрланди. Лекин, колхоз ва совхозларда жун етиширишни кўпайтириш тадбирлари изчил амалга ошириляпти, резервлар синковлик билан излаб топилиб, ишга солиняпти, деб бўлмайди. Айниқса, ҳар бир қўйдан жун қирқиб олишнинг

ўртача даражаси жуда паст 2—3 кг дан ошмайди. Қўйчилик самарадорлигини қўтиришда ҳар бир қўйдан ўртача жун қирқимини оширишнинг роли жуда каттадир.

Қўйчиликдан жун, гўшт, тери маҳсулотларидан ташқари бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Айниқса, қўзиси қоракўл тери учун сўйиб юборилган қўйлардан об-ҳаво яхши келиб, эрта баҳорда эфемер ўтлар гуркираб ўсгандага анчагина сут соғиб олинади. Қўй сути таркибида 7—10%, яъни сигир сутига қараганда икки баравар кўп ёғ бор. Ундан, асосан пишлок ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Ниҳоят, қўйчиликдан яна бир қимматли маҳсулот, яъни қўзилар сўйилганда чиқадиган ширдон олинади. У ачитқи модда тайёрлашда асосий манба ҳисобланади. Битта ширдон 15—20 гр ачитқи модда порошоги беради. Бу 300 кг. сутни ачитишга етади. Турли хил хом ашё ва маҳсулотлар тайёрлашда қўйларнинг қони, ичаги, туёфи ва шохидан фойдаланилади. Чарм ва пойафзал саноатида қўй териси асосий хом ашё ҳисобланади. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, битта қўй йил давомида 1,2 т дан зиёд қий беради. Агар бир тонна қўй қийида 9 кг га яқин азот, 7 кг калий, 3 кг оҳак ва бошқа шунча миқдорда фосфор кислотаси бўлишини ҳисобга олсанк, ундан ўгит сифатида фойдаланиш нақадар зарур ва муҳим эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Чорва ходимлари олдида маҳсулотларни фақат миқдор жиҳатидан кўпайтиришгина эмас, балки, ҳам кўп, ҳам арzon маҳсулот ишлаб чиқаришдек оғир, шу билан бирга, шарафли вазифа турибди. Бу вазифани ҳал этишда қўйчиликнинг роли айниқса катта. Қўй гўшти этиштириш бошқа турдаги гўшт маҳсулотларига нисбатан арзонга тушади. Негаки, қўйчилик нисбатан кам меҳнат талаб этидиган ва шу билан бирга кўп маҳсулот ҳамда фойда берадиган соҳадир. Қўйчилик маҳсулотлари бирлигини этиштиришга бошқа чорва маҳсулотлари бирлигини этиштиришга нисбатан анча кам меҳнат ҳамда моддий ва пул воситалари сарфланади. Шунинг учун ҳам йиллик сарфларни қоплаш жиҳатидан қўйчилик чорвачиликнинг бошқа тармоқлари ўртасида биринчи ўринда туради. Қўйчилик самарадорлигининг фақат гўшт этиштириш кўрсаткичларинигина чорвачиликнинг бошқа тармоқлари билан қиёслай оламиз. Чунки, ҳамма чорвачилик фермаларида гўшт этиштирилади, жун, қоракўл эса, фақат қўйчилик маҳсулотидир.

Кўп йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, қўйчилик фермаларида етиштирилган гўшт қорамолчилик, чўчқачилик ҳамда паррандачилик фермаларида етиштирилганига қараганда, анча арzonга тушяпти. 2-жадвалда келтирилган маълумотлар бу фикрни тўла тасдиқлайди.

2- жадвал

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида 1965—1970 йилларла етиштирилган тирик вазндан бир центнер гўштнинг таннархи, (сўм ҳисобида)

Йиллар	Колхозларда				Совхозларда			
	қора- кол	чўчқа	қўй	парранда	қорамол	чўчқа	қўй	парранда
1965	126,5	160,4	55,8	135,2	117,5	122,5	58,5	157,1
1966	139,1	164,4	67,4	177,9	125,8	132,7	60,0	160,8
1967	151,9	182,3	65,0	216,7	161,3	145,7	56,1	192,1
1968	148,6	171,5	66,7	165,3	164,1	154,8	57,6	178,4
1969	158,0	187,7	85,2	214,4	198,8	162,2	80,8	208,4
1970	150,8	177,6	78,2	133,2	168,0	141,1	66,6	210,9

Кўриниб турибдики, ўтган беш йилликда колхозларда қўй гўшти етиштириш бошқа тур гўштга нисбатан 2—2,5 баравар арzonга тушган. Совхозларда эса қўй гўшти таннархи қорамол, чўчқа ва парранда гўштиникига қараганда 2—3 баравар паст бўлган. Демак, арzon гўшти етиштиришни кўпайтиришда қўйчиликнинг аҳамияти шубҳасиз жуда каттадир. Бу табиий, албатта.

Чунки қўйлар йил-ўн икки ой асосан табиий яйловларда боқилади, уларни асраш учун жуда кам миқдорда ем-хашак сарфланади. Қўй гўшти етиштиришга, нисбатан, кам миқдорда озиқ бирлиги кетади. Масалан, республикамиз колхозларида, 1970 йили бир центнер (тирик вазнда) қорамол гўшти етиштириш учун 15,3 ц озиқ бирлиги, қўй гўшти учун 13,0 озиқ бирлиги сарфланган. Шунингдек, республикамиз совхозларида мутаносиб равишда: 15,8 ҳамда 13,1 ц озиқ бирлиги сарфланган. Бундан ташқари қўйчилик маҳсулотларини етиштириш учун жонли меҳнат ҳам нисбатан кам сарфланади. Масалан, 1970 йилда республикамиз колхозларида бир центнер қорамол гўштини етиштириш учун 12,8 киши куни сарфланган бўлса, бир центнер қўй гўшти учун 8,1 ёки 36,8% кам киши куни сарфланган. Бунинг боиси шундаки, сўнг-

ги йилларда қўйчилик фермаларида ҳам механизация, фан, техника ютуқлари, прогрессив усуллар кенг қўлла-нилмоқда. Қўйчиликда меҳнат алоқида отарларга бўлиш асосида ташкил этилган, ҳар бир чўпон ўрта ҳисобда 200—250 бош қўй боқади. Шунинг учун ҳам бу ерда маҳ-сулот бирлигига кам миқдорда жонли меҳнат сарфла-нади.

Ана шу ижобий томонлари туфайли қўйчилик бошқа чорва тармоқларига нисбатан сердаромаддир. Республика колхозлари 1970 йилда чорвачиликдан 19130 минг сўм зарар кўрдилар. Бундан, колхозларда чорвачиликнинг барча тармоқлари ҳам фойда келтирмаяпти, деган хуло-са келиб чиқмайди, албатта. Колхозлар чорвачилигининг экономикаси анализ қилинганда фақат қўйчилик ферма-ларигина рентабелли бўлиб, қолган ҳамма тармоқлар: қорамолчилик ҳам, чўчқачилик ҳам, паррандачилик ҳам норентабел бўлиб чиқди. Масалан, республика колхозла-ри 1970 йили чорвачиликнинг қўйчиликдан бошқа соҳа-ларидан 24761 минг сўм зарар кўрган бўлса, шундан 74,4% қорамолчилик ҳиссасига, 13,7% паррандачиликка, 4,7% чўчқачиликка, қолган 7,2% эса чорва маҳсулотлари харид этишга тўғри келди. Қўйчилик фермалари эса рес-публика колхозларига 5 млн. 631 минг сўм соф дэроп-мад — фойда келтирди. Колхозларда қўйчилик рентабел-лиги 15,1% ни ташкил этган ҳолда қорамолчиликнинг за-арарлилик даражаси 15,2% ни, чўчқачиликнинг заарарлиги 20,8% ни, паррандачиликнинг заарарлиги 33,5% ни таш-кил этди.

Қўйчилик совхозларда ҳам катта даромад манбаи-дир. Колхозлардагидек совхозларда ҳам қорамолчилик ҳамда паррандачилик зарар келтиряпти. Совхозларнинг чорвачиликдан кўрган жами зарари 1970 йили 9 млн. 832 минг сўмни ташкил этди. Бунинг 83% қорамолчилик ҳис-сасига тўғри келди. Айни вақтда қўйчилик фермалари совхозларга 14 млн. 558 минг сўм фойда келтирди. Қўй-чилик фермалари келтирган бу соф фойда ҳисобига сов-хозлар бошқа чорвачилик тармоқларидан келган заарар-ни қоплаб, хўжалик йилини чорвачиликнинг ҳамма соҳа-лари бўйича 6 млн. 178 минг сўм фойда билан якунлади-лар. Совхозларда қўйчилик рентабеллиги қарийб 30% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, қўйчилик колхоз ва совхозларимизда сермаҳсул ва сердаромад соҳа сифатида хўжаликлар

экономикасини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ерда биз, қўйчиликни чорвачиликнинг бошқа тармоқларига қарши қўйиш ниятидан узоқмиз, албатта. Аксинча, республикамизнинг жуда кенг ва хилма хил табиий шароитидан қўйчиликни янада ривожлантириш учун кенгроқ фойдаланишга эътиборни жалб этмоқчимиз. Қизилқум даштларида, тоғли ва тоғ этагида жойлашган хўжаликларда қўйчиликни урчитиш, ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Лекин сугориладиган ва лалмикор ерларда жойлашган хўжаликларнинг экономикасини қорамолчилик, чўчқачилик ҳамда паррандачилик тармоқларидан холи ҳолатда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки мазкур соҳалар пахтачилик, дончилик билан яхши ўйғунлашган ҳолда, колхоз ва совхозларга қўшимча катта даромад келтиради.

Шундай қилиб иқтисодий самараదорлик жиҳатидан қўйчилик қишлоқ хўжалигининг аксарият тармоқлариidan, айниқса чорвачиликнинг бошқа соҳаларидан анча устун туради. У бу жиҳатдан, ҳатто пахтачиликдан ҳам қолишимайди, десак муболага бўлмайди. Масалан, 1970 йилда Ўзбекистон колхозларида пахта етиштириш билан боғлиқ ишлаб чиқариш чиқимларининг ҳар 100 сўми ҳисобига 137 сўм ялпи даромад олинди ёки ҳар 100 сўм чиқим ҳисобига 37 сўм соф даромад келди. Совхозларда эса кўрсаткичлар мутаносиб равишда 141 ва 41 сўмни ташкил этди. Энди қўйчилик самараదорлигига эътибор беринг: 1970 йилда республика совхозларида қўйчиликка сарфланган ҳар 100 сўм чиқим ўрта ҳисобда 130 сўм бўлиб қайти, сарфларнинг ҳар 100 сўми ҳисобига 30 сўм соф даромад олинди. Совхозларда чорвачиликнинг қўйчиликдан бошқа тармоқларидан эса сарфланган маблагларнинг ҳар 100 сўми ҳисобига атиги 4,6 сўмдан соф даромад етиштирилди. Бу, қўйчиликдан чорвачиликнинг барча бошқа соҳаларига қараганда 6,5 ҳисса кўп соф фойда олинди, демакдир.

1970 йили республика колхозларида чорвачилик умуман катта зарар билан якунланди. Натижада ҳар 100 сўм чиқим ҳисобига 8 сўм зарар кўрилди. Фақат қўйчилик фойда билан якунланиб ҳар 100 сўм чиқимлар ҳисобига ўрта ҳисобда 15 сўм фойда келтирди.

Кўйчиликнинг иқтисодий самараси юқорилиги шубҳасиз, албатта. Лекин шундай бўлса-да қўйчилик экономикасининг кўрсаткичлари ҳам талабларга жавоб бер-

майди. Айниқса колхозларда бу соғанинг самарадорлиги ҳамон анча паст. Чунончи, республика совхозларида қўйчиликдан колхозларга қараганда 2—2,5 баравар кўп фойда олиняпти.

1965—1970 йиллар мобайнида республикамизнинг колхоз ва совхозларида 641 млн. 568 минг сўмлик, жумладан колхозларда 268098 минг сўмлик, совхозларда 373470 минг сўмлик ялпи қўйчилик маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

3- жадвал

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида етиштирилган қўйчилик ялпи маҳсулоти

Йиллар	Колхозлар		Минг сўм	Чорвачиликнинг ялпи маҳсулотидаги салмоғи, %	Чорвачиликнинг ялпи маҳсулотидаги салмоғи, %
	Минг сўм	Чорвачиликнинг ялпи маҳсулотидаги салмоғи, %			
1965	40 975	23,4	63 875	54,1	
1966	42 658	22,9	61 444	52,4	
1967	44 887	22,9	64 970	54,5	
1968	46 421	23,0	64 167	53,8	
1969	42 232	21,7	52 820	49,6	
1970	50 925	23,3	66 194	54,1	
Жами 6 йилда	26 8098	22,8	373 470	53,0	

Қўйчилик ялпи маҳсулоти колхозлар чорвачилиги ялпи маҳсулотининг 22—23% ини, совхозларда эса 50—54% ини ташкил этди.

Колхоз ва совхозлар соф даромадида қўйчиликнинг ҳиссаси яна ҳам юқоридир. 1970 йили давлатга чорва маҳсулотлари сотишдан келган соф даромаднинг колхозларда 42,1%, совхозларда эса 59,2% қўйчилик ҳиссасига тўғри келди. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд областларининг колхоз ва совхозларида қўйчиликнинг чорвачилик соф даромадидаги салмоғи 60—75% ни ташкил этади.

Қўйчиликка ихтисослашган колхоз ва совхозларда йиллик даромаднинг 90—98% и қўйчиликтан олинади. Масалан, фақат қоракўл қўйларини урчишишга ихтисослашган Бухоро обlastининг Томди район колхозларида йиллик даромаднинг 98% и қоракўлчилик фермалари ҳиссасига тўғри келади. Худди шунипгдек, «Конимех», «Нурота», «Нишон», «Коммунизм», «Октябрь 40

йиллиги» ва бошқа совхозларда қўйчилик асосий, тўғрироғи, ягона даромад манбайдир.

Юқорида баён этилганларга якун сифатида айтиш мумкинки, қўйчилик Ўзбекистон чорвачилигининг етакчи ва сердаромад тармоғидир. Шунинг учун республика колхоз ва совхозларида қўйчиликни тобора жадал суръатлар билан ривожлантиравериш керак.

Қўйлар туёгини кўпайтиришда, қўй гўшти, жун ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни юқори суръатлар билан ривожлантиришда ҳар бир қўйчилик хўжалигига ички резервлардан оқилона фойдаланишининг аҳамияти катта. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, агар Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ҳар йили олинадиган қўзинларнинг миқдорини фақат бир процент кўпайтиришни таъминласалар, фақат шу ҳисобга республикамиизда қўйлар сони 40 мингтага ўсиши мумкин. Шунча қўзини ўстириб ва семиртириб гўштга топширилса, бу қўшимча равишда 2 минг тонна гўшт етиштирилди, демакдир.

Қўй гўшти етиштириши кўпайтиришнинг яна бир муҳим манбай — гўшт учун ажратилган ҳар бир қўйни талаблар даражасидаги тирик вазнга етказиши таъминлашдир. Қўй гўшти етиштиришни фан ютуқлари ва илғор тажриба асосида ташкил этиш гўшт учун давлатга топшириладиган ҳар бир қўйнинг ўртacha тирик вазнини 39 кг. дан (1970 й.) 42—44 кг. ва бундан юқори вазнга етказиш гаровидир.

Сўгги йилларда республикамииз давлатга жун сотиш планини муваффақиятли бажариб келмоқда. Лекин, бу соҳада ҳам катта резервлар мавжуд. Она қўйлар маҳсулдорлигини ошириш — жун етиштиришни кўпайтиришнинг ҳам муҳим омилларидандир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамиизда қўйчиликнинг асосий тури қоракўлчиликдир. Қоракўлчиликнинг асосий маҳсулоти қоракўл терилари экан, ҳар бир хўжаликда она қўйлардан максимал миқдорда қўзи олишини таъминлаш қоракўл териларини кўпайтиришнинг асосий манбайдир. Республикаимиз колхоз ва совхозларида 2 млн. 520 минг бош совлиқ қоракўл қўйлари бор. Уларнинг ҳар юз бошидан биттадан ортиқча қўзи олинганда ҳам қўшимча равишда 12 мингта қоракўл тери етиштириш мумкин. Давлат харид баҳоларида ҳисобласак, шу туфайли 204 минг сўм қўшимча даромад келади.

Харажатларни тежаш соҳасида ҳам резервлар кўп. Ўзбекистонда қўйчилик йирик колхоз ва совхозларда мужассамлашган. Бу хўжаликларнинг фермаларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ёки иқтисод тилида ифодалаганда, ишлаб чиқариш чиқимлари 1970 йилда 106,8 млн. сўмни ташкил этди. Ана шу ишлаб чиқариш сарфларини атиги бир процентга камайтиришга эришилса, колхоз ва совхозлар фақат қўйчилик соҳасидаги тежамнинг ўзидан бир миллион сўмдан ортиқ қўшимча даромадга эга бўладилар.

Қўйчилик фермаларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари кўп ва хилма-хилдир. Шу билан бирга, қўйчиликни фақат комплекс тадбирлар воситасидагина интенсив ривожлантириш мумкин. Бунинг учун, фермаларда қўйларни озиқлантириш ва асраш, сунъий қочириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш сингари ишларни фан ва техника ютуқлари асосида бир-бiri билан боғланган ҳолда амалга ошириш тақозо этилади. Ривожланиш даражаси ҳолига қадар ташки мухитга боғлиқ бўлган қўйчиликни комплекс ривожлантиришнинг бу тадбирларини изчиллик билан амалга оширишда чўпонларнинг роли жуда катта.

Бугунги чўпон — бу, бой тажриба эгаси бўлиш билан бирга, маълумотли, билим доираси анча кенг, зоотехника фани ютуқларидан хабардор кишидир. Чўпонлар қўйларни асраш, озиқлантириш ишлари билан банд бўлибгина қолмай, техникани бошқарадилар, қишига ем-хашак, қўйлар учун иссиқ жойлар тайёрлайдилар, чорва биноларини ремонт қилишда иштирок этадилар. Қўйчилик фермаларининг мудирлари, бригадирлари, бош чўпонлар ҳозирги кунда қўйларни сунъий урчитиш, механизация воситасида жун қирқиш, қўзилатиш, қўзиларни бонитировка қилиш, қоракўл териларини биринчи бор ишлаш ва уларни саралаш сингари барча жараёнларга ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга муваффақиятли раҳбарлик қилаётирлар. Фермалар ички хўжалик ҳисобига қўчирилиши муносабати билан чўпонлар моддий ва пул сарфларини ўз назоратларига олдилар. Энди чўпон, илгаригидек оддий қўйбоқар эмас, турли касб эгасидир. Чўпон — тракторчи, чўпон — ме-

ханизатор, чўпон — сунънӣ қочириш бўйича техник, чўпон — электр асбобда жун қирқувчи, чўпон — жунни сортларга ажратувчи, чўпон — қўзиларни бонитировка қилувчи, чўпон — қоракўл терини ишлаб, сортларга ажратувчи ва ҳоказо. Шундай экан, қўйчилик фермаларининг фаолияти, ютуқлари, келажаги чўпонларнинг қобилиятига, ишбилармонлигига, раҳбар чорвадорларнинг ташкилотчилик қобилияти ва ташаббускорлигига боғлиқдир.

Бизга замондош чўпон қиёфасини яхши тасаввур этиш учун Қашқадарё области Деҳқонобод районидаги «Ленинизм» колхозининг бош чўпони Отабой Бекқулов эришган ютуқлар билан танишиш кифоя. 1970 йили Отабой Бекқулов раҳбарлик қилаётган отарда ҳар 100 бош совлиқдан 222 бош қўзи, ҳар бир бош кўйдан 3,5 кг. дан жун олинди. Унинг отарида қўйлар нобуд бўлмайди, чунки доим ўрта ва ўртадан юқори семизликда асралади.

О. Бекқуловнинг ютуқ ва тажрибалари қўйчилик хўжаликларида ҳали жуда катта ички резервлар борлигини кўрсатади. Улардан оқилона фойдаланилса, қўзи олишни ва қўйлар сонини жадал суръатлар билан кўпайтириш, янада кўплаб арzon қўй гўшти, жун, қоракўл тери ва бошқа маҳсулотлар етишириш мумкин.

Сўнги йилларда бу соҳада анча ишлар қилилди. Фермаларнинг ем-хашак базаси мустаҳкамланди, талайгина ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилди, кадрлар малакаси оширилмоқда, қишлоқ хўжалиги, жумладан зоотехника фанлари ютуқлари кенг қўлланилмоқда. Лекин бу ишлар кўлами уларнинг самарадорлиги бугунги кунларнинг талаблари даражасида эмас, булар қўйчилларнинг экстенсив ҳолатидан интенсив ривожланиш йўлига ўтиши учун зарурий даражада замин яратишга камлик қиласди.

Қўйчилик экономикасини юксалтириш манфаатлари бу соҳага капитал маблағлар сарфини кўпайтиришиш тақозо этяпти. Капитал маблағ сарфлаш даражаси билан танишайлик: 1969 йили республика колхозларида чорвачиликни ривожлантириш учун 1965 йилга нисбатан 24376 минг сўм кўп капитал (асосий воситаларда ифодаланган) маблағ қўйилди. Шу давр ичida чорва маҳсулоти етишириш 19155 минг сўмга кўпайди. Бошқача қилиб айтганда сарфланган капитал маблағ-

ларнинг иқтисодий самарадорлиги 78,5% ни ташкил этди.

Энди қўйчиликка келсак, бу соҳада капитал қўймалар самарасини қоракўлчиликка ихтисослаштирилган алоҳида олинган бир район колхозлари мисолида кўрсатишга тўғри келади. (Бунинг сабаби шундаки, колхозларнинг йиллик ҳисоботларида чорвачиликнинг айрим тармоқлари бўйича капитал маблағ сарфлари ҳисоби берилмаган).

1965—1969 йиллар мобайнида Бухоро областининг Томди райони колхозларида 729 минг сўм капитал маблағ сарфланган. Шу давр ичидаги қўйчиликнинг ялпи маҳсулоти 863 минг сўмга ортган. Демак, қўйчиликни ривожлантириш учун сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги 118,3% ни ташкил этади. Бу юқорида республика колхозлари бўйича келтирилган шу хилдаги кўрсаткичга нисбатан 39,8% юқоридир.

Капитал қўймалар чорвачиликнинг бошқа тармоқларига қараганда қўйчиликда анча юқори самара беришини ихтисослашган қўйчилик совхозлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Бухоро обlastidagi «Коммунизм» қоракўлчилик совхозини олиб кўрайлик. Бу хўжаликда охирги беш йилликда (1965—1969 й.) асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган капитал қўймаларнинг миқдори 343,5 минг сўмга кўпайган ҳолда, қўйчиликнинг ялпи маҳсулоти шу даврда 700,9 минг сўмга ортди. Бинобарин, капитал қўймаларнинг самарадорлиги бу хўжаликда 204,1% ни ташкил этди ёки бошқача айтганда, капитал фойдалилиги икки баравар, унинг сарфи даражасидан икки марта юқори бўлди.

Бу мисоллар қўйчиликда етиштирилган қўшимча маҳсулот ҳисобига капитал қўймалар ўзини ўзи жуда тез қоплашининг яққол исботидир. Бинобарин, қўйчиликка капитал қўймалар солишини кўпайтириш — бу соҳадан маҳсулотлар етиштиришни жадал суръатлар билан кўпайтириш гаровидир.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездидан 1971 — 1975 йилларда республикада гўшт етиштиришни 1,3 марта, жунни 1,2 марта, қоракўл терини 1,42 марта кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу шарафли вазифани ортиғи билан бажаришда қўйчиликни интенсив ривожланув-

чи тармоққа айлантириш, бунинг учун эса, юқорида кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ҚУИ БОҚИЛАДИГАН ТАБИИЙ ЯИЛОВЛАР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Маълумки, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қўйлар асосан чўл ва адирларда боқиласди. Бу яйловларнинг майдони қарийб 211 млн. гектарни, яъни бутун мамлакатимиз территориясининг 10 % ини ташкил этади. Узбекистон чўл ва адир яйловларининг асосий қисми республиканинг гарбий ва шимоли-гарбидаги текисликларидан ташкил топган бўлиб, хўжалик тилида Қизилқум деб юритилади. Узбекистон чўл яйловлари таркибига Қорақалпоғистоннинг Уст-Юрт майдони ҳам киради. Та биийки, бу бепоён кенгликларда ястаниб ётган яйловларнинг тупроқ шароити, ўсимлиги, иқлими хилма-хилдир. Жойларнинг ўзига хос конкрет шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, у ерда қўйчиликни ташкил этиш — ташки муҳитнинг инжиқлигига, табиий оғатларга қарши курашнинг қулай омиллари комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этиш демакдир. Бу мақсад чўл ва адирларнинг хилма-хил шароитини ҳар томонлама музфассал ўрганишни тақозо этади.

Сўнгги йиллар давомида Ўрта Осиёда, жумладан, Узбекистонда қўйчиликнинг озиқ базасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида чўл, ярим чўл, адир ва тоғли зоналардаги яйловлар олимлар ва мутахассислар томонидан синчиллаб ўрганилди. Олиб борилган текшириш натижалари асосида қўйчилик фермалари ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш резервлари аниқланди. Айрим яйловларнинг майдони, чегараси аниқланди, яйловларда ўсадиган ўтларнинг турлари, хусусиятлари ўрганилди, улардан қайси мавсумда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида ягона фикр ишлаб чиқилди.

Яйлов хўжалигини ташкил этишнинг муҳим масаласи — унинг мол боқиш учун яроқлилигини тўғри белгилашдан иборатдир. Бу муаммонинг ҳал этилиши эса ўз павбатида, ана шу яйловларда ўсадиган ўтлар турига, табиий шароитига боғлиқдир. Маълум яйловда қандай молларни ва қайси мавсумда боқиш мумкинлиги унда-

ги ўтларнинг тури ва хусусиятидан ташқари, қалинсийраклигига, сув билан таъминланишига, чунончи, ер усти ва ер ости сувларининг сифати ва миқдорига қараб ҳал этилади.

Яйловлардан рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг серўтлиги, рельефи ва иқлим хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, хўжалик аҳамияти нуқтаи назаридан, бир-бирига яқин бўлган яйловлар айrim группаларга бирлаштирилган. Масалан, ҳозирги вақтда чўл, ярим чўл, адир, тоғ ва баланд тоғ яйловлари мавжуддир. 4-жадвалда келтирилган маълумотларнинг гувоҳлик беришича мавжуд 23022,3 минг гектар яйловнинг 83% и чўл ва ярим чўллардан, 10,3% и адирлар ва ниҳоят, қолган 6,7% и тог ва баланд тоғ яйловларидан иборатдир. Кўриниб турибдики, яйловларимизнинг аксарияти чўл ва ярим чўл ўтлоқлар бўлиб, улардан қоракўлчиликда асосий озуқа базаси сифатида фойдаланилади.

4- жадвал

Ўзбекистонда яйлов турларининг майдони ва салмоғи

Яйловлар	минг гектар	%
Ўзбекистоннинг ҳамма ер майдони . . .	46064,7	X
Шундан яйловлар	23022,3	100
Шу жумладан: чўл ва ярим чўл яйловлар	24,7	83,0
адирлар	3,1	10,3
тоғ ва баланд тоғ яйловлари	1,9	6,7

Чўлларда қоракўл қўйларидан бошқа молларни асрарш, урчитиш амри маҳолдир. Сабаби маълум: бу ерларда иқлим жуда қуруқ, ёз иссиқ, ҳавонинг ҳарорати сояда 40—46 даражага ва бундан ҳам юқори бўлади. Бунинг устига қўйларнинг тинкасини қуритадиган гармселлар тез-тез эсиб туради. Чўл ва адирларнинг қиши совуқ бўлади, ҳавонинг салбий ҳарорати 20—25 даражагача пасаяди. Январь ойида эса 30—34 даражага совуқ бўлади. Чўлда қуруқчиликнинг яна бир ифодаси — ёғингарчиллик кам бўлади. Ёз фаслида ёғингарчиллик деярли бўлмайди. Ииллик ёғингарчилар асосан март апрель ойларида ёгади. Умуман, бир йиллик ёғин миқдори 95—105 мм. дан ошмайди. Тог олди яйловларида эса 300—400 мм. атрофида ёғин тушади.

Чўл ва адирларда ёғин ҳар йили ҳар хил миқдорда ёғади. Шу сабабли ўтлар турлича ўсади, табиий хашак ҳосили, йилига ўзгариб туради. Бу эса чорвачиликни бир меъёрда ривожлаптиришга тўсқинлик қиласди.

Чўл ва ярим чўл яйловларда табиий ўтларнинг ҳосили иқлим ва ёғиндан ташқари, тупроқнинг химиявий, физикавий ва бошқа хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб, чўлларни қумлоқ, тошлоқ, соз тупроқли ва шўрхок тупроқларга ажратиш қабул қилинган. Буларнинг ҳар қайсисида ўзига хос табиий ўсимликлар ўсади. Умуман қоракўл қўйлар боқиладиган асосий раёнлардаги яйловларда одатда эфемер ўтли, ярим бута-эфемер ўтли, шувоқ-эфемер ўтли, йирик эфемер ўтли группаларига мансуб табиий ўтлар ўсади. Яйловларнинг номлари ҳам мана шу группаларни ташкил этувчи ўсимликлар номи билан юритилади.

Эфемер ўтли яйловлар асосан тоғ этакларидағи адирларда ястаниб ётади. Адирларда табиий ўтларнинг кўп қисмини ташкил этувчи эфемерлар эрта кўклиамда яхши ривожланиб, май ойида қурийди. Уларнинг аксарияти кузда янгидан кўкаради. Бу қўйларни кузда семиртириш учун боқишида муҳим озуқа ҳисобланади. Шунинг учун эфемер ўтли яйловлардан ҳам кўклиам, ҳам кузда фойдаланиб, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Эфемер ўтлардан саҳро қиёғи (ранг ёки қорабош), кум қиёғи (илак), қўнғирбош, ялтиробош арпағон, қилқон, қилтиқ, оқчипор, қорамашоқ, нўхаток кабиларни қўйлар жуда яхши ейди. Уларнинг сифати, тўйимлилиги яхши бўлади. Булардан ташқари кўкламги эфемер ўтлар ўсадиган яйловларда йирик пояли ўтлар ҳам кўп учрайди. Масалан, янтоқ, каррак, қўзиқулоқ, оққўрай ва бошқалар. Ўсимлиги йирик пояли ўтлардан ташкил топган яйловларнинг ҳосилдорлиги анча юқори бўлиб, улардан қиши учун хашак ғарамлари барпо этилади. Шу нуқтаи назардан йирик пояли ўтлар кўпчилик хўжаликларда катта аҳамият касб этади.

Яйлов хўжалигига ўтсимон бута ўсимликларга бой ўтлоқлар муҳим роль ўйнайди. Бу яйловларда асосан, бир йиллик камшира ва сершира шўра ўтлар, дағал пояли ўтлар, чала бута ва буталардан иборат озиқбоп ўсимликлар кўп ўсади. Буларнинг энг муҳимлари — кумаржик, эбалак, сема, йирик селин, чалов, баргсию

қизилчадир. Бу ўсимликлар қумли ерларда кўп учрайди. Умуман шуни айтиш керакки, қумли ерлардаги яйловлар ўзининг хилма-хил ўсимликлари ва уларнинг озиқбоп сифати жиҳатидан қўй ва тия боқиш учун энг яхши яйловлар ҳисобланади. Чунки улардан ўтлоқ сифатида йил давомида фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон терриориясида шўра ўтли яйловлар ҳам бор. Лекин улар бошқа яйловлар, чунончи, соз тупроқли саҳролардаги шувоқ эфемер ўтли яйловлар орасида алоҳида майдончалар тарзида учрайди. Бундай яйловларда бир йиллик шўра ўтлари ўсади. Улар ялтиробош, арпағон, қадамашоқ, читир каби эфемер ўтлар билан ҳам аралашиб ўсади. Шўра ўтларни қўйлар фақат куз ва қиши фаслларида яхши ейди, чунки, ёз, ҳатто баҳорда бу ўтлар жуда шўр бўлади, шунинг учун моллар емайди. Бундай яйловлардан қўйларни қиши олдидан семиртириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тоғ этаклари ва тоғлардаги яйловларда ҳам хилма-хил ўтлар ўсади. Бу ерларда кўклам молларнинг ҳамма турини, ёзда эса фақат қўй боқиш мумкин.

Қўйчилик фермаларининг кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимлари бу табиий ўсимликларнинг хусусиятларини, фойдали томонларини яхши биладилар. Яйловларда йилнинг айрим фаслларида ўсадиган асосий ўсимликларнинг турларини ҳамда уларнинг тўйимлилик даражасини чуқур билиш — мавжуд ўтлоқлардан планли ва унумли фойдаланишни йўлга қўйишининг асосий гаровидир. Шу сабабли чўл ва адирлардаги асосий ўсимликларнинг тўйимлилик даражасини ифодаловчи маълумотларни беришни лозим кўрдик (5-жадвал).

Тоғ этакларида жойлашган адирларда ўсадиган арпағон, ялтиробош, қўнғирбош, нўхатак, илак, ранг, читир ва бошқа ўтлар юқорида таъкидлангандек, асосан, баҳор ўрталарида жуда тўйимли озиқ ҳисобланади. Буларнинг бир килограмм қуруқ хашагида кўкламда 0,70—0,83 озиқ бирлиги бўлади. Лекин ёз, куз, айниқса қиши фаслларида уларнинг тўйимлилиги кескин камайиб, ҳатто 0,3—0,35 озиқ бирлигидан юқори бўлмайди. Ўртacha йиллик тўйимлилик даражаси 0,48—0,53 озиқ бирлигини ташкил этади.

Кўкламдан ҳатто кузгача узоқ вақт ўсадиган ажриқ, каррак, чалов, селин, эбалак, янтоқ каби дағал пояли ўсимликларнинг тўйимлилиги ўрта ҳисобда бир

**Ўзбекистон яйловларининг ҳосилдорлиги ва мавсумийлиги
(А. И. Гранитов ва И. А. Кейзер маълумотлари, 1959 йил)**

Яйловларниң типлари	Бир мавсумда фойдаланишда ўт-хашак ҳосили, гектаридан ц.					Чорва молларининг қағиси турини боқишга яроқли				
	кўк- ламда	ёзда	кузда	кишда	йилки- лар	кора- мол	коракўл қўйлари	думбали қўйлар	туялар	
Текисликдаги яйловлар										
Тизма қумтепалардаги оқ саксо- вул, пастликларнда шувоқ ўса- диган яйловлар	1,5	1,0	2,0	2,0	—	—	кўкламда- ва қишида	кишда	йил бўйи	
Кум тепаларида жузегун, паст- ликларнда илак ва шувоқ ўса- диган яйловлар	2,5	1,5	2,0	2,0	—	—	йил бўйи	кишда	йил бўйи	
Рельефи ҳар хил бўлган энч қумлардаги сингрен ўсадиган яйловлар	2,5	1,5	2,0	2,0	—	—	йил бўйи кузда ва	—	йил бўйи	
Қора саксовул ўсадиган яйлов- лар	0,5	0,5	2,0	2,5	—	—	кишида	—	кузда ва	
Қумлоқ тупроқли ерлардаги бая- лич ўсадиган яйловлар . . .	1,5	2,0	2,0	2,0	—	—	Ёзда ва кузда	кишда	йил бўйи	
Кам шўрланган қумлоқ тупроқ- ли ерлардаги янтоқ каби да- ғал ўтлар ўсадиган яйловлар			1,0				кузда ва кишида	кузда ва	кузда ва	
Тақир тупроқли ерлардаги дона- шур ўсадиган яйловлар . . .	0,5	0,5		2,0	—	—	кузда ва кишида	кишда	кишида	
	—	—	0,5	0,5	—	—	кишида	—	—	

Яйловларнинг типлари	Бир мавсумда фойдаланишда ўт-харак ҳосили, гектаридан ц.				Чорва молларининг қайси турини боқишга ироқли				
	кўк- ламда	ёзда	кузда	қишида	йилки- лар	қора- мол	қора кўл қўйлари	думбали қўйлар	туялар
Шўрхок тупроқли ерлардаги сар- сазон ўсадиган яйловлар	—	—	0,5	0,5	—	—	—	—	кузда
Дарё водийларидаги шўрланган тупроқли ерлардаги ажриқ ўса- диган яйловлар	2,5	2,5	2,5	2,5	кузда ва қишида	йил бўйи	кузда ва қишида	йил бўйи	
Кўмлоқ ва қумоқ ту роқли ер- лардаги шувоқли яйловлар	3,0	2,0	3,0	3,5	—	—	қиши, кўк- лам ва кузда	қиши, кўк- лам ва кузда	йил бўйи
Гипсли ерлардаги буюргун ўса- диган яйловлар	—	—	1,5	1,0	—	—	—	—	кузда
Гипсли ва хрящчли тупроқли печаксимон ўтлар ўсадиган яйловлар	1,0	1,5	1,5	1,0	—	—	ёзда ва кузда	—	ёзда ва кузда
Қумоқ тупроқли эфемер ўтлар ўсадиган яйловлар	2,5	2,0	2,0	1,5	кўклам- да	кўклам, ёзда	кўклам ва кузда	қиши, кўк- лам ва кузда	кўкламда
Дарё волниларидаги юлғин, ўса- диган яйловлар	2,0	2,0	2,0	2,0	йил бў- йи	йил бўйи	йил бўйи	йил бўйи	йил бўйи
Қамиш, қизилмия кабп дағал յўтлар ўсадиган тўқай яйлов- лар	4,0	3,5	3,5	4,0	йил бў- йи	йил бўйи	—	—	—

Яйловларнинг типлари	Бир мавсумда фойдаланишда ўт-хашак ҳосили, гектаридан ц.				Чорва молларининг қайси турини боқишига яроқли				
	кўк- ламда	ёзда	кузда	кишда	йилки- лар	қора- мол	қора кўл кўйлари	думбали кўйлар	туялар
Тоғ этакларидаги яйловлар									
Шўрланмаган тупроқли эфемер ўтлар ўсадиган яйловлар . . .	3,5	3,0	2,5	1,5	кўклам- да	кўклам- да	кўклам, ёз ва қишила кўклам.	кўклам, куз ва қўпшда	кўкламда
Шувоқ ўсадиган яйловлар . . .	3,5	2,5	4,0	3,0	кўклам ва кузда	кўклам- да	ёз ва кузда	кўклам ва қишида	кўкламда
Буталар ўсадиган тўқай яйлов- лар	4,0	3,5	3,5	4,0	кўклам йил бўйи	кўклам йил бўйи	ёз куз қишида	йил бўйи	ёз, куз. қишида
Қамиш, янтоқ каби дағал ўтлар ўсадиган яйловлар	4,0	3,5	3,5	4,0			—	—	—
Тоғ ва баланд тоғ яйловлари									
Тоғ-чўлдаги галласимон ўтлар ва шувоқли яйловлар . . .	3,0	5,0	3,0	—	ёзда, кузда	ёз, кузда	ёз, кузда	ёз, кузда	—
Тик ёнбағирлардаги галласимон ўтлар ўсадиган яйловлар . .	4,0	6,0	4,0	—	ёз, куз	ёз, куз	ёз, куз	ёз, куз	—
Буталар билан бирга галласи- мон ва ҳар хил ўтлар ўсади- ган яйловлар	2,0	3,0	2,0	—	ёзда	ёзда	ёзда	ёзда	—

Яйловларнинг типлари	Бир мавсумда фойдаланишда ўт-хашак хосили, гектарнада ц.				Чорва молларининг қайси турини боқиншга яроқли				
	кўк- ламда	ёзда	кузда	қишида	йилки- лар	кора- мол	кора кўл кўйлари	думбали кўйлари	туялар
Арчалар билан биргага ҳар хил ўтлар ўсадиган яйловлар	—	5,5	—	—	ёзда	ёзда	ёзда	ёзда	—
Тулкиқуриуксимои ўтлар ўса- диган яйловлар	—	2,0	—	—	ёзда	ёзда	ёзда	ёзда	—
Ҳар хил ўтлар ўсадиган субальп яйловлар	—	1,5	—	—	ёзда	ёзда	—	ёзда	—
Ксерофитлар (қурғоқчиликка чи- дамли ўтлар) ўсадиган төғ яй- ловлар	—	1,5	—	—	ёзда	ёзда	—	ёзда	—
Альп яйловлари	—	2,0	—	—	ёзда	ёзда	—	ёзда	—

Яйловдан бошқа участкалар									
Сугориладиган экин майдонлари орасидаги бўз ва партов ер- лар	1,0	2,0	2,0	2,0	йил бўйи	йил бўйи	—	йил бўйи	—
Палмиқор экин майдонлари ора- сидаги бўз ва партов ерлар .	2,0	2,5	2,0	2,0	кўклам ва кузда	кўклам ва кузда	кўклам, ёз, кузда,	кўклам, куз, қишида	—

йилда 0,31—0,46 озиқ бирлигини ташкил этган ҳолда, кўкламнинг иккинчи ярмида ва ёзда анча юқори — 0,40—0,70 бўлади.

Бир йиллик шўра ўтлардан балиқкўз, донашур, қуянжун, сета, харидандон ўсимликларининг тўйимлилиги фақат ёзда юқори бўлиб (0,47), қолган фаслларда пасаяди. Ўртacha йиллик тўйимлилик даражаси 0,31—0,32 озиқ бирлигини ташкил этади.

Ярим бута ва буталарнинг, чунончи, оқпечак, қандим, шувоқ, оқ ва қора саксовул, черкез, чогонларнинг тўйимлилик даражаси кўкламнинг иккинчи ярмида энг юқори, яъни 0,40—0,66 озиқ бирлиги атрофида бўлади. Иилнинг бошқа фаслларида кескин камаймаса ҳам, ҳар ҳолда пасайиш томонга силжиш юз беради ва ўртacha йиллик тўйимлилиги 0,31—0,47 озиқ бирлигини ташкил этади.

Яйловда ўсадиган ўтларнинг турлари ва тўйимлилигини билишнинг зарурияти шундаки, агар бу маълумотларга эга бўлинса, бир гектар яйловда қанча қўй боқиши мумкинлигини тезда аниқласа бўлади. Бундан ташқари ўтлар тўйимлилиги фасллар бўйича ўзгариб туришини, айниқса, уларнинг тўйимлилиги куз ва қиш фаслларида камайиб кетишини билиш — бу вақтда қўйларни фақат қўшимча ем-хашак бериб туриш йўли билангина тўйдириб боқиши мумкин, деган тўғри хulosага олиб келади.

Қўйларнинг қишида нобуд бўлиши ёки ориқлаб кетишига йўл қўймаслик учун уларни олдиндан тайёрлаб қўйилган ем-хашак билан қўлдан озиқлантириш зарур экан, яйловларда шувоқ, янтоқ, каррак, изен, қиёқ каби пичанбоп ўсимликлардан ғарамлаш мақсадга мувофиқдир.

Соз, тупроқли, қумли, тошли ва шўрхок тупроқли текисликлардаги яйловларда мол ейдиган ўтларнинг тури 200 га етса ҳам, уларнинг кўпи сийрак ўсади.

Текисликлардаги яйловларга қараганда тоғ этакларидаги яйловларда ўтлар қалин ўсади ва уларнинг турлари кўп бўлади. Чунки бу яйловларда қумлоқ тупроқли ва шўрхок ерлар бўлмайди. Ўсимликларнинг тўйимлилиги ҳам, ҳосили ҳам анча юқори бўлади. Тоғ этакларидаги яйловларда ўтлоқлар кўкламда мол учун яхши бўлиб, кузда ўтлар анча камаяди. Ёғин яхши

ёкқан йилларда бу ерларда жуда күп миқдорда пичан тайёрлаш мумкин.

Энди, тоғ ва баланд тоғлардаги яйловларга келсак, бу жойлар туялардан бошқа ҳамма молларни ёзда боқиши учун жуда қулайдыр. Чунки тоғ яйловларида ўсадиган буғдоиқ, бетага, қўнғирбош, йўнғичқа, шувоқ, занжобил каби ўтларни ҳамма моллар яхши ейди. Лекин шуни қайд этиш зарурки, тоғ яйловларининг аксарияти тик ёнбағирларда ўсадиган арча ва наъматак каби дараҳт ва буталар орасида жойлашган. Бу ерларда қоялар ва тош уюмлари молларни ҳайдаш ва ўтишини анча қийинлаштиради.

Ўзбекистонда тўқайлар ҳам анчагина. Тўқайлар ўсимлиги бир хил эмас, кўпинча қамиш, нордон ўтлар, қизилмия, янтоқ ўсади. Шунингдек, ўтлар билан бирга жийда, туранга, жинғил каби дараҳт ва буталар ҳам кўп учрайди. Тўқайлардан, асосан, қорамоллар учун фойдаланилади.

Яйлов сифатида лалмикор ерлардан ҳам фойдаланилади. Айниқса, кузда лалмикор ерлардаги анғизлар моллар учун муҳим озиқдир. Ўзбекистонда 1970 йил маълумотлари бўйича 1327,5 минг гектар лалмикор ерлар мавжуд бўлиб, уларда дон етиширилади. Кузда дон ўриб олингач, бу ерларда қўй ва бошқа моллар бўлилади.

Ўзбекистонда қўйчиликнинг табиий озиқ базаси билан танишар эканмиз, хулоса сифатида шуни айтиш зарур. Қоракўл қўйлар боқиладиган асосий яйловлар текисликда жойлашган, мазкур яйловлар йил бўйи фойдаланиш учун яроқлидир, чунки қоракўл қўйлар ёзнинг иссиғида ҳам, қишининг совуғида ҳам ўтлаб, қуриб қолган ўтларни еб, ҳаёт кечираверади. Ҳисор ва жайдари қўйлар эса кўкламда текисликдаги яйловларда ўтлатилгач, аста-секин тоғли яйловларга ҳайдалиши зарур. Чунки, тоғ ҳавоси ёзда жазира маънни бўлмайди, бинобарин, кўк ўтлар кузнинг деярли ўртасигача ўсиб туради.

Текисликдаги, тоғ этагидаги ва тоғлардаги яйловлардан тўғри фойдаланиш моллар семизлигини ўрта ва ўртадан юқори даражада бўлишини таъминлайди. Бу эса уларнинг ноқулай шароитларга нисбатан чидамлилигини оширади, нобуд бўлишининг олдини олади.

Иттифоқимизда қўйларнинг 70 дан ортиқ зотлари боқилади. Улардан хилма-хил маҳсулотлар олинади. Фақат берадиган маҳсулотларига қарабгина эмас, балки урчитиш, озиқланиш, асраш, ҳамда биологик хусусиятларига қараб ҳам, айrim зотларга мансуб қўйлар бир-бирларидан кескин фарқ қиласди. Лекин шундай бўлсада, қўйларнинг у ёки бу зотга мансублиги улар берадиган асосий маҳсулотга нисбатан аниқланади. Масалан, майин жунли қўйларнинг асосий маҳсулоти — майин жун, қоракўл қўйлариники — қоракўл тери, Ромонов зотли қўйларники — пўстинбоп тери бўлса, думбали қўйларники — мазали ва юқори сифатли гўштдир. СССР да урчитиладиган ҳамма зотга мансуб қўйлардан олинидиган маҳсулотларнинг асосий турига қараб, уларни айrim группаларга ажратишдек мураккаб, лекин хўжалик нуқтаи назаридан ўта зарур ва муҳим иш, биринчи бор академик М. Ф. Иванов томонидан бажарилган. Натижада майин жунли, ярим майин жунли, дағал жунли қўйлар группалари аниқланган. Шу билан бирга айrim зотларга ва зотлар группасига мансуб қўйларнинг жойланиши, яъни асосий урчитилиш районлари, зоналари ҳам аниқлаб берилган. Бундан мақсад, қўйчиликни ривожлантириш истиқболини режалашда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қўйчилик фермаларида ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартириш сингари қўйчилик иқтисодий самарадорлигини таъминловчи амалий тадбирларни ишлаб чиқишида жойлардаги табиий шароитлардан ҳар бир зонанинг ўзига хос ички резервларидан тўла фойдаланишдан иборатdir.

Иттифоқимизда қўйчиликнинг олтита асосий йўпалишлари ва зоналари бор. Шулардан бири дағал жунли қоракўл ва думбали қўйлар урчитиладиган зонадир. Территориал жиҳатдан бу зона, асосан Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда Қозогистоннинг жанубий областларидан ташкил топгандир.

Ўзбекистон иттифоқимизда дағал жунли қоракўл ва думбали қўйлар урчитадиган зонага кирса ҳам, бу ерда майин жунли, ярим майин жунли зотларга мансуб қўйлар ҳам боқилади. 1969 йил бошида республикада моллар зоти бўйича ҳисобга олинди. Бу ҳисоб якуни шуни кўрсатдики, дағал ва ярим дағал жунли зотлардаги қора-

қўл, жайдари, ҳисор, саражи, тоҷики, Эдилбоев, олай қўйларидан ташқари Ўзбекистонда майин жун берадиган: совет мериноси, ставропол, Қирғизистон майин жунлиси, аскания, ярим майин жуни учун урчтиладиган Линкольн ва дегересс зотли қўйлар ҳам боқилмоқда ва маҳаллий шароитда яхши самаралар бермоқда.

Шу муносабат билан, қуйида б-жадвалда Ўзбекистонинг чўл, адир ва тоғли яйловларида урчтиладиган турли зот қўйларнинг маҳсулдорлигига оид маълумотларни келтирдик.

6- жадвал

Ўзбекистонда урчтиладиган турли зот қўйларнинг маҳсулдорлиги

Қўйларнинг зотлари бўйича аталиши	Жинси	Тирик вазни, кг.	Бир қиркимда берадиган жуни, кг.	Жун узунлиги, см.	Соф жун чинчиши, %	100 совликдан олиниадиган қўзиллар сони
-----------------------------------	-------	------------------	----------------------------------	-------------------	--------------------	---

Майин жунли зотлар:

Совет мериноси	қўчқор	70—85	10—12	7—8	36—38	120—130
	совлик	40—50	5—6	7—8		
Қирғизистон	қўчқор	80—95	5—7	7—8	50—53	110—120
	совлик	55—60	3—4	7—8		
Ставропол	қўчқор	90—100	12—14	8—9	40—42	150—155
	совлик	50—60	6—7	7—8		
Аскания	қўчқор	100—110	10—14	7—8	40—45	140—150
	совлик	60—65	5—6	7—8		

Ярим майин жунли зотлар:

Линкольн	қўчқор	130—160	6—7	20—30	56—65	110—120
	совлик	100—120	4—5	20—25		

Дагал ва ярим дагал жунли зотлар:

Қоракўл	қўчқор	60—70	3—3,5			105—110
	совлик	45—50	2,5—3			
Жайдари	қўчқор	95—120	2,5—3	8—11		100—150
	совлик	60—70	2—2,2			
Ҳисор	қўчқор	120—150	1,8—2			95—100
	совлик	80—90	1—1,5			
Саражи	қўчқор	65—80	3,5—4,5			100—110
	совлик	50—60	2,5—3—5	14—17		

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон қўйчилигини асосан қоракўлчилик ифодалайди, чунки қоракўл қўйлари республикадаги ҳамма мавжуд қўйларнинг 77% ини ташкил этса, жайдари қўйлар 14% ни, ҳисор қўйлари 4, совет мериноси 2,2% ни, қолган зотларнинг ҳар бири 1% дан 0,06% гача миқдорни ташкил қиласди.

Қоракўл қўйлари жуда қадим замонлардан бери маълум бўлган қўйлар зотидан ҳисобланади. Тахминан, бизнинг эрамиздан бир ярим минг йил илгари мазкур зотли қўйларга ўхшаш ёғли-думбали қўйларнинг яшаганлиги тўгрисида маълумотлар бор.

Қоракўл қўйлари ёғли-думбали, тўғрироғи, узун ёғли-думбали қўйлар туркумига киради. Аксарият олимлар ёғли-думбали қўйларни арҳардан келиб чиқсан, деб ҳисоблайдилар. Қоракўл қўйларининг насли ҳам арҳарлар, деб фараз этилади. Қоракўл қўйларининг ватани Ўрта Осиёми ёки мазкур зотли қўйлар ташқаридан келтирилганми, деган савол ўринлидир. Бу ҳақда ҳам бир фикр йўқ. Қўпчилик йирик олимлар, жумладан М. Ф. Иванов, В. М. Юдин ва бошқалар қоракўл тери берадиган қўйларни VIII асрда Ўрта Осиёга араблар (истило даврида) олиб келган, деб фараз қиласдилар. Балки шундайдир. Хўш, ундай бўлса, нима учун қоракўл қўйларининг ватани ҳисобланмиш Арабистонда мазкур зотли қўйлар кам урчитилади? Ҳар ҳолда, қоракўлчиликнинг вужудга келиши ва ривожланишида Ўрта Осиё халқларининг ҳиссаси катта. Ўрта Осиё чорвадорларининг танлаш ва саралаш борасида асрлар оша олиб бўрган самарали меҳнатлари туфайли қаракўл қўйлари зоти ва қоракўл тери сифати тобора яхшиланган.

Қоракўл қўйлари сермаҳсул, бинобарин, сердаромад моллар туркумига киради. Шунинг учун мазкур зотли қўйлар фақат Ўрта Осиё республикаларидағина эмас, балки Қозогистонда, Россия, Украина ва бошқа республикаларда ҳам урчитилади. Иттифоқимизда мавжуд 12548 (1968 йил) минг бош қоракўл қўйларидан 4647 мингтаси (37,2%) Ўзбекистонда боқиласди. Бинобарин, мазкур қўйлар сони жиҳатидан республикамиз мамлакатда биринчи ўринда туради.

Қоракўлчилик Туркманистон ва Қозогистонда ҳам яхши ривожланган. Бунинг боиси мазкур республика-

ларда қўйлар боқиладиган яйловларнинг кўплигидир. Маълумки, иттифоқимизда 372 млн. гектар табиий ўтлоқлар мавжуд, шундан 186 млн. гектари ёки 50% и Қозогистонда, 36 млн. гектари ёки 9,5% и Туркманистанда, 30 млн. гектари ёки 8% га яқини Ўзбекистонда жойлашган. СССРнинг чўл ва ярим чўл зонасида жойлашган 190 млн. гектар табиий ўтлоқларнинг асосий қисмидан қоракўл қўйларини урчитиш учун фойдаланилади. Бошқача қилиб айтганда, Қозогистонда 120 млн. гектар, Туркманистанда 40 млн. гектарга яқин, Ўзбекистонда 30 млн. гектардан ортиқ дашт ерлар қоракўл қўйчилиги маҳсулотлари етишириш манбаига айлантирилган. Бу яйловлар ободонлаштирилиб, аҳоли истиқомат этадиган замонавий қишлоқлар, катта-катта чорвадор хўжаликлар ташкил этилган.

1970 йил маълумотига қараганда Ўзбекистондаги мавжуд табиий ўтлоқларнинг 81,5% и Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд областлари ва ҚҚАССР да жойлашган. Шунга мувофиқ қоракўл қўйларнинг 80% и, думбали қўйларнинг 24% и ана шу областларда тўплланган. Ўтлоқларнинг майдони ҳамда қоракўл қўйларининг сони жиҳатидан Бухоро области республикада биринчи ўринда туради. Республикадаги ҳамма яйловларнинг 55% и, қоракўл қўйларининг 36,5% и Бухоро обlastидадир. Самарқанд ва Сирдарё областларида қоракўл қўйларининг 32% и жойлаштирилган. Хоразм области ва Қорақалпогистон автоном республикасининг республика қсрракўлчилигидаги ҳиссаси эса 7,8% дан иборат, холос.

Тошкент обlastida ва Фарғона водийсида қоракўл қўйлари урчитилмайди. Бу ерларнинг тогли ўтлоқлари фақат думбали қўйларга яроқлидир.

Ўзбекистонда қоракўл қўйларнинг жойланиши устида мулоҳаза юритилар экан, уларнинг асосий қисми совхозларда урчитилаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, жами яйловларнинг 49% и, қоракўл қўйларнинг 53% и совхозларга қарашлидир. Лекин колхозларнинг ҳиссаси ҳам паст эмас. Масалан, Бухоро ва Хоразм обlastларида қўйлар асосан колхозларда урчитилади.

Ўзбекистон чорвачилигига қоракўл қўйларидан кейин жайдари қўйларнинг салмоғи катта. Республикадаги жами қўйларнинг 14% и жайдари қўйлардир. Марь-

лумки, жайдари қўйлар ҳам дағал жунли қўйлар группасига киради. Улар ҳам Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда қадим вақтлардан бери урчитилади ва сифатли-гўшти, думба ёфи туфайли кенг тарқалган зот ҳисобланади.

Жайдари қўйлар асосан адир ва тогли яйловларда урчитилади. Бундай яйловларнинг майдони республикада кўп эмас. Шунинг учун жайдари қўйлар сони ҳам оз (1968 йилги ҳисоблар якунига кўра 774,8 минг бош). Шундан 62% Фарғона водийсида ва 18% Тошкент областида мужассамлашган. Қолгани эса Сирдарё (3,4%), Самарқанд (4,6%), Қашқадарё (7,1%) областларида ҳамда ҚҚАССР да (4,9%) урчитилади. Лекин областларда мазкур зот қўйларнинг товар аҳамияти йўқ ҳисоб.

Республикадаги мавжуд ҳамма жайдари қўйларнинг 71,6% и колхозларда ва 28,4% и совхозларда урчитилади. Тошкент областида жайдари қўйларнинг 42,5% и колхозларда, 57,5% и совхозларда. Фарғона водийсида эса, аксинча, жами 481,3 минг бош жайдари қўйнинг 91,1% и колхозларда ва қолган 8,9% и совхозларда боқиласди. Фарғона водийси колхозларининг мустақил фойдаланишида яйловлар камлиги учун жайдари қўйлар ёз ва кузда Қирғизистоннинг тоғли яйловларига ҳайдалади. Бу анча қийинчиликлар туғдиради. Чунки, тоғларга мол ҳайдаладиган йўллар, учрайдиган дарёларда кўприклар йўқ. Қўйларнинг бир қисми манзилга етғунча нобуд бўлади.

Дағал жунли қўйлар группасидан ҳисор зотли қўйлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳисор қўйлари бундан 500 йил илгари ҳозирги Тожикистон террииториясида яшаган деҳқонлар ва чорвадорлар муттасил равишда олиб борган танлаш ва саралаш ишлари самарасида яратилгандир. Махсус манбаларда ҳисор қўйлари маҳаллий думбали қўйларнинг гўшти ва ёғ маҳсулотларини яхшилашга қаратса узоқ йиллар давомида олиб борилган ишлар натижасида бунёдга келган, деб таъкидланади. Ҳисор қўйлари Тожикистон ва Ўзбекистон хўжаликлари мўл қўй гўшти етиштириш учун урчитилади. Унинг жуни ўта дағал бўлиб, фақатвойлок ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Ўзбекистонда ҳисор қўйлари асосан битта областида — Сурхондарёда мужассамлашган бўлиб, тор эта-

гидаги ва тогли яйловларда урчтилади. Республика-мизда 1969 йил бошида 218,7 минг бош ҳисор қўйлари мавжуд бўлиб, шундан 202,6 минг боши ёки 92,6% и Сурхондарё обlastida (жумладан колхозларда 54,4%, совхозларда 45,6%) жойлашган.

Ҳисор қўйлари обlastning асосан Денов, Шўрчи, Шеробод ва Сариосиё районларига қарашли колхозларда ҳамда ихтисослашган «Бойсун» совхозининг адир ва тогли яйловларида урчтилади.

Булардан ташқари Ўзбекистонда Туркманистоннинг жануби-шарқий қисмидаги бой яйловларда яратилган сараджи зотига мансуб қўйлардан 36 минг бош урчи-тилади. Ўзбекистонга сараджи қўйлари чатиштириш йўли билан маҳаллий думбали қўйларнинг жунуни ях-шилаш учун олиб келинган, чунки сараджи қўйлари юқори сифатли гўштдан ташқари оқ рангдаги яrim дағал жуни учун ҳам урчилиди. Сараджи қўйларининг жуни таркибида 70—75% га қадар тивит ва фақат 5% ингичка қил бўлади, дағал қили эса деярли бўл-майди. Ваҳоланки, қоракўл қўйларнинг жунида 55% тивит бўлади, холос. Сараджи қўйлари Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё обlastлари ва ҚҚАССРнинг хўжаликлари тарқатилган.

Республикамида яrim дағал жун берадиган «Таджикская» зотли қўйдан 5300 бош (Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё обlastida), ғарбий Қозоғистонда яратилган Эдилбоев зотли дағал жунли қўйлардан 5500 бош (Наманган обlastida), олой зотли дағал жунли қўйлардан 3700 бош (Фарғона обlastida) урчи-тилмоқда.

Майин ва яrim майин жун берадиган қўйлар рес-публика-мида ташқаридан олиб келинганига қарамай, анчадан бери самарали урчилимоқда. 1969 йил бошида ўтказилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра республи-камиз колхоз ва совхозларида яrim майин жунли 42,7 минг корридельъ, 8,3 мингта линкольн ва 30,7 минг бош дегересс қўйлари; майин жун берадиган 120,2 мингта совет мериноси, 27,5 мингта қирғиз мериноси, 25,5 мингта ставрополь майин жунлиси ва 18 минг бош аскания» майин жунли қўйлари урчилимоқда.

Республикамида жун етиширишни кўпайтириш учун маҳаллий жайдари қўйлар билан майин жунли қўй-

ларни чатиштириш ишлари кенғ кўламда олиб борилмоқда ва яхшигина ютуқларга эришилмоқда.

Майин жунли қўйларниң аскания, совет мериноси зотлари Тошкент областида, Қирғиз майин жунлиси асосан Сирдарё ва Андижон областларида, ставрополь майин жунлиси Самарқанд областида жойлаширилган. Ярим майин жунли линкольн қўйлари фақат Тошкент области хўжаликларида урчитилса, дегересс зоти Самарқанд, Андижон, Наманган ва Фарғона областлари хўжаликларига сочиб юборилган.

Айрим зотларга мансуб қўйлар сонининг динамикаси 7-жадвалда берилган.

7- жадвал

Қўйларниң зоти бўйича номлари	Республикага четдан келтирилган зотли қўйларниң йил бошинга маъжуд сони, минг бош		
	1960 й.	1964 й.	1969 й.

Майин жунли зотлар

Аскания	—	—	18,1
Грозний	0,9	1,4	—
Кавказ	11,1	—	—
Қозоғистон	50,5	3,1	—
Қирғиз	—	40,0	27,5
Прекос	0,5	—	—
Совет мериноси	109,0	133,5	120,2
Ставрополь	12,8	3,3	25,5
Приарал	7,5	—	—

Ярим майин жунли зотлар

«Корридель» типи	—	18,3	42,7
Линкольн	5,0	9,9	8,3
Циграй	25,4	—	—
Дегересс	0,1	5,3	30,7

Дагал жунли зотлар

Сараджи	5,7	2,5	35,7
Тоджик	—	0,2	5,2
Малич	3,6	—	—
Эдилбоев	—	—	5,4
Олой	—	—	3,7

Қўриниб турибдики, республика колхоз ва совхозларига анчагина майин ва ярим майин жунли қўйлар келтирилгану, лекин уларнинг кўп қисми маҳаллий шароитга мослашолмай нобуд бўлган ёки мослашмагани учун гўштга топшириб юборилган. Масалан, грозний кавказ, қозогистон, прекос, приараб зотли майин жунли ва цигай ярим майин жунли қўйлар шулар жумласидандир. Шундай экан, маҳаллий қўйлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида чатиштириш учун ташқаридан олиб келинган майин жунли қўйларни республиканинг ҳамма областларига тарқатиб юбормасдан, адир ва тоғли яйловларда жойлашган йирик хўжаликларда урчишиб, тегишли наслчиллик ишларини бажариш ва маҳаллий шароитга мослашган яхши жун ва гўшт берувчи дурагайлар етиштириб, улар билан республиканинг бошқа хўжаликларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар хил йўналишдаги қўйчиликнинг қиёсий иқтисодий самарадорлиги 8-жадвалда берилган.

Қўриниб турибдики, қоракўл қўйларни урчитиш думбали қўйларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан анча афзалликларга эга. Шуни айтиш кифояки, 1970 йилда қоракўлчиликка ихтисослашган «Конимех» совхози ҳар бир ўртacha йиллик қўй ҳисобига 12,2 сўм соф даромад етиштиришга муваффақ бўлди. Айни вақтда мазкур кўрсаткич жайдари қўйларни урчитадиган «Жамбул» совхозида 5 сўмни, ҳисор қўйларини урчитадиган «Бойсун» совхозида 1,3 сўмни, корридель қўйчилигига ихтинослашган 1—«Оҳангарон» совхозида 8,6 сўмни ташкил этди.

Шундай экан, асосан гўшти учун урчитиладиган маҳаллий дағал жунли думбали қўйларни майин жунли қўйлар билан чатиштириб, улардан ҳам сифатли гўшт ва мўл жун берадиган янги зотлар чиқаришга эришиш зарур.

Мамлакатимизда бу соҳада катта ютуқларга эриншилди. Чунончи мўл сифатли гўшт ҳамда жун берадиган янги куйбишев, «Горьков», «Шимолий Қавказ», «Тяньшан» каби янги зотлар яратилди.

Ўзбекистонда ҳам 1954—1956 йиллардан бошлаб маҳаллий думбали қўйларни ташқаридан келтирилган майин ва ярим майин жунли қўйлар билан чатиштириш йўли билан янги дурагайлар яратиш борасида наслчи-

**Ҳар хил зотга мансуб қўйларни урчтишининг қиёсий
самарадорлиги (1970 йил маълумоти)**

Совхозлар номи	«Боғсун»	Жамбул номли	«Кони- мех»	I—«Оҳан- гарон»
Уларда боқиладиган қўйлар зоти	Хисор	Жайдари	Қоракўл	Корри- дель
Мавжуд қўйлар (мингта)	49 642	44 587	47 213	8 280
Кўйлар бош сонининг 1970 й. да ўсиши, %	4,0 2,8	10,0 3,5	3,5 0,9	37,0 0,2
Нобуд бўлган қўйлар, %				
Ўртача I бош қўйдан қирқилган жун, кг	0,9	2,2	4,5	4,0
I бош қўй ҳисобига етиштирилган тирик вазн, кг	15,9	21,3	19,1	23,4
Ҳар 100 бош совлиқдан олинган қўзи, бош	94	90	152	92
Гўштга сотилган I та қўйнинг ўр- тacha тирик вазни, кг	41,4 54,2	44,4 27,0	47,2 14,1	48,6 24,7
I ц. жун етиштириш учун сарф- ланган киши куни				
I ц. жунининг таннархи, сўм . . .	288,8	284,5	200,7	329,1
I ц. жунининг ҳақиқий харид баҳоси, сўм	250	404	312	548
I ц. тирик вазннинг таннархи, сўм	77,8	59,3	67,9	55,7
I ц. тирик вазннинг ҳақиқий харид баҳоси, сўм				
Кўйчилик, маҳсулотини етиштириб, давлатга сотишдан олинган соф- фойда, сўм	75,1	82,1	82,4	67,8
Шунинг ўзи ўртача йиллик битта қўй ҳисобига	65 821	217 166	553 412	51 989
	1,3	5,0	12,2	8,6

лик ишлари муваффақиятли олиб борилди. Чунончи, Тошкент обlastининг I—«Оҳангарон» совхозида уч этапдан иборат наслчилик ишлари олиб борилди. Биринчи этапда жайдари совлиқлар Кавказ мериносининг қўчқори билан чатиштирилиб, биринчи бўғин дурагай-лари олинди. Сўнгра бу дурагайлар совлиғи линкольн қўчқори билан чатиштирилиб, янги маҳсулот олинди. Бу ишнинг учинчи этапида яратилган ярим майнин жун ва сифатли гўшт берувчи янги дурагайларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлайдиган селекция — наслчилик ишлари олиб борилди. Оқибат натижада

Қўйларнинг янги корридель типидаги оҳангарон ярим майин жунли зоти яратилди. Мана шундай дурагайлаш йўли билан яратилган янги зотли қўйлардан I—«Оҳангарон» совхозида ҳозир 10 мингтаси боқиляпти. Бунинг 6 мингтаси асосий наслчиллик ядросини ташкил этади. Катта ёшдаги қўчқорнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 96 кг. (78—125 кг атрофида), совлиқники 59 кг, (49—69 кг. атрофида) бўлади. Думбали қўйларга қараганда оҳангарон қўйи жуда тез семиради. Бир хил шароитда парваришланган 18 ойлик думбали қўйнинг тирик вазни 56,1 кг. ни, оҳангарон қўйиники эса 60,2 кг. ни ташкил этди. Оҳангарон зотини бўрдоқига боққанда унинг тирик вазни бир суткада думбали қўйга нисбатан икки баравар ортиқ кўпаяди.

Маълумки, маҳаллий думбали қўйлар сийрак ва дагал жун беради. Оҳангарон зотидан сифати бир хил, оқ ранги, ярим майин жун олинади. Ўрта ҳисобда катта ёшдаги оҳангарон қўчқори 4,5—5 кг. (4—7,8 кг. атрофида), совлиги — 3,5 кг. (2,3—5,1 кг. атрофида) жун беради. Шунингдек, янги оҳангарон зоти анча серпушт бўлиб, ҳар 100 совлиқдан 120—125 гача қўзи олинади. Мана шуларнинг ҳаммаси корридель типидаги оҳангарон қўйчилигини сердаромад соҳага айлантирди. Масалан, 1968 йилда Тошкент обlastининг жайдари дагал жун берадиган қўйчиликка ихтисослашган Охунбобоев номли совхозида бир бош қўй ҳисобига 6,5 сўм, Жамбул номли совхозда 3,5 сўм соф фойда олинган бўлса, I—«Оҳангарон» совхози 12,8 сўм ёки юқоридаги совхозларга қараганда 2—3 баравар кўп фойда олишга муваффақ бўлди. Юқоридаги 8-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1970 йили I—«Оҳангарон» совхози Жамбул номли совхозга қараганда парваришдаги ҳар бош қўйдан 3,6 сўм, «Бойсун» совхозига нисбатан 7,3 сўм ортиқ соф фойда кўрди.

Тошкент обlastининг I—«Оҳангарон» совхозида яратилган зотли қўйлар юқори маҳсулдорлиги ва сердаромадлиги туфайли кўпгина хўжаликларга тарқалди. 1969 йил бошида ўтказилган зотли моллар ҳисобида аниқланишича, фақат Тошкент обlastи хўжаликларида мазкур зотга мансуб қўйлардан 42,7 минг бош урчилимоқда. Уларнинг сони жадал ўсишини таъминлаш мақсадида 1964 йили I—«Оҳангарон» совхози корри-

дель типидаги қўйларни етишириш бўйича репродуктор этиб тасдиқланди. Бу хўжалик яқин йиллар ичida Тошкент областининг Бўка, Пскент, Юқори Чирчик, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ районларининг колхоз ва совхозларига ҳамда Самарқанд областининг «Галлаорол», Сирдарё областининг «Ховос» совхозларига кўплаб зотли қўйлар етказиб беради. Ўтган даврда совхоз Тошкент ва Самарқанд областлари хўжаликларига 3 мингта наслдор қўчкор ва мингтадан зиёд наслдор совлиқ содди. Хўжалик йилига 500 тадан ортиқ наслдор қўчкор етишириб, бошқа хўжаликларга сотиши керак.

Аста-секин маҳаллий дағал жунли қўйларни ярим майин жунли корридель типидаги оҳангарон қўйи билан чатиштириш камдаромад думбали қўйчиликни яқин йилларда сермаҳсул ва сердаромад соҳага айлантиришни сўзсиз таъминлайди.

Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг (И. А. Тапильский, В. З. Цунц, 1971) ҳисоб-китобларига қараганда, 1975 йилда 1—«Оҳангарон» совхозида яратилган янги корридель типидаги қўйлар республикамиизда 500—700 минг бошга етиши мумкин. Бу қўшимча равишда 2450—3500 тонна қўй гўшти ва 840—1200 т. жуи ва 9,2—13,0 млн. сўм қўшимча даромад етиширилади, демакдир.

ҚУЙЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. ҚУЙЛАР БОШ СОНИНИНГ УСИШ ДИНАМИКАСИ

Чорвачилик тармоқлари, жумладан, қўйчиликнинг ривожланиши моллар бош сони кўпайишида ўз ифодасини топади. Қўйчиликнинг ривожланишини ифодаловчи омиллар комплексида ташқи муҳитнинг таъсири шу кунга қадар салмоқли бўлгани сабабли, бу соҳа кўпчилик район ва хўжаликларда экстенсив ҳолатда қолиб келмоқда. Шундай экан, қўйчилик ривожланишини бир неча йилларни ўз ичига оладиган даврлар заминида анализ қилиш мақсадга мувофиқдир. Босиб ўтилган йиллар шу соҳадаги ютуқ ва камчиликларнинг, халқ кураш йўлининг ифодасидир. Ўтмишга назар ташлаш истиқболни тўғри белгилашнинг зарур омилидир ва муҳим шартидир. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистонда қўйчиликнинг ривожланиш тарихини қисқача ёритмоқчимиз.

Ўзбекистон қўйчилиги ўзининг мустақил тараққиёт тарихига эга. Бироқ, республикамиз территориясида қўйчиликнинг ривожланишини фактлар асосида ёритиш жуда мураккаб ишдир. Бунинг сабаби қўйчиликка оид ҳужжатлар сақланмаганлиги, Чор Россиясининг Туркестон ўлкасида ҳисоб-китоб ишлари ривожланмаганлигига, айниқса қишлоқ хўжалик ҳисоб-китоби мутлақо қониқарсиз бўлганидадир. Бухоро, Хева, Қўқон хонликларида расмий ҳисоб-китоб ишлари деярли бўлмаган. Булар Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик тармоқларининг динамикасини ўрганишни қийинлаштиради. Чунончи, Ўрта Осиёда биринчи жаҳон урушидан олдин қанча қўй бўлганлиги аниқ эмас. Бор маълумотлар бир-бирига зид. Турли зотларга мансуб қўйларнинг рўйхати ўтказилмаганлиги сабабли Ўрта Осиёда урчиладиган қоракўл, ҳисор, жайдари ва бошқа зотга мансуб қўйларнинг сони ҳам аниқ маълум эмас.

«Советский Узбекистан за 40 лет» статистик тўпламида берилишича, республикамиз территориясида 1914 йилнинг июнь ойида олинган ҳисобга кўра 5277,2 минг бosh қўй ва эчки бўлган, шундан 2045,9 минг бошини қоракўл қўйи, 2047,4 минг бошини бошқа зот қўй ва 1183,9 минг бошини эчки ташкил этган.

Биринчи жаҳон уруши Россия империясининг экономикасини издан чиқарди. Айниқса қишлоқ хўжалигига экинлар майдони, чорва моллар бош сони, бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди. Расмий маълумотларга қараганда, итифоқимиз миқёсида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1917 йилда 1913 йилга нисбатан 16% камайган. Гражданлар уруши йилларида мамлакатда меринос қўйларининг бош сони 96%, дағал жунли қўйлар 69% қисқариб кетган. Биринчи жаҳон уруши йилларида Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалик ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш қисқарди, молларнинг бош сони ўсишдан тўхтади ва камайиб борди. Масалан, 1915 йил охирида Ўзбекистонда 4558,8 минг бosh қўй ва эчки мавжудлиги ҳисобга олинган. Бинобарин, ўтган 1,5 йилда (1914 йил июнь ойидан кейин) қўй ва эчкиларнинг сони 718,4 минг бошга ёки 13,7% га камайган.

1925 йили ноябрь ойида бўлиб ўтган Бутунўзбек партия қурултойида таъкидлаб ўтилганидек, 1917 йили

Ўзбекистонда 1593,6 минг бosh қоракўл қўйлари ҳисобга олинган. Бу, қоракўл қўйлар 1914 йилдагига нисбатан 22% камайганини кўрсатиб турипти. Мазкур рақамлар ҳақиқатга яқинидир, чунки ишчи-дэҳқон революциясининг галабасидан сўнг Бухоро хонлигининг йирик бойлари, амалдорлари жами 1 млн. дан зиёд қоракўл қўйларни ҳайдаб, Афғонистонга ўтиб кетишган.

Бундан ташқари, ёш Совет ҳокимиятининг ички душманлари чорва молларини шафқатсиз қирганлар, бу ишга бошқа деҳқонларни ҳам жалб этганлар, чорва яйловларида сув манбаларини бузиб, қудуқларни кўмиб ташлаганлар. Уларга бу разил ишларни амалга оширишда босмачилар катта мадад кўрсатган. Булар Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда 1917—1924 йиллар мобайнида чорва туёғининг кескин камайишига олиб келган. Бухоро хонлигига қоракўл қўйларнинг боши шу йиллар ичida 70% қисқарган¹. Оқибатда эски Бухоро 1921 йилда Россия бозорларига атиги 10 минг дона қоракўл тери чиқарган, холос.

Қишлоқ хўжалигини бундай тушкун ҳолатда қолдириш асло мумкин эмасди. Аҳоли учун ниҳоятда зарур бўлган нон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етишмас, деҳқон хўжаликларининг тинкаси қуриган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет халқининг эътиборини халқ хўжалигини, жумладан қишлоқ хўжалигини тиклашга қаратди. Қишлоқ хўжалигининг тезда тиклашишини, жадал суръатлар билан ривожланишини тъминлайдиган қатор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, 1919 йил 8 октябрда мамлакатда майин жунли қўйчиликни тиклаш ва ривожлантириш ҳақида, 1921 йил 22 февралда дағал жунли қўйчиликни тиклаш ва ривожлантириш тўғрисида Совет ҳукумати қабул қилган маҳсус декретлар муҳим роль ўйнади. Мазкур декретларга асосан наслдор қўйларни ҳисобга олиш, уларни урчитиш районларини аниқлаш юзасидан қизғин иш бошлаб юборилди. Қўйчиликда нобудгарчиликка қарши қатъий кураш эълон қилинди. Шу мақсадда ВЦИК 1921 йил 24 майда уй ҳайвонларининг юқумли касалликларига қарши кураш чоралари тўғрисида маҳсус қарор қабул қилди. Шунга асосан ҳамма мол докторлари ҳисобга олиниб, мазкур ишга жалб этилди. Жой-

¹ А. Қодироев, «Сельское хозяйство Бухарской республики» «Народное хозяйство Средней Азии» журнали, № 2, 3, 1924 йил.

ларда ва марказда ветеринария ишлари бўйича лабораториялар ташкил этилди, касалларни даволаш ва олдини олиш бўйича анча фойдали тадбирлар амалга оширилди. РСФСР Ер ишлари халқ комиссарлиги 1923 йил ноябрда қабул қилган маҳсус қарорга мувофиқ РСФСР ва эски Бухоро хонлиги территорииясида ветеринария ишларини яхшилашга қаратилган муассаса ташкил этилди.

В. И. Ленин кооперациялаш планига асосан Ўрта Осиёда босмачилар тугатилиши билан қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга кенг ҳозирлик кўрила бошлади. Шу мақсадда 1924 йилдан бошлаб харид қилувчи таъминот ва кредит кооперациялари ташкил этила бошлади. Мазкур давлат харид ташкилотлари қишлоқларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиб олар, чорвадор-деҳқонларга имтиёзли кредитлар берар эдилар. Шу йўл билан сотиб олинган қоракўл тери, жун, тирик вазнда қўй ва бошқа чорва маҳсулотлари ҳисобига деҳқонларга ўша вақтда жуда зарур бўлган чой, туз, гугурт, ойна, чинни идишлар, керосин, газмол, пойафзал ва бошқа кенг истеъмол буюмлари етказиб берилар эди. Булардан ташқари чорвадорлар давлат солиқларидан озод қилинди, кооперацияларга бирлашган чорвадорларга ҳар томонлама моддий ёрдам кўрсатилди. Айниқса, 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий территориал чегараланиш ўтказилиб, Узбекистон Совет Социалистик республикаси ташкил топгандан кейинги йилларда республиканинг экономикасини тиклаш ва ривожлантириш учун кенг шароит яратилди.

1926 йилдан бошлаб «Узбексельсоюз» чорвадорларни маҳсус чорвадорчилик қарз ширкатига жалб эта бошлади. Бу ширкат фаолияти тўғрисида М. С. Қарпов бундай деб ёзади: «Узбексельсоюз» чорвадорларни маҳсус чорвачилик ширкатларига бирлаштира бошлади. Бундай ширкатлар кейинчалик чорвадорлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Аҳоли ўртасида коопера-маҳсус чорвачилик ширкатларига бирлаштира бошлади. Барча зоотехника тадбирлари, таъминлов ва тайёрлаш ҳозирги вақтда чорвадор ширкатлар томонидан амалга оширилмоқда»¹.

¹ М. С. Қарпов. «Новая деревня», Москва, 1928 йил.

Чорвадорлар ширкати Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати томонидан кенг қўллаб-қувватланди, чорвадорларга моддий ёрдам бериш тартиби яхшиланди, ширкатлар фаолияти партия назорати остига олинди. Булар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун тегишли замин яратиш имкониятини берди. Чорвачилик ширкатлари ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти яхшиланиши натижасида маҳсулотларни тайёрлашда кооперациянинг роли кескин ошди ва 1928 йилга келиб тайёрлаш кооперацияси чорва маҳсулотлари тайёрлашдаги хусусий мулкчиликни бутунлай сиқиб чиқарди.

Гап фақат шундагина эмас. Чорвадорлар ширкатлар орқали ихтиёрий равишда аста-секин йириклишган ишлаб чиқаришга жалб этиларди. Шундай қилиб, колхозлар тузиш учун моддий замин вужудга кела бошлади. Бунинг боиси шундаки, ширкатларда чорвадорларнинг шахсий манфаатлари билан социалистик давлат манфаатлари тўғри ҳисобга олинган эди. Масалан, шуни айтиш кифояки, ширкатлар янги йил маҳсулоти учун ўз аъзоларига пул-аванс берар эди. Берилган қарз пул ҳисобига процент олинмасди. Лекин чорвадор олган пул — қарзи эвазига муайян миқдорда қоракўл тери, жун топшириши лозим эди. Бинобарин, ширкатчилар янги йилда тайёрлаши мумкин бўлган маҳсулотларни турлари ва миқдори бўйича аниқ белгилашлари мумкин эди. 1929 йилдан бошлаб, давлат ва кооператив тайёрлаш ташкилотлари қўйчилик маҳсулотларини тайёрлашни контрактация воситасида амалга оширишга киришдилар.

Маълумки, 1927—1928 йилларда Ўзбекистонда яйловлардан фойдаланиш ишлари тартибга келтирилди, яйловлар кўчманчи бойлардан тортиб олинди. Бу яйловларда йирик социалистик чорвачилик хўжаликлари ва фермалари ташкил этила бошланди. Давлат қишлоқ хўжалик кооперациялари янги яйловларни ўзлаштиришда, қудуқлар қазиб сув чиқаришда, қишлиайдиган қўтонлар қуришда чорвадорларга катта моддий ёрдам кўрсатиб турдилар. Қўйларни асраш, зоотехника ва ветеринария ишларини, чорвадорларнинг моддий ва маданий турмушини яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Натижада қишлоқ хўжалиги, жумладан қўйчилик-

нинг тикланиши таъминланибина қолмай, унинг тез суръатлар билан ўсишига эришилди. Масалан, 1928 йилда Ўзбекистонда (ҚҚАССР дан ташқари), 2192,3 минг бош қоракўл кўйлари мавжудлиги ҳисобга олинган. Бу, 1925 йилдагидан 298,1 минг бош ёки 15,8% кўпdir. Шунингдек, думбали қўйлар ҳам анча кўпайди. Кўйлар туёғининг ўсиши қоракўл тери, жун, кўй гўсти ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлади. Масалан, «Ўзбексельсоюз» томонидан 1926 йили 1946 минг сўмлик қоракўлчилик маҳсулотлари тайёрланган бўлса, орадан икки йил ўтгач, яъни 1928 йилда 3162 минг сўмлик шундай маҳсулотлар тайёрланди. Бу 1926 йилга нисбатан қарийб 2 баравар кўп демакдир.

Лекин, бу ютуқларга қарамасдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши майда ва тарқоқ деҳқон хўжаликлари қўлида қолаётгани уни янада тез суръатлар билан ривожлантиришга тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам партиянинг 1927 йилда бўлиб ўтган XV съезд қишлоқ хўжалигини колективлаштиришни тезлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан мамлакатимизнинг ҳамма районларида, жумладан, Ўзбекистонда 1928—1932 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигини колективлаштириш ишлари тезлашиб кетди.

Ўзбекистонда биринчи колхоз қўйчилик фермалари ва йирик ихтисослашган қўйчилик совхозлари 1928 йили тузилганди. Масалан, ўша йили Қашқадарё обlastida «Муборак» қоракўлчилик совхози ва Бухоро обlastida 6 та пахтачилик-қоракўлчилик колхози тузилди. Сўнгги икки йил ичida яна 5 та қўйчилик совхози —«Қорақум», «Нишон», «Улус», «Қарноб» ва «Қизилча» хўжаликлари ташкил қилинди. 1931—1934 йиллар мобайнида «Ғузор», «Конимех», «Жангелди» «Томди» каби йирик қўйчилик совхозлари барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси 1931 йилда ташкил этилган «Ўзбекқоракўл» трестига бўйсунар эди. Марказлашган раҳбарлик қўйчилик хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштиришда, экономикасини мустаҳкамлашда муҳим ижобий роль ўйнади. 1929—1932 йиллар мобайнида республиканинг ҳамма обlastларида йирик совхозлар билан бир қаторда колхоз қўйчилик фермалари барпо этилди. Натижада Ўзбекистонда мавжуд қўйлар асосан совхозлар ва

колхоз фермаларида тўпланди. Масалан, 1932 йилнинг охирида республикада мавжуд ҳамма қоракўл қўйла-рининг 72,3% и совхоз ва колхозларнинг ихтиёрига ўтган эди.

1929 йилдан кейинги давр қўйларни коллектив хў-жаликларга умумлаштириш жараёнида кескин бурилиш даври ҳисобланади.

Маълумки, колхоз тузуми «силлиқ» ўтмади. Янги тузумнинг ашаддий душманлари бўлган йирик ер эгалири, қулоқлор колхозларга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатдилар, коллективлаштиришни сусайтириш мақсадида онгли равища сув иншоотларини, омбор ва молхоналарни буздилар, экинларни ва чорва молларини нобуд этдилар. Чорвачиликка катта зарар етди, барча турдаги чорва молларнинг сони кескин камайиб кетди.

Масалан, республикамизда қоракўл қўйлар сони 1932 йилда 1925 йилга нисбатан 44,6%, думбали қўйлар 45,1%, барча зотдаги қўй ва эчкилар эса икки баравар камайиб кетди. Агар 1932 йил 1914 йил билан таққосланса, қоракўл қўйлари икки баравар, думбали қўйлар 68% камайиб кетганини кўрамиз. Чорвачиликни умумлаштириш шундай оғир шароитда амалга оширилган бўлса-да, колхоз тузумининг ғалабаси, буюк тарихий воқеа бўлибгина қолмай, дедқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини юқори суръатлар билан ривожлантириш учун реал имконият вужудга келтириди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати колхоз ва совхозларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатди: ерларни, экин майдонларини, яйловларни тартибга келтиришда, сув иншоотларини тиклаш ва янгидан қуришда, чорвачилик учун зарур ем-хашак базасини мустаҳкамлашда, ўғит, техника воситалари етказиб беришда давлат мадади йилдан-йил салмоқли бўлиб борди. Айниқса, давлатнинг колхозлар ва совхозларга бевосита молиявий ёрдами 1930—1937 йилларда бениҳоя катта бўлди.

МТС лар ташкил этилиши ва улар орқали колхозларга техника ёрдами кўрсатилиши ишлаб чиқариш маданиятини ва унумдорлигини кескин кўтарди. Қишлоқ хўжалиигида маҳсулот этиштириш кўпайди, молларнинг маҳсулдорлиги ва сони ўсида. Масалан, 1938 йил

1 январга ўтказилган ҳисоб натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистонда қоракўл қўйлар 1932 йилга нисбатан 72,2%, думбали қўйлар 46,4%, умуман қўй ва эчкилар 81,8% кўпайган.

1938 йил бошига келиб жами қўй ва эчкиларнинг 50,8% и, жумладан қоракўл қўйларининг 74,2% и, думбали қўйларнинг 50,2% и социалистик сектор ихтиёрида бўлган. Якка хўжаликлар ихтиёрида эса, жами қўйлардан атиги 3% қолган эди, холос.

9 - жадвал

1932—1940 йилларда Ўзбекистонда ҳисобга олинган қўйлар сони (минг буш)

Йиллар	Қоракўл қўйлар	Думбали қўйлар	Эчкилар	Қўй ва эчкиларнинг ҳаммаси
1932 йил июнь	1050,7	651,7	502,9	2205,3
1938 йил 1 январига	1862,0	954,0	1193,2	4009,2
1941 йил 1 январига	2872,9	1571,9	1565,4	6010,2
1938 йил 1932 йилга нисбатан % ҳисобида	177,2	146,4	237,2	181,8
1941 йил 1938 йилга нисбатан % ҳисобида	154,3	164,7	131,2	149,9

1937—1940 йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг ҳаммакатегориядаги хўжаликлирида қўй ва эчкиларнинг сони 1932 йилдагига нисбатан 50%, жумладан, қоракўл қўйлари 54,3%, думбали қўйлар эса 64,7% ўсди. Республика колхозларида 1937 йил охирида 877,7 минг буш қўй бор эди. Бу рақам 1940 йил охирида 1823,3 мингтага етди ёки 2 баравар ўсди. Худди шунингдек, думбали қўйлар сони ҳам шу йиллар ичидан икки баравардан зиёд кўпайди. Совхозлар қўйчилиги ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Давлат хўжаликлари ихтиёрида 613,5 минг буш қўй ва эчки, жумладан 505,7 минг қоракўл қўй бор эди.

Йирик қўйчилик совхозлари ва колхоз фермалари ташкил этилиши урушдан олдинги беш йилликларда қўйлар бош сонини кўпайтириш имкониятинигина бериб қолмади, балки қатор йирик ташкилий-хўжалик ҳамда зоотехника ва ветеринария тадбирларини амалга оши-

риш учун ҳам кенг йўл очиб берди. Натижада яйловлар ҳолати, сув билан таъминланиши яхшиланди, қўйларнинг касалланиши, нобуд бўлиши камайди, қўйлар зоти яхшидан борди ва маҳсулдорлиги ошди. Қўйчилик совхозлари ва колхозларда фермаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Колхоз ва совхозларни мутахассис кадрлар билан таъминлашда дастлабки қадамлар қўйилди. Илгор чўпонларнинг ютуқларини оммалаштиришга катта эътибор берила бошланди. Урушдан олдинги уч йил мобайнида (1938—1940 йиллар) Ўзбекистонда қоракўл қўйлар 54,3%, думбали қўйлар 64,7% кўпайди. Умуман ўша уч йилда қўй ва эчкилар сонининг ўртача йиллик ўсиши 16,6% ни ташкил этди. Шундай қилиб, урушдан илгариги беш йилликларда қўйчиликни келажакда юқори суръатлар билан ривожлантириш учун мустаҳкам замин барпо этилди.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда қўйчиликнинг ривожланиш суръатлари Улуғ Ватан уруши даврида бирмунча сустлашди. Лекин социалистик тузумнинг афзаллиги, халқимизнинг матонатли меҳнати, Коммунистик партияянинг доно раҳбарлиги туфайли иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида ҳам республикамиз қўйчилиги ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўса борди. Ўзбекистоннинг ҳамма катедриядаги хўжаликларида 1945 йили қоракўл қўйлари 1940 йилга нисбатан 18,2% кўпайганлиги бунинг исботидир. Урушнинг қизғин даври — 1943 йилда республикада учта янги қоракўлчилик хўжалиги — «Оёққудуқ», «Нурота» ва Тимирязев номли совхозлар ташкил этилди. Бу ҳам Улуғ Ватан уруши йилларида қўйчиликка, айниқса қоракўлчиликка катта эътибор берилганлигидан далолатдир. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли Улуғ Ватан уруши даврида республикада қоракўл қўйлардан ташқари думбали қўйлар ҳам анча кўпайди. Чунончи, 1940—1945 йилларда мазкур зотга мансуб қўйлар сони колхозларда 39,8%, совхозларда эса 52,3% ўсиди. Шунингдек, эчкилар ҳам колхоз ва совхозларда 1945 йилда 1940 йилга нисбатан 55,6% кўпайди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда фаят қўй ва эчкиларнинггина бош сони кўпайган, бошқа турдаги чорва моллар эса анча (20%) камайиб кетган.

Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам урушдан кейинги биринчи беш йиллик планни муваффақиятли бажаришга ҳамма ички ресурслар сафарбар этилганди. Чунончи, қўйчиликни янада ривожлантириш учун республикада чорвачиликнинг емхашак базасини мустаҳкамлашга киришилди. Фойдаланилмай ётган бепоён чўл ва адирларни ўзлаштиришни тезлаштириш мақсадида 1945 йили республикада Яйлов-мелиоратив қурилиш трести ташкил этилди. Мазкур трест янги яйловларни ўзлаштириш, эски фойдаланишдаги яйловларни, суфориш ишларини яхшилаш, табиий ўтларни кўпайтириш учун комплекс иш программасини амалга ошира борди. Агар 1945 йилда сув билан таъминланган яйловлар майдони 12,7 млн. гектарни ташкил этган бўлса, 1970 йилда 23 млн. гектарга етди. Шунингдек, катта-катта майдонлардаги яйловлар ҳосилдорлиги оширилди. Чўпонларни моддий рағбатлантириш, турмуш шароитини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинди, зоотехниклар ҳамда ветеринария врачларини тайёрлаш, ферма ходимлари малакасини ошириш чорлари кўрилди.

Буларнинг ҳаммаси қўйчилик совхоз ва колхоз фермалари фаолиятини анча яхшилади, чорва моллари сони кўпайиши ва маҳсулдорлиги ортишига олиб келди. Масалан, республиканинг ҳамма категориядаги хўжаликларидағи қўй ва эчкилар сони 1945—1950 йилларда 18,6% га ўси. Шу жумладан қоракўл қўйлар 7,4%, думбали қўйлар эса 37,4% кўпайди. Айниқса колхозларнинг жамоат хўжалигида қўйлар сони анча тез кўпайди. Уша 1945—1950 йилларда колхозларда қўй ва эчкилар сони 29,4% кўпайгани бунинг далилидир.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина хўжаликларда, айниқса, совхозларда қўйларни кўпайтиришга етарли эътибор берилмади. Оқибатда совхозларда қоракўл қўйлар 1945—1950 йилларда атиги 1,5% кўпайди, колос. Думбали қўйлар эса ҳатто 12 минг бошга камайиб кетди.

1948 йили Ўзбекистон Коммунистик партиясининг X съезди чорвадорлар эътиборини бу нуқсонга жалб этган эди. Съезд ўз қарорида республикада қоракўлчиликни тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятларидан ёмон фойдаланиляпти, деб кўрсатди ва республика партия ва совет органларини қоракўл-

чиликка раҳбарликни яхшилашга даъват этди. Съезд, яқин йиллар ичидаги ҳамма хўжаликларда қоракўлчиликни ривожлантириши барча чорвадорлар ўзларининг мухим бурчи, деб ҳисоблашлари кераклигини атоҳида таъкидлади.

Республикамиз чорвадорлари Узбекистон Компартисининг X съезди қарорларига жавобан чорвачилик фермаларини ривожлантиришга катта эътибор бердилар. Чўпонлар учун турар жойлар қурила бошланди, қўйчилик фермаларида оғир ишларни бажаришда механизациядан фойдаланиш йўлга қўйилди. 1950—1951 йилларда майда ва камқувват колхозларни ўзаро бирлаштириш асосида йириклишган колхозлар тузилиб, уларда катта-катта қўйчилик фермалари ташкил этилди. Натижада мавжуд воснталар ва резервлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун замин яратилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг тараққиётида партия Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленуми қарорлари ҳаётбахш роль ўйнади. Сентябрь Пленумида мамлакат қишлоқ хўжалиги урушдан кейинги йилларда суст ривожланаётганлиги сабаблари муҳокама қилинди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юқори суръатлар билан ривожлантириш чоралари белгиланди. Пленум чорвачиликни юксалтириш юзасидан ҳам кенг ва аниқ иш программасини белгилаб берди. Сентябрь Пленуми қарорларини изчиллик билан муваффақиятли амалга ошириш мақсадида қатор ҳаётий тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди. Чорвачилик маҳсулотларининг давлат харид нархлари оширилди. Колхозчилар, ишчи ва хизматчилар давлатга мажбурий топширадиган чорва маҳсулотлари миқдори қисқартирилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, жумладан чорвачиликни планлаштириш системаси (1955 йил март ойидан эътиборан) тубдан яхшиланди. Булар, чорвачиликнинг юқори суръатлар билан ривожланишига кенг йўл очиб берди. Партия Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленуми қарорлари республикамизда изчиллик билан амалга оширилиб, чорвачилик фермаларининг моддий-техника ҳамда емхашак базаси мустаҳкамланди, чорвачиликда моддий рағбатлантириш принциплари йўлга қўйилди. 1957 йилда экономикаси заиф колхозлар заминида республикамизда 14 та ихтисослаштирилган янги қоракўл ва

думбали қўйларни урчитадиган совхозлар ташкил этилди.

1960 йил охирида республиканинг ҳамма катего-риядаги хўжаликларида қўй ва эчкилар 9168,4 минг бошга етди. Бу 1940 йилга қараганда 52,2%, 1950 йилга нисбатан 29,6% ва 1955 йилдагидан 13,2% кўп демакдир. Республикамиз қўйчилиги тараққиётида 1960 йили энг юқори кўрсаткичлар қўлга киритилди. 1960 йил даражасига 1970 йилда ҳам эришилгани йўқ. Ўша йили республикада қоракўл қўйлар сони 6061,5 минг бошга етди. Бу 1940 йилдагидан 2,1 баравар, 1950 йилга нисбатан 66,1%, 1955 йилга нисбатан 38% кўпдир.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, республика қўйчилигида ўша йилларда қатор камчиликлар ҳам содир бўлди. 1950—1960 йилларда колхоз ва совхозларда думбали қўйлар кўпайиш ўрнига 36,2 минг бошга камайиб кетди. Эчкилар сони эса 999 минг бошдан 230,7 минг бошга қадар (77%) камайди. 1960 йилдан кейинги даврда ҳам аксарият қўйчилик колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришнинг хилма-хил воситаларидан, фан ва техника ютуқларидан баракали фойдаланилмади. 1960—1963 йилларда республика қўйчилигига ҳам анча путур етди. Оқибатда 1965 йилга келиб республиканинг ҳамма хўжаликларида қоракўл қўйлари 1960 йилга нисбатан 12%, думбали қўйлар 10,8%, эчкилар 30,5% камайиб кетди.

Шуни айтиш керакки, бундай аҳвол фақат Ўзбекистондагина эмас, балки СССРнинг бутун қишлоқ хўжалигида юз берди. Унинг сабаблари КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумида муҳокама қилиниди ва очиб ташланди.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари хурсандчилик ва қониқиши билан маъқуллаб кутиб олинди ва изчиллик билан амалга оширила бошланди. 1965 йил 1 майидан эътиборан қишлоқ хўжалик мажсулотларининг давлат харид нархлари оширилди; колхозларда даромад солиғини ҳисоблаш методикаси такомилластирилди; колхозларда 1966 йил июль ойидан эътиборан меҳнатга бевосита пул билан гарантияланган ҳақ тўлаш системаси жорий этилди, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни планлаштириш, ихтисослаштириш масалалари тубдан қайта кўрилди ва яхшиланди. Бундан ташқари Ўзбекистонда 1964 йили камқувват колхозларнинг қўйчилик фермалари базасида қоракўлчиликка

ихтисослаштирилган 22 та ва думбали зотли қўйларни урчишига мўлжалланган 3 та совхоз ташкил этилди. Бундан ташқари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига асосан маҳсулот тайёрлаш бўйича 1965—1970—1975 йилларга мўлжалланган қатъий давлат планлари ишлаб чиқилди, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик такомиллаштирилди ва тартибга солинди. 1965—1970 йилларда қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисобига кенг йўл очилди, айниқса бригада ва фермаларда ички хўжалик ҳисобига кенг жорий этилди. Барча совхозлар аста-секин хўжалик ҳисобига кўчирилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда катта миқдорда капитал маблағ ажратилди, техника ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш даражаси анча ўси. Фан ютуқлари, илғор тажрибалардан фойдаланишга ҳамма хўжаликларда кенг эътибор берилишига, колхоз ва совхозлар коллективларининг ташаббускорлигини оширишга эришилди.

Бу улуғвор ҳаётий тадбирлар амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги, жумладан чорвачилик маҳсулотларини етиштириш анча кўпайди, моллар бош сони ўси. Буни республикамиз қишлоқ хўжалиги мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин. Масалан, республика колхоз ва совхозларида пахта етиштириш 1970 йилда 1965 йилга нисбатан 19,5% кўпайди; чорвачилик маҳсулотларининг миқдори ҳам анча ошди. Бироқ, 1969 йил чорвачилик учун жуда ноқулай келиб, зарур миқдорда ем-хашак жамғармаган хўжаликларда чорва моллари кўплаб нобуд бўлди. Оқибатда, 1970 йилнинг охирига келиб республиканинг ҳамма категориядаги хўжаликларида қўй ва эчкилар бош сони ўсмади, яъни 1965 йил даражасида ўзгармай қолди. Қоракўл қўйларининг бош сони эса ҳатто 4,9% камайди. Колхоз ва совхозлarda қоракўл қўйлар 5,3%, думбали қўйлар 6,7% қисқариб кетиши чорвадорлар учун аччиқ сабоқ бўлди. 1966—1970 йилларга мўлжалланган перспектив план қўйлар бош сони бўйича бажарилмади.

Кўриниб турибидики, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда қўйчиликнинг ривожланиши ҳамон ташқи муҳитга муайян даражада боғлиқdir. Шунинг учун қўйчилик хўжалигимизнинг фаолиятини таҳлил қилганда бирор йил якуни билан хулоса ясад бўлмайди, бунинг учун беш йилликларни ўз ичига оловчи ва ўртacha ўзгариш-

ларни ифодаловчи кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилганда ҳар беш йилликдаги ўзгаришларга объектив баҳо берилади, камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш мумкин бўлади. Қуйидаги 10-жадвал маълумотлари ҳам ана шулар ҳисобга олиниб тузилди.

10. жадвал

Ўзбекистонда беш йилликлар бўйича қўйлар сонининг ўртача ўсиш суръати (процент ҳисобида)

Қўйларнинг тури	Хўжаликлар категорияси	Ҳар беш йилликнинг ўртача бир йилида					
		1941— 1945	1946— 1950	1951— 1955	1956— 1960	1961— 1965	1966— 1970
Қоракўл қўйлар	Жами хўжаликлар Жумладан колхоз ва совхозлар	3,6 6,8	1,5 2,1	4,1 3,6	7,6 6,0	-2,4 -3,7	-0,9 -1,1
Думбали қўйлар	Жами хўжаликлар Жумладан колхоз ва совхозлар Эчкилар: жами хўжаликлар Жумладан:	-0,5 8,2 -6,8 11,1	7,4 10,0 5,5 8,8	4,8 2,2 -3,4 -9,5	0,02 -2,3 -11,0 -11,1	-2,2 -4,0 -6,1 -4,4	1,2 -1,3 5,6 -5,0
Жами қўйлар . . .	Колхоз ва совхозлар ва жами хўжаликлар Жумладан колхоз ва совхозлар	-0,2 -0,2	3,7 2,9	2,9 2,6	-2,5 -2,1	-0,04 -3,8	-1,1

Жадвалдан охирги беш йилликларда, айниқса 1961—1965 ва 1966—1970 йилларда Узбекистонда қўйлар сонининг ўсиш суръати мутлақо қониқарсиз бўлгани кўриниб туриди. Бу беш йилликларда колхоз ва совхозларда қўйлар сони кўпаймади, аксинча ўрта ҳисобда ҳар йили 2—4% атрофида камайди. Бу ҳол қўйчилик ишимизни тубдан яхшилашни, фермалар ва отарларда ишни фан ва техника ютуқлари ҳамда илгор тажрибалар асосида пухта ташкил этишни, барча омилларни маҳорат билан ишга солишни тақозо этади.

Махсус кузатишлар шуни кўрсатдики, Узбекистоннинг ҳамма асосий қўйчилик районларида бу сердаромад соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш учун зарур шароит ва ички имкониятлар бор. Кўпгина илгор хўжаликлар фан ютуқларидан, мавжуд техника воситаларидан, экинбоп ер майдонлари ва табиий яй-

ловлардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш натижасида қўйларни юксак суръатлар билан кўпайтиришга эришмоқдалар.

Бухоро обlastидаги қоракўлчиликка ихтисослашган «Коммунизм» ва «Томди» совхозлари фаолияти билан танишайлик. «Коммунизм» совхози камқувват ва майдада колхозлар заминида 1958 йилда ташкил этилган эди. Уша йили совхоз ихтиёрига 55,1 минг бош қоракўл қўй топширилган эди. 1970 йили бу қўйлар 63 минг бошга етди, яъни 14,5% кўпайди. «Томди» совхозида эса аҳвол мутлақо бошқача бўлди. Бу хўжаликда 1958 йили 62,3 минг бош қўй бор эди, 1970 йилда 52,8 минг бошга тушиб қолди ёки шу даврда 15,3% камайди.

«Коммунизм», «Нурота», «Конимех», «Чимқўрфон», «Муборак» ва бошқа қатор ихтисослашган қоракўлчилик совхозлари ҳашкилий-хўжалик жиҳатидан тобора мустаҳкамланяпти. Бу хўжаликлар наслчилик ишларини яхшилаш, ем-ҳашак базасини мустаҳкамлаш, техникадан ва бошқа воситалардан оқилона фойдаланиш, чўпонларга зарур моддий ва маданий шароит яратиш натижасида чорва туёгини кўпайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Бу илгор хўжаликлар тажрибаси кенг оммалаштиришга лойиқdir.

Қўйчилик хўжаликларида отарлар состави мавжуд конкрет шароит ҳисобга олинган ҳолда қайта кенгайтирилиши керак. Бу ерда қўйларни четдан сотиб олиш ҳисобига эмас, ички имкониятларга таяниб кўпайтириш назарда тутилади, албатта. Қўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, хўжаликларда ем-ҳашак етарли жамғарилса, қўйлар яхши парваришланса, ҳар йили уларни 15%, ҳатто бундан ҳам зиёд кўпайтириш мумкин. Афусски, мавжуд имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилапти, айрим обlastларда қўйларнинг йиллик кўпайиши ўрта ҳисобда аранг 2—3% ни ташкил этса, айримларида у ҳатто камайиб кетмоқда.

1960—1970 йилларда қўй ва эчкилар сони Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё обlastлари ва Қорақалпогистон АССР колхоз ва совхозларида 28—46% атрофида камайди. 1964 ва 1969 йилларда обҳаво чорва учун ўта ноқулай келиб, қўйларнинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатди. Вироқ хўжаликларда бунинг олдини олиш учун зарур иш қилинмади. Қўйлар кўплаб нобуд бўлиш ва қисир қолишдан ташқари, улар-

нинг маҳсулдорлиги ҳам камайиб кетди. Давлатга гўшт топшириш ишини ташкил этишда қатор камчиликларга йўл қўйилди, шунингдек сўнгги йилларда бъэзи хўжаликларда кўплаб қўйлар ички хўжалик эҳтиёжи баҳонасида гўшт учун сўйилди.

Хўжаликларда қўй отарларини яхшилаш ва тўлдиришнинг кўп йиллик тажрибада спналган ижобий тадбирлари изчиллик билан амалга оширилганида бундай ҳол содир бўймасди.

ҚУЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ҚОРАҚҰЛ ТЕРИ ЕТИШТИРИШ

Ўзбекистон наслли қоракўлчиликнинг асосий базасидир. Ассортиментининг бойлиги ва сифатининг юқорилиги жиҳатидан ўзбек қоракўлининг tengги йўқ. Шунинг учун республикамиэда ҳар йили етиштириладиган қоракўл териларининг 85% дан ортиғи хорижий мамлакатларга энг юқори баҳоларда экспорт қилинади. Ресpublikamiz колхоз ва совхозларининг чорвадорлари қоракўл териларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган ички ва ташқи эҳтиёжини ҳисобга олиб, унн етиштиришини кўпайтириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистонда 1969 йили давлатга 1950 йилга нисбатан 2,5 баравар кўп қоракўл тери топширилди. Қоракўл тери етиштиришни кўпайтиришда, айниқса Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областларининг ютуқлари катта бўлди. Бу областларнинг қоракўлчилари саккизинчи беш йилликда республика бўйича давлатга 121 млн. 295 минг дона қоракўл тери топширилишига ҳаммадан кўпроқ ҳисса қўшдилар. Республикада Бухоро обlastinинг бу соҳадаги ютуқлари айниқса ибратлидир. Бухоро қоракўлчилари 1950—1969 йиллар мобайнида давлатга қоракўл тери топширишни 2,4 баравар, 1966—1970 йилларда эса олдинги беш йилликдагига нисбатан 15,4% кўпайтиришга эришдилар.

Бироқ, республика бўйича қоракўл тери етиштириш сўнгги 20 йил мобайнида анча кўпайган бўлса-да, кўрсаткичлар об-ҳаво шароитига қараб йил сайин ўзгариб туради. Қоракўлчилик хўжаликларининг ўзига хос томони шундаки, об-ҳаво шароити ноқулай келиб, яйловларда ўтлар яхши ўсмай қолган йилларда қоракўл тери етиштириш анча кўпаяди. Бунинг сабаби шундаки,

қўйларни қишлодан яхши олиб чиқиш учун етарли ем-хашак жамғарилмаса, янги туғилган қўзиларни асраб қолиш ниҳоятда қийинлашади. Қўзилар нобуд бўлишининг олдини олиш мақсадида улар териси учун планда кўрсатилганидан анча кўп миқдорда сўйилади. Республика мизда 1964 ва 1969 йилларда худди шундай аҳвол юз берди. Бу икки йил чорвачилик учун жуда оғир келди: қўйлар кўп нобуд бўлди, эрта баҳорда туғилган қўзиларни асраш учун етарли шароит бўлмади. Оқибатда 1964 йили колхозларда 62%, совхозларда 52%, 1969 йили эса колхозларда 69,4% ва совхозларда 74,2% қўзи тери учун сўйилди. Самарқанд, Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозларида эса 1969 йилда туғилган қўзиларнинг 72 ва 77,5% ини териси учун сўйишга тўғри келди (11-жадвал). Табиийки, бу аҳволда қоракўл тери етиштириш кескин кўпайиб, қўйлар сони кўпаймай қолади. Масалан, республикада 1969 йили 3039,6 минг дона қоракўл тери етиштирилиб, шундан 2947,9 мингтаси давлатга топширилди. Бу қадар кўп қоракўл тери Ўзбекистон қўйчилиги тарихида биринчи марта етиштирилди.

11- жадвал

**Республика областларида қоракўл тери учун сўйилган қўзилар
(берилган йили туғилган қўзиларнинг % и)**

Областлар	Колхозларда		Совхозларда	
	1969 й.	1970 й.	1969 й.	1970 й.
Сирдарё . . .	51,0	37,5	72,3	35,0
Самарқанд . . .	72,0	47,5	73,7	46,1
Бухоро . . .	69,2	48,2	71,6	46,6
Қашқадарё . . .	71,6	35,9	77,5	60,4
Сурхондарё . . .	59,7	36,2	71,9	50,3
Хоразм . . .	69,1	51,6	69,7	48,1
ҚҚАСР . . .	84,4	41,3	81,6	54,2
ЎзССР жами . . .	69,4	46,4	74,2	45,5

Албатта, қоракўл тери етиштиришни кўпайтириш давлат учун ҳам, хўжаликлар учун ҳам фойдали. Лекин оғир келган йилларда фақат эркак қўзиларгина эмас, ургочи қўзилар ҳам тери учун кўплаб сўйилади. Бу қоракўл қўй сурувларини қайта тўлдириш имкониятларини мутлақо чеклаб қўяди. Бундан ташқари иш шу зайлда давом этаверса гўшт ва жун етиштириш, қўйлар

сонини кўпайтириш учун қўзи асраб қолиш планларининг бажарилиши хавф остида қолади. Бинобарин, обҳаво чорвачилик учун қулай келган йилларда қўзиларни териси учун сўйишни қатъий қисқартиришга тўғри кела-дн. Бу эса ўз навбатида қоракўл тери тайёрлашни камайтириб юборади. Масалан, Узбекистон колхозларида 1970 йили олинган қўзиларнинг фақат 46,4%, совхозларда 45,5 % териси учун сўйилди, холос. Бу, 1969 йилга нисбатан мувофиқ равишда 23% ва 28,7% кам демак-дир. Натижада республикада 1970 йили 1969 йилга қараганда 1943 минг дона қоракўл тери кам тайёрланди. Лекин бу колхоз ва совхозларда 1728,7 минг бош қўзини ўстириш учун қолдиришга имкон берди. Бу эса 1969 йилда нобуд бўлган қоракўл қўйлар ва териси учун ортиқча сўйилган қўзилар ўрнини тўлдириди. Бинобарин, тўққизинчи беш йилликда қоракўлчилик маҳсулотларини кўпайтириш учун замин яратилди.

Равшанки, қоракўлчилик хўжаликларида барра тери етишириш асосан олинган қўзилар сонига ва териси учун қанча қўзи сўйилишига боғлиқдир. Қўзи қанча кўп олинса ва 1—3 кунлигига териси учун қанча кўп сўйилса, қоракўл тери шунча кўп тайёрланади. Аслида зоотехника фани ва хўжаликлар тажрибаси ҳар йили туғилган қўзиларнинг ярми эркак, ярми ургочи қўзилардан иборат бўлишини кўрсатди. Қоракўл тери тайёрлаш учун жами эркак қўзилар, яъни ҳамма қўзиларнинг (50%) сўйилиши тавсия этилади. Ургочи қўзилар ўстириб совлиқ қилиш учун қолдирилади ва хўжаликнинг она қўйлари бош сони шу ҳисобдан қайта тикланади.

Амалда бунга доим ҳам амал қилинавермайди. Обҳаво яхши келган йилларда ҳам қўзиларнинг ярмидан кўли, қисман ургочи қўзилар ҳам кўпроқ тери тайёрлаш учун сўйиб юборилади. Масалан, 1960 йили республика колхоз ва совхозларида етиширилган қўзиларнинг 53%, 1961 йили 54,1%, 1962 йили 55,1%, 1963 йили 55,6%, 1964 йили 55,6%, 1965 йили 53%, 1966 йили 55,7%, 1967 йили 63,2% ва 1968 йили 63% териси учун сўйилган.

Қўзиларни териси учун белгиланган миқдордан кўп сўйишнинг зарари равшан бўлса ҳам, бунга йўл қўйнлаётганининг сабаби бор. Қоракўл териларнинг давлат харид нархи, шунингдек қўйларни боқиши учун сарфланаидиган харажатлар ва гўштнинг харид баҳоси бир-бира гига таққослаб кўрилса, қўзиларни тери учун сўйиш ўс-

тириб гўштга топширганга нисбатан анча фойдали ҳамда қулай. Бу инкор этиб бўлмайдиган оддий ҳақиқат бўлсада, қўйчиликнинг истиқболи, ривожланиш суръатларига салбий таъсир этадиган фактдир. 1965 ва 1970 йиллар кўрсаткичлари устида қилинган ҳисоб-китоблар ҳам шундан далолат беради (12-жадвал).

12- жадвал

Хўжаликларда қўзиларни териси учун сўйиниш ва ўстириш учун боқишининг самараадорлик кўрсаткичлари

Ўлчов бирлиги	Колхозлар		Совхозлар	
	1965 й.	1970 й.	1965 й.	1970 й.
Бир дона терининг давлат харид нархи, сўм	16,52	17,0	13,88	17,8
Сўйилган қўзи гўштининг нархи, сўм	0,30	0,50	0,50	0,50
Сўйилган қўзидан олинган жами фойда, сўм	16,82	17,50	14,38	18,3
Қўйлар вазнини 1 ц. ошириш учун сарфланган харажат, сўм	52,4	64,8	46,81	64,2
Гўштга топширилган ҳар бир қўйнинг ўртача вазни, кг,	35,3	40,5	36,5	37,6
Гўштга топширилган битта қўйни боқиши учун сарфланган харажат, сўм	18,49	26,24	17,08	24,14
1 кг. қўй гўштининг давлат харид нархи, сўм	0,54	0,77	0,53	0,81
Гўштга топширилган битта қўйдан олинган фойда, сўм	19,06	31,18	19,34	30,45
Ҳар қайси қўйдан қирқиб олинган жун, кг	1,6	2,4	1,8	2,9
1 кг жуннинг давлат харид нархи, сўм	3,34	2,9	3,62	3,1
Битта қўйдан қирқиб олинган жунни сотишдан кўрилган фойда, сўм	5,34	6,96	6,51	8,99
Жами фойда, сўм	24,40	38,14	25,85	39,44
Фойда билан харажат ўртасидаги тафовут, сўм	5,91	11,90	8,77	15,30

Қўриниб туриптники, колхоз ва совхозларда қоракўл тери ҳамда бошқа қўйчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш манфаатлари қўйларни, айниқса совлиқлар ва қўзиларни нобуд бўлишдан сақлашни талаб қиласди. Қўзиларни териси учун пландагидан ортиқ сўйиниш йўл қўймаслик учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Қўйларнинг қисир қолишига мутлақо йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш, совлиқлар серпуштигини ошириб, ҳар 100 совлиқдан иложи борича

кўпроқ қўзи олишга эришиш, айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда совлиқларнинг ҳар юз бошидан кўплаб қўзи олаётган пешқадам хўжаликлар кўп. Бухоро обlastидаги «Коммунизм» совхозида қўйлар намунали парвариш қилиниб, қишиндан яхши олиб ниқилиши натижасида 1958—1964 йилларда ҳар 100 совлиқдан ўрта ҳисобда 109 тадан, 1966 йили 112,5 тадан ва 1970 йили 124 тадан қўзи олинди. Натижада хўжаликда қоракўл тери етиштириш қўпайтирилди. 1958 йили давлатга 17406 дона қоракўл тери топширилган бўлса, 1970 йили 22780 дона топширилди.

Бухоро областининг Томди районидаги Балимановномли колхоз чорвадорлари ҳам қоракўлчиликни ривожлантиришда самарали натижаларга эришдилар. Масалан, 1956 йилда бу хўжаликда 50 минг қўй боқилиб, давлатга 15,3 минг дона қоракўл тери топширилган бўлса, 1970 йили қўйлар боши 86,5 мингтага, қоракўл тери етиштириш 33 мингтага етказилди. Бу хўжаликда қўйларнинг қисир қолиши ва қишида нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймайдилар. Шунинг учун ҳам совлиқлар серпуштлиги тобора ошяпти, кейинги йилларда бу ерда ҳар 100 совлиқдан 120—130 тагача қўзи олинмоқда.

Шунингдек, «Чимқўргон», «Қизилқум», «Қарноб», «Нишон», «Нурота» «Октябрь 40 йиллиги», «Конимех» совхозлари ва бошқа қатор пешқадам хўжаликларнинг коллективлари ҳам худди шундай ибратли муваффақиятларга эришяптилар. Бу хўжаликлар иш тажрибаларини оммалаштириш — қоракўлчиликни тез суръатлар билан юксалтиришнинг муҳим омилидир.

ЖУН ЕТИШТИРИШ

Маълумки, Ўзбекистонда қўйларнинг кўп турлари урчитилади. Бинобарин, улардан олинадиган жун ҳам сифати жиҳатидан турли хилдир. Етиштириладиган жуннинг асосий қисми қоракўл, жайдари, ҳисор қўйларидан олинадиган дағал жундир.

Одатда қоракўл қўйларнинг жуни йилига икки марта — кўклам ва кузда қирқилади. Кўкламда қирқилган жун кузги қирқимдагидан фарқ қиласди. Беш — олти ойлик қўзилардан кузда қирқиладиган жун алоҳида категорияга киради. Кўкламги жун қирқиш 20—25 апрелдан

10—15 майгача, кузгиси эса, август охиридан сентябрининг ўрталаригача давом этади. Ҳар қайси совлиқдан иккала қирқимда 2—4, битта қўчкордан 3—4, айримларидан эса ҳатто 5 кг. гача жун қирқиб олиш мумкин. Жуннинг асосий қисми кўкламги қирқимдан чиқади, бунда ҳар бир қўй ўрта ҳисобда 1,5—2,5 кг. жун беради. Кузги қирқимда олинган жун қўй бошига ўрта ҳисобда 0,7—1,0 кг. га тўғри келади. Беш-олти ойлик қўзидан 0,6—1,2 кг. жун қирқиб олинади. Умуман, қоракўл қўйлар дагал жун берадиган бошқа зотга мансуб қўйларга қараганда (сараджи зотидаги қўйлар бундан мустасно) анча кўп жун беради.

Ўзбекистоннинг адир ва тоғли районларида урчитиладиган жайдари ва ҳисор қўйлари қоракўл қўйларига қараганда анча кам жун беради. Уларнинг жуни ҳам икки марта қирқилади. Айрим қўйларнинг жуни яхши ўスマГан бўлса ва қиши қаттиқ келиши кутилса, кузда қирқимлади.

Республикамизда қисман майин ва ярим майин жун ҳам етиштирилади. Лекин бундай қўйлар нисбатан кам бўлиб, 1970 йилда жами 235 минг бош мавжуд эди.

13- жадвал

Ўзбекистонда жун етиштиришни ифодаловчи кўрсаткичлар (тонна)

Йиллар	Барча категорияда		Колхоз ва совхозларда		Аҳоли	
	қўй ва эчкилар	етишти- рилган жун	қўй ва эчкилар	етиштирил- ган жун	қўй ва эчкилар	етишти- рилган жун
1913	4558,8	5 900	—	—	4558,8	5 900
1928	5032,0	6 700	—	—	5032,0	6 700
1940	6010,2	7 100	3771,7	5 681	2238,5	1 419
1950	7072,9	11 711	6501,9	11 033	571,0	678
1955	8098,3	16 266	6899,1	15 126	1199,2	1 140
1960	9168,4	24 307	7646,1	19 805	1522,3	4 502
1961—1965	43896,1	113 189	35361,8	82 354	8534,3	30 835
1965	8017,5	21 495	6189,5	15 295	1828,0	6 200
1966—1970	40656,3	110 642	30070,9	74 030	10585,4	36 612
1970	8000,1	22 120	5847,7	14 071	2152,4	8 049

1940—1960 йиллар давомида республика колхоз ва совхозларида жун етиштириш 3,5 баравар кўпайди. Бу ютуқ қўйлар сони шу даврда икки баравар кўпайганлигининг натижасидир. Бироқ, сўнгги ўн йил мобайнинда

(1960—1970) қўйлар республика бўйича 12,8%, жумладан колхоз ва совхозларда 23,5% камайди. Оқибатда жун етиштириш ҳам шунга мувофиқ равишда 9% ва 29% қисқарди.

Қўйларни кўпайтираётган хўжаликларда, бутун-бутун район ва областларда жун етиштириш ҳам тобора кўпайиб боряпти. Фактларга мурожаат қиласлилар. Республикамиз бўйича жун етиштириш 1966—1970 йилларда 1961—1965 йилларга қараганда 2,3% камайган. Бухоро обlastida эса шу даврда жун етиштириш 3,1% кўпайган. Ёки бошқа бир мисол: республиканинг барча хўжаликлирида жун етиштириш 1970 йилда 1960 йилга нисбатан 9% камайган ҳолда, Бухоро обlastida 4,1% кўпайган. Шунингдек, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Андижон обlastlariда ва Қорақалпоғистон АССРда ҳам шу даврда жун етиштириш 4—20% атрофида кўпайган. Бироқ, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё обlastlariда жун етиштириш 1970 илини 1960 йилга нисбатан мувофиқ равишда 27, 22,2 ва 23,6% камайган.

Демак, бу жойларда жун етиштиришни кўпайтиришнинг амалий тадбирлари белгиланяпти, ички резервлар ишга тушириляпти, деб бўлмайди. Маълумки, хўжаликларда жун етиштиришнинг ялпи миқдори қўйларнинг умумий сони ўрта ҳисобда ва ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган жун ҳажмига боғлиқдир, ҳар бир қўйдан ўртача қирқим қанча юқори бўлса, қўйлар боши ўсмаган ҳолда ҳам ялпи жун салмоғи ортиши ҳеч кимга сир эмас.

Афсуски, бу муҳим масалага ҳамма хўжаликларда ҳам тегишли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Айрим обlast xўжаликлирида ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган йиллик жун 2 кг. дан юқори эмас.

Партия ва ҳукуматимиз чорвадорларни жун тайёрлашни жадал суръатлар билан кўпайтиришга даъват эттаётир. Бунга ҳар бир қўйдан 3 кг.га етказиб жун қирқишини таъминлаш билан эришиш мумкин.

Пешқадам қўйчилик хўжаликларининг илгор тажрибаси бу вазифани муваффақиятли бажариш мумкинлигидан далолат бермоқда. Масалан, 1970 йилда «Томди», «Коммунизм», «Ўзбекистон 40 йиллиги», «Муборак» «Чимқўргон», «Қизилқум», «Конимех», «Нурота» ва бошқа ихтисослашган қорақўлчилик хўжаликлирида ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 3,5—4кг. жун қирқиб олинди.

Бухоро ва Хоразм областларининг колхозларида фақат қоракўл қўй урчитилади. Қўйлар бир зотли бўлишига қарамай, бу икки областда ўртача ҳар бир қўйдан қирқиб олинаётган жун миқдори турлича бўляпти. Чунончи, Бухоро, областининг колхозлари Хоразм области колхозларига қараганда ҳар қўйдан 0,7—1,0 кг. кўп жун қирқиб олишга эришмоқдалар. Бошқа айрим областлардаги совхозлар кўрсаткичидаги ҳам худди шундай ҳол қўзга ташланади. Демак, ҳар бир қўйдан жун қирқиб олишни кўпайтириш учун фақат колхозлардагина эмас, балки совхозларда ҳам кўпгина ички резервлар бор. Бундан ташқари қўйчиликка ихтисослаштирилган колхозларда ҳам пахтакор хўжаликлардагига нисбатан қўй бошига кўп жун етиштирилаётир. Масалан, 1965 ва 1970 йиллари Томди районидаги қоракўлчилик колхозлари ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 2,9—3,0 кг. жун қирқиб олдилар. Бу — Бухоро области бўйича эришилган кўрсаткичлардан 0,4 кг. кўпdir. 1970 йили шу райондаги Балимановномли колхоз 86,5 минг қўйнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 3,5 кг дан жун етиштириди.

Бу мисоллар ҳар бир хўжаликда жун етиштиришни кўпайтириш ички имкониятлардан қанчалик оқилона фойдаланишига беғлиқ, деган холоса ясаш учун асос бўла олади.

ГЎШТ ЕТИШТИРИШ

Қўйчилик хўжаликларида гўшт асосан қарилиги туфайли брак қилинган ҳамда 6—8 ва 15—20 ойлик ахта қўйлар, тери учун сўйилган қўэзилар ҳисобига етиштирилади. Қарилиги учун брак қилинган қўйларнинг хиссаси гўшт етиштиришда анча салмоқлидир. Илига қўйчилик хўжаликлари шу йил бошида мавжуд бўлган қўйларнинг 12—15%ини гўштга топширадилар. Кейинги йилларда гўштга эҳтиёж анча ўсмоқда. Бинобарин, хўжаликлар гўшт етиштиришни шунга яраша кўпайтиришлари ва давлатга ўсиб бораётган талабга яраша гўшт сотишлари керак. Шу билан бирга юқорида айтганимиздек, гўшт етиштириш ва давлатга сотишни қўй сурувlarини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш зарур. Қўйлар сони билан гўшт тайёрлаш учун қўй ажратишнинг ўзаро мутаносиблиги гўшт етиштиришни тўғри ташкил этишининг ягона шартидир.

Акс ҳолда қўйлар сони ҳам, гўшт етишириш ҳам йилдан йил камайиб кетиши мумкин.

Гўшт учун ажратилган қўйларни юқори семизликкача боқиши гўшт етиширишни кўпайтиришнинг асосий манбаларидан биридир.

Республика колхоз ва совхозларида гўштга топширилган қўйлар миқдори ва уларнинг ўртача тирик вазни кўрсаткичлари билан танишайлик.

14- жадвал

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида давлатга топширилган ҳамда хўжаликнинг ўзида сўйилган қўй ва эчкиларнинг ўртача тирик вазни

Йиллар	Давлатга топширилган			Хўжаликнинг ўзида сўйилган		
	Қоракўл қўйлар	думбали қўйлар	эчкилар	қоракўл қўйлар	думбали қўйлар	эчкилар
1958	40	43	29	32	35	27
1959	38	40	27	32	33	26
1960	38	43	28	32	34	27
1961	36	41	28	28	29	23
1962	37	42	28	26	28	23
1963	37	41	29	25	26	21
1964	39	41	27	26	25	21
1965	37	40	26	27	27	22
1966	39	41	27	28	30	21
1967	38	40	26	28	28	21
1968	39	41	27	28	27	21
1969	37	38	26	28	27	22
1970	39	41	27	30	29	23
1958—1970	37,9	40,9	27,3	28,5	29,0	22,9
1961—1965	37,0	41,0	27,6	26,4	27,0	22,0
1966—1970	38,4	40,5	26,7	28,3	27,8	21,5

Кўриниб турибдики, 1958—1970 йиллар мобайнинда республика колхоз, совхозлари гўшт учун давлатга жами 1419,8 минг бош қўй ва эчки, яъни тирик вазнда 5447,2 минг центнер гўшт сотдилар. Фактлар шуни кўрсатадики, колхоз ва совхозлар саккизинчи беш йилликда (1966—1970) еттинчи беш йиллик (1961—1965) дагига қараганда давлатга 800 минг центнер кам қўй гўшти топширганлар. Бунинг биринчи сабаби, саккизинчи беш йилликда еттинчи беш йилликдагига қараганда гўштга 2171,5 минг бош кам қўй ва эчки сотилганлигига, ик-

кинчиси эса, ҳар бир қўйнинг ўртача тирик вазни 0,6 кг. кам бўлганидадир.

Сўнгти йилларда қўпгина қўйчилик хўжаликларида гўшт етиширишни ташкилий жиҳатдан тўгри йўлга қўйиш, айниқса, бўрдоқига боқиб, семиртириш юзасидан талаблар даражасида иш олиб борилмаяпти.

Қоракўлчиликда ҳам, думбали қўйчилик ва эчкичиликда ҳам гўшт етиширишни тобора кўпайтиришнинг ҳали фойдаланилмаётган ички имкониятлари кўп. Шулардан бири қўйларни семиртиришни тўгри ташкил этишdir. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1958—1970 йилларда давлатга гўшт учун топширилган қоракўл қўйларнинг ўртача вазни 38 кг.ни, думбали қўйларни 41 кг. ва эчкиларни 27 кгни ташкил этган. Еттинчи ва саккизинчи беш йилликларни алоҳида олиб қараганда ҳам мазкур кўрсаткич пасайган. Ички хўжалик эҳтиёжлари учун сўйиладиган қўй ва эчкиларнинг ўртача вазни, айниқса паст бўлиб, қоракўл қўйлари 28—30 кг, думбали қўйлар 27—32 кг ва эчкилар 21—23 кг. дан ошмайди. Айrim областларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Масалан, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм областларининг ҳам деҳқончилик, ҳам қоракўлчилик билан шуғулланаётган колхозларида гўштга топширилаётган қўйларнинг вазни 36—37 кг. га ҳам етмайди. Лекин ҳамма область хўжаликларида ҳам аҳвол мана шундай қониқарсиз, дейиш мумкин эмас. Масалан, Бухоро обlastida бу иш анча яхши йўлга қўйилган: гўштга топширилаётган қоракўл қўйларининг вазни ўрта ҳисобда 40—42 кг. га боради.

1966—1970 йилларда республика колхозларида гўштга топширилган битта қоракўл қўйнинг ўртача тирик вазни 38,3 кгни ташкил этган бўлса, Бухоро область колхозларида бу кўрсаткич 40,8 кг. ёки ўртача республика даражасидан 2,5 кг. юқори бўлди. Агар республиканинг ҳамма колхоз ва совхозларида гўшт учун ажратилган ҳар бир қоракўл қўйнинг ўртача вазни Бухоро области даражасига, яъни 40,8 кг. га етказилганда эди, фақат қўшимча равишда шу ҳисобдан йилига 83,4 минг центнер қўй гўшти етиширилган бўларди.

Совхозларда давлатга гўшт топшириш иши бирмунча яхши ташкил этилган. Саккизинчи беш йилликда совхозлар гўштга топширган 2340 минг бош қўйдан ҳар бирининг ўртача тирик вазни 38,4 кг. ни ташкил

этди. Бухоро области ва Қорақалпоғистон АССР совхозларида эса бу кўрсаткич 39,9 кг. дан иборат бўлди. Афсуски, бу иш ҳамма совхозларда ҳам кўнгилдагидай ташкил этилган, деб бўлмайди. Масалан, 1970 йили Сурхондарё обlastидаги совхозларда гўштга топширилган ҳар бир қоракўл қўйнинг ўртача вазни аранг 34,7 кг. га етди. Ваҳоланки, «Конимех», «Коммунизм», «Чимқўрғон», «Қизилқум», «Нурота», «Октябрь 40 йиллиги» сингари пешқадам совхозларда бу кўрсаткич 42—44 кг. дан ҳам юқоридир.

Думбали қўй урчитаётган хўжаликларда ҳам қўй гўшти етиштиришни мавжуд имкониятлар негизида қўпайтиришнинг резервлари кўп. Қуйидаги рақамларга назар ташлайлик. Республика колхозларида 1966—1970 йилларда гўштга сотилган ҳар бир думбали қўйнинг ўртача вазни 41 кг. ни, совхозларда 40 кг. ни ташкил этди. Тошкент обlastи колхозларида бу кўрсаткич 1970 йилда 44,2 кг. ни, Фаргона, Самарқанд обlastлари совхозларида 45—45,5 кг. ни ташкил этди. Бироқ, Сирдарё, Наманган обlastлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР совхозларида ва Андижон, Самарқанд обlastлари колхозларида бу кўрсаткич 32—36 кг. дан ошмаётир. Бу ҳатто қоракўл қўйларнинг вазнидан ҳам анча пастир. Бу, мазкур жойларда жайдари ва ҳисор қўйларининг биологик афзалликлари — гўштдорлик хусусиятидан тўла фойдаланилмаётганини кўрсатади.

Гўшт етиштиришни қўпайтиришда гўштбоп эчкиларни семиртириб гўштга топшириш ҳам муҳим роль ўйнайди. 1966—1970 йилларда республикамиз колхоз ва совхозларида 84,5 минг эчки гўштга топширилди. Бироқ, улардан ҳар бирининг ўртача тирик вазни 27 кг. га ҳам етмади. Бу аҳволда эчкичиллик ўзини-ўзи қопламайди. Тўғри, эчки урчишдан асосий мақсад сифатли жун олишdir. Лекин эчки гўшти ҳам хўжаликлар экономикасида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бу ишга жиддий эътибор бериш лозим.

Юқорида айтилганлардан қўйчилик маҳсулотини янада қўпайтириш учун барча хўжаликларда кўпгина ички имконият ва резервлар мавжудлиги кўриниб турипти. Вазифа ана шу резервларни аниқлаш ва изчиллик билан ишга sola боришдан иборатdir.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги натижасида республикамиз қўйчилигига

**Республика ҳўжаликларида гўштга топширилган думбали
қўйлар сони ва ялпи ҳамда ўртача вазни**

С областялар	Хўжаликлар	1965 йил			1970 йил		
		минг бос.	минг центнер	1 кўйининг ўртаки вазни, кг	минг бос.	минг центнер	1 кўйининг ўртаки вазни, кг
Тошкент	колхозларда	34,1	14,7	43,1	24,4	10,8	44,2
	совхозларда	55,8	21,2	38,0	28,7	12,2	42,5
Сирдарё	совхозларда	27,5	10,6	38,5	6,7	2,4	35,8
Фарғона	колхозларда	0,86	3,8	44,2	3,6	1,5	41,6
	совхозларда	1,2	0,5	41,6	0,91	0,41	45,0
Наманган	колхозларда	—	—	—	10,6	3,8	35,8
	совхозларда	—	—	—	3,8	1,2	31,6
Андижон	колхозларда	16,1	6,0	37,2	4,2	1,6	38,1
	совхозларда	7,2	2,5	34,7	0,55	0,21	38,2
Самарқанд	колхозларда	12,4	4,5	36,3	4,2	1,6	38,1
	совхозларда	17,0	6,9	40,5	9,0	4,1	45,5
Қашқадарё	колхозларда	0,95	0,4	42,1	0,6	0,3	42,1
	совхозларда	16,0	6,6	41,2	5,7	2,4	42,1
Сурхондарё	колхозларда	31,1	13,5	43,4	14,9	6,1	41,0
	совхозларда	21,0	8,2	39,0	13,3	5,9	44,3
ҚҚАССР	совхозларда	23,1	8,7	37,6	9,7	3,4	35,1
Республика бўйича	колхозларда	104,5	43,4	41,5	62,8	25,9	41,2
	совхозларда	168,7	65,3	40,7	78,4	32,2	41,1

катта сифат ўзгаришлар ясалди. Масалан, 1887 йилда Бухоро хонлиги териториясида боқиладиган қоракўл қўйларнинг учдан бир қисми дурагайлашган бўлса, 1915 йилга келганда соф зотли қоракўл қўйлар деярли қолмаганди. Совет ҳокимияти йилларида қўйларнинг, айниқса қоракўл қўйларнинг зотини яхшилаш юзасидан катта ишлар олиб борилди. 1930 йилда Каттақўргонда қоракўлчилик тажриба станцияси ташкил этилди. Каттақўргон қоракўлчилик тажриба станцияси заминида 1935 йили республика аҳамиятига эга бўлган қоракўлчилик илмий текшириш институти, 1939 йилга келиб эса Бутуниттироқ аҳамиятига эга бўлган қўйчиллик илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Бундан ташқари 1934 йилда Косон, 1945 йили Фиждувон, 1950 йили Свердлов наслчиллик рассадниклари ишга туширилди. «Нишон», «Муборак», «Қорақум», «Қонимех», «Қарноб», «Нурота» наслчиллик ҳўжаликлари юзага келди.

Ўзбекистон чорвадорлари, мутахассислар ва олимлар партия ва ҳукумат ёрдамига таяниб олиб борган кўп йиллик самарали меҳнат натижасида қоракўл қўйларининг зотдорлиги, маҳсулот сифати кескин яхшиланди. 1960 йилнинг биринчи январида ўтказилган зотли моллар рўйхати Ўзбекистонда мавжуд барча турдаги қўйлар составида зотдор қоракўл қўйларининг салмоғи колхозларда 99,4%, совхозларда 99,8% га етганини кўрсатди. 1969 йил бошида ўтказилган моллар рўйхати эса Ўзбекистон колхоз ва совхозларида мавжуд қоракўл қўйлар 100% тоза зотли эканлигини исботлади. Бу қўйчиликда жуда катта сифат ўзгариши ясалганини ёрқин кўрсатувчи қувончли рақамлардир.

ҚУЙЧИЛИКНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ИҮЛЛАРИ

Қўйчилик чорвачиликнинг бошқа соҳаларига нисбатан кам интенсивлашган бўлиб, ярим экстенсив ҳолат дадидир.

16- жадвал

Ишлаб чиқариши турлича йўналишда бўлган совхозларнинг асосий воситалар билан таъминланиши (1970 йил)

Совхозлар номи	Ишлаб чиқарнишнинг асосий йўналиши	Жами ер майдонининг 1 гектари хисобига тўғри келадиган ҳамма асосий воситалар қўймати, (сўм)	Жами ер майдонининг 1 гектари хисобига тўғри келадиган ялни пул даромади, (сўм)
«Ганибод»	пахтацилиқ	929	774
1 - «Боёвут»	пахтацилиқ	965	541
«Сирдарё»	шоликорлик	1856	583
«Ударни»	ғаллакорлик	101	62
«Сўҳ»	сабзавотчилик	768	429
«Чиноз» наслчиллик совхози	қорамолчилик	2013	863
«Галлақудук»	чўчқачилиқ	572	148
Жамбулномли	қўйчилик	34	14
Охунбобоевномли	қўйчилик	31	13
«Коммунизм»	қоракўчилик	15	8
«Октябрь 40 йилтиги»	қоракўчилик	5	2

Сўнгги йилларда республика хўжаликларида қўйчиликни интенсив ривожлантириш тадбирлари изчиллик билан амалга ошириляпти. Бу мақсад учун ажратила-

диган капитал маблағ миқдори күпайтирилмоқда. Бу маблағлар, аввало, қўйчиликнинг ем-хашак ғазасини мустаҳкамлаш ва қўйхоналар қурилишига, яйловларда сув манбаларини излаб топиш ва ишга солишга, қўйларнинг зоти ва наслини яхшилашга, ишларни механизациялаш, янги йўллар, алоқа линиялари қуриш, хўжаликларни электрлаштириш, газлаштириш, чўпонлар учун туарар жойлар, маданий марказлар барпо этиш каби ҳаётий муҳим мақсадларга сарфланяпти. Натижада қўйчилик ҳам аста-секин интенсив ривожланмоқда.

Хўжаликларда қўйчиликнинг интенсивлик даражасини ифодаловчи қатор кўрсаткичлар бор. Мана улар:

- ер бирлиги ва бир қўй ҳисобига тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати;
- ер бирлиги ва бир қўй ҳисобига тўғри келадиган жорий ишлаб чиқариш сарфларининг суммаси;
- ер бирлиги ҳисобига тўғри келадиган қўйлар сони;
- қўйлар маҳсулдорлиги кўрсаткичлари;
- зотдорлик ва наслдорликка оид кўрсаткичлар;
- ҳар бош қўй ҳисобига етиширилган ем-хашак миқдори, қўйларни озиқлантириш ҳамда асраш системаси;
- ер бирлиги ва ўртача бир қўй ҳисобига етиширилгани ялпи маҳсулот қиймати ва бошқалар.

Бу кўрсаткичларнинг аҳамияти бир хил эмас, албатта. Улардан ҳар бири қўйчиликни интенсивлашнинг алоҳида томонларини ифодалайди.

Қўйчиликни интенсивлашдан мақсад — фермаларда қўйлар сони ва маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот етиширишни кўпайтиришдан иборатdir. Бу мақсадга ғеришиш қўшимча маблағ сарфини тақозо этади. Яйлов хўжаликлари учун об-ҳаво ноқулай келган йилларда маҳсулот етишириш миқдори кескин ўзгариши оқибатида интенсивлаш мақсадларига сарфланган маблаглар самарадорлиги ҳам пасайиши мумкин. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш натижалари хўжаликка раҳбарлик қай аҳволда бўлишига ҳам боғлиқdir. Лекин, хўжалик ҳисоби манфаатлари ҳар қандай шароитда ҳам ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун сарфланган маблаглар маҳсулот етиширишнинг кўпайишига олиб келишига ғеришишни тақозо этади. Акс ҳолда интенсивлаш мақсадсиз, самарасиз тадбир бўлиб қолади. Айни

вақтда оқилюна ўзлаштирилган қўшимча маблағлар қўйчилик самарадорлигининг ўсишини таъминлабгина қолмай, маҳсулот таңархини арzonлаштириш омили ҳамдир.

Сўнгги йилларда қўйчиликка ихтисослашган колхоз ва совхозларнинг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси анча ортди. Буни Бухоро обlastининг Томди районидаги колхозлар ва «Конимех» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Бу район колхозларида асосий воситаларнинг қишлоқ хўжалигига тегишли қисми ҳар 100 га ерга ҳисоблаганда 1965 йилдаги 339 сўмдан 1970 йили 438 сўмга етди ёки 29,2% ўси. Конимех совхозида бу ўсиш 333 сўмни ёки 32,1% ни ташкил этди. Шунингдек, 1965—1970 йилларда қишлоқ хўжалигига тегишли асосий воситаларнинг маҳсулдор ва иш ҳайвонлари қийматидан ташқари қисми ҳам ҳар 100 га ҳисобига колхозларда 76 сўм ёки 69%га, «Конимех» совхозида 371 сўм ёки 58% га ўси. Бу қўй сурувлари маҳсулдорлигига ижобий таъсир этди. Ялпи қўйчилик маҳсулотининг қиймати ҳар 100 га, ерга ҳисоблаганда Томди райони бўйича 18 сўмга, «Конимех» совхозида эса 55 сўмга (6,5% ва 8,7%) ошди. Ўтган саккизинчи беш йилликда қўйчилик хўжаликларининг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси қўйчилик ялпи маҳсулотининг ўсиш даражасига нисбатан анча юқори бўлди. Шу сабабли, бу асосий воситалар бирлигининг иқтисодий самарадорлиги бир оз кам миқдорни ташкил этди. Масалан, 1965—1970 йилларда асосий воситаларнинг бир қўй ҳисобига тўғри келадиган қисмининг қиймати Томди райони колхозларида 57%, «Конимех» совхозида 75% ўсгани ҳолда, йиллик ўртача бир бош қўй ҳисобига етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати район бўйича 27,6%, «Конимех» совхозида эса 34,8% ўси, холос. Натижада асосий қишлоқ хўжалик воситаларининг ҳар бир сўми ҳисобига 1970 йили 1965 йилга қараганда район бўйича ўрта ҳисобда 0,5 сўмлик, «Конимех» совхозида эса 0,2 сўмлик кам маҳсулот олинди.

Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқаришнинг асосий воситалар билан таъминланиш даражаси ўсиши натижасида қўйларни асраш ва боқиш билан боғлиқ чиқимлар ҳажми Томди районида бир қўй ҳисобига 4,4 сўмга, «Конимех» совхозида 4,2 сўмга ошди. Шунинг учун ҳам асосий воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги юқори-

да таъкидлангандек, анча пасайди. Йиллик ишлаб чиқариш чиқимларининг ҳар бош қўй ҳисобига ортишида ем-хашак сарфи ўсишининг ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Масалан, 1965—1970 йилларда йиллик ўртача бир бош қўйни озиқлантириш сарфи Томди районида 0,93 сўмга, «Конимех» совхозида 0,61 сўмга кўтарили ёки бу жойларда ҳар бош қўйга мувофиқ равишда 0,33 ва 0,50 центнер кўп озиқ бирлиги сарфланди.

Демак, ишлаб чиқаришни интенсивлаш мақсадида қўшимча маблағ сарфланган-у, лекин шу харажатларни қоплайдиган даражадагина қўшимча маҳсулот етиширилган. Шунинг учун ҳам 1965—1970 йилларда қўйчилик фермаларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги деярли ўсмади. Бундан қўйчиликни интенсивлаш фойдасиз, деган холоса чиқмайди, албатта. Утган беш йил давомида қўйчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун сарфланган қўшимча капитал маблағ юксак самара бермаса-да ҳар бош қўй ҳисобига етиширилган фойданинг кўпайишига ижобий таъсир қилди. Чунончи, Томди райони колхозларида 1970 йил 1965 йилга қараганда йиллик ўртача ҳар бош қўй ҳисобига 18,7%, «Конимех» совхозида эса 60,6% қўшимча соф фойда етиширишга муваффақ бўлинди. 1970 йили район колхозларида қўйчиликнинг ишлаб чиқариш чиқимларига нисбатан рентабеллиги 37,5% ни, «Конимех» совхозида 37,7% ни ташкил этди.

Қўйчилик хўжаликлари ишлаб чиқаришини интенсивлаш уларнинг даромадини кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Тўғри, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги фақат интенсив ривожланишгагина боғлиқ эмас. Айрим хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг интенсивланиши асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш чиқимлари ўсишида ифодаланса-да, иқтисодий самарадорлик ўзгармаслиги, ҳатто, пасайиши мумкин. Лекин бу ҳол умумий қонуниятни издан чиқармайди.

Қўйчилик ҳозиргача паст даражада интенсивланганининг сабаблари кўп. Бу аввало, ем-хашак етиширишнинг аҳволи билан боғлиқдир. Масалан, 1970 йилда республика колхозларида бир бош ўрта йиллик қўйни асраш ва озиқлантириш учун 171, совхозларда 199 озиқ бирлиги сарфланган. Бу зоотехника нормаларидан ва қўйларнинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжи даражасидан анча камдир.

1970 йили Ўзбекистон колхозларида 19910 минг центнер, совхозларда 12736 минг центнер озиқ бирлиги сарфланган. Бунинг 22% и бевосита колхозлар, 42% и совхозлар қўйчилик фермаларида сарфланди. Буни нормал ҳол, деб бўлмайди.

Қўйчилик фермаларида ем-хашак, айниқса маккажўхори, беда ва шу каби озиқбоп экинларни етиштириш яхши йўлга қўйилмаган. Натижада қўйчиликнинг йиллик ем-хашак балансида табиий яйловлар 90% ни, маданий ўтлар эса 10% ни ташкил этади, холос. Қўйларни озиқлантириш (қишида қўлда боқишини ҳисобга олмагандада) шу кунга қадар йил бўйи яйлов системасига асосланниб келади.

Маълумки, республикада яйловларнинг ҳосилдорлиги жуда паст бўлиб, ҳар гектарининг мавжуд йиллик ҳосили қуруқ хашак ҳисобида 2,5—3,5 ц., тоғ этакларида 5 ц. дан ошмайди, қурғоқчил йиллари эса 1—1,5 ц. га, ҳатто ундан ҳам камроққа тушиб қолади. Шунинг учун ҳам қўйлар қишида кўп нобуд бўлади, маҳсулдорлиги талабдаги даражага етмайди.

Қўйчиликни ривожлантиришда, айниқса, интенсив ривожлантиришда фермалар ишлаб чиқариш воситалари билан қай даражада таъминланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бироқ республика қўйчилик хўжаликлигининг асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси ҳали қониқарли әмас. Бундан ташқари қўйчилик фермаларида механизациядан, фан ютуқлари ва илгор тажрибалардан фойдаланиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Табиий яйловлар текин озиқ, бинобарин, арzon чорва маҳсулотлари манбай экан, қўйчиликни интенсивлаш манфаатлари буни инкор этмайди, балки улардан янада унумли ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо зо этади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда қўйчиликни интенсивлаш объектив зарурият сифатида илгари сурилмоқда. Чунки мазкур соҳа қанчалик чуқур интенсивлашар экан, яйлов хўжаликларининг маданияти шунчалик кўтарилади, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратилади.

Республика чорвадорларининг вазифаси — яқин йилларда қўйчиликнинг интенсив ривожланишини таъминлашдан иборатdir.

Қўйчиликни интенсив ривожлантиришнинг асосий йўллари қўйидагилардан иборат:

— ишлаб чиқариши янада тўлароқ ихтисослаштириш ва концентрациялаш;

— қўйларни асраш ва боқиш системасини такомиллаштириш;

— қўй сурувларини қайта тиклаш суръатини жадаллаштириш, айниқса совлиқ қўйлар сонини кўпайтириш;

— қўйларнинг зоти ва наслини яхшилаш, маҳсулот сифатини кўтаришга эришиш;

— ем-хашак етиштиришни интенсивлаш, яйловлардан рационал фойдаланишни таъминлаш, уларни сув билан таъминлашни яхшилаш, суфориладиган майдонини кенгайтириш, озиқбоп экинларни кўплаб экиш, уларни ўғитлаш;

— қўйчилик фермаларида ем-хашак етиштириш ва бошқа иш жараёнларини механизациялаш;

— колхоз ва совхозларда асосий ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, сурувларни қўйхоналар билан таъминлашни яхшилаш, қўйчиликка сарфланган капитал маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;

— ишлаб чиқариши, чўпонлар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, моддий рафбатлантириш усулларини кенг жорий этиш заминида меҳнат унумдорлигини ошириш;

Қўйчиликни интенсивлаш асосий воситаларнинг ўсиши, такомиллашуви ва ишлаб чиқариш чиқимлари кўпайишида ўз ифодасини топади.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорлари асосида қўйчилик маҳсулотларининг давлат харид баҳоси оширилиши, айниқса, 1970 йил июлида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маҳсус қарорига биноан гўшт, сут, жун ва бошқа чорва маҳсулотларининг давлат харид нархлари анча кўтарилигани натижасида чорвачилик тармоқлари, жумладан, қўйчиликининг иқтисодий самарадорлигини кескин юксалтириш учун яхши шароит юзага келди, хўжаликларнинг қўйчиликдан кўрадиган нафи кўпайди. Бинобарин, бундан буён қўйчиликни интенсив ривожлантириш учун қўшимча маблағ ажратишга ҳамма хўжаликлар ҳам қодир бўлиб қолдилар.

ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ҚҰИЧИЛИК ХҰЖАЛИҚЛАРИДА ЕМ-ХАШАҚ ЕТИШТИРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Күп йиллик тажрибалар шуни күрсатадыки, чорвачи-ликтин интенсив ривожлантириш чорва молларини хил-ма-хил озиқлар билан етарлы миқдорда таъминлашга күп жиҳатдан боғлиқдир. Академик М. Ф. Иванов ёз-ганидек «Озиқ ва озиқлантириш — ҳайвон организмига зоти ва келиб чиқишига қараганда анча кўпроқ таъсир қилади». Демак, моллар яхши парваришланган тақдир-дагина нормал ўсади, ривожланади ва сермаҳсул бў-лади.

Қўйчилик хўжаликларининг фаолияти табиий яйлов-лар ва улардан қанчалик самарали фойдаланишга боғ-лиқ. Яйловдаги ўт қўйлар рационининг қарийб 90% иши ташкил этади.

Ўзбекистон ер майдонининг 85,4% и яйловлардан ибо-рат. 30 млн. гектар яйлов ва пичанзорлардан ташқари қўй ва эчки боқса бўладиган 250 минг гектар ташландиқ. сал кам 800 минг гектар бутазор ва 1 млн. гектардан зиёд ўрмон бор. Фалла экиладиган мавжуд 1100 минг гектар лалмикор ерлардан ўрим-йигимдан кейин яйлов сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, республика-мизда яйлов сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ер-лар 32,8 млн. гектарни ташкил этади. Республикадаги бу табиий яйловларнинг асосий қисми колхоз ва совхоз-ларга биркитилган (17-жадвал).

Мавжуд яйловлар обласлар ўртасида нотекис тақ-симланган бўлиб, асосий қисми Бухоро обlastидаги ва Қорақалпогистон АССР да жойлашган. Амударё бўйла-рида, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд обlastларининг тоғли районларида пичан тайёрлашга яроқли майдонлар бор. Яйлов фондига киритилган Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё обlastларига қарашли ташландиқ ерлардан яйлов сифатида фойдаланиш вақтпичадир. Чунки улар яқин йилларда, ўзлаштирилиб, экинзорларга айлантири-лади. Ўрмон ва бутазорлар асосан Қорақалпогистон АССРда жойлашган. Уларда қўй боқиши ҳам яхши на-тижалар беради.

Қўриниб турибдики, республикадаги ҳамма яйлов-ларнинг (Устюрт кирмайди) 86,1% и колхоз ва совхоз-лар ихтиёридадир.

**Табиий яйловларнинг тақсимланиши
(1970 йил 1 ноябрига бўлган кўрсаткичлар) минг га.**

Областлар	Колхоз-лар	Совхозлар	Давлат фондидағи ерлар	Давлат ўрмони фондидағи кирадиган ерлар	Бошқа ерлар	Ҳаммаси
Тошкент	116,1	163,9	2,7	161,4	76,4	520,5
Сирдарё	60,4	982,6	1,8	40,8	30,3	1115,9
Фарғона	168,6	34,4	3,6	—	9,7	226,3
Наманган	15,7	29,9	26,5	21,6	12,9	276,6
Андижон	166,0	16,5	3,1	0,2	11,4	197,2
Самарқанд	313,6	1013,7	11,2	2,6	160,4	1501,5
Бухоро	5061,6	5985,8	378,4	1106,5	252,9	12785,2
Қашқадарё	320,3	1243,0	0,5	109,9	234,3	1908,0
Сурхондарё	412,1	422,8	13,5	19,4	112,0	979,8
Хоразм	903,2	29,7	4,0	1,6	45,6	984,1
ҚҚАССР	845,5	1348,8	192,7	56,1	84,1	2527,2
Жами	8552,7	11270,3	638,0	1520,1	1041,2	23022,3
Устюрт	—	—	6709,7	—	—	6709,7
Ҳаммаси	8552,7	11270,2	7346,7	1520,1	1041,2	29732,0

Бундан ташқари Қорақалпоғистоннинг Устюрт масивини қўшиб ҳисоблаганда 8867,7 минг гектар давлат фондидағи дашт ва ўрмонзорлар ҳам бор. Бу жойлар сув билан яхши таъминланмагани учун ҳозирча фойдаланилмайди. Ҳамма областлар турли мавсумларда қўй боқиши учун яроқли яйловлар билан текис ва тўла таъминланмагани учун колхоз ва совхозлар баъзан бу жойларга ҳам қўй сурувларини ҳайдайдилар. Мавсумий яйловлар республика областлари ўртасида уларнинг эҳтиёжига яраша тақсимланмаганлиги оқибатида бир областда яйлов етишмаса, бошқасида ортиб-ошиб ётади. Масалан, Фарғона водийси ва Тошкент обlastida қишики яйловлар деярли йўқ, кўклам ва кузда фойдаланиладиган яйловлар майдони эса етишмайди. Самарқанд обlastida бундай мавсумий яйловлар керагидан ортиқ, лекин бу ерда қишки ва ёзги яйловлар етишмайди. Бухоро обlastida кўклам ва кузги яйловларнинг ўзи йўқ. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм обlastlariда ва Қорақалпоғистон АССРда ёзги яйловлар етишмайди, лекин бу етишмовчилик йил давомида фойдаланишга яроқли бўлган яйловлар ҳисобига қопланади.

Ўзбекистонда қишки яйловлар умуман етишмайди. Шунинг учун ҳам сугориладиган майдонлардан тўла ва

унумли фойдаланиб, қишлов манзилларида етарли озиқ жамғарыш ва қўйларни қишида қўлдан озиқлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Республикаизда кўкламги-кузги яйловлар ҳам етишмайди. Шунинг учун Ўзбекистон колхоз ва совхозлари қўй сурувларини қўшни республикалар яйловларига ҳайдашга ҳам мажбур бўладилар. Чунончи, 1970 йил маълумотига кўра, республиканинг етти области (Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР бундан мустасно) қўшни республика ва областларнинг 1567,5 минг гектар майдонидан яйлов сифатида фойдаландилар. Жумладан, Қозоғистон ерларидан 356,8 минг гектар, Қирғизистон яйловларидан 921,2 минг, Тожикистон-никидан 71,6 минг, Туркманистонникидан 217,9 минг гектардан фойдаланилди. Ўз навбатида Ўзбекистон Қирғизистонга 91,6 минг, Тожикистонга 26,3 минг, Туркманистонга 500 минг гектар, яъни жами 617,9 минг гектар яйловни ана шу қўшни республикалар колхоз ва совхозларига вақтинча фойдаланиш учун ажратди.

Яйловлардан фойдаланиш системаси областларимиз учун ҳам ноқулайдир. 1970 йил маълумотларига кўра Тошкент области хўжаликлари қўшни Қозоғистон ССР териториясига кирадиган 131 минг, Сирдарё областидаги 136 минг гектар яйловлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Айни вақтда Тошкент области қўшни Қирғизистон учун 16 минг, Тожикистон учун 17 минг, Фарғона области учун 1,3 минг гектар яйлов ажратган. Сирдарё области хўжаликлари Жанубий Қозоғистоннинг 205 минг, Тожикистоннинг 14 минг, Самарқанд областининг 15 минг, жами 234 минг гектар яйловдан фойдаланадилар. Мазкур областнинг ўзи эса, Тожикистон ССР ва Тошкент области чорваси учун 5 минг гектар яйлов ажратган. Фарғона, Наманган ва Андижон областларининг колхоз ва совхозлари ўз қўйларини асосан Қирғизистоннинг Чотқол тоғларида яйловларига келтириб боқадилар. Улар учун бу ерда жами 470 минг гектар, жумладан Фарғона облатига 152 минг, Наманган облатига 148 минг ва Андижон облатига 170 минг гектар тоғли яйлов ажратилган. Сурхондарё области Тожикистоннинг 47 минг, Хоразм области Туркманистоннинг 170 минг, Қорақалпоғистон 798 минг гектар яйлов ерларидан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Туркманистон колхозлари ва совхозлари учун

500 минг гектар яйловни узоқ муддат фойдаланишга бериб қўйипти.

Яйловларнинг областлар ўртасида бундай тақсимланиши ноқулайлиги очиқ-ойдин кўриниб турипти. Бир область бошқа область учун ажратган яйловлар одатда фойдаланувчи хўжаликлардан жуда узоқ масофада бўлиб, қўйларни бу яйловга етказиб келиш маълум миқдорда қўшимча сарфларни талаб этади. Мазкур яйловдан фойдаланиш вақтинча бўлгани учун яйлов ҳолатини яхшилаш, капитал қурилиш, сув чиқариб ҳосилдорлигини ошириш сингари ишлар қилинмайди. Шу сабабларга кўра вақтинча фойдаланишдаги яйловлардан фойдаланиш ҳозирга қадар қониқарсиз аҳволда қолиб келяпти.

Республика областлари ва хўжаликларида мавжуд қўйлар сони ва кўпайишини ҳисобга олиб, яйлов фондини, айниқса мавсумий яйловларни қайта тақсимлаш вақти келди. Шундай қилингандагина ҳамма яйловлардан самарали фойдаланишнинг реал имкониятлари яратилиши мумкин.

Мавжуд яйловларни областлар ва хўжаликлар ўртасида қайта тақсимлаш билан бирга бу жойларда катта иш комплексини бажариш керак бўлади. Айниқса, бефойда ётган яйловларга сув чиқариш, улардан мавсумийлигига мувофиқ навбат билан фойдаланишинни ўюштириш, сунъий қишки яйловлар яратиш, артезиан қудуқлари суви билан суғориладиган массивларда маданий ем-хашак ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, табиий ўтлар экиш, ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни тўлиқ механизациялаш каби комплекс тадбирларни амалга ошириш — яйловлардан рационал фойдаланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

ЯЙЛОВЛАРГА СУВ ЧИҚАРИШ

Маълумки, қўйлар қадимдан яйловларда боқилади. Шунинг учун ҳам улар чўл шароитига, айниқса сувсизликка яхши мосланган бўлиб, ҳар бир қўй суткада жуда кам — 4—8 литр сув истеъмол этади, холос. Кўклам қўйлар чанқоғини қисман ўзлари истеъмол этадиган кўк ўт ҳисобига қондиради. Ёзда ўтлар қуврагач, қўйларнинг сувга эҳтиёжи ҳам ортади. Шунинг учун ҳам яйловларда қўйларни йил давомида сув билан таъминловчи махсус иншоотлар қуриш зарур. Чўл ва ярим чўл яйловлар-

дан фойдаланиш уларга сув чиқариш билан боғлиқдир. Бутунлай сувсиз яйловлардан чорва молларини боқиши учун деярли фойдаланилмайди.

Маълумки, дарёлардан яйловларда фойдаланиш табиий сабабларга кўра чегаралангандир. Шунинг учун қадим чорвадорлар ёғин сувларини сардобаларга йигиб, ундан иссиқ фаслларда молларни суғориш ҳамда кундалик эҳтиёж учун фойдаланганлар. Ер ости сувларидан фойдаланиш юзасидан ҳам кўп изланишлар олиб борилган. Ўрта асрларда кўчманчи чорвадорлар қудуқ қазиб чорва учун сув чиқаришни яхши ўрганганлар. XIX асрнинг охиrlарида Туркистон ва Қозоғистон яйловларида айланаси тош, саксовул, қамиш билан маҳкамланган ва чуқурлиги 30 м. га борадиган қудуқлар кўплаб қурилган. Натижада бу яйловларда чорва тез суръатлар билан ривожланган.

Яйловлар фақат Совет ҳокимияти йилларида кенг кўламда ўзлаштирила бошлади. Саноатнинг тез ривожланиши туфайли яйловларда қудуқлар қазийдиган, бошқа зарур сув иншоотлари қурадиган машина ва қуроллар яратиш имконияти пайдо бўлди. Яйловларни ўзлаштиришга давлат аҳамиятига эга бўлган иш сифатида қараладиган бўлди, бу ишга катта капитал маблағлар ажратилди. Агар революцияга қадар қудуқлар тую кучи воситасида сув чиқаришга мўлжалланган бўлса, замонавий шахта типидаги қудуқлардан энергетик механизмлар ёрдамида сув чиқарилади. Бундай сув чиқариш иншоотлари яйловлардан фойдаланишни анча яхшилади ва тезлаштириди.

Ўзбекистонда яйловларни артезиан ва шахта типидаги қудуқлар қазиб сув билан таъминлаш ишлари Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда авж олдириб юборилди. Шу мақсадда 1945 йили республика Яйлов-мелиоратив қурилиш трести ташкил этилди. 1951 йилга қадар трест ўзлаштирилган яйловларни сув билан таъминлашни яхшилаш билан шуғулланди. 1951 йилдан бошлаб трест янги массивларни ўзлаштириш, пармалаб чуқур қудуқлар қазиш билан шуғулланадиган бўлди. Шундан буён республикада сув чиқарадиган яйловлар майдони муттасил ортиб боряпти.

Трест ташкил этилгандан буён ўтган қарийб 25 йил мобайнида 12,3 млн. гектар яйлов сув билан таъминланди. Бу ҳар йили ўрта ҳисобда 490 минг гектардан зиёд

яйловга сув чиқарилди демакдир. Утган даврда 5625 та шахта типида ва 1661 та пармалаш усулида қудук қазилди.

Яйловларда сув чиқариш иш ҳажми ўсиши билан бирга шу мақсадга капитал маблағ сарфи ҳам тобора ўсяпти. Масалан, 1945—1953 йилларда шу мақсад учун 1,7 млн. сўм, 1954—1958 йилларда 11,4 млн., 1959—1965 йилларда 14,6 млн., 1966—1970 йилларда 4,7 млн. сўм сарфланди. Натижада қўйчилик хўжаликларининг ем-хашак базаси анча мустаҳкамланди, қўйларни кўпайтириш маҳсулдорлигини ошириш учун зарур имконият туғилди. 1945—1970 йилларда Бухоро обlastida 7,6 млн. гектар, Қорақалпоғистон АССР да 4,4 млн. гектар яйловга сув чиқарилди. Мазкур обlastларда қўйчилик анча тез суръат билан ривожланишида бу жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Сўнгги йилларда республика яйловларини ўзлаштириш суръати анча пасайди. Саккизинчи беш йилликнинг ҳар йилида ўрта ҳисобда 379 минг гектар яйловда сув чиқарилди. Бу олдинги беш йилликлардагига қараганда 2—2,5 баравар камдир.

Бу нуқсонни тузатиш, яйловларни ўзлаштиришни жадал суръатларда олиб бориш ҳаётий зарур вазифадир. Республика изда ҳали фойдаланилмаётган яйловлар кўп. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик министрлиги қошидаги Ер тузиш ишлари бош бошқармасининг 1970 йил 1 ноябрга бўлган маълумотига қараганда ҳали республикада 4258 минг гектар яйловга сув чиқарилмаган. Бу яйловларнинг 88,3% и Бухоро обlastida ва 8,4% и Хоразм ва Қорақалпоғистон АССРдадир.

Бундан ташқари Қорақалпоғистон АССРда 6709,7 минг гектар майдонни эгаллаб ётган Устюорт яйлов массиви бор. Устюорт массиви 1966 йилдан эътиборан ўзлаштирила бошланди. Бу белоён яйловни тўла ўзлаштириш қўйчиликни ривожлантиришнинг янги порлоқ истиқболини очиб беради, деб дадил айтиш мумкин. Саккизинчи беш йилликда 3,5 млн. гектар яйлов ўзлаштирилиши керак эди. Амалда эса 1,9 млн. гектар ўзлаштирилди, яъни беш йиллик план 54% бажарилди, холос. Шу мақсад учун ажратилган 10,5 млн. сўм капитал маблагнинг 4,7 млн. сўми ёки фақат 45% ўзлаштирилди. 1966—1970 йилларда пландаги 230 шахта типидаги қудук ўрнига 64 та, 67 ўрнига 35 та артезиан қудуғи, 500

км. ўрнига 111 км. водопровод бунёд этилди. Кўриниб турибдики, барча асосий иш турлари бўйича беш йиллик план бажарилмади.

Тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистонда 1,5 млн. гектар, жумладан, Қорақалпоғистон АССРда 1 млн. гектар, Бухоро облатида 0,5 млн. гектар яйловга сув чиқариш мўлжалланади.

Шуни айтиш керакки, келгусида Бухоро облати ва Қорақалпогистон АССР Ўзбекистоннинг асосий қўйчилик зонаси бўлиб қолади.

Устюртда сув чиқариш учун шахта типидаги жуда чуқур қудуқлар қазиш керак. Бу жой замини ҳаддан ташқари қаттиқ. Ер ости сувлари 100 м., ҳатто бундан ҳам чуқурликда жойлашган. Шу сабабли мазкур ишларни бажариш учун кўп меҳнат ва маблағ сарфлаш талаб қилинади.

Бухоро облатидаги Буken-Етимтов, Огуснон, Қорақалпоғистондаги Саримай, Султонуиздак масивлари ҳалигача гидрогеологик жиҳатдан кам ўрганилгандир. Бу яйловларнинг аксариятида қўй суфоришга ярамайдиган шўр сув бор. Янги беш йилликда республикадаги барча қўйчилик хўжаликларини яйловлар билан етарли даражада таъминлаш учун бу масивларнинг гидрогеологик ҳолатини чуқур ўрганиш лозим. Шу билан бирга бу районларда водопровод тармоқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Сўнгги йилларда Яйлов-мелиоратив қурилиш трести янги яйловларга сув чиқариш мақсадида жами 515 км. узунлика, жумладан, Бухоро облатида 224 км., Хоразм облатида 41 км., Қашқадарё облатида 136 км. водопровод қурди. Келгусида бу иш кенг миқёсда давом эттирилиши лозим. Чунки яйловларга водопроводлар орқали сув чиқариш бирмунча қулаги ва арzonдир. Бухоро облатининг Томди районидаги «Коммунизм» колхозининг Урученгелди яйловида 100 км. полиэтилен водопроводи ишга туширилган. Бу водопровод сувни табиий булоқлардан олади. Секундига 5 л. сув яйловларга ўзи етиб келади. Бинобарин, сувни юқорига чиқариш учун ҳеч қандай техника воситалари ва меҳнат сарфи талаб этилмайди. Шунинг учун ҳам яйловларга бу усулда сув чиқариш жуда арzonга тушади. Мана шундай водопроводлар Қашқадарё облатининг Қамаши районидаги К. Маркс номли совхозда, Самарқанд облатининг «Нурота» давлат наслчилик

заводида ҳам қурилган. Бу завод водопроводи трассасида 14 та мол сүфориладиган пункт барпо қилинган. 38 км.лик бу ишоот 19 минг гектар адирни сув билан таъминлаяпти. Бу водопроводлардан фақат молларни сүфориш учун эмас, сүфориладиган ем-хашак базаси барпо этишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Саккизинчи беш йилликда фақат «Устюрт» массивининг 500 минг гектар қақроқ яйловига сув чиқарилди. Сўнгги йилларга қадар бу ерда йил давомида қўй боқиши ва урчитиш учун, бинобарин, қўйчилик совхозлари ташкил этиш учун шароит йўқ, деган фикр мавжуд эди. Тўғри, Устюртнинг шароити оғир, қиши жуда совуқ, яйловларнинг ҳосилдорлиги жуда паст. Лекин, тарихий манбалар бу ерларда мол боқилганлигидан гувоҳлик беради. Сўнгги йилларда олиб борилган текширишлар Устюрт массивини ўзлаштириб, йирик чорвачилик районига айлантириш учун ҳамма имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ем-хашак этиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш» тўғрисида 1970 йил 30 сентябрда қабул қилган қарорида Узбекистон ССР геология, мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик министрликларига янги беш йилликда яйловларнинг гидрогеологик ҳолатини ўрганиш, ер ости ва ер усти сувларидан яйловларни ва хашаки экинларни сүфориш учун фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва шу асосда яйлов хўжаликларида ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, ишлаб чиқаришга тавсия этиш топширилди.

Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистоннинг Устюрт массивини ўзлаштириш борасида ҳам катта қўламдаги сув хўжалик ишлари амалга оширилади. 1971—1972 йилларда автоном республиканинг «Устюрт» совхозида 10 минг бош қўй асрашга мўлжалланган ферма ташкил этилади. Бу ферма негизида бу ерда қўйларни бутун йил бўйи боқиши учун шароит бор-йўқлиги ҳар томонлама ўрганилади. Шунингдек, Устюртда янги қўйчилик совхозлари ташкил этиш билан боғлиқ бўлган техникавий, иқтисодий, ташкилий-хўжалик масалалари ҳал этилади. Устюртни ўзлаштириш хўжалик программаси ишлаб чиқилади.

Шуни алоҳида кўрсатиш керакки, Устюрт тўла ўз-

лаштирилиши натижасида бу ерда 18116 минг ц пичан ҳисобида озиқ етишириш имконияти туғилади. Бу ернинг оғир табиий-географик ҳолатини ҳисобга олиб, мазкур озиқнинг 50% ини эҳтиёт учун сақлаб қўйишга ажратганда ҳам, қолган ярми 1,1 млн. бош майдага молни асрашга бемалол етади.

Бундан ташқари республикамизда 4257,9 минг гектар сув чиқарилмаганлиги сабабли фойдаланилмаётган яйловлар бор. Мазкур майдоннинг ялпи озиқ запаси 10939,7 минг ц. пичанни ташкил этади. Бир бош қўйни бир йил асраш учун 8 ц қуруқ пичан ҳисобида озиқ талаб этилишини ҳисобга олганда бу яйловларда қўшимча равишда 1367,4 минг бош қўй асраш мумкин. Бинобарин, республикада ҳали сув чиқарилмаган яйловлар ўзлаштирилиши (Устюрт массивини ҳам қўшиб ҳисоблагандага) қўйлар сонини яна 2,4 млн. бошга кўпайтиришни таъминлади.

Маълумки, Ўзбекистон келгусида ҳам Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолади. Пахта етишишини кўпайтириш мақсадида ирригация қурилиши тобора кенгайтирилади. Натижада яйловларнинг катта бир қисми пахта ва бошқа экинлар экиладиган майдонларга айлантирилади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда майдага мол боқишига яроқли 2,2 млн. гектар яйлов, пичанзор, ташландиқ ва лалмикор ерларни келгусида суфориладиган деҳқончилик эгаллайди. Натижада яйловлар камайиб, 30,5 млн. гектарни ташкил этади.

Яйловларни тўла ўзлаштиришда янги қудуқлар, водопроводлар қуриш билан бир қаторда мавжуд қудуқларни реконструкциялаш йўли билан фойдаланиб келинаётган яйловлар ҳолатини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки бу эски қудуқларнинг кўпида сув етарли тўпланмайди, бунинг устига улар маҳаллий материаллардан қўлаки қурилган бўлиб, сув чиқаришни механизациялашга имкон бермайди. Шуни ҳисобга олиб, республика Яйлов-мелиоратив қурилиш трести ўтган саккизинчи беш йилликда 193 пармали ва 425 шахта типидаги қудуқларни қайта қурди. Бундан ташқари, эски фойдаланишдаги яйловларда сув таъминотини яхшилаш мақсадида 401 км. водопровод қурилди, 53 та табиий булоқдан фойдаланиш яхшиланди. Бу ишларни бажариш учун 1966—1970 йилларда 7628,7 минг сўм сарф-

ланди. Натижада республикада 4017,1 минг гектар эски фойдаланишдаги яйловларнинг ҳолати, сув билан таъминланishi яхшиланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда қурилган шахта типидаги ва артезиан қудуқлар ҳам фойдаланиш жараёнида вақт ўтиши билан эскиради, суви камайиб ишдан чиқади. Уларни маълум муддатлардан кейин, қайта жонлантириш лозим бўлса янгилаш керак бўлади. Бинобарин, Ўзбекистонда ҳамма яйловларни ўзлаштириш ишлари тугалланса ҳам, улардаги мавжуд сув манбаларини реконструкциялаш ишлари давом этаверади. Яйловлардаги мавжуд сув манбаларини реконструкциялаш тўққизинчи беш йилликда ҳам давом эттирилади.

18- жадвал

Ўзбекистонда сув чиқарилмаган яйловларни тўла ўзлаштириш ҳисобига қўйларни кўпайтириш имконияти (1970 йил маълумотлари)

Областлар	Сув чиқарилмаган яйлов, минг га.	Яйловнинг ўртача ҳосили, гектаридан ц.	Озиқ запаси, минг ц. пичан	Шу ҳисобдан қўй бекчиш мумкин, минг бош
Сирдарё . . .	47,3	4,0	189,2	23,6
Бухоро . . .	3660,3	2,4	9024,7	1128,1
Қашқадарё . .	71,7	5,2	372,8	46,6
Сурхондарё .	17,8	5,2	92,6	11,6
Хоразм . . .	203,1	3,1	629,6	78,7
ҚҚАССР . . .	157,7	4,0	630,8	78,8
Жами . . .	4257,9	—	10939,7	1367,4

Республика Яйлов мелиоратив қурилиш трести мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра 13772 минг гектар яйловда сув манбаларини реконструкциялаш яқин келажакда амалга оширилиши лозим. Жумладан 6126,1 минг гектар яйлов шахта типа ва 3973 минг гектар артезиан қудуқлар қуриш, 2218,9 минг гектар водопроводлар ётқизиш ва қолган 1444 минг гектар эса табиий булоқлар кўзини очиб, сувини кўпайтириш йўли билан сувга сероб қилиниши мўлжалланади.

Яйловларда сув манбаларини реконструкциялаш учун 1945 йилдан кейинги даврда 20,3 млн. сўм маблағ сарфланди.

Кўриниб турибдики, фойдаланишдаги яйловларда сув манбаларини реконструкциялашга доим катта эътибор бериляпти.

Яйловларда сув чиқариш ишлари одатда икки этапда амалга оширилади. Аввал яйловни 6 км. доирада сув билан таъминлайдиган миқдорда сув манбалари қурилади. Сув чиқарилган яйлов хўжалик томонидан ўзлаштирилгандан кейин сув манбалари эҳтиёж даражасида кўпайтирилади, яъни сув манбаларининг зичлиги оширилади. Айрим яйловларда сув чуқур жойлашган бўлиб, қудуқларда оз миқдорда тўпланади. Бундай шароитда бир жойда 2 тадан 4 тагача қудуқ қазилади.

Яйловлардаги сув манбаларини қайта қуришда ва жойлаштиришда сувнинг минераллашиш даражасига катта эътибор бериш керак. Чунки шўр ва аччиқ қудуқ суви қўйларни суғориш учун яроқсизdir. Масалан, бир литр қудуқ сувининг таркибидаги ҳамма тузларнинг миқдори қуритилган қолдиқ ҳолатда катта ёшдаги қўйлар учун 5000 мг., ёш қўзилар учун 3000 мг. дан юқори бўлмаслиги керак. Таъкидлаб ўтиш зарурки, кўклам ва ёз мавсумида фойдаланиладиган яйловлар одатдагидек тузсиз сув билан, кузда фойдаланиладиганлари эса бир оз шўрроқ сув билан таъминлангани маъқул. Қиша қўйлар учун сувнинг таркибий сифати деярли роль ўйнамайди, суғоришга яроқли сув бўлса бас. Шунинг учун сувга бўлган эҳтиёж, сувнинг минераллашиш даражаси, яйловнинг ҳосилдорлиги, қудуқларнинг сув бериш имконияти каби омилларни ҳисобга олиш яйловлардан рационал фойдаланишини ташкил этишда жуда муҳимдир.

Яйловларни янгидан ўзлаштирганда ҳам, эски яйловлардан фойдаланишини яхшилаганда ҳам сув манбаларини жойлаштиришда молларни суғориш доирасини ҳисобга олиш зарур. Сув манбаларининг сийрак ёки зичлиги улар атрофидаги қўйлар ёйилиб ўтлайдиган доира-нинг қанчалик кенглигига bogлиқdir. Кўп йиллик амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, кўклам охири, ёз ва куз бошида фойдаланиладиган мавсумий яйловларда сув манбалари атрофидаги бу доира 3—5 км., куз охири, қишиш ва эрта кўклам ҳамда куз охирида фойдаланиладиган яйловларда эса 4—6 км. дан зиёд бўлмаслиги лозим.

Сув манбалари атрофифа қўй ўтлайдиган доирани белгилашда сурувлар ҳақиқатда истеъмол этадиган сув нормасини ҳисобга олиш зарур. Олимлардан В. Д. Соколов олиб борган кузатишлари асосида қоракўл қўйла-

ри бир суткада (йил мавсумига қараб) 1—2 литрдан то 9 литргача сув ичишини аниқлади. Маълум доирадаги яйлов бирлигига сув манбай ҳозирлашда ҳар бош қўйга кўкламда 4 литр, ёзда — 8, кузда — 6, қишда 4—6 литр сув зарурлигини кўзлаб иш тутиш тавсия этилади.

Ўзбекистоннинг чўл ва адирларида бир сув манбайдан бир отарнинг фойдаланиши жуда кам учрайди. Одатда ҳар бир суғориш пунктига 2—3, ҳатто 4—5 отар биркитиб қўйилади. Ўрта ҳисобда ҳар отарда 500—600 бош қўй бўлишини ҳисобга олсак, Қизилқум шароитида битта сув манбай 1000—2000 ва ундан ҳам кўп қўйни сув билан таъминлайди.

Бу муаммонинг ҳал этилишида яйлов ҳосилдорлиги, унда қўй бошига ҳисоблаганде мавжуд озиқ миқдори муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон яйловларининг ҳар 100 гектарида ўрта ҳисобда 35—40 бош қўй боқилиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари маълум суғориш пункти қанча қўйни сув билан таъминлай олишини аниқлашда мазкур сув манбайдан қайси мавсумда ёки йилда қанча ой фойдаланилиши ҳамда қўйларни суғориш нормаси ва бошқа омиллар ҳисобга олинishi зарур.

Яйловларни сув билан таъминлашда сув манбаларини бунёд этиш усулини тўғри танлаш муҳим роль ўйнайди. Чўл ва ярим чўл шароитида аввал очиқ, яъни ер усти сув манбаларидан фойдаланиш самарали ва қулайдир. Ўз-ўзидан равшанки, дарё ва сойлар, кўл ва булоқлардан яйловларга сув чиқаришга нисбатан кам меҳнат ва маблаг кетади. Айниқса булоқ суви айни муддао ҳисобланади. Маълумки, булоқлар қишида деярли музламайдиган ва йил бўйи фойдаланса бўладиган доимий сув манбайдир. Булоқларнинг атрофини бекитиш, ифлосланишига йўл қўймаслик сув йигиладиган резервуарлар қуриш мақсадга мувофиқдир. Булоқлар сувини водопроводлар орқали жуда узоқ масофаларга оқизиш мумкин. Ҳозир республикамизнинг тоғли районларида чорвадорлар булоқ сувини полиэтилен трубалар орқали тоғ этакларидаги яйловларга оқизиб, сув муаммосини ижобий ҳал этишда яхшигина тажриба ортиридилар.

Тақир, сув секин сингадиган заминли яйловларнинг мавжуд табиий чуқур — ўйларида қиш ва кўкламда кўплаб ёғин суви тўпланади. Буни қадимдан как суви деб юритадилар. Каклардан 2—3 ҳафта давомида фойдаланиш мумкин. Бироқ какларнинг суви тез парланиб ке-

тади, молларни сугориш вақтида атрофи тез ифлосла-
нади.

Хар қандайига ҳам ер усти сувлари яйлов чорвачи-
лигини тұла таъминлай олмайды. Шу сабабли ер ости
сувларидан кенг фойдаланишга түғри келади. Ер ости
сувлари 25 м. га қадар чуқурлукда жойлашган бұлса.
бу жойларда шахта типидаги қудуқлар қазиши мақсадға
мувофиқдир. Сувли қаттам 25 м дан ортиқ чуқурлукда
жойлашган бұлса, трубали қудуқ қазиши лозим.

Құйчиликни ривожлантиришда фойдаланиб келина-
ётган мавжуд яйловлар озиқ бойлигини ошириш, улар-
дан оқилонә ва рационал фойдаланишни ташкил этиши
ҳам муҳим роль ўйнайды. Бу вазифанинг бажарилиши
құйчилик колхоз ва совхозларининг фаолиятига күп
жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир хўжалик ўз
ихтиёридаги яйловлардан имконияти борича рационал,
унумли фойдаланишни йўлга қўйиши зарур. Реснубли-
камиз яйловларининг имкониятлари чегаралангандиги
ҳам шуни тақозо этади. Ўзбекистон яйловлари нисбатан
кўп эмас. Масалан, Қозоғистонда 180 млн. гектар, Турк-
манистанда 45 млн. гектар яйлов бұлса, Ўзбекистонда
яйловлар 30 млн. гектарни ташкил этади, холос. Модо-
мики, шундай экан, яйловлар имкониятларидан гежаб-
тергаб фойдаланиш керак. Афсуски, кўргина құйчилик
хўжаликларида бунга етарли эътибор берилмаётир.
Оқибатда баъзи яйловлар ҳосилдорлиги пасайиб, яроқ-
сиз ҳолга келиб қолмоқда. Бунга асло йўл қўймаслик
зарур. Сугориладиган дәхқончиликда алмашлаб экиши
жорий этмасдан туриб мўл ҳосил етишириш мумкин
бўлмаганидек, құйчиликда ҳам яйловлардан навбат билан
фойдаланишни ташкил этмасдан туриб, маҳсулот
етиширишни кўпайтириш амри маҳолдир. Яйловлардан
навбат билан фойдаланишнинг аҳамияти олимлар, мута-
хассислар ҳамда чорвадорлар томонидан назарий жи-
ҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам етарли даражада.
асосланган ва исботлангандир.

Яйловлардан навбат билан, бинобарин, унумли фой-
даланиш масалаларини биринчи бўлиб кўтарган, ўрганиб,
амалда исботлаган олимлардан В. И. Ларин,
И. Г. Амелин, О. И. Морозова, Н. Т. Нечаева ва бошқа-
ларнинг фикрича, яйловлардан алмашлаб фойдала-
ниш — бу улардан мавсумийлигига мувофиқ фой-
даланишни, улардаги ўсимликтарни сақлаб қолишини

ва ҳосилдорлигини оширишни ташкил этиш демакдир.

Яйловлардан фойдаланишни ҳар йили алмашлаб туришни алоҳида йўлга қўйиш жуда муҳимдир.

Яйловлардан уларнинг мавсумийлигига мувофиқ фойдаланиш қўйчилик хўжаликларида озми-кўпми қўлланиляпти. Бироқ маълум яйловдан бир йил кўкламда, иккинчи йили эса кузда фойдаланиш ҳали қўлланилмаган. Бу ижобий усулни жорий этиш қувончли самаралар бериши турган гап. Ҳозирга қадар у қўлланилмаётганинг сабаби бир мавсумга яроқли яйловдан бошқа мавсумда фойдаланиш муайян қўшимча чиқимлар талаб қилишидадир. Масалан, қишга яроқли яйловдан бу йил фақат ёзда фойдаланиб, ёзги яйлов қишга қолдирилса, бу ерда қишлоў учун қўйхоналар ва бошқа зарур бинолар қуриш шарт бўлади. Бундай чиқимлардан қатъий назар мавсумий яйловлардан йилма-йил алмашлаб фойдаланишни ташкил этиш зарур. Чунки бир мавсумда ҳар йили такрор фойдаланилган яйлов участкаларида ҳосилдорлик бора-бора камаяди, ўз уруғидан кўпаядиган ўтлар ҳатто йўқолиб кетади.

Энди йил бўйи фойдаланишга яроқли яйловлардан алмашлаб фойдаланишга келсак (бундай яйловлар Ўзбекистонда, Устюртни қўшиб ҳисоблаганда 14323 минг гектарни ёки жами яйловларнинг 48,2% ини ташкил этади), ҳар бир хўжаликда бундай яйловларни участкаларга бўлиб, ҳар бир участкадан маълум мавсумдагина фойдаланиш лозим. Бунда ҳар бир участка (5—7 минг гектар)нинг озиқ запаси қўйларни тўйдириб боқиши учун етарли бўлиши керак. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институтининг маълумотларига асосан қўйлар шу усулда боқилганда йил бўйи фойдаланилдиган яйлов ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 10—15% ошади.

Бундан ташқари яйловларни катта-катта загонлар, яъни бўлакларга ажратиб, улардан навбатма-навбат фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Загон системаси яйловлардан ёппасига фойдаланишга чек қўяди. Сурувlarни загон усулида ўтлатиш қўйларнинг баъзи бир касалликлар, жумладан гижжага чалинишининг олдини олишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Загон системасини ҳар бир чўпон осонлик билан қўлаши мукин. Бунинг учун ҳар бир отар учун ажратилган яйлов участкаси тахминан бир қанча майда загонларга

бўлинади ва улар навбатма-навбат фойдаланилади. Қўйларни дастлаб қудуқ ёнидаги загонларда ўтлатиб, сўнгра, аста-секин қудуқдан узоқлашиш ва янги-янги загонларга ёйиш лозим. Маълумки, ёзда қўйларни тез-тез сугориб туриш керак. Шунинг учун уларни қудуқча яқин загонларда ўтлатган маъқул, кўклам ва кузда эса-аксинча қудуқдан узоқда жойлашган загонларда боқилса ҳам бўлади. Яна шуни айтиш керакки, йилнинг иссиқ ойларида қўйларга дам бериш жойларини алмаштириб туриш лозим. Шундай қилипса сурув ётган жойнинг ўти бутунлай пайхон бўлиб кетмайди.

Бутуниттифоқ қоракўлчилик плтмий текшириш институтининг маълумотларида тасдиқлангандек, яйловларни олдиндан загонларга бўлиб навбатма-навбат фойдаланиш яйловларнинг озиқ бойлигини 20—25% оширади¹.

ЯЙЛОВЛАРНИ СЕРОЗИҚ ҚИЛИШ

Қўйчилиқда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан яйловларни серўт қилиб, сифатини яхшилашга боғлиқ. Бунга икки йўл билан эришиш мумкинлиги тажрибада исботланган. Биринчи усул — табиий ўтлар сийрак жойларга қўшимча ўт экиб, ўғитлаш ва турроқда нам сақлаш орқали ўтлар ҳосилини ошириш, иккинчиси — ҳосили паст яйловларни ҳайдаб, у ерга кўп йиллик ҳамда бир йиллик ўтлар экиб, сунъий яйловлар ташкил этишдан иборатdir.

Чўл ва ярим чўл зоналарда ёгингарчилик кам бўлади, ўтлар ўсиб улгурмай қуврайди. Улар ҳар гектардан 120—150 озиқ бирлиги беради, холос. Бу жойларда фақат иҳота дарахтзорлари барпо этиш йўли билан табиий ўтлар ҳосилини ошириш мумкин. Масалан, Узбекистоннинг Қарноб даштида қора саксовул иҳота дарахтзорлари барпо этилиши натижасида шамол йўли бирмунча тўсилиб, шувоқ, қорабош, қўнғирбош, балиқкўз каби ўтларнинг яхши ўсиши учун қулай шароит яратилди. Бунда саксовул экилган миңтақалардаги эфемер ва бир йиллик шўра ўтлар яхши ўсиб, ҳосилдорлиги қарийб икки баравар ўсади. Ҳар гектар ердан 250—300 озиқ бирлиги олинадиган бўлди. Бундан ташқари, саксовул-

¹ «Труды ВНИИК», 7-том, 108- бет.

пинг ёш новдалари куз ва қишида қўй ва эчкилар учун энг яхши озиқ ҳисобланади. Қора саксовулдан барпо этилган иҳота дараҳтзорларидан 20—25 йилгача фойдаланиш мумкин. Қандим, сингрен, юлғун сингари бутасимон ўсимликлар экиб, иҳотазорлар ташкил этса ҳам бўлади. Бир гектар ерда қора саксовул иҳотазори ташкил этиш учун 20—22 сўм сарфланади. Бу харажат ўтлоқлар ҳосили ошиши ҳисобига 3—5 йилда қопланади.

Маълумки, адирларда бута, ярим буталар шаклидаги ўсимликлар кам ўсади. Эфемер ўтлар эса кунлар исинши билан қурий бошлайди. Озиқ запаси кескин камаяди. Шу сабабли адирларда кузги — қишки сунъий ўтлоқлар барпо этиш зарур. Бунинг учун адирлар ҳайдалиб, шувоқ, кейрлук, чогон, изень, балиқкўз, данашур, харидандан каби ўсимлик уруғлари сепилади.

Бундай сунъий ўтлоқларниң ўртача ҳосили ҳар гектарда 8—12 ц. қуруқ пичанни ташкил этади. Бу табиий ўтлоқларнига қараганда 3,5—4,5 баравар юқоридир. Қишки — кузги сунъий яйловлар ташкил этиш учун ҳар га. ҳисобига 20—22 сўм сарф этилади. Харажатлар ўз-ўзини 3—5 йилда қоплайди. Барпо этилган ўтлоқ 12—15 йил мўл хашак беради.

Чўл ва ярим чўл яйловларда ёзги сунъий ўтлоқлар ташкил этиш учун бута ва ярим бута шаклидаги ўсимликлардан қандим, сингрен, изень ва бир йиллик кохия кабиларни экиб кўпайтириш тавсия этилади. Қарноб даштида қандимнинг ҳар гектаридан 40 ц. сингрендан 25—30 ц., изендан 30—40 ц. ҳосил олиняпти.

Қашқадарё обlastida бугун яйлов сифатида фойдаланилаётган массивларнинг 800 минг гектари яқин йилларда маданий экинзорларга айлантирилади. Натижада 100 га. ҳисобига қўй боқиши 65 тадан (1970 й.) 116 тагача кўпаяди. Шунинг учун яйловлар ҳосилини ошириш чоралари кўрилиши керак. Бу соҳада етарли ва ибратли тажрибалар мавжуд. Масалан, Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз 1962 йилдан эътиборан изень экади. 1969 йилда совхоз изензори 350 гектарга етади. Изень экилган ҳар га. ердан 25—30 ц. пичан ғарамланмоқда. 1970 йили совхоз яна 300 га. яйловни ҳайдаб изень экди. Совхозда ҳар гектар яйловни изень экиб яхшилаш 22 сўмга тушяпти. Бу харажат 4—5 йилда қопланади.

Сүнгги йилларда республикадаги күпгина хўжаликлар бутасимон дараҳтлар ва қора саксовул ихотазорлари барпо этиб, яйловларни анча серўт қилишга эришидилар. Масалан, «Қарноб» давлат наслчиллик хўжалигида урушдан кейинги йилларда экилган қора саксовул дараҳтзорлари барқ уриб ўсиб турибди. Хўжаликнинг 15 минг га. шундай ихотазорлари бор. Бундан ташқари 200 га. ерга изенъ экилган. Шунингдек, «Улус» совхозида 1700 га. изенъ ҳамда бошқа ўтлар экилган. Қашқадарёning «Муборак» наслчиллик совхозида ҳам 5,5 минг га саксовул, 500 га. изенъ, чағон, кайраук каби ўт урглари сепилган. Бу хўжаликларни тажрибаси шуни кўрсатдики, ихота дараҳтзорлари, сунъий ўтлоқлар яйловлар озиқ запасини кескин оширади.

Республикамизда 1971 йил охирида жами 182,2 минг гектар яйлов турли ўтлар экиш, ихота дараҳтзорлари барпо этиш йўли билан яхшиланди. Бу иш Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё областларида, айниқса, кенг кўламда олиб борилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, яйловларни яхшилаш учун кўп сарф талаб этилмайди. Масалан, 1 га. ерга саксовул экиш учун 20 сўм, 1 га. кузги — қишики яйлов барпо этиш учун эса 24 сўм сарфланади, холос.

Саккизинчи беш йилликда яйловларни яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинди. 1971—1975 йилларда жами 300 минг гектар ерда сунъий яйловлар, жумладан 142 минг гектар ерда қора саксовул ихота дараҳтзорлари, 100 минг гектар ерда кузғи — қишики сунъий яйлов ва 58 минг гектар ерда сунъий пичанзорлар барпо этиш мўлжалланади. Яйловларни яхшилаш ишлари асосан Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё областларининг қўйчилик хўжаликларида тегишли массивларда амалга оширилади. Бундан ташқари республика областларида 1972 йилдан эътиборан ҳар йили 10—15 минг гектар ерда атрофи ўралган кўп йиллик маданий яйловлар тажриба сифатида ташкил этилиши мўлжалланади. Бу яйловлар барпо этилганидан 2—3 йил ўтгач фойдаланишга топширилади. Атрофи ўралган маданий яйловлар бизнинг шароитимизда янгиллик бўлса ҳам, Қирғизистон, Қозоғистон РСФСР хўжаликларида ундан қатор йиллардан бери фойдаланиляпти ва жуда яхши натижалар беряпти.

Яйловлардан бу усулда фойдаланиш учун 200—300 га. майдоннинг атрофига темир-бетон устунлар қоқилиб,

цинкланган сим билан 4—8 қатор ўралади. Ҳар бир загонга алоҳида дарвоза қурилади. Үнинг ичида етари миқдорда сув манбай (водопровод) бўлади. Бу усул табиий ўтлоқлардан тўла ва тартибли фойдаланиш, яйловлар ҳосилдорлигини ошириш, энг муҳими, қўй боқиша банд чўпонлар сонини кескин камайтириш имкониятини беради.

Республика яйлов мелиоратив қурилиш трести мана шуларни ҳисобга олиб 1969 йили «Нишон» давлат наслучилик заводида уни қуришга киришди. Шу мақсад учун кўклам ва кузда фойдаланиладиган, ўртача ҳосилдорлиги ҳар га. дан 4,7 ц. ҳамда асосий ўсимликлари қўнгурбош, қорабош сингари ўтлардан иборат бўлган 5 минг га. адир ажратилди.

Бу майдон 25 загонга бўлиниб, ўрталиқда мол ҳайдаш учун эни 20 м. ва узунлиги 7 км. дан иккита йўл қўйилди. Ҳар загон ўрта ҳисобда 200 га. дан иборат бўлиб, 1000 бosh қўй асрashга мўлжалланган.

Узунлиги 28 км. водопровод қурилиб, ҳар бир загон сув билан таъминланган. Совхоз шу ишларни бажариш учун жами 230 минг сўм сарфлади. Бу чиқимлар кўпи билан 2—3 йилда қопланади. Шу вақтга қадар бир чўпон ўрта ҳисобда 200 бosh қўй боқарди, энди эса 5000 бosh қўйдан иборат йирик отарлар ташкил этилиб, унга қараш учун 6 киши, жумладан бosh чўпон, 3 та ёрдамчи чўпон, ҳар хил иш бажарувчи бир чўпон ҳамда механик-техник ходим (шофёр) биркитилади.

«Қарноб» наслучилик заводида ҳам 1600 га. адирнинг айланаси ўралиб, загонларга тақсимланган. Ҳозирги кунда «Узгипросельстрой» лойиҳа институтида «Қорақум», «Муборак», «Ғузор», «Улус», «Ғозон», «Конимех» совхозларида шундай загонлар лойиҳалари тузиляпти. 1975 йилнинг охирига бориб камиди 50 минг гектар ерда загон усулига асосланган янги қўйчилик фермалари ташкил этилади.

Шу муносабат билан катта-катта майдонларда саксовул ва черкез нҳотазорлари барпо этилади, шувоқ, кайраук, изенъ, чоғон экиб, табиий ўтлоқлар тубдан яхшиланади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар бир гектар яйлов ҳисобига сунъий кўп йиллик маданий ўтлоқлар барпо этиш, уларнинг атрофини ўраб, загон системада фойдаланиш учун жами 35—40 сўм маблағ сарфланар ва бу

чиқимлар етиштирилган қўшимча маҳсулот ҳисобига 1—2 йилда қопланар экан. Афсуски, яйловларни яхшилаш тадбирларини жадал суръатлар билан амалга ошириш йўлида жиддий тўсиқлар ҳам мавжуд. Ўтсимон ва бута ўсимликларини кўплаб экиш учун уларнинг уруғи етишмаслиги катта муаммо бўлиб турипти. Хўжаликларда уруғ тайёрлашга жиддий эътибор беришмайди. Ёввойи ўсимлик уруғи ҳамон жуда кам тайёрланяпти. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети 1970 йил сентябрда маҳсус қарор чиқариб Самарқанд обlastinинг «Улус», «Ғазон», Ленин номли, «Қарноб», Бухоро обlastinинг «Коммунизм», Қашқадарё обlastinинг «Ғузор», К. Маркс номли, Сурхондарё обlastinинг «ВЛҚСМ 50 йиллиги» совхозлари зиммасига шу беш йилликда жами 665,5 т., жумладан 1972 йилда — 122 т. ўт уруғи етказиб бериш вазифасини юкладилар. Тўққизинчи беш йилликда мазкур хўжаликларда 20 минг гектар, жумладан 1972 йилда 3,5 минг гектар уруғчилик участкалари барпо этилади.

Республикамизда ўт чиқмаган ёки хато унган яйловлар кўп. Шундай жойларда барра ўт, шувоқ уруғини сепиб, уларда камида 2 йил қўй боқмай серўт бўлишини таъминлаш жуда яхши натижалар бериши Туркманистоннинг «Победа», «Қаланмор», Ўзбекистоннинг «Қарноб», «Улус» совхозларида синааб кўрилди.

Яйловларни серўт-серпичан қилишнинг яна бир муҳим омили бор. Бу, чўл ва ярим чўл яйловларни бороналаш воситасида тупроқнинг ҳаво режимини яхшилашдир. Бутуниттифоқ қоракўлчиллик илмий текшириш институти «Муборак» ва «Улус» совхозларида ўтказган тажрибалар бороналанган яйловларда пичан ҳосили 60—65% кўпайишини кўрсатди. 1 га. яйловни бороналаш учун атиги 0,2 сўм сарфланади. Лекин афсуски, республикамизнинг бирор хўжалиги ҳам ўз фойдаланишидаги яйловларни бороналаш билан шуғулланмаётir.

Яйловларга вақт-вақти билан маҳаллий ва минерал ўғит солиб туриш ҳам яхши натижалар беради. Бутуниттифоқ қоракўлчиллик илмий текшириш институти маълумотларига қараганда, тупроқ нами нисбатан кам бўлишига қарамай, яйлов бетига минерал ўғит солингандага озиқбоп ўтларнинг ҳосили ўрта ҳисобда 50% ошади. Ҳар гектар яйловга ўрта ҳисобда 2 ц. азот, 1,5—2 ц. фосфор ва 0,5 ц. калий ўғити берилгани маъқул. Бу ишни қиши-

лоқ хўжалик самолётларида бажариш анча унумли ва арzon бўлиб, чўл ва ярим чўл зоналаридаги кенг яйловларни қисқа вақтда ўғитлаш имкониятини беради.

Яйловларни мол емайдиган ўсимликлар, жумладан ярим чўл зонада учрайдиган қилтиқлар, чўл зонада учрайдиган тарақбош, чалов сингари қўй жунига илашадиган заарарли ўсимликлардан тозалаш ҳам фойдали ишдир.

ХАШАК ЕТИШТИРИШ ВА ТАИЁРЛАШ

Қўйлар озиғининг асосий қисми яйлов ўтларидан иборат. Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, яйловларда ҳар 10 йилда 2—3 йил ўт яхши ёсса, 4—6 йил ўртacha, 2—3 йил кам битади. Бундан шундай хулоса чиқадики, фақат яйловдаги ўт билан боқилганда, айниқса ўт кам бўлган йилларда қўйларнинг сони анча камайиб, маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Лекин яйловларни сер ўт қилиш, табиий ўтлар доим яхши ривожланишига эришиш инсоннинг қўлидан келади. Ҳар бир хўжалик қўйларни муваффақиятли қишлиятиш учун доим етарли ем-хашак жамғариши лозим. Бунга эса суғориладиган яйловларда ем-хашак етиштиришни йўлга қўйиш, ҳажмини йил сайин ошириб бориш билан бир қаторда, табиий яйловларда пичанбоп ўсимликларни ўриб ғарамлаш йўли билан эришилади.

Сўнгги йилларда чўл ва ярим чўл зоналаридаги қўйчилик хўжаликларида сунъий суғориш асосида ем-хашак етиштириш имкониятлари яратилди. Қизилқум масивлари пармалаб кўрилганда ер остида жуда катта сув запаслари борлиги аниқланди. Бу ерда қазилган ҳар бир артезиан қудугидан секундига 3—5 литрдан то 50—60 литргача сув отилиб чиқади. Бу миқдордаги сувнинг 90% дан кўпи аҳоли ва қўйчилик фермалари истеъмолидан ортиб қолади. Бундан яйловларни ҳамда беда, маккажўхори, оқжўхори сингари йирик майдонлардаги озиқбоп экинларни суғориш мумкин. Шундай қилиб Ўзбекистон чўл ва саҳроларида ҳам кўплаб маданий ем-хашак, ҳатто сабзвавот маҳсулотлари етиштириш имконияти туғилди. Артезиан қудукларидан сув чиқарилган жойларда қўқонжўхори, Хоразм бедаси, оқжўхори, арпа ва баҳори буғдой экиш, айниқса яхши натижка беради. Ўзбекистон яйлов-мелиоратив қурилиш трести ҳамда

Бутуниттифоқ қоракүлчилик илмий текшириш институти ходимлари томонидан олиб борилган тажрибалар шуни күрсатдикі, сугориладиган яйловларда әкилгандық озік-боп экинларга юқори агротехника асосида парвариш берилса ҳосил мүл бўлади. Чунончи ҳар гектар бедадан ўрта ҳисобда йилига 100 ц., маккажўхоридан 200 ц., оқжўхоридан 220 ц. ҳосил етиштириш мумкин.

Бу соҳада Бухоро обlastидаги «Конимех», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари эришган ютуқлар айниқса ибратли. Масалан, 1956 йили «Конимех» давлат наслчилик заводининг Оқсой участкасида суғориладиган хашак етиштириш ташкил этилган эди. Ҳозир бу участкада 21 артезиан қудуғи ишлайди. Уларнинг суви билан 200 га беда ва бошқа хашаки экинлар суғориляпти. 1970 йили 70 га беданинг ҳар гектаридан 51 ц. дан, 84 га бир йиллик ўтлардан 23 ц. дан пичан йифиб олинди. Хўжаликнинг «Бешкок», «Оқмамбет» участкаларида ҳам артезиан суви билан хашак етиштириш уюштирилган.

1965 йилга қадар яйловларда артезиан қудуқлари суви билан суғориладиган ер майдони республика бўйича 4 минг гектар эди. 1966—1970 йилларда жами 2300 га., жумладан Самарқанд обlastida 1000 га., Сирдарёда 775 га., Бухоро ҳамда Хоразм обlastларида 560 га., ер ўзлаштирилди. Бухоро обlastida 280 га. майдонни артезиан суви билан таъминлаш учун 9 та артезиан қудуғи қазилди. Шу мақсад учун Сирдарёда 30 км. ва Самарқандда 54 км., Хоразмда 9 км. водопровод қурildи.

1966—1970 йиллари республика бўйича 2334 га. ерни артезиан суви билан суғоришга тайёрлаш учун жами 3380,7 минг сўм сарфланди. Бинобарин, ҳар гектар учун 1448 сўм сарфланган. Шунингдек, водопровод билан 1 га. ерни суғориш 1383 сўмга тўғри келган.

Қўриниб турибдики, чўл ва ярим чўл яйловларида суғориладиган деҳқончиликни ташкил этиш жуда қимматга тушади. Шунинг учун бу майдонларнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш зарур. Шундагина сарфланган капитал маблағ тез қопланиши, бинобарин, келгусида бу ишлар кўламини кенгайтириш имкониятлари яратилиши мумкин.

Тўққизинчи беш йилликда яйловларда артезиан қудуқларига таяниб, ем-хашак етиштиришни янада кўпайтириш мўлжаллланади. 1971-1975 йилларда республика

жами 2000 га., жумладан Самарқанд областида 1350 гектар, Сирдарёда — 300, Бухорода — 150, Қорақалпогистонда 200 гектар яйлов сүфорилади ва маданий ем-хашак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Республика қўйчилик хўжаликларида мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш учун камидаги 12 минг гектар сүфориладиган ер ва шунга яраша техника зарур. Шундай экан, чўлларда сүфориладиган ерларни кўпайтириш учун тегишли ишлар суръатини ошириш лозим.

Мутахассислар ҳисоб-китобича, республикамиз яйловларида артезиан қудуқлари суви билан сүфориладиган ерларни келгусида 20—25 минг гектарга етказиш мумкин. Агар ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 200 ц. пичан етиштирилса, жами майдонда 400—500 минг т. хашак етиштирилади. Республика қўйчилик хўжаликлари ҳар йили қарийб 1 млн. гектар майдонда 450—500 минг т. шувоқ пичани тайёрлашади. Шундай экан, агар яйловларда сүфориладиган ем-хашак майдонини, юқорида айтганимиздек, 20—25 минг гектарга етказилса, йилига 1 млн. гектарда шувоқ пичани тайёрлашга ҳожат қолмайди. Бунинг устига шувоқ пичани ҳануз қўлда кетмон билан тайёрланиши, унинг сифати пастлигини ҳисобга олсак, сүфориладиган яйловларда хашак етиштириш нақадар улкан аҳамиятли эканлиги янада ёрқин намоён бўлади.

Яйловларда дағал хашак жамғаришда илғор усуллардан, механизация воситаларидан кенг фойдаланиш керак. Бироқ кўп жойларда бу иш, айниқса шувоқ йиғиши ҳамон кетмон билан бажарилмоқда. Оқибатда кўп йиллик буталар нобуд бўлмоқда, ўроқ билан ўриладиган ўтлоқлар ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда.

Республикамиз бўйича қўйларни муваффақиятли қишлоғи учун ҳар бош қўй ҳисобига 150 кг. дағал хашакдан ташқари 20—25 кг. ем-концентрат ҳам жамғариш керак. Кўпчилик қўйчилик хўжаликларида ғалла экиладиган ер йўқлиги ёки етарли эмаслиги учун бу иш анча қийин кўчаётир. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё обласларининг тоғ этакларида қўйчилик хўжаликларида ем-концентрат тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Бу обласларда қўйлар учун асосий ем ҳисобланмиш баҳорги ва кузги арпанинг ҳар гектаридан 4,5—10,5 ц. атрофида ҳосил олиняпти. 1970 йили республика обласларида 250 минг т. баҳорги ва ёзги арпа, 22 минг т.

маккажұхори дони, 970 т. сули қўйлар учун озиқбоп ем етиширилди. Бу умумий әхтиёждан анча ортиқ. Лекин чорванинг қўйчиликдан бошқа тармоқлари — чўчқачилик, паррандачилик, йилқи ва туялар ҳисобга олинса, бу ҳам камлик қилади. Шу сабабли емнинг етишмаган қисми давлат фондидан олинмоқда. Бинобарн, вазифа озиқбоп дон экинлари майдонини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини кескин ошириб, чорвачиликни арzon ем билан етарли миқдорда таъминлашдан иборатдир.

ҚЎЙЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Чорвачиликни, жумладан қўйчиликни интенсив ри-вожлантиришда фермаларда сермеҳнат ишларни механизациялаш ва электрлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик ишлари қанчалик тўлароқ механизациялаштирилса, чорвадорлар меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик тез суръатлар билан ўсиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ватанимиз саноати чорвачиликдаги оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларни механизация зиммасига юклаш учун хилма-хил замонавий машиналар ва қуроллар ишлаб чиқаряпти, чорвачилик фермаларига етарли миқдорда етказиб бериляпти. Бироқ, машина ва қуроллар билан таъминлашда олтмишинчи йилларга қадар чўл яйлов хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олини мади, бу хўжаликлар ҳам мамлакатнинг ери ҳайдаладиган зоналарида мослашган машина ва механизмлар билан таъминлаб келинди. Шу сабабли Ўзбекистон яйлов хўжаликларида ишлар деярли механизациялаширилмай келди.

Қўйчилик хўжаликларида ишларни механизациялаш фақат унинг иқтисодий самарасини кўтариш учунгина зарур эмас, лозим ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бинобарин, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришда ҳаётбахш роль ўйнайди. Чўл зоналарида аҳоли жуда сийрак жойлашган. Республикаизда ўрта ҳисобда 5—6 кв. км. майдонга бир одам тўғри келадиган районлар кўп. Масалан, Бухоро обlastida 1 кв. км. майдонга 6,7, Қорақалпоғистон АССР да 4,4 киши тўғри келади. Шу сабабли чўл зоналаридаги колхоз ва совхозларда ишли кучи доим етишмайди. Бу чорвачилик

ишларини бажариш муддатларининг чўзилиб кетишига, сифатсиз бажарилишига олиб келади. Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон қўйчивонлари меҳнатини енгиллаширадиган кўпгина янгиликлар жорий этилди. Қўйларни суфориш, хашак тайёрлаш ва майдалаш, қирқиш ва пресслаш, қўзиларни сўйиш ва терисини шилиш, қоракўл териларни тозалаш каби ишлар механизация воситалари қўллануб бажариладиган бўлди.

Бироқ жуда кўп ишлар ҳамон қўлда бажариляпти. 1970 йили ҳар 1000 бош қўй ҳисобига меҳнат сарфи колхозларда 2230, совхозларда 1983 киши кунини ташкил этди. Саккизинчи беш йиллик бошида ҳам бу рақамлар деярли худди шу сонни ташкил этарди. Шунинг учун ҳам айrim ишларнигина эмас, балки барча ишларни комплекс механизациялашни таъминлайдиган машиналар системасини яратиш долзарб вазифа сифатида кун тартибида турипти.

Қўйчилик фермаларида 30% меҳнат ем-хашак жамғаришга, 20—22% и эса қўйларни суфоришга сарфланяпти. Бинобарин, шу икки асосий иш жараёнини тўла механизациялашнинг ўзи меҳнат сарфини кескин камайтиришни таъминлайди.

ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Яйлов шароити қандай бўлмасин, қўйларни қиши кунлари ўрта ҳисобда 40—60 кун қўлдан озиқлантиришга тўғри келади. Демак, йилига ҳар бош қўй ҳисобига 1,5 ц., (эҳтиёт шарти билан 2 ц.) хашак жамғариш шарт. Бунинг учун республика бўйича йилига камида 1—2 млн. га. яйловда дағал хашак тайёрлашга тўғри келади. Шу қадар катта ҳажмдаги иш ҳанузгача асосан кетмон билан жазирама иссиқ ойларда бажарилади. Шунинг учун ҳам бу ишда банд бўладиган одамларнинг меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлади — 1 ц. хашак тайёрлаш учун камида 3—4 киши соати сарфланади ва қимматга тушади. Кўп миқдорда хашак тайёрлаш зарурияти хўжаликларни ташқаридан қўшимча куч жалб этишга мажбур этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, кетмон билан чопиб тўпланадиган яйлов хашагининг сифати жуда паст бўлади, унинг 50—60% и нишхўрдга чиқади. Бунинг устига ха-

шак чопилгандан кейинги йили бу яйловнинг ҳосилдорлиги пасаяди.

Дағал ҳашак механизация ёрдамида ўриб-йигиб олингданда таннархи 2—3 баравар арzonлашади, меҳнат унумдорлиги 10 баробардан ҳам кўпроқ ошади. Ўрилган ўсимликлар илдизлари мутлақо шикастланмайди, бу эса яйловларнинг яшариши, сермаҳсул бўлишини тъминнайди. Қўйлар машина билан ўриб олинган пичанинг атиги 20—30% ини нишхўрдга чиқаради.

Қўйчилик хўжаликларида ҳашак тайёрлашга доир барча ишларни механизациялаш оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, мустаҳкам ем-ҳашак базаси барпо этиш имконини берини Бухоро областидаги «Коммунизм» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. 1963 йилда ушбу сатрлар автори «Коммунизм» совхозида илмий кузатишлар олиб бориб, механизация ёрдамида ҳашак жамғаришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи қўйидаги фактларни тўплади. Ўша йили совхознинг 2-фермасида 7 киши (тракторчи, прицепчи, шофёр ва 4 нафар ёрдамчи ишчи)дан иборат механизациялашган ем-ҳашак бригадаси ишлади. Етти кишидан иборат бу бригада «КСХ—2,1» маркали сенокосилкасида мавсумда 600 т. пичан тайёрлаган ҳолда ферманинг 42 кишидан иборат механизациялашмаган бригада ҳаммаси бўлиб 400 т. пичан жамғарди. Бинобарин, қўлда ўрилганда киши бошига 10 т., машиналар қўлланганида эса 86 т. пичан тайёрланди. Механизациялашган бригада 1 т. пичан тайёрлаш ҳисобига 2,37 сўм ёкни 1422 сўм тежаб қолди.

«Коммунизм» совхозидаги мавжуд бу машина ва қуроллар — тракторга тиркаб ишлатиладиган косилка, пичанини йигадиган, тойлаб боғлайдиган, транспортга юклайдиган, ғарамлайдиган механизмлар ҳашак тайёрлаш билан боғлиқ барча ишларни тўла механизациялаш имконини беради. Бироқ улар асло бу ергаги яйлов шаронтига мосланмаганлиги сабабли улардан унумли фойдаланишнинг иложи бўлмади. Масалан, яйлов нотекис бўлгани учун янтоқ, каррак ва шувоқнинг мол ейдиган қисмининг 30—35% и ўрилмай қолиб кетди. Ўрилган ҳашак «ГП—14» маркали хаскашда тўпланганда ўрта ҳисобда 24%, ғарамлашда эса яна 20% нобуд бўлди.

Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон-

нинг кенг дашт ва чўл яйловларида хашак тайёрлашни тўла механизациялашни таъминлайдиган машиналар комплексини яратиш жуда зарурдир.

Ўзбекистон яйловларида қўйларни қишида қўлда боқиш учун чўл ўтларидан асосан явшан (шувоқ), янтоқ ва қисман каррак тайёрланади. Явшан чўл ўтларидан емиш учун энг афзали ҳисобланади. Манбаларда таъкидланишича, шувоқли яйловлар жами ўтлоқларнинг 80% ини ташкил этади. Явшанинг бўйи ўрта ҳисобда 25—30, баъзан 50 см га етади. Лекин унинг ердан 8—10 см. юқоридаги поясини қўй умуман емайди, бундан юқори қисмини эса хуш кўриб ейди. Явшан майдан августнинг охиригача жуда тўйимли ҳисобланади. Мутахассислардан З. Чаплинанинг маълумотларига кўра, явшан июль — август ойлари каратинга бой бўлади. Бу ўсимликнинг ҳар центнерида 25—30 кг. озиқ бирлиги бор.

Янтоқ ҳам қишига тайёрланадиган муҳим ўсимликлардан биридир. Унинг энг сершира даври апрель — май ойларидир. Янтоқ август ва сентябрь ойларida ўсиб етилади, бинобарин кўпаяди. Янтоқнинг озиқлик хосаси явшанинкига нисбатан камроқ, яъни ҳар центнерида 22—26 кг. озиқ бирлиги бор.

Каррак ҳам қиши учун муҳим озиқдир. Баъзи йиллари ҳар га. дан 6—8 ц. каррак ўриб олинади. Каррак катта-кatta майдонларни эгаллайди, айниқса Марказий Қизилқумда — карракли яйловлар бепоён. Каррак июнь — июль ойларida бўлиқ етилади, августда эса бир оз камаяди. Унинг 1 центнерида 25 озиқ бирлиги бор.

Чўл ўсимликларидан явшанин июнь — август, янтоқни август — сентябрь, карракни май — июнь ойларida тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари баҳор ва ёзда қиёқ ва илак ўсимликларидан ҳам хашак тайёрланади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институти (САИМЭ) мутахассислари томонидан яратилган ва 1967 йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарилаётгап «КПП—2,0» маркали пичан ўрадиган машина «КПР—2,1», КГИ—3,5», «К—2,1» косилкаларига нисбатан Ўзбекистон шароитида ҳар томонлама афзалликларга эга. Ҳозир республика қўйчилик хўжаликларида бу косилка муваффақиятли ишлайти. Бу тиркама қурол

ем хашак жамғаришда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имкониятини берди. «КПП — 2,0» агрегати пичанни ҳам ўради, ҳам маҳсус бункерга түплайди, оғирлиги маълум даражага (10 кг.) етгандан кейин уни бир йўла тойлаб боғлаб кетади. Бу машина қўлланилса, кўплаб маблағ ва меҳнат тежалади. Масалан, «Коммунизм» совхозида қўлда 1 ц. пичан тайёрлаш учун 5,7 киши куни ва 3,4 сўм, «КПП — 2,0» косилкаси ёрдамида тайёрланда эса 0,9 киши куни ва 1,1 сўм сарфланди.

САИМЭ ходимлари яратган «СН—2,0» маркали осма пичан юклагич қурол ҳам синовдан муваффақиятли ўтди. Бу механизм тойланган ва оғирлиги 70 кг. пичанини 4 метр баландликкача кўтариб бера олади. Бу машинадан транспортдаги юкни тушириш ҳамда пичанини гарамлашда ҳам бемалол фойдаланса бўлади.

Ўриб той-той қилиб боғлаб кетилган пичани суurvулар қишлоидиган жойларга ташиб келтириш харажатлари чўл шароитида йўл юриш жуда ноқулай бўлганлиги учун жуда серчиқим бўлиб, барча харажатларининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бинобарин, хашак тайёрлашдаги бу иш жараёнини тўла механизациялаш хашак таннархини арzonлаштиришда катта роль ўйнайди. Маълумки, чўлнинг тиканли, дағал ўсимликлари транспорт юришида қийинчиллик туғдиради, шунинг учун транспорт воситаларидан хашак ташишда фойдаланиш коэффициенти 0,25 дан ошмайди. Изланишлар шуни кўрсатдики, хашакни пресслаш, брикетлар ясаш ёки майдалаб юклаш транспорт иш коэффициентини ошириш имкониятини беради.

В. Г. Мальковнинг 1970 йил маълумотларига қараганда зичлиги ўртача бўлган хашак тойларини «ПТС — 3—766М» типидаги пахта ташийдиган прицепга қўлда тахлаб ташилса ўнинг юк кўтариш қувватидап фойдаланиш коэффициенти 0,41, брикетларни прицепга уюб ташиганда 0,56 ва ўртача йириклика майдалangan хашак ташишда 0,74 бўлган. Бинобарин, юк кўтариш қувватидан фойдаланиш коэффициентини оширишнинг энг самарали усули хашакни майдалаб ташишdir. «ПТС—3—766М» прицепига ўртача зичликдаги пичан тойларидан 0,6, майдалangan туридан 2,5 тоннагача юклаш мумкин. Хашакни фермада эмас, даланинг ўзида майдалаш ва бу ишни хашак тайёрлаш ишининг ажралмас қисмига айлантириш лозим.

Албатта, хашак фақат ташишдаги қулайлик учунги-на майдаланмайды. Маълумки, янтоқ, каррак каби ўсимликларни түядан бошқа ҳайвонларга майдаламасдан бериб бўлмайди. Қўйларга майдаланмай берилган дағал пичаннинг қарийб ярми ейилмай нобуд бўлади. Демак, хашакни тежаб-тергаб сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам уни майдалаш фойдалидир. Лекин хашакни ортиқча майдалаб юбормаслик лозим. Жуда майдалаб юборилган хашакнинг ҳам бир қисми нушхўрдга чиқади. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти ва САИМЭ томонидан олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, хашак 3—9 мм. (5—10 мм) йирикликда майдаланса қўйлар унинг 99% ини тўла еяр экан.

Хашакни майдалаш учун сўнгги йилларга қадар КИР, ИКБ, ИГК, КДУ, ДКУ каби ҳар хил машиналардан фойдаланиб келинди. Бу машиналар талабга жавоб бермагани учун ВНИИК ва САИМЭ уларнинг ҳаммасини синааб кўриб, «ДКУ — М» машинасида майдаланган хашакнинг энг кўп қисми (78%) ни қўйлар истеъмол қилишини аниқлади. Лекин «ДКУ — М» ҳам кўпгина афзалликларга эга бўлсада, унинг иш унуми (соатига атиги 360 кг.) ни ташкил этади ва хашак ортиқча майдаланиб кетиши оқибатида кўп чўкинди (21%) беради.

Шунинг учун пичанни даланинг ўзида тегишли катталикда майдалайдиган машина бўлиши лозим. Агар «КПП — 2,0» косилкасида ўралиб, тойланган пичан чала қуригандан дала бошида майдалашга «ДИП — 62» маркали кўчма жоди жуда мос қурол ҳисобланади.

САИМЭ мана шу технологияда ишлайдиган жоди конструкциясини яратиш устида иш олиб бориб, ижобий натижага эришди. «ДИП — 62» маркали жоди схемаси тузилди. Житомир машинасозлик заводи нусхасини ишлаб чиқкан «ДИП — 62» жодиси 1965 йилда Қизил Ўрдадаги машина синаш станциясида, кейин эса Урта Осиё ва Тожикистон машина синаш станцияларида синовдан ўтказилди. Синов натижалари яхши бўлиб чиқди. Бу кўчма жоди ишлатилса хашак майдалаш ва уни даладан тегишли жойга ташиш харажатлари уч баравар камайиши исботланди.

Бу усулда хашак тайёрлаш технологияси қуйидаги иш жараёнларидан иборат:

— пичанни «КПП — 2,0» да ўриб, қаторасига тўп-тўп қилиб кетиш;

— ўрилган пичанни «ДИП — 62» осма жодида ий-ғиб майдалаш;

— майдаланган хашакни «ПГС — 3 — 766 М» прице-пида ташиш ва механизмлар ёрдамида тушириш;

— «СН — 2» пичан юклагич механизми ёрдамида ташилган пичанни ғарамлаш.

Бу ишларни бажаришда «Т — 40» ва «ДТ — 20» тракторлари қувватидан фойдаланилади. Бунда 1 ц. хашакни тайёрлаш учун 0,3 киши-соат ва 0,65 тийин сарфланади.

Бу усул қўлланилганда 1 га. яйловдаги ўтни ўриб, майдалаш ва фермага ташиб келтириш учун тахминан 2,7 сўм, пичан оддий усулда тайёрланганда эса 6 сўм сарфланади.

Яйловлари Қизилқум чўлининг шарқий ва марказий қисмларида жойлашган «Қонимех» совхози 1967 йили биринчи марта ушбу технология бўйича хашак тайёрлади. Хўжалик битта «КПП — 2» косилкаси ва хаскашли «ДИП — 62» жодиси билан 440 га. майдондаги хашаки ўтларни ўриб-ийғиб, даланинг ўзида майдалаб, Оқсойдаги фермасига ташиб олди. Агрегат 8 соатлик иш кунида ўрта ҳисобда 10 га. майдоннинг ўтини ўрди. Косилка кетидан кунора «ПТС — 3766 М» маркали иккни прицеп тиркалган «ДИП — 62» жодиси ишга солинди. Прицепларнинг тепаси тўр билан бекитилиб, олд томонидан дарча қолдирилди. Жодининг иш унуми соатига 1,6 — 2,1 т. ни ташкил этди. Хашак прицепларда 9 — 11 км. масофага ташилди.

Бу илгор усул туфайли ҳар центнер тайёр хашакнинг таннархи 0,6 сўмдан ошмади.

«Коммунизм», «Қарноб» қўйчилик хўжаликларида ҳам бу усул қувончли натижалар берди.

Чўл шароитида озиқ ва унинг аралашмасини тайёрлашнинг энг содда усули хашакни майдалаш, ивitiш, буғлаш, аралаштириш, молхона ва қўйхоналарга келтириб охурларга тақсимлашдир. «Қарноб» совхозида озиқ шу усулда тайёрланмоқда.

1966 йили совхознинг марказий фермасидаги бўрдоқиличилик пункти бир йўла кўплаб қўй озиқланадиган бетон охурлар, хашакни майдалайдиган ва буғлайдиган ускуналар билан жиҳозланди. Чупончи, «ИГК — 30» хашак майдалагич, «ДКУ — М» жодиси, буғ ҳосил қилувчи «ҚВ — 200» машинаси ўрнатилди. Булардан ташқа-

ри «ПТУ —10 К» ва «КУТ —3» кўчма озиқ тарқатувчи машиналар буғлатгич вазифасини ҳам ўтайди ва айни вақтда, озиқ ташиб тарқатади.

Қоракўлчилик институти ходимлари бу машиналарни такомиллаштириб, озиқни буғлайдиган, аралаштирадиган кўчма машинага айлантиридилар.

Бу илфор тажрибалар кенг оммалаштиришга лойикдир.

СУГОРИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Қизилқум шароитида битта қўй ўрта ҳисобда суткада 6—8 л. сув истеъмол этишини таъкидлаган эдик. Бинобарин, колхоз ва совхозларда боқилаётган 6 млн. қўйга ҳар суткада 40—50 млн. л. сув зарур. Шунча ҳажмдаги сув яқии вақтларга қадар қудуқлардан туялар ёрдамида тортиб чиқарилар эди. Бу усулда битта қўйни сугориш учун йилига ўрта ҳисобда 2,5—4 соат кетарди. Шунда 50 минг қўйи бўлган хўжалик қудуқдан сув тортиб чиқаришнинг ўзига йилига 125—200 минг киши-соат сарфлар, бу ишда қарийб 55 киши банд бўларди. Бунда қўйларни боқишига йил бўйи сарфланган жами мөҳнатнинг 20—22% сугоришга сарфланарди.

Туя кучи билан қовға деб аталмиш идишда қудуқдан сув чиқариш жуда оғир ва сермеҳнат иш ҳисобланади. Масалан, 30—40 л. сув сифадиган қовға (мол терисидан қилинган пақирсимиш идиш) ўз оғирлиги билан қудуқка туширилади, у сувга тўлгач туя арқонни тортиб қудуқдан узоқлашади ва қовға шу йўл билан қудуқдан тортиб олинади. Бу ишда одатда иккى киши банд бўлади. Улардан бири туяни гоҳ қудуқ томонга, гоҳ ундан қарама-қарши томонга ҳайдайди, иккинчиси эса қовғадаги сувни новга қуйиб бўшатади ва яна қудуқка ташлайди. Қудуқдан сув чиқаришда ишлайдиган кишиларнинг мөҳнат унумдорлиги жуда паст. Масалан, тажриба учун кузатилганда Бухоро областининг Вобкент районидаги Ленин номли колхозга қарашли «Борлибой» қудуғи (чуқурлиги 20 м.) дан 5 минутда меш билан 35 л. сув чиқарилди. Демак, бир отардаги 700 қўйни бир марта сугориш учун 7—8 соат вақт кетади.

Бу ҳол қўй боқишида мөҳнат унумдорлигини оширишга, бинобарин қўйчиликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга тўсқинлик қиласи Шунинг учун бу

иши түлиқ механизациялаштириш мақсадға мувофиқдир. Агар қудуқдан сув чиқариш механизациялаштирилса, ҳар бир отардаги чўпонларни икки-уч кишига қисқартириш, сув тортишдан бўшаган одам кучи ва тяялардан бошқа ишларда фойдаланиш имконияти туғилади. Бундан ташқари, қудуқдан сув тортиб чиқаришда ишлатиладиган буюмларни сотиб олишга сарфланадиган маблағ тежаб қолинади.

Ўзбекистонда қудуқдан сув чиқаришни тўла механизациялаштириш ва қўйларни суфориш учун ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида пармалаб қазилган ва замонавий шахта типидаги қудуқлар тобора кўпаймоқда. 1950—1970 йилларда Яйлов — мелиоратив қурилиш трести республика яйловларида 1661 қудуқ пармалаб, фойдаланишга топширди. 195 қудуқдан сув ўзи отилиб чиқаётир. Бундан ташқари, республика территориясида шахта типидаги 5625 та янги қудуқ қазилди. Бу қудуқлардан 1959 йилдан бошлаб механизация ёрдамида сув чиқарилмоқда. Шу йили 70 жойга «Л—100» маркали механизм ўрнатилди. Тахминий ҳисобларга қараганда 5 мингта қудуқдан сув чиқариш механизациялаштирилди. Лекин шунга қарамай ҳали 1000 дан зиёд қудуқдан сув мешларда тую ёрдамида чиқарилмоқда. Қизилқум яйловларида тахминан 65% қудуқдан сув тасмали кўтаргичлар, 15% дан туюлар ёрдамида, қолган 20% идан бошқа йўллар билан чиқарилмоқда. Вазифа — яқин йиллар ичida яйловларда қудуқлардан сув чиқаришни тўла механизациялашдан иборат

Сув чиқаришни механизациялаштириш иқтисод нуқтai назаридэн ҳам жуда фойдали. Масалан, «Конимех» совхозида тасма ёрдамида ишлайдиган 60 та қудуқ бор. Айрим қудуқларнинг чуқурлиги 30 м. дан ошади. Чақалоқ қудуғига ўрнатилган сув тортқич 400 та қўйига сув етказиб беради Бу қудуқда секундига 1 л. сув тўпланади. Қудуққа ўрнатилган тасмали сув чиқаргич ичдан ёнадиган «ЗИД—4,5» маркали двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Соатига 4 куб м. сув чиқарилади. Бу сув 500 та қўйни бир марта суфоришга етади. Қўйларни суфориш билан боғлиқ чиқимлар бу ерда 2 баравар қисқарди. «Коммунизм» совхозида эса 77 та қудуққа «Л—100» сув чиқаргичи ўрнатилган. Бунинг натижасида ҳар қайси бригадада бир чўпон қисқартирилди. Бу, бир йилда 75,7 минг сўм иқтисод қилиш

имконини берди. Бундан ташқари, сув тортадиган түяларни йил бўйи боқиш ва инвентарлар олиш учун сарфланадиган харажатларни қисқартириш ҳисобига 9,2 минг сўм тежаб қолинди. Шундай қилиб, совхоз жами 84,9 минг сўм иқтисод этди ёки барча қўйларни боқиш учун сарфланадиган жами харажатларни 8,5% камайтиришга эриши.

Қўйчилик хўжаликларида сув чиқариш билан боғлиқ харажатларни янада камайтириш мумкин.

1 куб м. сув чиқаришга сарфланадиган харажатларнинг энг камлиги жиҳатидан биринчи ўринни электр двигатель, ундан кейинги ўринни «ЗИД—4,5» типидаги бензин двигатели эгаллайди. Чўл шароитида «ЗИД—4,5» маркали двигатель энг қулай ҳисобланади.

Қудуқлардан сув чиқаришда ичдан ёнадиган двигатель ўрнига шамол кучи билан ишлайдиган двигателлардан фойдаланилса, меҳнат сарфлари яна ҳам камаяди.

Маълумки, 1937—1939 йилларда Қизилқум чўлларида қудуқларга шамол кучи билан ҳаракатга келтириладиган жуда кўп сув чиқаргичлар ўрнатилган эди. Улардан фойдаланиш яхши самара берди. Масалан, «Улус» совхозида «ТВ—8» маркали шамол двигателидан фойдаланила бошлагандан кейин меҳнат сарфи тия билан брезент мешда сув тортишга қараганда уч баравардан ҳам зиёд, бу сув тортиш учун сарфланадиган вақт 7 баравардан ортиқ камайган эди. Бироқ шамол двигателининг тузилиши мураккаб бўлганилиги, малакали ходимлар йўқлиги, запас қисмлар билан таъминланмаганлиги учун улар Ўзбекистонда кенг қўлланмади. Республикадаги қўйчилик хўжаликлари учун оддий конструкцияли, тасмали сув тортқичга осон мослашадиган кўчма шамол двигателлари зарур.

Қозоғистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий текшириш институти «ППВ—30» маркали сув чиқарадиган кўчма автомобиль агрегатининг конструкциясини тузди. «Манкентельмаш» заводи бу агрегатни ишлаб чиқарди. Агрегат «УАЗ—452Д» автомобили, электр генератор, шцит ва сувга ботириладиган электр насосдан ташкил топган сув чиқарувчи кўчма установкадир. Бу установка кўчиб юриб бир неча шахта типидаги қудуқдан сув чиқаришга мўлжалланган. Унинг иш унуми тасмали сув чи-

қаргичларга нисбатан 8 баравар юқори. Шунинг учун 1 куб м. сувни қудуқдан чиқариш учун 3 баравар кам меҳнат сарфланади. «ППВ—30» кўчма сув чиқаргич бир сменада 7—8 қудуқдан сув чиқариб, 7 минг бош қўйни сув билан таъминлади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, хўжалик битта «ППВ—30» сотиб олиб фойдаланса 2,5 минг сўм маблағни тежаб қолади. «ППВ—30» 1972 йилдан зарур миқдорда ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, 1972 йилдан «ЗИЛ—131» автомобилининг шассисига ўрнатилган «ОШК—30» маркали шахта типидаги қудуқларни тозалайдиган машина ҳам ишлаб чиқарилади.

Янги машина ва механизмлар чўлда сермеҳнат ишларни енгиллаштиради, чиқимларни қисқартиради, маҳсулот таннархини арzonлаштиради.

Чет мамлакатларнинг тажрибаларидан маълумки, яйловларга газ билан ишлайдиган машиналар ёрдамида ҳам сув чиқарилади. Бунда газ цистерналари йилига икки марта заправка қилинади.

Маълумки, Бухоро области территориясида жуда катта табиий газ запаслари мавжуд. Олим ва конструкторларимиз газ билан ишлайдиган кам қувват двигателлар яратиш масаласини ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди. Бундай двигателлар қудуқдан сув чиқаришга мослаштирилса, кўплаб маблағ ва меҳнат тежаб қолинарди.

ҚОРАҚҮЛ ТЕРИНИ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Сўнгги йилларга қадар қоракўл терини дастлабки ишлаш бутунлай қўлда бажарилар эди. Қоракўл терини дастлабки ишлаш анча сермеҳнат бўлиб, қўйидаги жараёнлардан иборат: қўзини сўйиш, терисини ажратиш, терини шилиб ёғдан тозалаш, тузлаш, қуритиш, тозалаш, етилтириш, саралаш, сақлаш, топшириш. Бу ишларнинг ҳаммаси қўлда бажариларди.

Айниқса сўйилган қўзининг терисини ажратиш кўп меҳнат талаб этади. Одатда аввал сўйилган қўзининг териси остига ҳаво юборилади, бунда одам тез чарчайди, чунки 2,5—3 л. ҳаво най орқали пуфланади. Терини туздан тозалашда ҳам механизациядан фойдаланилмайди, тузи силкиб туширилади, кейин ёйилган ҳолда

ёғоч пичоқ билан тозаланади. Бу ишда бир киши куни-га ўрта ҳисобда 35—40 та тери тозалайди. Бундан ташқари тери нотўғри буралса, синади, сифати пасаяди. Сўнгги йилларда тери билан эт орасига ҳаво юбориш компрессорлар ёрдамида бажарилмоқда. Лекин бу иш ҳамон оғир процесслардан бири ҳисобланади. Шунни ҳисобга олиб, Қозоғистон олимлари ва мутахассислари қўзини сўйиш, терисини шилиш ва консервациялаш ишларининг поток технологиясини ишлаб чиқишиди. Бунда қўзини сўйиш ва терини шилишдап тортиб барра гўштни маҳсус хонага элтиб ташлашгача барча ишлар механизация воситасида бажарилади.

Қўзини сўйиб, терига дастлабки ишлов берадиган шундай марказлаштирилган поток линия 1969 йили Чимкент обlastининг «Задарё» давлат наслчилик заводида қурилди.

Механизациялашган бундай қўзи сўйиш пунктининг смета қиймати 69 650 сўмни, шу жумладан қурилиш ишлари 53300 сўмни ва технолэгик жиҳозлар 16 350 сўмни ташкил этди. Шу юзадан кузатишлар ўтказган мутахассис Ш. Мухлисулиннинг 1971 йил мълумотига қараганда, қўзи сўйиш бўйича механизациялашган поток линия ишга туширилиши натижасида хўжалик жами 37 378 сўм, шу жумладан, қоракўл терилар сифати яхшиланиб, харид баҳоси ошиши ҳисобига 22 050 сўм, сичуг етиштириш ва харид қилишдан 11 200 сўм, суяк-гўшт концентрати ишлаб чиқиш йўлга қўйилган лигидан 4128 сўм даромад кўрди. Поток линияни ишга тушириш ва мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ қўшимча чиқимлар 11 730 сўмни ташкил этди. Бинобарин, хўжаликнинг қўшимча соф даромади 25 648 сўм бўлди. Шундай экан, механизациялашган қўзи сўйиш пунктини барпо этиш билан боғлиқ капитал маблаг сарфи ўз-ўзини 2,7 йилда тўла қоплади.

1969—1971 йилларда олиб борилган экспериментал ишлар асосида механизациялаштирилган қўзи сўйиш поток линияси такомиллаштирилди. Натижада унинг унумдорлиги ва самарадорлиги ошди, шу билан бирга смета қиймати анча арzonлаши. 1970 йилдан бошлаб 20 ва 40 минг қўзини сўйиб, терисини шилишга мўлжалланган механизациялаштирилган пункт лойиҳаси Давлат лойиҳалаш ва илмий текшириш институти (ГИПРОНИСЕЛЬПРОМ) томонидан реализация этил-

япти. 20 минг қўзини сўйишга мўлжалланган пунктнинг смета қиймати 48 720 сўм, ўз-ўзини қоплаш муддати 3,5 йил бўлиб, ҳамма ишларни бажаришда 19 киши қатнашади. 40 мингта қўзини сўйишга мўлжалланган поток линиянинг смета қиймати 57 500 сўм, 24 киши хизмат қилади, ўз-ўзини қоллаш муддати 2,5 йил. Бинобарин, қоракўлчилик колхоз ва совхозлари барра тери етишириш миқдорига қараб 20 ёки 40 мингта қўзи сўйишга мўлжалланган поток линия лойиҳасини ташлашлари мумкин. Мазкур пункт биноларидан қўзилашиб мавсуми тугагач, жун қирқиш учун ва омбор сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

Тўғри, қўзи сўйиш поток линиялари оддий биноларда, ҳатто бостирмалар остида ҳам ишлайверади. Лекин шу мақсад учун маҳсус бинолар қурганга нима етсин.

Шундай қилиб, қоракўл терилар сифатини яхшилаш мақсадида қўзиларни фақат марказлаштирилган пунктларда механизациялаштирилган конвейер ёрдамида сўйиш тавсия этилади. Ҳозир шундай поток линиялар Узбекистоннинг 40 га яқин совхозида ишлаб турибди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги одатдагидан 3—3,5 баравар юқори. Гап шундаки, бунда ҳар бир ишчи фақат бир жараённи бажаради. Бинобарин, унинг маҳорати, иш тажрибаси, малакаси тез ошади. У ўз касбини пухта эгаллаб, юқори унумдорликка эришади. Бундан ташқари, бу метод меҳнат маданиятини кўтаради, тозаликни таъминлайди. Қоракўл териларнинг сифати яхшиланиб, нуқсонлари 5—6 баравар камаяди.

Қоракўл терини қўл билан тозалаш ҳам жуда сермеҳнат иш. Бу ишни механизациялаш мақсадида Қозоғистоннинг Актибинск шаҳридаги «Большевик» заводи «СЧС—2» маркали станок ишлаб чиқарди. Станокнинг асосий иш органи — қарама-қарши томонларга айланувчи барабанлардир. Бу барабанларга капрон чўткалар қопланган. Қоракўл терини мазкур барабанлар ўртасидан бир неча марта ўтказиб тозаланади.

Одатда қоракўл терининг оёқ ва бош қисми анча ифлосроқ бўлади. Шу сабабли терининг бу жойлари бир марта тоза бўлмайди. Қайта-қайта ўтказгандан эса терининг сифати пасаяди. Шунинг учун ҳам терининг кўп ифлосланган айрим қисмларини тозалайдиган маҳсус машина яратиш зарурияти вужудга келди. Бу вазифа САИМЭ илмий ходимлари ва Актибинскдаги

«Большевик» заводи мутахассислари томонидан ҳал этилди. Улар кичкина двигатель ва ток билан қўлда ишлатиладиган электр чўтка ихтиро этишди. Бу чўткалар жун қирқадиган «ЭСА—24/200» маркали электр машинкадан 12 таси билан комплектлаштирилган. Ишчи бир қўлида қоракўл терини ушлаб, иккинчи қўли билан унинг устидан электр чўткани юргизади.

Бу қурол Бухоро облатининг «Конимех» совхозида синовдан мұваффақиятли ўтди, ҳозир эса кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Бунда қоракўл терини аввал электр чўткада тозалаб олиб, сўнгра «СЧС—2» маркали барабаш типидаги станокда тозалаш яхши натижалар беради.

«СЧС—2» тери тозалайдиган станокнинг давлат нархи 430 сўм. Демак, ҳар бир совхоз уни бемалол сошиб олиши, тери тозалашдек сермеҳнат жараённи тўла механизациялаштириши мумкин ва лозим.

Колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, нормал ишлаганда электр чўткалар билан кунига 150—200 та тери тозаласа бўлади. Ҳолбуки, қўлда атиги 40 тадан ортиқ терини тозалаб бўлмайди.

ЖУН ҚИРҚИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Эндиликда республикамиздаги ҳамма совхозларда қўйлар жуни электр машинкалар билан қирқиляти. Сўнгги йилларда колхозларда ҳам жун қирқиши механизациялаштиришга катта аҳамият берилмоқда. 1970 йили республика колхозларида машинкада жун қирқиши 80,6% ни ташкил этди. Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё облатларида бу кўрсаткич 96—100% ни ташкил этган ҳолда Хоразм облати ва Қорақалпоғистон АССР колхозларида 8,2—19,1% га аранг етади. 1970 йил баҳорида Наманган облатида 20%, Фарғона облатида 76% қўйнинг жуни қўлда қирқиб олинди. Хоразм ва Фарғона облатларининг кўпчилик колхозлари жун қирқишида электр агрегатларидан умумай фойдаланмайдилар.

Бир одам машинка билан кунига 180—200 қўйни жунини олиши, жун қирқиши механизациялашса ҳар бош қўйдан одатдагидан бир қирқимда 150—200 гр. кўп жуп олиниши мумкин. Шунинг учун бу ишни ҳамма жойда механизациялаш керак. Жун қирқаётгандага қўйга озор бермаслик, терисини жароҳатламасликка

ҳаракат қилиш, ҳовлиқмасдан, лекин чақон ишлаш керак. Машинкани бир жойдан сира тақрор юргизмаслик шарт, жунни тагидан бир текис қирқиши керак.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва интенсивлаш ўзаро узвий боғлиқдир. Ихтисослаштириш интенсивлаш учун ташкилий-хўжалик жиҳатдан зарур шарт-шарроит яратиб берса, ўз навбатида интенсивлик даражасининг юксалиши ишлаб чиқаришни янада чуқурроқ ихтисослаштиришни тақозо этади. Қўйчилик хўжаликларининг интенсив ривожланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кептайишига, маҳсулот етиштириш кўпайишига олиб келади. Бинобарин, интенсив ривожланиш натижасида қўйчиликнинг хўжалик экономикасидаги салмоғи орта боради, яъни унинг ихтисослашиш даражаси чуқурлашади. Хўжаликларда қўйчилик қанчалик ихтисослашган бўлса, бу тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги шунча юксак бўлаверади (19-жадвал).

Жадвалдан қўйчиликнинг ихтисослашганлик даражаси ўсиши билан ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланиши кўришиб турипти. I ва II группа колхозларидаги қўйчиликнинг ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотидаги салмоғи 12—14% атрофида бўлиб, ҳар бош қўй ҳисобига I группада 0,2 сўм фойда олинган, II группада эса 1,3 сўм зарар кўрилган.

IV—V группа хўжаликлари қўйчилик бўйича чуқур ихтисослашган бўлиб уларда ялпи маҳсулотнинг 89—100% ини қўйчилик маҳсулоти ташкил этади. Бу хўжаликлар ҳар бош қўй ҳисобига 6—7 сўм соғ фойда олишяпти.

Ихтисослашган фермаларда меҳнат унумдорлиги анча юқори. Уларда фан ва техника ютуқларини, илфор тажрибаларни кенг жорий этиш имкониятлари ҳам катта. Булар ҳам кўп ва арzon маҳсулот етиштириш омиллариdir.

I группа хўжаликлирида 1 ц. қўй гўшти учун 110 сўм, IV ва V группаларда 59—61 сўм сарфланганилиги ёки 1 ц гўштнинг таннархи ихтисослашган хўжаликларда ихтисослашмаган хўжаликларга қараганда 45% арzonга тушганлиги чуқур ихтисослашнинг нақа-

**Қўйчиликни ихтисослаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги
(1970 йил маълумотлари асосида)**

Кўрсаткичлар	Группалар					
	I	II	III	IV	V	
Филияна об- ласть колхоз- лари	Хоразм об- ласть колхоз- лари	Сурхондарё область кол- хозлари	Ихтисослаш- тирик со. колхозлари	Ихтисослашти- рилган қўйчилик со. колхозлари	Совхозлар и кол- хозлар	
Бир хўжаликка тўғри кела- диган қўй, минг бош	1,6	1,7	4,1	41,3	60,2	78,3
Ўртача бир қўйдан олинган жун, кг	1,59	1,66	2,4	2,2	3,5	2,9
100 совлик ҳисобига олинган қўзи, бош	90	103	101	90	138	124
Йил бошида мавжуд бўлган ҳар бош қўй ҳисобига етиши- тирилган гўшт, кг.	15,1	9,2	14,8	19,0	16,3	15,3
Бир қўйни асрашга сарфлан- гай йиллик чиқим, сўм	27,4	17,2	20,1	16,8	26,0	20,3
Мехнат сарфи (киши куни)						
1 ц. жунга	46,0	40,1	32,3	28,0	18,7	14,7
1 ц. қўй гўштига	12,5	11,7	10,4	3,7	5,4	4,9
Маҳсулот таннахри, сўм						
1 ц. жун	391,2	243,4	276,5	265,8	236,8	172,4
1 ц. қўй гўсти	110,7	74,3	81,0	59,0	61,2	57,5
Бир қўй ҳисобига етиши- тирилган товар маҳсулот қий- мати, сўм	13,6	11,3	15,4	19,3	25,8	24,9
Жумладан соф даромад, сўм	0,2	-1,3	1,1	5,8	6,4	7,1
Қўйчиликнинг ялпи хўжалик маҳсулотидаги салмоғи, %	1,8	1,4	3,0	84,3	98,2	99,4
Қўйчиликнинг жами чорвачи- лик маҳсулотидаги салмо- ғи, %	12,2	14,1	29,9	88,8	99,0	100

дар фойдали эканидан далолатdir. Қўйчиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш манфаатлари келажакда Республика хўжаликларида барча қўйларни ихтисослаштирилган йирик колхоз ва совхозларда муҳассамлаштиришни тақозо қиласди. Янги ихтисослаштирилган қўйчилик хўжаликлари ташкил этилиши мазкур соҳани интенсивлаш, чўлларга сув чиқариш, қўйчиликдаги ҳамма сермеҳнат ишларни механизациялаш, ишлаб чиқариш маданиятини, фермалар фаолиятининг самарадорлигини кўтариш каби муҳим ташкилий, тех-

никовий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишни анча жадаллаштиради. Сўнгги йилларда янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ютуқлари бу фикрнинг тўғрилигини исботлаяпти.

Маълумки, чорвачиликни, жумладан, қўйчиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш 1957 йилдан сўнг кенг кўламда амалга оширилди, республикамиизда 1957 йили 15 та ва 1964 йили 25 та ихтисослашган йирик қўйчилик совхозлари ташкил этилди.

1957 йили Бухоро обlastida ташкил этилган «Коммунизм» совхозининг ютуқлари билан танишиб чиқайлик. Бу хўжалик Конимех районидаги еттита камқувват колхозлар негизида тузилди. Шундан буён ўтган даврда совхоз ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланди, қоракўлчиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. 1958—1970 йиллар давомида хўжаликда қоракўл тери этиштириш 30,8%, жун тайёрлаш 27,1%, гўшт этиштириш 39% ўси 1958—1964 йилларда ҳар 100 совлиқдан ўрта ҳисобда 109 тадан, 1960 йили 112 та, 1970 йили эса 124 тадан қўзи олинди. Ҳар бош қўйдан қирқилган жун ўрта ҳисобда 3,5 кг. га етди, гўштга топшириладиган қўйларнинг вазни 40—44 кг. дан кам бўлмади. Совхоз пландан ташқари 6—8 мингтадан қоракўл тери тайёрлаяпти.

Эндиликада хўжаликда сермеҳнат ишларнинг деярли ҳаммаси механизациялаштирилди. Натижада сўнгги йилларда қоракўлчиликдан олинаётган соғ фойда икки ҳисса ортди. Совлиқлар қоидадаги муддатларда қочирилиши, қўзилар эса группаларга ажратиб боқилиши натижасида ишлаб чиқариш топшириқлари барча кўрсаткичлар бўйича ошиги билан адо этилмоқда. Бу совхозда совлиқларнинг қўзилаш даври барра ўтлар айни бўлиқ этилган пайтга тўғри келади. Бу эса қўзиларни тўйдириб боқиш ва уларнинг соғлом ҳамда сермаҳсул бўлишини таъминлаяпти.

1964 йилдан бошлаб совхозда ички хўжалик ҳисоби жорий этилди. Бу, меҳнатга хақ тўлашнинг янги, прогрессив системасини қўлланиш имкониятини берди. Чўпонларнинг пландан ташқари ва сифатли маҳсулот этиштиришдан манбаатдорлиги ошди. Этиштирилган қоракўл териларнинг 80% дан ортиқ қисми биринчи сортларга қабул қилипяпти. Совхоз коллективи бошқа хўжаликларга кўплаб наслдор қўчкорлар етказиб бе-

радиган бўлди. 1970 йилнинг ўзида 2580 бош наслдор қўй сотилди.

Кўйчиликни ихтисослаштириш қувончли самаралар беришини Сирдәрё обlastининг Омонгелди номли ва «Арнасой», Самарқанд обlastининг «Мингбулоқ» ва «Олтинсой», Бухоро обlastининг «Қўкча» ва «Фиждувон», Қашқадарё обlastининг «Чорвадор» ва «Шаҳрисабз», Сурхондарё обlastининг «Ўзбекистон» ва «Бойсун», Тошкент обlastининг Охунбобоев номли ва Жамбул номли совхозлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу хўжаликлар ҳам 1964 йили шаҳтакор колхозлардаги майда қўйчилик фермалари негизида ташкил этилганли. Эндиликда улар ишлаб чиқариши интенсивлашган ва рентабелли хўжаликлар бўлиб қолдилар. Кўйчиликни сурориладиган деҳқончиликдан ажратиб, мустақил йирик хўжаликлarda мужассамлаштириш ҳар томонлама афзал эканлигини Томди районининг қўй урчитишга ихтисослашган б та колхози, Нарпай районидаги «Ленинчи чорвадор», Ульяновск районидаги «III Интернационал», Фузор районидаги Крупская номли, «Ленинизм», «1 Май» колхозлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Республикамизда мавжуд қўй ва эчкиларнинг 41% ихтисослашмаган, асосан деҳқончилик билан шуғулланувчи колхоз ва совхозларнинг майда фермаларида мужассамлашгандир. Мавжуд қўйларнинг сонига мувофиқ бу хўжаликлар республикада етиштирилаётган жуннинг 35% ини, қўй гўштининг 39%, қоракўл терининг 20% ини беряптилар. Улар Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ихтиёридаги жами яйловларнинг 31% ига эгалик қилиб туриптилар.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ҳозиргача ҳам деҳқончилик, ҳам қўйчилик билан шуғулланиб келаётган ихтисослашмаган колхозлардаги мавжуд 2274 минг бош қўй ва 6197 минг гектар яйлов негизида ҳар бирида ўрта ҳисобда 75 минг бош қўй боқиладиган ва 200 минг гектар яйлови бўлган 30 та ихтисослашган янги йирик қўйчилик совхозлари ташкил этса бўлади. Агар ихтисослашган қўйчилик колхозлари ташкил этиладиган бўлса, уларнинг ҳар бирида 40—60 минг қўй бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ихтисослашган янги қўйчилик совхозларини ташкил этиш, албатта катта капитал маблағ сарфлашни талаб қиласди. Шу соҳада илмий ишлар олиб борган К. И. Лап-

киннинг 1968 йилда ўтказган ҳисоб-китобларига қараганда 80 минг бosh қўйи ва 200—300 минг гектар яйлови бўлган ихтисослашган қоракўлчилик совхозини ташкил этиш учун 8,6 млн. сўм капитал маблағ сарфлаш талаб этилади. Жумладан, турар жой ва маданий-маиший қурилиш учун 3,3 млн. сўм, ишлаб чиқариш қурилишлари ва уларни жиҳозлаш, сув таъминоти, йўл қурилиши, ободончилик ишларининг ҳаммаси учун 3,2 млн. сўм ва колхозлардан қўй сотиб олиш учун 2,1 млн. сўм сарфланади.

Бу янги совхоз қўйчилик маҳсулотлари сотишдан ҳар иили 1,4 млн. сўм соғ даромад олса, сарфланган 8,6 млн. сўм капитал маблағ 6,2 йилда қопланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, бундай ихтисослашган совхозлар ташкил этиш янги ерларда пахтакор совхозлар ташкил этиш сингари катта аҳамиятли ва фойдалидир.

Янги ихтисослашган қўйчилик хўжаликлари ташкил этишда уларнинг катта-кичиклиги оптимал даражада бўлишига алоҳида эътибор бериш, илмий асосда иш тутиш зарур. Чунки йириклиштириш асосида амалга оширилган ихтисослаштириш самарадорлиги хўжалик мавжуд шарт-шароитга тўла мос келадиган катталикда бўлган дагина юксак бўлади. Агар хўжалик конкрет шароит имкониятлари ҳисобга олинмай йириклиштириб юбориласа, салбий натижаларга олиб келади. Буни Самарқанд областининг Нарпай районига қарашли «Ленинчи чорвардор» колхози мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу колхоз 1931 йилда Самарқанд областининг Қарноб даشتida ташкил этилганда 1750 бosh қўйи бор эди. Хўжалик тузилган кунидан қоракўлчиликка ихтисослаштирилди. 1940 йилда колхоз қўйлари 23 мингтага, 1950 йилда 32 мингтага, 1958 йилда эса 45,3 мингтага етди. Бинобарин, ўтган 27 йил давомида колхоз қўйлари 26 баравар кўпайди. Шу йилларда коллектив бошқа хўжаликларга 30 минг бosh наслдор қўй сотди.

Колхоз ютуқлари сон жиҳатидангина эмас, сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам яхшиланниб борди. Пахтакор давлат наслчилик рассаднигининг берган маълумотига қараганда 1946—1958 йилларда хўжаликда I класс ва элита совлиқлар 30 %, II классли совлиқлар 3,6 % кўпайган ҳолда, сифати паст совлиқлар 34,1 % камайди. Натижада қоракўл териларнинг сифати яхшиланди. 1940—

1958 йилларда биринчи сортга сотилган терилар 37,7% қўпайди.

1959 йилга қадар «Ленинчи чорвадор» колхози Самарқанд обласстининг «Пахтакор» районидаги пахтачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи 15 колхоз орасида ягона ихтисослашган қўйчилик хўжалиги ҳисобланарди. Хўжаликда қўйчилик жадал суръатлар билан ривожланиб, сермаҳсул, сердаромад бўлиб борар, пахтакор колхозларнинг қоракўлчилик тармоғи эса паст маҳсулдорлиги ва кам даромадлиги билан характерли эди. Масалан, 1954—1958 йилларда «Ленинчи чорвадор» колхози ўрта ҳисобда бир йилда ҳар 100 совлиқдан 104 тадан қўзи олган бўлса, райондаги бошқа пахтакор колхозлар 94 тадан қўзи олган эди. Хўжалик қўйчиликнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича олдинда борарди.

Шулар ҳисобга олиниб, районда қўйчиликни тўла ихтиносластиришга қарор қилинди. Шу муносабат билан «Ленинчи чорвадор» колхози 1959 йилнинг февралида район пахтакор колхозлари ихтиёридаги ҳамма қоракўл қўйларни, қудуқлар ва чорвачилек биноларини баланс қиймати асосида 5 йил ичидаги тўлаш шарти билан 1,2 млн. сўмга сотиб олди.

Бу тадбир дастлаб, яъни 1959—1961 йилларда ижобий натижалар берди. Шу қисқа даврда қўйлар сони 19 % қўпайди, уларнинг нобуд бўлиши 9,3% дан 1,5 % гача камайди. Қоракўл тери етиштириш 70%, гўшт учун давлатга қўй топшириш 46,4%, жун етиштириш 41% қўпайди. Хўжалик чорвадорлари, мутахассислари, раҳбарлари замонавий механизациядан, фан ютуқлари ва илгор тажриба ҳамда методлардан кенг фойдаланиб, шу сингарп катта ютуқларни қўлга киритдилар. 1960 йили колхоз қўйлари 109,2 минг бошга етди.

Бироқ хўжалик беҳад йириклишгани, ихтиносластириш ва йириклиштириш вақтида юқорида қайд қилгани миздек, мавжуд объектив имкониятлар ҳисобга олинмаганлиги оқибатида бу ютуқлар ўсиш эмас, турғун ҳам бўлолмади. 1970 йилга келиб қўйлар сони 109,2 мингтандан 68,2 минг бошга тушиб қолди ёки 37,6%, жумладан совлиқ қўйлар 35,8% камайди. Шу йиллар мобайнида гўштга қўй топшириш қарийб икки баравар, қоракўл тери етиштириш 10,2%, жун етиштириш 2,6%, гўшт етиштириш 41% камайди. Сўнгги йилларда хўжаликда механизациядан кенг фойдаланиш натижасида меҳнат

унумдорлиги анча ошишига қарамасдан қоракўл тери таннархи кўтарилиди. Оқибатда қоракўлчиликнинг умумий рентабеллиги кескин пасайди ва 1970 йили 54,5% ни ташкил этди.

Биз йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли сабоқ чиқариб олишга ўрганганимиз, шундай экан «Ленинчи чорвадор» колхозида юз берган аҳволнинг ҳам асл сабабларини аниқлаш фойдали сабоқдир.

«Ленинчи чорвадор» колхозининг фаолиятидаги бу салбий ўзгаришларнинг туб сабаби нимада бўлди? Бизнингча, 1959 йили хўжалик қўйлари салкам 106 минг бошга етказилдию, лекин шунча кўп қўйни озиқ билан таъминлайдиган даражада ем-харакат базаси барпо этилмади. 1958 йилда колхознинг ҳар бош қўйи ҳисобига 1,3 гектар яйлов тўғри келган бўлса, 1959 йилда ҳам шу даражада ўзгармади. Тўғри, 1965—1970 йилларда хўжаликда мавжуд қўйларнинг бир бошига 1,7—2,0 гектар яйлов тўғри келди. Лекип бу кўпайиш ем-харакат базасининг кенгайиши ҳисобига эмас, балки хўжаликда қўйлар кескин камайиб кетиши натижасидир.

«Ленинчи чорвадор» колхози «Қарноб» даштида жойлашган. Бу яйловларнинг ўртача йиллик ҳосилдорлиги гектарига 3 ц. қуруқ хашакдан ошмайди. Бинобарин, битта қўйни асраш учун бундай шароитда 2,7 га. ўтлоқ керак бўлади. Колхоз ихтиёридаги 135 минг га. яйлов роса 50 минг қўйни зарур микдорда озиқ билан таъминлай олади. Ваҳоланки, 1959—1960 йилларда шу ўтлоқда бундан икки ҳиссадан ортиқ қўй боқилди. Ўтлоқлардан ҳаддан ташқари интенсив фойдаланиш натижасида уларнинг унумдорлиги, бинобарин, озиқ сифими анча камайиб кетди. Натижада хўжалик қўйлари сўнгги ўн йилнинг ҳар йилида ўрта ҳисобда 3,7% камайиб борди. Ваҳоланки, нормал шароитда қўйлар бош сони бир йилда 15—20% ўсиши лозим.

Кўп йиллик тажрибалар таҳлили, умумий илмий анализлар шуни кўрсатдики, қўйчиликка ихтисослаштирилган колхозларда қўйларнинг умумий сони 50—60 мингдан зиёд бўлмагани маъкул.

Бироқ республикамида қўйлар сони жиҳатидан шутариқа ихтисослашган колхозлар жуда кам. 1970 йил маълумотларига қараганда республиканинг 902 та колхозида қўй урчитилар экан. Шулардан фермасида 500 тадан кам қўйи бор колхозлар 102 та, 500—1000 қўйи

бори — 165 та, 1000—3000 қўйи бори — 418 та, 3000 — 10000 қўйи бори — 189 та, 10000—20000 қўйи бори — 19 та ва 20000 дан зиёд қўйи бор колхозлар атиги 9 та. Айниқса Андижон, Фарғона, Хоразм областларидаги колхозларнинг қўйчилик фермалари жуда майдан.

Бу жиҳатдан совхозларда аҳвол бирмунча яхши. Масалан, 61 совхозда ўрта ҳисобда 20 мингтадан зиёд, 14 совхозда 10—20 минг атрофида, 21 тасида 3—10 минг, 44 совхозда 1—3 минг, 14 тасида 500—1000 атрофи қўй бор. Булардан ташқари 61 та совхозда 500 бошдан кам миқдорда қўй бўлиб, бу хўжаликларда етиштирилган қўй гўшти ва бошқа маҳсулотлар ички хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланади.

Ҳисоб-китоблар гўштга бўлган ички эҳтиёжни қондириш учун йирик пахтакор совхозларда 1000 бошгача қўй бўлиши фойдали эканини кўрсатди. Минг бос қўйни қишлоқ зонасида асраса ҳам бўлади.

Қўйчилик хўжаликларини мавжуд қўй сони жиҳатидан оптимал катта-кичиклик муаммоси сўнгги йилларда ҳар томонлама тадқиқ этилди.

Ўзбекистонда ўтлоқлар ҳосилдорлиги анча юқори, яйловлар яхши ўзлаштирилган, 100 га ўтлоқнинг ўртача озиқ сифими (қўй бошига) Туркманистанда 17 бўлса, Ўзбекистонда 37 бошни ташкил этади. Бир бос қўйни нормал ҳолатда асраш ва боқиши учун Ўзбекистонда 2,7 га. ўтлоқ етарли бўлса, Туркманистанда камида 6 га. керак. Бинобарин бизнинг шароитимизда ферма ва отарларни анча зич жойлаштириш мумкин. Шуларга кўра Ўзбекистоннинг ҳар бир қўйчилик совхозида 60—80 минг қўй-қўзи бўлиши мақсадга мувофиқдир. Лекин республикамизнинг ўтлоқ шароити ҳамма ерда бир хил эмас. Масалан, чўл, яirim чўл ва тоғ этагидаги зоналар табиий ўтлар ҳосилдорлиги, бинобарин, озиқ запаси жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиласи. Шунинг учун қўйчилик совхозларининг оптимал катталигини белgilашда зоналарнинг конкрет шароитини ҳисобга олиш зарур.

Биз республикамизнинг 55 қоракўлчилик совхозининг 232 қўйчилик фермасини қўйлар сони жиҳатидан группаларга ажратиб, қайси катталикдаги ферма кўпроқ самара беришини аниқлашга ҳаракат қиласи. Натижалар қўйидагича бўлди. 29 фермада қўйлар сони 5 мингтага етмайди, 41 фермада 6—8 минг, 66 тасида — 8,1—10

минг, 70 тасида 10,1—12 минг, 16 тасида — 12, 1—14 минг ва 10 тасида 14 мингдан зиёд қўй боқиляпти.

Кўриниб турибдики, ҳали аксари фермалардаги қўйлар концентрациясини қониқарли, деб бўлмайди.

1970 йил маълумотларига асосан ўтказилган текширишлар 10—14 минг бош қўйни бор фермаларда иқтисодий кўрсаткичлар анча юқори бўлишини кўрсатди.

ҚУИ СУРУВЛАРИНИ ҚАИТА ТИҚЛАШНИ ИНТЕНСИВЛАШ ВА МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Қўйчиликни интенсивлашнинг асосий вазифаларидан бири — маълум ер бирлигига, олайлик, ҳар 100 га. ерда боқиладиган қўйлар сонини оширишдан иборатdir. Гўшт, жун, қоракўл ва бошқа қўйчилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, биринчи навбатда, ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ. Хўжалик ихтиёридаги ҳар 100 га. яйловга тўғри келадиган қўйлар сони қанчада кўп, маҳсулдорлиги юқори бўлса, ялпи маҳсулот абсолют миқдорда ҳам, ҳар 100 га. яйлов ҳисобига ҳам юксак бўлиши ҳаммага тушунарли оддий ҳақиқатdir. Ҳар 100 га. яйлов ҳисобига Қорақалпоғистон автоном республикаси энг кам, атиги 10 бош қўй асрайди. Шунга мувофиқ бу ерда ҳар 100 га. да 1,1 ц. гўшт, 20 кг жун етиштирилади. Бу республиканинг ўртача кўрсаткичларидан 3,5 баравар пастдир. Тошкент, Наманган, Андижон областларининг яйловларинда қўйлар анча зич жойлаштирилганлиги учун бу областлар хўжаликларида ҳар 100 га. яйлов ҳисобига гўшт, жун етиштириш ҳам юқори. Бу соҳада айниқса Бухоро, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР да ички резервлар катта. Бу областларда ҳар 100 га. яйлов ҳисобига жуда кам — 10—17 та қўй боқилиб, фақат 5—8 дона қоракўл тери, 1,1—2,1 ц. гўшт ва 20—40 кг жун етиштирилмоқда. Бу қониқарли эмас, албатта. Бинобарин, республикада ҳар 100 га. яйлов ҳисобига қўйлар сонини кўпайтириш қўйчилик ялпи маҳсулотини ўстиришнинг муҳим манбаидир.

Колхоз ва совхозларда мавжуд қўйлар сони билан яйловлар майдони бир-бирига мос бўлиши ҳам жуда муҳимdir. 1970 йилда республика колхозларида ҳар бир қўйга 3,2 га. совхозларда 3,5 га, асосий қўйчилик районларида мувофиқ равишда 4—10 га. ва 5—8,5 га. яйлов тўғри келди (21-жадвал). Бироқ ҳали колхозларда 2075 минг гектар, совхозларда эса 1612 минг гектар яй-

Республика қоракүлчилік совхозларининг зоналар бўйича 1970 йил қўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қоракүлчиллик совхозлари				Тоғолди зонасига жойлашган совхозларнинг қўй сони жиҳатидан группаланиши (мингта)				
	жами (ўрта ҳисобда)	чўл зонаси	ярим чўл зонаси	тот олди зонаси	30 гача	31—40	41—50	51—60	«Гузор» совхози
Совхозлар сони	55	16	17	22	8	6	5	2	1
Бир совхозга тўгри келадиган қўй сони	44,6	54,2	46,3	36,2	23,3	35,9	45,0	54,4	61,4
100 совлиқдан олинган қўзи, бош	127	130	131	121	116	123	128	129	130
Бир қўйдан жун қирқими, кг	3,2	3,4	3,3	3,0	2,9	2,8	3,0	3,0	3,6
Бир бош қўй ҳисобига етиширилган гўшт, кг	17,2	17,4	19,0	15,4	13,8	14,2	14,8	15,8	15,0
Бир киши купи ҳисобига етиширилган қўйчилик ялпи маҳсулоти, сўм	13,0	13,8	13,8	11,4	10,4	10,5	11,0	13,1	17,2
Бир бош қўй ҳисобига етиширилган ялпи маҳсулот, сўм	27,0	29,2	29,1	23,2	20,2	20,4	22,6	26,8	28,2
Бир бош қўйни боқишига сарфланган йиллик чиқимлар, сўм	21,2	23,9	21,6	18,1	19,1	18,0	17,5	17,0	16,4
Соф фойда, сўм	5,8	5,3	7,5	5,9	2,1	2,4	5,1	9,8	11,8
Маҳсулот таниархи, сўм:									
1 дона қоракўл тери	14,2	15,4	13,8	13,3	14,7	14,1	12,8	12,2	12,1
1 ц. жун	208	223	196	204	223	221	202	187	182
1 ц. қўй гўсти	59,1	63,6	57,0	56,2	58,5	59,4	56,7	55,2	54,7

ловга сув чиқарилмаган. Шу сабабли ҳар бир қўй ҳисобига олганда фойдаланиладиган ўтлоқлар майдони колхозларда 2,4 га, совхозларда эса 3 га. дан ошмайди.

Қўйчилик хўжаликларининг кўпчилигига, айниқса Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё областларининг колхоз ва совхозларида ҳар бир қўйга нормадагидан қарийб икки баравар кам яйлов тўғри келади. Қорқалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областларида яйлов билан таъминланиш даражаси яхши ҳисобланади. «Коммунизм», «Конимех» наслчилик заводлари ва бошқа қатор хўжаликларда яйлов танқислиги сезиларли даражададир. Шунинг учун ҳар бир областда яйловларни хўжаликлараро қайта тақсимлаб, яйлов майдонини қўйлар сонига мувофиқлаштириш зарур.

21-жадвал

1970 йилда республика колхоз ва совхозларининг қўй бошинга ҳисобланганда яйловлар билан таъминланиш даражаси

Областлар	1 бош қўйга тўғри келадиган яйлов, га.			
	жами майдони		шу жумладан сув чиқарилган яйлов майдони	
	колхозларда	совхозларда	колхозларда	совхозларда
Тошкент	0,6	0,9	0,6	0,9
Сирдарё	3,7	2,2	3,7	2,1
Фарғона	0,9	1,5	0,9	1,5
Наманганд	0,7	0,9	0,7	0,9
Андижон	0,8	0,9	0,8	0,9
Самарқанд	1,6	1,4	1,6	1,4
Бухоро	5,9	8,4	3,8	6,4
Қашқадарё	1,5	1,9	1,5	1,8
Сурхондарё	1,5	1,7	1,5	1,7
Хоразм	5,9	5,7	4,7	3,9
Қорақалпоғистон .				
АССР	9,8	6,9	8,4	6,8
Республика бўйича	3,2	3,5	2,4	3,0

Масалан, Бухоро обlastinинг «Жонгелди» ва «Мингбулоқ» совхозларида бир бош қўйга 17—18 га. яйлов тўғри келган ҳолда, «Коммунизм» ва «Шофрикон» совхозларида 3,1—3,6 га. дан ошмайди. Ёки бошқа мисол: Қашқадарё обlastinинг ёнма-ён жойлашган «Муборак» ва «Қорақум» совхозларида ҳар бош қўйга мувофиқ равншда 5,8 ва 2,2 га. яйлов тўғри келади. Бундай ҳоллар бошқа обlastlarда ҳам учрайди.

Тұғри, ҳар бөш қүй ҳисобига ўтлоқ майдон ёки 100 га. да боқиладиган құйлар миқдори яйловларнинг озиқ сиғимига бағлиқ. Озиқ сиғими туртіча бўлган яйлов зоналарида жойлашган хўжаликларда қўйлар зичлиги ва ҳар бир қўйга тұғри келадиган ўтлоқ майдони турил кенгликда бўлиши табиийдир. Республика яйлов мелиоратив қурилиш трестининг маълумотларига қараганда Ўзбекистон чўл яйловларининг ўртача йиллик бир га. майдони 2 ц., ярим чўл ўтлоқлар 3,5 ц. ва тоғ олди яйловлар 5 ц. ҳосилдорликка эга. Агар ҳар бөш қўйни йил давомида асраш учун 8 ц. озиқ кетишини ҳисобга олсак, чўл зонада жойлашган хўжаликларда ҳар 100 га. яйловда 25 бөш, ярим чўл зонада 44 бөш ва тоғ олди яйловларда 62 бөш қўй бўлиши керак.

Лекин текширишлар шуни кўрсатадики, табиий шароитлари айнан бир хил бўлган хўжаликларда ҳам ҳар 100 га. яйловга тұғри келадиган қўйлар сони бир текис эмас (22-жадвал).

22-жадвал

Айрим яйлов зоналарида жойлашган қоракўлчилик совхозларининг 100 га. ўтлоқ ҳисобига тұғри келадиган қўйлар сони жиҳатидан группаланиши (1970 йил маълумотларин асосида)

Ҳар 100 га. яйлов ҳисобига тұғри келадиган қўйлар сони қараб, совхозларнинг группаланиши	Группада совхозлар сони	Группада 100 га яйловда боқиладиган қўйлар бөш	100 га. яйлов ҳисобига етиштирилди		
			Коракўлдана	қўй гўшти, ц.	жун, кг.
<i>Чўл зonasи</i>					
I. 10 тагача	5	7	3,5	1,1	20
II. 11 — 20	6	14	5,4	2,0	35
III. 20 дан юқори	3	28	9,2	3,9	80
Зона бўйича	14	12	4,8	1,8	33
<i>Ярим чўл зonasи</i>					
I. 40 тагача	6	31	10,1	4,7	91
II. 41 — 60	5	48	17,5	6,8	139
III. 60 дан юқори	4	79	28,4	12,0	228
зона бўйича	16	43	15,3	6,5	127
<i>Тоғолди зonasи</i>					
I. 80 тагача	11	58	21,0	7,7	148
II. 81 — 100	4	92	28,8	11,5	238
III. 100 дан юқори	7	127	42,5	15,6	321
зона бўйича	22	76	26,9	9,8	196
Уч зона бўйича ўрта ҳисобда	52	24	9,4	3,6	70

Жадвалдан кўриниб турибдики, республиканинг чўл зонасида жойлашган 14 та қоракўлчилик совхозининг фақат З тасида ҳар 100 га. ерга шу яйловда мавжуд озиқ миқдорига мувофиқ яъни 22—30 тадан қўй тўғри келса, 11 та совхозда «Жонгелди», «Мингбулоқ» Калинин номли ва бошқа) ҳар 100 га. яйловга атиги 5—8 тадан ёки нормага нисбатан 4—3 баравар кам қўй тўғри келади.

Ярим чўл зонасида жойлашган 16 совхоз бўйича ҳар 100 га. яйловда норма даражасида (43 та) қўй боқилади. Лекин I группани ташкил этувчи 6 совхозда қўйлар зичлиги нормадан анча паст бўлса, аксинча III группа хўжаликлари ўтлоқларида уларнинг зичлиги анча зиёддир.

Ҳар 100 га. яйлов ҳисобига қўйлар зичлиги тоғолди зонасида жойлашган совхозларда 62 ўрнига 76 бошни ташкил этса, шу зонанинг III группасига кирувчи 7 совхозда, яъни «Восход», «Кўкдала», «Пачкамар» ва бошқа хўжаликларда бу кўрсаткич 112—138 бошдан иборатдир.

Мазкур зонада жойлашган I группага киритилган «Сайроб», «Олтинсой» К. Маркс номли, «Ғузор», «Большевик» совхозларида аксинча ҳар 100 га. яйловда боқилаётган қўйларнинг ўртача сони талаблар даражасидан анча паст.

Бинобарин, ҳар уч зонада ҳам қўйлар зичлигини ошириш учун катта имкониятлар бор. Чўл зонасидаги совхозлар яйловларининг озиқ запаси ҳар 100 га ўтлоқда қўйлар сонини икки баравар ошириш имкониятини беради. Чунончи, республиканинг фақат чўл зонасида қўйлар сонини ҳар 100 га. ўтлоқ ҳисобига икки баравар ошириб, 25 бошга етказиш қўйичилик маҳсулоти етиштиришни 2,5—3 ҳисса кўпайтиришни таъминлайди. Ярим чўл ва тоғолди яйлов зоналарида жойлашган хўжаликларда ҳам шундай кенг имкониятлар мавжуд.

Умуман ҳар бош қўй учун чўл зонада 4—5 га, ярим чўл зонада 2,5—3,0 га. ва ниҳоят тоғолди зонасида 1,8—2,0 га. сув чиқарилган яйлов бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Албатта, хўжаликларда қўйлар зичлигини ошириш билангина маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш вазифаси тўла ҳал этилмайди. Маълум яйлов бирлигига боқиладиган қўйлар сони ўсишига мутаносиб равишда

уларни қўлдан озиқлантириш зарурияти ҳам ошади. Чунки, фақат яйлов озиғига асосланган фермаларда ишлаб чиқариши интенсив ривожлантириш амри маҳоддир. Қўйларни асраш ва озиқлантиришда соф яйлов системасидан яйлов-ярим стационар системасига ўтиш, сурувларни қишида қўлдан озиқлантиришни ҳамма жойда ташкил этиш зарур. Шундагина уларнинг маҳсулдорлиги ошади, нобуд бўлишининг олди олинади.

Республика колхоз ва совхозларида қўйларни қўлдан озиқлантиришнинг эришилган даражаси қониқарли эмас (23-жадвал).

23-жадвал

**Республика колхоз ва совхозларида қўйларни озиқлантириш учун
1970 йилда сарфланган ем-хашак**

Озиқ тури	Бир бош қўй ҳисобига, кг.	
	колхозларда	совхозларда
Дағал хашак	123	81
Ширали озиқ	25	6
Аралаш озиқ ва бошқа концентратлар . .	30	31
Минерал ва бошқа озиқлар	46	2
Жами озиқ бирлиги	104	64
Бундан ташқари яйлов озиғи	441	480
Шунинг ўзи озиқ бирлигига	84	130
Озиқларнинг жами озиқ бирлиги	188	194

Қўйларни айпиқса, чўл шароитида қаҳратон қиши кунлари қўлдан хилма-хил озиқлар бериб боқиш зарур. Чунки, биринчидан, қиши кунлари яйлов ўтлари қор ва муз остида қолади иккинчидан, тўйимлилик сифати кескин камаяди.

Лекин шунга қарамай республиканинг ҳамма хўжаликларида қўйларни йил давомида парваришлиш талаблар даражасида ташкил этилган, деб бўлмайди. Қўпчилик хўжаликларда қўй сурувларини яхшилаш ва тўлдинриш тадбирлари изчил амалга оширилмаяпти. Агар четдан сотиб олинганлар ҳисобга киритилмаса, сўнгги 30 йилда республикамиз колхозларида қўйлар сони 12 йил кўпайиб, 18 йил камайиб борди¹.

¹ 1957 ва 1964 йилларда колхозлардан совхозларга олиб берилган қўйлар ҳисобга олинган.

Қоракўл қўй сурувларини тўлдириш ва қайта тиклаш республика совхозларида ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, четдан харид қилинган қўйлар ҳисобга олинмаганда, уларда қўйлар сони 1960 йилда 29,4%, 1964 йилда 37% ва 1969 йилда 21,6% камайди. Айниқса ўтган беш йилликда қўй сурувларини қайта тиклаш ва тўлдириш жараёни қониқарсиз ҳолатда ўтди. 1965—1970 йилларда қоракўл қўйларнинг сони колхозларда уч йил (1965, 1966 ва 1970) ўсиб, қолган уч йил камайди. Совхозларда бу кўрсаткич колхозлардагидан ҳам анча паст бўлди. Чунончи совхозларда қўйлар сони ўтган олти (1965—1970) йилнинг тўрт йилида камайди, фақат икки (1966 ва 1970) йил давомида ўсиб.

Шунингдек, республика колхоз ва совхозларида думбали қўйларнинг сони ҳам уч йил ўсиб, уч йил камайди. Оқибатда 1965—1970 йилларда колхозларда қоракўл қўйларнинг умумий кўпайиши 379,1 минг бошни, камайиши эса 177,9 мингтани, думбали қўйлар кўпайиши 189 мингни, камайиши эса 189,7 мингни ташкил этди. Шунингдек, совхозларда шу даврда қоракўл қўйлар 482,4 мингтага, думбали қўйлар 56,2 мингтага кўпайган ҳолда, мувофиқ равишда 738 минг ва 208,4 минг бош камайди. Бу ҳол 1970 йилда 1965 йилга қараганда совхозларда думбали қўйлар 17,5%, қоракўл қўйлар 8,2% камайишига олиб келди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, колхоз ва совхозлар сурувларни кўпроқ четдан қўй сотиб олиш ҳисобига қайта тиклайдилар. Масалан, 1970 йилда республика колхозлари 64,4 минг, совхозлар, 135 минг қўйни ташқаридан сотиб олдилар. Агар 1970 йилда ташқаридан сотиб олинган бу қўйларни ҳисобга олмасак, колхозларда қўйлар сонининг кўпайиши 10,9% ўрнига 8,1% ни, совхозларда 15,4% ўрнига 10,5% ни ташкил этади.

Қўй сурувларини ташқаридан сотиб олиб тўлдириш республиканинг ҳамма областларига тааллуқлидир.

Қўйчиликни интенсив ривожлантириш вазифаси колхоз ва совхозларда чорва сонини ташқаридан сотиб олиш йўли билан эмас, хўжаликнинг ўз ички манбалари ҳисобига тўлдириш ва қайта тиклашни тақозо этади. Текширишлар шуни кўрсатдики, фермаларда қўйлар нобуд бўлишини кескин қисқартиришга эришиш, давлатга гўшт топширишни тўғри ташкил этиш, ички хўжалик эҳтиёжлари ўчун қўй сўйишини тартибга солиш, совлиқ-

лардан олинадиган қўзилар сонини кўпайтириш кабилар қўй сурувларини тиклаш ва тўлдириш, ялпи маҳсулдорликни ошириш имкониятини беради.

Дарҳақиқат, республика колхоз ва совхозларида қўй ва эчкилар нобудгарчилиги ақалли бир процентга камайиши таъминланса, уларнинг сони бир йилда 62 мингтага кўпайган бўлур эди. 1969 йилнинг ўзида колхоз ва совхозларимизда 1,1 миллион бош ёки жами қўйларнинг 17,8% и нобуд бўлди. Бу катта талафот об-ҳаво шароитининг ноқулай келганилиги, яйловларда ўт ташқислиги, озиқ етишмаслиги сабаб бўлди. Бироқ об-ҳаво шароити чорва учун анча қулай келган 1970 йилда ҳам колхозларда 99 минг, совхозларда 80 минг бош қўй ва эчки нобуд бўлди. Демак, қўйларнинг нобуд бўлиши фақат шароитнинг ноқулайлиги билан ифодаланмасдан, қўйчилик хўжаликларининг фаолиятига, фермаларда иш қандай ташкил этилиши ва айниқса, ем-хашак базасининг ҳолатига боғлиқдир. Қўйчиликда икки йилда юз берган нобудгарчилик миқдорини кўрсатувчи бу икки рақам халқ хўжалигига катта зарар келтирадиган бу каби ҳолларнинг олдини олиш учун кўплаб маблағ сарфлашгача ҳар қандай зарур чоралар кўриш нақадар муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Об-ҳаво шароити қулай-ноқулайлигидан қатъий пазар, қўйларни боқишини, қишлоғга ҳозирликни доим намунали йўлга қўйиш лозим.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлаган хўжаликларда об-ҳаво шароити ноқулай келган йилларда ҳам қўйларнинг нобуд бўлиши жуда кам бўлиб, 1—2% дан ошмайди. Масалан, республикамиздаги илфор «Чимқўрғон», «Қизилқўм», «Қонимех», «Коммунизм», «Нурота», «Октябрь 40 йиллиги», Гагарин номли, «Нишон» ва бошқа қоракўччилик совхозларида, шунингдек, Ж. Балимонов номли колхозда кейинги йилларда нобуд бўлган қўйларнинг сони 1,5—2% дан ошмади. Масалан, 1970 йили «Нурота» совхозида бу кўрсаткич 0,8%, «Ўзбекистон 40 йиллиги» совхозида 0,3% ни ташкил этди. Қишига етарли ем-хашак жамғармаган «Мингбулоқ», Охунбобоев номли, «Авангард» совхозларида эса қўйларнинг 4—7% и нобуд бўлди.

Сурувдаги қўйларнинг кўплаб нобуд бўлиши уларни қайта тўлдиришга ҳам салбий таъсири кўрсатади. Чупончи, Охунбобоев номли совхозда қўйлар сони 1% га

ҳам ўсмади. «Авангард» совхозида бу ўсиш атиги 4% ни ташкил этди. Ваҳоланки 1970 йили юқорида номлари зикр этилган илгор совхозларда қўйлар туёғи 20—28% атрофида кўпайди.

Республика қоракўлчилик совхозлари шунинг қўйлар со-нининг йиллик ўсиш даражаси бўйича группаланиши қўйидаги натижаларни берди: 1970 йили 4 совхозда қўйлар кўпаймади, 14 совхозда ўсиш 10% гача, 15 совхозда 11—15% атрофида, 13 совхозда 16—20% ва 8 совхозда 20% дан зиёд бўлди. Қўйлар энг кўп кўпайган хўжаликлар «Гиждувон» (34,8%) ва «Пачкамар» (41,3%) совхозлари эканлиги аниқланди.

Мазкур илгор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, ем-хашак етарли жамғарилса, табиий яйловлардан оқилона фойдаланиб, қўйлар яхши парвариш қилинса, ҳамма хўжаликларда ҳам қўйчиликни жадал ривожлантириш, қишида нобуд бўлишини кескин камайтириш мумкин.

Тажрибадан маълумки, қоракўл қўй ёз ва куз давомида ўз танасида 10—12 кг, айрим ҳолларда эса 15 кг. гача ёф тўплаб, қишида, айниқса, иқлим шароити ноқулай келганда уни аста-секин сарфлаш хусусиятига эга. Масалан, академик В. М. Юдин маълумотига кўра, «Қоракўм» совхозида озиқ танқислиги сезилган йилларда совлиқлар вазнн октябрдан марта гача 12,1 кг. ёки 25,3%, озиқ мўл бўлган йилларда эса 6 кг. ёки 13,3% камайди. Демак, қўйларни муваффақиятли қишлини учун яйловда ўтлатишдан ташқари 2—3 ой қўшимча ем-хашак бериш зарур. Бу иш ўз вақтида амалга оширилиши керак. Башарти қўшимча озиқ бериш қўйлар ориқлаб кетгандан кейингина бошланса, бу қўйлар барibir ўзини ўнглаб ололмайди, бинобарин, улар қишидагина эмас, кўкламда, ҳатто ёзда ҳам нобуд бўлаверади.

КУЗ ВА ҚИШДА ҚУИ БОҚИШ

Маълумки, қўйлар сурувлари асосан совлиқлардан иборат бўлади. Бинобарин сурувдаги қўйлар бир текис семиз, тетик бўлса, улар нобуд бўлмаса, қўзи-қўйлар кўпаяверади. Совлиқ йил давомида юқори семизликда боқилса серпушт бўлади, бинобарин, ҳар 100 совлиқдан олинадиган қўзиларнинг миқдори ортади. Бу ўз навбатида қўйлар подасини тўлдириш ва мўл-кўл маҳсулот

етиширишни таъминлайди. Буни ҳисобга олган илфор чўпонлар сурувларни ёз-куз мавсумида серўт яйловларда боқиб, семиртирадилар, қочиришга пухта тайёргарлик кўрадилар. Тўғри, ҳамма сурувлардаги қўйларни қочиришга тайёрлаш учун серўт яйловлар бўлмаслиги мумкин. Бундай шароитда қўйларни маҳаллий дагал хашак ва өмдан тайёрланган қўшимча аралаш озиқ билан боқиш зарур. Бундай аралаш озиқдан қўйнинг бир кечакуандуз 150—200 гр. семиришини таъминлайдиган миқдорда бериш зарур. Қўлдан озиқлантириш яйловда ўтлатиш ва суфориш билан тўғри қўшиб уюштирилса янада яхши натижалар беради.

Шуни унутмаслик керакки, қўй қанча тез семирса, шунча тез озиш, эт ташлаш хусусиятига эга. Шунинг учун совлиқларни қочириш олдидан қуюкканларини ташлаш ишлари 1,5—2 соатдан кўпга чўзилмаслиги лозим. Қочириш даврида қўйларнинг семизлигини сақлаб қолиш учун ҳар бир сунъий қочириш пунктига иккитадан ортиқ отар биркитилмагани маъқул. Агар қоракўл қўйлар қочириш даврида қўнғирбош, арпагон, сета, чогоп ва донашур аралаш ўтлар ўсадиган яйловларда ўтлатилса қўшимча ем-хашак бермаса ҳам яхшигина семиради ҳамда серпуштлиги ортади.

Умуман қочириш учун яхши тайёрланган совлиқлар тез ва бир текис куюкади. Бу сунъий қочириш ва бинобарин, қўзилатиш муддатини қисқартириш имконини беради.

Қочирилган қўйлар парваришига алоҳида эътибор бериш зарур. Қорнидаги боласи ўсгани сари совлиқнинг оқсилга ва умуман ем-хашакка эҳтиёжи орта боради. Шу юзадан илмий кузатишлар ўтказган С. И. Кедрованинг тавсиясига кўра вазни 50 кг. келадиган совлиқларга бўғозликнинг иккинчи даврида ҳар суткада 1,2 озиқ бирлиги, 104 гр. протеин, 7,5—10 гр. кальций, 3,5—5,5 гр. фосфор, 20—25 мг. каротин бериб туриш лозим. Бу даврда совлиқларни озу-соз тўйимли озиқ моддалари ҳамда яйлов ўтлари билан боқиш яхши натижалар беради. Йложи бўлса, беда (суткада 1 кг.), юқори сифатли силос (0,5 кг.) билан боқиш совлиқнинг ҳам, қорнидаги боласининг ҳам ўсиши учун катта фойда беради.

СЖК билан эмланган серпушт совлиқлар январь ойининг бошидан бошлаб алоҳида группага ажратилиб, яйлов ўтидан ташқари суткада 400—500 гр. ем еб тури-

ши керак. Яйловга чиқарилмаган совуқ кунларда 2 кг. га қадар сифатли пичан, агар иложи бўлса 1 кг. га қадар маккажӯхори силоси ҳам қўшиб бёриш зарур. Шунинг учун СЖК билан эмланган совлиқлар ем-хашагини оддий усулда қочирилган қўйларникоига нисбатан икки баравар кўпроқ тайёрлаш зарур.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, серпушт совлиқларни асраш, озиқлантиришни ташкил этишда оширилган озиқ нормаларидан фойдаланишга тўғри келади. Лекин бу қўшимча харажат олинган мўл маҳсулот ҳисобига ўзини ортиғи билан қоплади (24-жадвал).

24-жадвал

Совлиқнинг семизлиги ва қўзисининг ўсиши

(В. И. Стаяновская маълумоти, 1962 й.)

Совлиқнинг вазни, кг.		Қўзи вазни, кг.		Шу қўзидан қирқилган жун, кг
Қочиришдан олдин	қўзилаш олдиндан	туғилганида	онасидан ажратилгандан	
54	48	4,9	30,2	1,26
44	38	4,5	22,0	0,84

Урғочи қўзилар парваришига алоҳида эътибор бериш керак. Агар тўқлилар яхши парвариш қилинса, уларнинг маълум қисми 7—8 ойлигига жинсий етилади. Қоракўлчилик тажрибасида шу ёшда тўқлиларни қочириш ва улардан соғлом қўзи олиш учраб туради. Бироқ бундан, уларнинг ҳаммасини бемалол қочираверса бўлади, деган хулоса қилиш ярамайди. Қўшимча тери олиш нуқтаи назаридан эрта туғилгани қўзиларни шу йилнинг ўзида қочириш мумкин. Лекин бу ем-хашак базасига, об-ҳаво қулай-ноқулай келишига боғлиқ. Шароит ноқулай бўлса, туғилган йили қочирилган тўқлилар кўплаб нобуд бўлади.

Урғочи қўзиларни қишида атрофи баландликдан иборат пастқамликларда шувоқ, шўра, саксовул каби ўсимликлар мўл бўлган жойларда боқкан маъқул. Маълумки, Ўрта Осиёнинг қиши қаттиқ совуқ бўлмасада кўпинча сернам бўлади. Биринчи марта қишлиётган қўзилар совуқча ва намгарчиликка жуда таъсирчан, тез шамоллайдиган бўлади.

Қишлоғ жойида ем-хашак етарли миқдорда ва кашарлар яқинида жамғарылыш зарур. Чунки далани яхмалак босгандың күчли бўрон кўтарилигандың қўзилар фақат қўлдан озиқлантирилади. Кўклигича ҳозирланган майин пояли эфемер пичан қўзилар учун энг яхши қишки озиқ ҳисобланади. Янтоқ ва каррак пичанини қирқиб, ем билан қўшиб берган маъқул.

Об-ҳаво яхши кунлари қўзилар яйловда ўтлатилади. Эҳтиёжга қараб кунда ёки кунорга эндиғина қудуқдан чиқарилган сув билан сугорилади.

Урғочи қўзилар парваришига, айниқса, қиши охирида катта эътибор бериш зарур. Чунки кўк ўт майсаларини татиган қўзилар ўтган йилги ўтларни емай қўяди, кўк ўтлар эса тўйиб ейиши учун ҳали камлик қиласиди. Шудаврда сурувларни тўлдириш учун сақланган қўзиларни ётдан туширмаслик учун ҳали қуруқ хашаги кўп бўлган яйловларда тунда боқиши мақсадда мувофиқидир.

Урғочи қўзилар парвариши шу тартибда ташкил этилса, қишлоғ яхши ўтади, қўзилар нобуд бўлиши кескин камаяди.

Кузги жун қирқимигача ва қочириш олдидан ўтган йил туғилган урғочи тўқлилар терисининг хили ва гавда тузилиши жиҳатидан сараланиб, алоҳида отарларга бўлинади. Тўқлилар бир ярим ёшга етганда катта қўйлар группасига ўтказилади ва қочирилади.

ҚУКЛАМ ВА ЕЗДА ҚУИ БОҚИШ

Қўклам ва ёзда қўй боқишини уюштириш совлиқларни қўзилатиш, қўзиларни сақлаб қолиб, тегишли даражада парваришилашни ўз ичига олади. Қўзилатиш энг масъулиятли иш ҳисобланади. Қўйлар одатда март охирин — апрель бошида қўзилай бошлайди. Эрта туғилган қўзи кўк ўтлардан яхши фойдаланади, тез етилади, келажакда вазни ва маҳсулдорлиги юқори бўлади.

Тўғри, барвақт туғилган қўзиларни парваришилаш, сақлаб қолиш осон иш эмас. Совлиқ қўйлар ем-хашак ва иссиқ бинолар билан тўла таъминланиши шарт. Аксинича, қор ва ёмғирли кунларда совлиқ ҳам, қўзи ҳам қийналиши, қўзилар ўпка касалига йўлиқиши, ҳатто, нобуд бўлиши мумкин.

Тажрибадан маълумки, қўйлар кўпроқ тунда болалайди. Шунинг учун қўзилаш даврида қўйхона ёруғ бўй-

лиши, қўзилаш арафасида турган совлиқлар доим кузатиб турилиши керак. Қамдан-кам бўлсада, нотўғри туғилишлар, туғилиш пайтида бўғилиб қолиш, ўлик туғилиш учраб туради. Бу ҳол кўпинча чўпоннинг эътибор-сизлиги оқибатида рўй беради.

Янги туғилган қўзи бир-икки соатдаёқ оёққа туриб, онасини эмишга ҳаракат қиласди. Қўзини вақтида оғизлантириш, онасининг елинини топишига ёрдамлашиш керак. Қўзилар оғиз сутини тўйиб эмса, яхши ривожланади, юқумли касалликларга кам учрайди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, янги туғилган қўзи онасида сут бўлмаслиги ёки онасидан ажраб қолиши оқибатида нобуд бўлади. Шу сабабли совлиқнинг сутлигини текшириб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Янги туғилган қўзилар 1—3 кун ичида бонитировкадан ўтказилади. Бунда қўзи терисининг сифатига алоҳида эътибор берилади. Териси сифатли бўлган эркак қўзилар 1—3 кунлигига шу териси учун сўйилади. Терисининг сифати жиҳатидан брак қилинган эркак қўзилар гўшт учун боқишига қолдирилади. Бонитировкадан ўтказилиб, асраш учун қолдирилган урғочи қўзилардан туғилган даври, катта-кичиклиги, ривожланишига қараб сакмонлар-қўзили совлиқлардан иборат майдадарлар ташкил этилади.

Сакмонларни шароитга қараб тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Сакмонлар катта бўлмагани маъқул, чунки онасини йўқотган қўзи уни кичкина сакмонда тез топади. С. И. Қедрованинг (1967 й.) фикрича, 3 кунликкача қўзиси бўлган совлиқларнинг 10—30 тасидан, 3—10 кунликкача —30—50 тадан, 10 кунлик ва ундан катта қўзиси бўлган совлиқларнинг 50—200 тасидан бир сакмон ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, сакмонлар жуда майдалашириб юборилса ва бақувват бўйлиб қолган қўзилар уларда узоқ вақт сақланса, ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланади. Бинобарин, буни ҳар бир ферманинг конкрет шароитига мослаб оқилона ҳал этиш лозим.

Қўзиларни кичик ёшли сакмонлардан катта ёшлисига кўчиришда ҳам уларнинг ривожланиш даражаси эътиборга олиниши зарур. Бирор сакмонда заиф, оч қолган қўзи бўлмаслиги керак. Бундай қўзилар бўлса, уларни алоҳида сакмонга тўплаб, совлиқларга яйлов ўтидан

ташқари, қўлдан озиқ берилади ва сутлилиги оширилади. Лозим топилса қўзиларга ҳам кунига 200 гр ем берниш тавсия этилади. Тузалиб, яхши ўсиб кетгандан кейин нимжон қўзилар соғлом сакмонларга тарқатиб юборилиади.

Қўзилатиш даврида майда отар-сакмонлар ташкил этилиши муносабати билан ҳар бир сакмонга қўшимча куч жалб этилади. Аксари ҳолларда бу иш ўспириналарга топширилади. Шунинг учун тажрибали чўпонлар уларга қўзи ва совлиқларни боқишининг «нозик» томонларини ўргатишлари керак.

Маълумки, қўзи туғилгандан кейин 45—55 кун фақат она сути ҳисобига ривожланади. Демак, шу даврда совлиқларни тўйдириб боқиши қўзиларининг яхши ўсишини таъминлайди.

Хозирги вақтда ҳамма хўжаликларда СЖК препарати кенг қўлланилади. Шунинг учун эгиз қўзилар кўп олинади. Эгизак туғилганида noctor қўзини ўз онаси билан қолдириб, тетикроғини боласи териси учун сўйилиб кетган бошқа совлиқни эмизиб, уларни она-боладай бир-бирига ўргатишга эришилади. Шунда уларнинг иккаласи ҳам яхши ўсади. Одатда қоракўлчилик фермаларида сўйишга мўлжалланган эркак қўзиларни онасида билдирмай олиб кетиб, унинг ўрнига урғочи қўзи қўйилади.

Баъзан ориқ она қўйлар туққан қўзисини ташлаб, ўтлаб кетаверади. Бундай ташлаб кетилган қўзилар ҳам боласи терига сўйилган совлиқларга жуфтлаб қўйилади. Ўз қўзисини ташлаб кетган ориқ қўйлар эса маҳсус группага тўплаб боқилади.

Қўзилар нам жойда узоқ ётиб қолишига сира йўл қўймаслик керак. Тажрибали чўпонлар ҳар 2 соатда қўзиларни қўзнатиб, оналарини топиб олишларига ёрдам берадилар. Қўзилаган совлиқларни уч кунгача қўзиларсиз, алоҳида сугориш зарур. Суғориб бўлингандан кейин қўзилар ўз оналарига жуфтлашиши назорат этилади.

Қўзилар тоза ҳавода, яйловда кўпроқ бўлгани маъқул. Лекин 20 кунликкача улар кошар ёнида тунashi керак. Чунки ҳаво бирдан совуса, уларни маҳсус зопага ёки бостиurmaga киритиш осонлашади. Одатда қўзи 20 кунлик бўлганда ўтлашга ўргана бошлайди. Бу даврда жуда эҳтиёткор бўлиш, уларни дам бериб ҳоритмай ўт-

латиш зарур. Қўзилар ўтлай бошлагандан кейин сув ичишга ўргатилади. Улар кичик группаларга бўлиб, қудук ёнидаги паст новлардан сугорилади.

Қўзи эмиш даврида яхши парваришланса, 50—55 кундан сўнг, бошланғич вазни уч баравар ошади.

Қўзи асосан икки ойлигига ўтлай бошлайди ва эмишни тўхтатади. Бу даврда уларни серўт, текис эфемер ўсимликларга бой, айниқса, илак, қорабош, қўнғир бош, арпағонга бой участкаларда боқиш лозим. Бу ўтлар қуврагандан кейин эса қашқа йўнгичка, қорамошоқ ва шу каби ҳали кўк бўлган ва кўп уруғлайдиган ўтли участкаларда ўтлатиш тавсия этилади. Умуман қўзили совлиқлар қўзилари билан янги-янги яйловларга тез-тез силжитиб ёйилиши қерак.

Қўзининг соғломлик ҳолидан қатъи назар суюги яхши ўсиб, ривожланиши учун кунига 20 гр бўр ва 5 гр суяк уни бериб бориш жуда фойдалидир. Фақат ош тузи бериб борилиши шарт.

Кун қаттиқ исигандан қўзилар кўпроқ тунда ўтлатилиди. Қўзилар қуйидаги тартибда ўтлатилиши яхши натижалар беради:

- ўтлатиш — соат 5 дан 9 гача;
- қудуққа ҳайдаш — соат 9 дан 10 гача;
- сугориш — соат 10 дан 11 гача;
- қудуқ яқинида дам бериш — соат 11 дан 17 гача;
- сугориш — соат 17 дан 18 гача;
- ўтлоққа ҳайдаш — соат 18 дан 19 гача;
- ўтлатиш — соат 19 дан 24 гача;
- дам бериш — соат 24 дан 5 гача.

Маълумки июнь охирида кун жуда исийди, ҳарорат сояда 45—46 даражага кўтарилади. Шундай жазирاما кунлари эрталабки сувдан кейин қўйларга кечгача дам бериш зарур. Уларни иложи борича ҳозиргина қудуқдан чиқарилган тоза сув билан сугориш керак, чунки иссиқда илиб қолган сувни ичган қўй-қўзилар кечқурун яхши ўтламайди.

ҚЎЗИЛАРДАН ОТАРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ

Қўзилар онасидан бир йўла эмас, аста-секин ажратилади. Тажрибали чўпонлар бу ишга олдиндан ҳозирлик кўришади. Улар ажратишдан 10—15 кун илгари

құзиларни совлиқлардан ажратиб алоҳида ўтлатишиади, тунда эса құзиларни оналари ёнига қўйиб юборишиади. Қўзиларни ажратиш муддати уларнинг туғилган вақтига болглиқ. Одатда мартда туғилган қўзи августда — 4—5 ойлик бўлганда онасидан ажратилади. Қўзиларни икки даврда онасидан ажратган маъқул. Биринчи галда яхши ва нормал ўсган қўзилар, кейинроқ эса, кечроқ туғилган ва суст ўсган қўзиларни ажратиш керак. Жуда заиф қўзиларни онасидан ажратмай яна 10—15 кун парвариш қилиш керак.

Қўзилар ёши, тана тузилиши ва тери типига қараб алоҳида отарларга ажратилади. Бунда улардан ҳар бирининг вазни алоҳида тарозида тортилиши керак. Қўпчилик хўжаликларда қўзилар вазни бошқача усул билан аниқланади. Бунда энг кам, ўртacha ва энг юқори вазндан қўзилардан 10 тадан яъни 30 та қўзи ажратилиб, тарозила тортиб кўрилади. Уларнинг умумий вазни 30 га бўлиниб, ўртacha бир қўзи вазни аниқланади. Шу вазн отардаги ҳар бир қўзининг ўртacha вазни ҳисобланади. Сўнг бу кўрсаткич отардаги қўзилар сонига кўпайтирилиб, жами қўзиларнинг онасидан ажратиш олдидаги ялпи тирик вазни аниқланади. Бу усул реал ҳақиқатни акс эттиrolмайди.

Қўзиларнинг вазнини тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич йил давомида тирик вазнда етиштирилган қўй гўшти ялпи миқдорини ифодалайди. Бинобарин, қўзиларни ажратишда вазни нотўғри аниқланса, бир бош қўйининг баланс қиймати, бир центнер гўштнинг таннархи, ялпи маҳсулотни етиштиришга сарфланган меҳнат унумдорлиги каби иқтисодий кўрсаткичлар нотўғри аниқланади. Масалан, «ҚҚАССР 40 йиллиги», «Қаттақўргон», «Деҳқонобод» ва «Шоффрикон» қоракўлчилик совхозларининг 1970 йил ҳисоботидаги қўзилар вазнига оид маълумотлар билан танишиб чиқайлик (25-жадвал).

«ҚҚАССР 40 йиллиги» ва «Қаттақўргон» совхозларида онасидан ажратилган вақтда ҳар бош қўзи вазни 3—3,1 кг бўлиши ҳақиқатга сира тўғри келадими? Яхшилаб боқилса, битта хўroz шу вазни беради-ку! Балқи бу тасодифий, беихтиёр йўл қўйилган хатодир. Лекин йиллик ҳисоботда қоракўлчилик фермаларининг ишлаб чиқариш чиқимлари «ҚҚАССР 40 йиллиги» совхозида 266 ц. ва «Қаттақўргон» да 530 ц. тирик вазнга тақсим-

Құзиларнинг онасидан ажратилган вақтдаги тирик вазни

Күрсаткичлар	Совхозлар номлари			
	«ККАССР 40 йилгигі»	«Картакху- ғон»	«Декон- фобор»	«Шифри- кон»
Ажратиш даврида құзилар сони . Уларнинг тахминан аниқланган ял- пі тирик вазни, ц.	8 532 266	17 686 530	21 354 1 708	39 476 6 782
Бир бosh құзининг ўртача тирик вазни, кг	3,1	3,0	7,0	17,2
Ҳамма құзилар тирик вазнининг таннахы, сүм	26 536	29 786	93 342	423 420
Бир центнер тирик вазнининг тан- нахы, сүм — тийин	99—76	56—20	54—65	62—43

ланган ва шу йўсинда бир центнер туғилган құзининг тирик вазни мувофиқ равишда 99,7 ва 56,2 сўм атрофиди аниқланган. Демак, бу тасодифий хато эмас, балки ҳисоб-китоб нотўғрилигининг оқибатидир.

Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, яхши ривожланган қўзи онасидан ажратилган пайтда 30—36 кг, ўртача қўзи 22—29 кг ва паст ривожланганлари 16—21 кг вазнга эга бўлади. Бухоро областининг жуда кўп колхоз ва совхозларида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, қорақўл құзиларининг ажратиш вақтидағи вазни 25—30 кг дан кам бўлмайди. Шундай экан, ҳамма хўжаликларда құзилар вазнини аниқлашни маъулиятли ходимларга топшириш ва бу ишни талаблар асосида ўтказишни таъминлаш зарур.

Құзилар вазнини тўғри аниқлаш ҳар бир чўпон ишини баҳолаш учун ҳам зарурдир. Яхши кўрсаткичларга эришган чўпонлар, албатта, моддий рафбатлантирилиши керак. Аксинча, чўпонларда құзиларни яхшироқ боқиш ва вазнини оширишга қизиқиш пасаяди.

Құзиларни совлиқлардан ажратиб, отарлар ташкил этиш ишлари олдиндан тузилган планга мувофиқ бажарилиши керак.

Урғочи құзилар ажратилганда ривожланиши ва сифатига қараб З та — яхши, ўрта ва паст группаларга бўлинади ва 600—800 қўзидан бир отар ташкил этилади. Шундай бир отарга 3—4 киши қарайди.

Яйловда семиртирилиб, гўштга топшириладиган совликлардан иборат отарлар ҳам августда ташкил этилади ва қочиришга тайёрланади. Гўштга топшириладиган отарлардаги бу совлиқлар ихтиёрий тартибда қочирилади ва улардан туғилгэн ҳамма қўзилар тери учун сўйилади.

Шунингдек, бичилган эркак қўзилардан алоҳида отарлар тузилади. Уларни январгача яхши боқиб семиртириш ва шу йилнинг ўзида гўштга топшириб юбориш маъқул.

Оналаридан ажратиб, алоҳида боқиш қўзи 7 ойга тўлгунча давом этади.

Шуни таъкидлаш зарурки, мустақил ўтлаш даврида қўзиларнинг ривожланиши анча сусаяди (26-жадвал). Бу даврда қўзилар яхши парваришланмаса, заиф қўйга айланади ва қишида кўплаб нобуд бўлади.

Айниқса наслчилик учун сақланган қўчқорларни боқишга алоҳида эътибор бериш зарур. Қўчқорларга турли ўсимликлар қалин ўсган энг яхши яйловлар ажратилиши лозим. Онасидан ажратилиб боқилаётган қўчқорларга яйлов ўтидан ташқари 200—250 гр. тўйимли озиқ бериб турилади. Ривожланишнинг ана шу даврида қўчқорларга сарфланган ем-хашак зое кетмайди, улардан яхши наслдор қўчқорлар етишади ва ўз сурувини кўпайтириш ва бошқа хўжаликларга сотиш учун фойдаланилади.

26-жадвал

Қоракўл қўйларининг ривожланиш динамикаси (В.И. Стояновская маълумоти, 1962 йил)

Қўзиларнинг ривожланиши даври ва унинг давом этиши	Тирик вазни		
	кг	вазнининг ортиши абсолют, кг	%
Туғилганида	4,6	—	—
Сут эмиш даври:			
7 кунгача	5,9	1,3	28,2
2 ойликкача	23,1	17,2	291,5
Аralash озиқ ея бошлагач 4 ойликкача	30,0	6,9	29,9
Мустақил озиқланишга ўтиш, 5 ойликдан бошлаб	29,0	1,0	3,3
Жинсий вояга етиш — 12 ойликдан ёки	36,0	3,0	10,3
18 ойликдан	39,0	13,0	50,0

Заиф ривожланган қўзиларни озиқлантириш ва парвариш қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бундай қўзиларга бир суткада 0,5 кг маккажӯхори силоси ва ёрма арпа, кунжара ва кепаклар аралашмасидан 600 гр берилиши керак. Бунга туз, бўр, суяк уни қўшилса яна-да яхши натижалар беради.

Умуман, совлиқлардан ажратилган қўзиларни қаерда, қандай қилиб яхшилаб ўстириш масаласи, ҳар бир жойнинг конкрет шароитига қараб ҳал этилади.

Қўзиларни ажратишдан олдин синчиклаб профилактик кўрикдан ўтказилади, касал қўзилар ажратиб олиниб, алоҳида даволанади. Кузги жун қирқимигача қўзиларни тез-тез чўмилтириб турса, жуни яхши ўсади.

ҚЎЙЧИЛИК БИНОЛАРИ

Қўйларни қўтон ва қўралар, бостирмалар, ем сақла-пайдиган омбор, ветеринария-даволаш хоналари ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари билан таъминланаш қўйчиликни интенсив ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ кўпчилик хўжаликларда қўйхоналар ва ишлаб чиқариш бинолари ҳануз етишмайди.

1970 йилда республика колхозларида 2639,6 минг бош қўй бўлиб, шундан 957 мингтаси ёки 36,2% и типовой қўйхона ва бостирмалар билан таъминланган, 1364,1 мингта қўй 3769 та муваққат ва мослаштирилган (типовой лойиҳасиз қурилган) маҳаллий типдаги биноларда асралди. Булардан ташқари 29,2 минг бош қўй фойдаланишга яроқсиз ҳар хил биноларда сақланди, 289,3 минг бош қўй (11%) умуман бирор турдаги бино билан таъминланмаган.

Республика совхозларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Чунончи, совхозларда 1970 йили 2901,5 минг бош қўйдан фақат 1867,5 мингтаси ёки яъни 64,4% и типовой қўйхона ва бостирмаларда, 891,7 мингтаси ёки 30,7% муваққат ва мослаштирилган биноларда, 1251 минг боши (4,3%) фойдаланишга яроқсиз биноларда асралди. Колган 17,5 минг қўй умуман ҳеч қандай бино билан таъминланмаган. Айниқса Бухоро, Қашқадарё, Хоразм областлари, Қорақалпогистон АССР колхоз ва совхозларида қўйхоналар етишмайди. Бу областларда қўйларнинг ярмидан кўпи вақтипча мослаштирилган бинолар-

да қишилтилади. 12—18% қўй эса ҳеч қандай бино йўқлигидан қишин-ёзин очиқ жойда бўлади.

Республикадаги қўйчилик хўжаликларида етарли миқдорда иссиқ қўйхоналар қуришга жиддий эътибор бериш нақадар зарурлигини шундан ҳам билса бўладики, қўйчилик бинолари, айниқса қишлов биноларининг ҳозирги аҳволи қўйлар кўплаб нобуд бўлишига сабабчи бўлмоқда.

Тўғри, қишки ва кўклиамги яйловларда қурилган қўйхоналардан кам фойдаланилади. Шунинг учун арzon, талабларга жавоб берадиган, қиш ва баҳорнинг об-ҳавоси нобоп кунларда қўйларни омон сақлаш имкониятини берадиган бинолар қуриш мақсадга мувофиқдир. Кейинги йилларда марказий қисми очиқ қолдирилиб, атрофи айланга айвон қилинган халқасимон қўтонлар кўпроқ қуриладиган бўлди. Бундай қўтонлар қўйларни жазира-ма ёз кунлари соялатиш учун қулайдир. Бироқ куз ва қишида бундай қўтонларнинг марказий қисмига ёмғир, қор суви тўпланиб, майдонни лой-ботқоққа айлантиради. Шунинг учун қўйхоналар, намунали лойиҳалар асосида қурилиши зарур.

1970 йилнинг иккинчи ярмида СССР қишлоқ хўжалик министрлиги энг қулай йиғма (кўчма) қўйхона лойиҳасини ишлаб чиқиш учун очиқ конкурс эълон қилди. Лойиҳа мол ҳайдаладиган яйловлар учун мўлжалланади. Конкурс натижаларига кўра биринчи соврун Л. П. Чекалев ва А. А. Гочешвили томонидан тузилган ва «Қленавий листъ» деган шартли ном билан аталган лойиҳага берилди. Бу 200 қўйни узоқ яйловда вақтингча асраш учун мўлжалланган бўлиб, тез йиғилиб-тахланадиган, юқ машиналарида кўчириладиган, устунлари енгил трубалардан, деворлари резиналашган қопламадан иборат типовой қўйхона лойиҳасидир. Қўйхонанинг умумий оғирлиги 3 тонна бўлиб, 5—6 кишидан иборат бригада 2,5 кунда қура олади. Смета қиймати 3,6 минг сўмни ташкил этган ҳолда 6 йил мобайнида фойдаланилади.

Сўнгги йилларда Жанубий Қозоғистон қоракўлчилик совхозларида қўйхоналар йиғма темир-бетондан қурил япти. Чунончи «Задарё» давлат наслчилик заводида 3 мингта қўй учун бир нечта темир-бетон қўйхона қурилди. Бир қўйхонанинг лойиҳа қиймати 30 минг сўм бўлиб, хизмат муддати 70—80 йилни ташкил этади. Қўйхона

таксиминан 3 мингта қўйга мўлжалланади, бинобарин битта қўй ҳисобига капитал маблағ сарфи 10 сўмга тўғри келади. Бинони қуриш чиқимлари 6—7 йилда ўз-ўзини қоплади.

Кўрииб турибдики, бу қўйхона йирик — камида 3 мингта қўйи бўлган фермага мўлжаллангандир. Сурувлар доимий қишилайдиган яйловларда темир-бетон йифма қўйхоналар қуриш қўйлар нобуд бўлишини кескин камайтиради, қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш, қўзиларни омон сақлашни таъминлайди.

СОВЛИҚЛАР СЕРПУШТЛИГИНИ ОШИРИШ

Маълумки, қўйчиликда асосий ютуқлар ҳар 100 совлиқдан нечта қўзи олинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Афсуски, кўпгина хўжаликларда совлиқлардан иложи борича кўпроқ қўзи олишга етарли эътибор берилмаяти.

Хўжаликда қанча кўп совлиқ урчитилса ва уларнинг серпуштлиги таъминланса, олинадиган қўзи миқдори ҳам тобора ўсиши чорвадорларга аён. Қўйчилик фермаларида совлиқлар сони ва серпуштлиги йил сайин ўзгариб, яъни гоҳ ошиб, гоҳ камайиб туради.

Масалан, 1960 йил бошида республика колхоз ва совхозларида 3230,2 минг бош қоракўл совлиқ бор эди. Кейинги 10 йил мобайнида бу сон йилдан-йил ўзгариб келди ва 1970 йил бошида қоракўл совлиқлар сони 1960 йилга нисбатан 618 минг бошга ёки 19,2% камайди. Лекин шунга қарамай 1970 йили 1960 йилга нисбатан 171,6 минг бош кўп қўзи олинди. Агар совлиқлар серпуштлиги оширилмаганда, ҳар 100 бош совлиқдан қўзи олиш 94 тадан 123 тага кўпаймаганида, аксинча, 584 минг бош кам қўзи олинган бўларди.

Маълумки, 1964 йили қоракўл қўйларни қочиришда биринчи марта совлиқлар серпуштлигини оширадиган СЖК гармонал препарати деярли ҳамма хўжаликларда кенг миқёсда қўлланилди. Натижада ҳар 100 совлиқ ҳисобига қўзи олиш кескин кўпайди. 1961—1965 йилларда ҳар 100 бош қоракўл совлиқдан 95 та қўзи олинган бўлса, 1966—1970 йиллари ўрта ҳисобда 110 тадан олинди. Натижада саккизинчи беш йилликда шундан олдинги беш йилдагига қараганда совлиқлар сони 679,5 мингтага қисқарган бўлса ҳам, 1475 мингта кўп қўзи олинди.

Агар қоракўл совлиқларининг боши саккизинчи беш йилликда 679,5 мингтага қисқармаганда эди, республика колхоз ва совхозларида қўшимча равишда 747,4 мингта қўзи олинган бўлар эди. Бинобарин, қоракўл қўйлар суруви 1970 йили 4282,7 минг бош ўрнига 5030,1 мингтани ташкил этарди.

Қўзи олишни кўпайтириш резервлари думбали қўй урчитадиган хўжаликларда ҳам кўп. Республикадаги жайдари ва ҳисор қўйларини урчитадиган хўжаликларда совлиқларнинг серпуштлиги сунъий йўл билан оширилмайди, бу қўйларнинг табиий серпуштлиги эса жуда паст бўлиб, ҳар 100 та она қўй ҳисобига 80—90 тадан ошмайди. Баъзи (1964, 1969) йиллари бу кўрсаткич 64—71 тадан иборат бўлади.

Шунинг учун бу зотли қўйларни урчитадиган фермаларда совлиқлар сонининг камайиши бевосита қўзилар сонининг камайишига олиб келади. Масалан, республика колхоз ва совхозларида думбали она қўйларнинг сони 1966—1970 йиллари 1961—1965 йилларга нисбатан 510 мингтага қисқарди. Натижада саккизинчи беш йилликда шундан олдинги ўтган беш йилга нисбатан ҳар 100 совлиқдан 4 тадан кўп қўзи олинганига қарамай, жами 234 мингта қўзи кам олинди. Совлиқлар туёғи кўпайтирилганида бундай аҳвол юз бермасди. Шундай экан, совлиқлар нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ҳамма ички имкониятларни ишга солиш, сурувларни қайта тиклашни таъминлаш зарур. Буниш учун совлиқлардан йилдан-йилга тобора кўпроқ қўзи олишга эришмоқ лозим. Афсуски кўпчилик қўйчилик хўжаликларида ҳар 100 совлиқдан иложи борича кўпроқ қўзи олишдек муҳим ишга етарли эътибор берилмаётир (26-жадвал).

Хоразм область колхозларида ҳар 100 бош қоракўл совлиқдан атиги 100 тадан қўзи олиняпти. Ваҳоланки, республика колхозлари миқёсида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 108—115 тани ташкил этади. Шунингдек, Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё облостлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР нинг жайдари ва ҳисор қўйлари урчитадиган колхоз ва совхозларида олинган қўзилар ақалли ҳар совлиқга биттадан ҳам тўғри келмади. Агар 1970 йилда ҳар бош совлиқдан ўрта ҳисобда битта қўзи олингандан ҳам республика бўйича ҳақиқатда олинганидан 76 мингта кўп қўзига эга бўлинарди.

Республика областларида ҳар 100 бош совлиқдан олинган қўзи

Областлар	Қўйлар зоти	Йиллар						1970 йил	
		1965	1966	1967	1968	1969	1970	кол- хоз	сов- хоз
Тошкент	қоракўл	79	78	71	93	51	—	—	—
	думбали	89	90	89	88	50	90	89	90
Сирдарё	қоракўл	132	122	134	123	110	130	81	131
	думбали	80	82	78	72	48	74	71	74
Фарғона	думбали	90	90	93	88	76	90	90	86
	думбали	90	91	96	85	80	97	97	96
Наманган	думбали	91	92	97	93	86	94	94	95
	думбали	121	114	112	110	111	122	110	124
Андижон	думбали	78	83	81	79	49	82	78	87
	думбали	124	96	121	121	85	126	112	135
Қашқадарё	қоракўл	103	106	94	93	111	118	118	118
	думбали	65	79	80	77	51	81	84	80
Сурхондарё	қоракўл	96	99	101	105	103	125	114	132
	думбали	80	84	81	82	57	92	92	92
Хораэм	қоракўл	95	100	100	100	100	103	103	—
	думбали	99	96	101	104	95	119	102	128
Қорақалпоғистон АССР	қоракўл	81	64	80	71	73	74	73	74
	думбали	117	105	113	111	100	123	115	127
Республика бўйича:	қоракўл	86	87	88	85	64	90	91	87
	думбали								

Дагал жунли думбали қўй урчитишга ихтисослаштирилган йирик совхозларда ҳам совлиқлар серпуштлиги қониқарли эмас. Масалан, Тошкент обlastидаги Охунбобоев номли совхозда 1970 йил бошига мавжуд бўлган 19,2 минг бош совлиқнинг ҳар 100 боши ҳисобига 88 тадан, Жамбул номли совхозда 35,3 мингта совлиқнинг ҳар 100 тасидан 90 тадан, Қашқадарё обlastидаги «Шаҳрисабз» совхозида 9,5 минг совлиқнинг ҳар 100 тасидан 81 тадан, Сурхондарё обlastидаги «Бойсун» совхозида 25 минг бош ҳисор совлиқнинг ҳар 100 таси ҳисобига 94 тадан қўзи олини. Ваҳоланки, жайдари ва ҳисор совлиқларнинг табиий серпуштлиги 100—105 та қўзини ташкил этади. Бу зотлардаги қўйларнинг табиий серпуштлигидан тўлиқ фойдаланиб, ҳар 100 совлиқдан 105 та ва бундан ҳам кўпроқ қўзи олишга эришаётган илғор чўпонлар бригадалари жуда кўп. Масалан, Тошкент обlastидаги Жамбул номли совхознинг илғор чўпонлари Теша Маликов, Истай Маликов, Шерали Мусиров ва бошқалар 1970 йили ҳар 100 бош жайдари сов-

лиқдан 105—112 тадан қўзи олдилар. Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг бош чўпони С. Алтаев ўз қарамогидаги 620 бош ҳисор совлиқнинг ҳар 100 таси ҳисобига 1970 йил 118 тадан, 1971 йили эса 131 тадан қўзи олишга муваффақ бўлди.

Илгор чўпонлар ҳисори қўйлар серпуштлигини оширибина қолмай, қўзиларнинг тез ривожланиб яхши семиришига ҳам эришмоқдалар.

Областнинг ҳисор қўйлари урчитадиган колхозлари кўрсаткичларининг анализи шуни кўрсатдики, бу хўжаликлерда қўйлар серпуштлигини ошириш имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаяпти. Чунончи, областнинг Юқори Сурхон зонасида жойлашган ҳисор қўйи урчитадиган 41 колхознинг иккитасида 1970 йили ҳар 100 совлиқдан 65 тадан, 5 тасида 75 тадан, 15 тасида 86 тадан, 17 тасида 94 тадан ва иккитасида 100 тадан зиёд қўзи олинди.

Келтирилган фактлар думбали қўй урчитадиган хўжаликларда ҳам совлиқларнинг табиий серпуштлигини ошириш, ҳар 100 она қўйдан 120—130 тадан қўзи олиш мумкин.

Ички имкониятлар қоракўлчилик колхоз ва совхозларида ҳам лозим даражада ишга солинмаган. Тўғри, қоракўлчилик совхозларида қўзи олиш иши колхозларга нисбатан бирмунча яхши йўлга қўйилган. Масалан, 1958 йилда республика совхозларида ҳар 100 бош қоракўл совлиқ ҳисобига колхозларга нисбатан 11 та, 1965 йилда 13 та ва 1970 йилда 12 та кўп қўзи олинди. Агар 1970 йилда республика колхозларида ҳам ҳар 100 бош қоракўл совлиқдан 115 та ўрнига совхозлар даражасида, яъни 127 тадан қўзи олинганда, қўшимча равишда жами 110 минг бош қўзига эга бўлинарди. Қоракўлчилик колхозларида ҳам ҳар 100 совлиқдан 120 тадан ошириб қўзи олиш мумкинлиги, илгор хўжаликлар тажрибасида исботланган. Масалан Бухоро областининг қоракўлчиликка ихтисослашган Қалинин номли, Ленин номли колхозларида 1970 йили ҳар 100 совлиқдан 128—130 қўзи олинди. Шу колхозларнинг илгор отарларида бу кўрсаткич 160—180 тани ташкил этади.

Шунингдек, қоракўлчилик совхозларида ҳам бу соҳадаги имкониятлар чегараланмаган. Бухоро областининг қоракўлчилик совхозлари 1970 йилда ҳар 100 сов-

лиқдан 135 тадан құзи олишга мұваффақ бўлиб, республикада энг юқори күрсаткичга эришдилар.

Кўйларнинг серпуштлиги кўп жиҳатдан яйловнинг серўтлиги, озиқнинг, тўйимлилигига боғлиқ. Шунинг учун республиканинг турли яйлов зоналарида жойлашган қоракўлчилик совхозларида ҳар 100 та совлиқдан олинган құзи миқдорига табиий ўтлоқларнинг таъсирини ўргандик. Масалан, 16 та қоракўлчилик совхози жойлашган чўл зonasida 1970 йили ҳар 100 совлиқ ҳисобига 135,3 дан, 17 та совхоз жойлашган ярим чўл зonasida ҳар 100 совлиқдан 131,1 тадан, 22 та совхоз жойлашган тоғ олди яйлов зonasida ҳар 100 совлиқдан 124,2 тадан құзи олинган. Кўриниб турибдик, тоғ олди яйлов зonasida ҳар 100 совлиқдан чўл зonasидагига қараганда 11 тадан, жами 57 мингта құзи кам олинган. Чўл зonasидаги совхозларда қўйлар серпуштлигини ошириш мақсадида ярим чўл совхозлари ва айниқса, тоғ олди яйлов зonasida жойлашган совхозларга нисбатан СЖК препаратидан кенг ва мунтазам фойдаланилмоқда. Албатта құзи олишда юқори кўрсаткичга эришиш фақат СЖК препаратидан фойдаланишга боғлиқ эмас. Бунинг учун совлиқларни яхши парваришилаш, қисир қолдирмаслик, нобуд бўлишига йўл қўймаслик, қўзилатиш кампаниясини мұваффақиятли ўтказиш каби ташкилий тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, қўйчилик ишларини илғор тажриба ва фан ютуқлари асосида ташкил этган Бухоро обlastидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Конимех» қоракўлчилик совхозлари 1970 йили ҳар 100 совлиқдан 152 тадан құзи олиб, республикада энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Қашқадарё обlastидаги «Авангард» ва «Восход» совхозларида шу йили ҳар 100 она қўйдан 82—95 та атрофида құзи олинди. Кўриниб турибдик, құзи олиш жиҳатидан мазкур совхозлар ўртасида тафовут анча сезиларлидир.

«Конимех» совхозида жами 84 та қўйчилик бригадаси бўлиб, шундэн 7 тасида ҳар 100 совлиқдан 130 тагача, 26 тасида 131—140, 27 тасида 141—150, 22 тасида 150 тадан зиёд құзи олинди. Совхознинг С. Абдураҳмонов бошлиқ бригадаси ҳар 100 совлиқдан 246 та, А. Бақеев бошлиқ бригадаси эса 244 тадан құзи олишга мұваффақ бўлдилар.

«Конимех» наслчиллик заводи республикада эмас, иттифоқда машҳур хўжаликдир. Совхоз қоракўлчиликни

ривожлантиришдаги ютуқлари учун 1967 йили «Мәхнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотланди. Бу ерда 4 та Социалистик Мәхнат Қаҳрамони ишлайди. 14 та чўпон намунали кўрсаткичлари учун Ленин ордени билан тақдирланган.

Бу хўжалик ташкил этилганига 1970 йили 40 йил тўлди. Шу давр мобайнида совхоз давлатга 577 мині дона қоракўл тери, 4 минг тоннага яқин жун, 7 минг тоннадан зиёд гўшт, бошқа хўжаликларга 276 минг бош наслдор қўй етказиб берди.

Шароити бир хил бўлган ягона хўжаликнинг ўзида ҳатто бир ферма доирасида нима учун натижалар турлича бўлади, деган савол туғилиши табиийдир. Буни чўпонларнинг ишбилармонлик даражасидаги тафовут билан изоҳлаш мумкин. Агар қўйчилик бригадасини тажрибали чўпон бошқарса, ҳар қандай шароитда ҳам совлиқлар маҳсулдорлиги ортиши таъминланади, қисир қолиши ёки нобуд бўлишига мутлақо йўл қўйилмайди. Аксари совлиқлар семиз, бинобарин сермаҳсул бўлади, эгиз қўзилайди.

Илгор чўпонлар қўйлар бутун йил давомида юқори семизликда бўлишига катта эътибор берадилар. Чунки юқори семизликдаги совлиқлар тез куюгади, қочиришда қисир қолмайди. Илгор чўпонлар совлиқларни кузги ўтлоқларда яхши семиртириб, қочиришга тайёрлайдилар. Қоракўлчилик колхоз ва совхозларида қўзилар терига сўйилгандан кейиноқ бу ишга киришилади. Шу мақсадда қочириладиган совлиқлар саралаб ажратилади, қарилари, касалга кўпроқ чалинадиганлари сурувдан чиқарилади.

Сурувлар кўздан кечирилиб қайта тиклангандан кейин янги яйловга ҳайдалади. Масалан, «Конимех» давлат наслчилик заводида кўкламги қўзилатиш кампанияси тугагандан кейин, қўзиси терига сўйилган совлиқлар алоҳида отарларга ажратилади ва жуни қирқилиб, тахминан 1 майдан бошлаб узоқ яйловларга ҳайдалади. Бу ерда улар қочириш мавсуми бошлангунча — октябрнинг биринчи ўн кунлигигача боқилиб семиртирилади.

Илгор чўпонлар совлиқларни қочиришга тайёрлаётганда куну тун шўра ва изен ўсадиган яйловларда қўтонга қайтармай, ўтлатадилар. Чунки кузда ҳам изеннинг 1 кг. и да 8 мл каротин бўлади. «Конимех» совхозида бундан ташқари ориқ совлиқларга кунига 0,4—0,5 кг.

ем бериб семиртирилди ва шунинг учун улар қочириш вақтида қисир қолмайди.

Совлиқларни сунъий қочириш мұғым тадбирдир. Сунъий қочириш қүйлар зотини яхшилашда, соглом, етук қўзи олишда бебаҳо усуздир. Республикадаги ихтинослаштирилган қоракўлчилик колхоз ва совхозларида совлиқларнинг 90% и, наслчилик заводларида эса юз фоиз сунъий усулда қочирилаётir.

Совлиқлар сунъий усулда икки марта, куюккан куни ва эртасига такрор қочирилгани маъқул. Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти маълумотига кўра, совлиқларни такрор қочириш ҳисобига 5% кўп қўзи олинади.

Сунъий қочириш кампаниясини муваффақиятли якунлаш учун қўчқорларни яхшилаб парваришлаш талаб қилинади. Илфор хўжаликларда қўчқорлар энг тажрибали чўпонларга биркитиб қўйилади. Совлиқларни қочириш учун ажратилган наслдор қўчқорлар алоҳида яйловда боқилиб, уларнинг ҳар қайсисига 0,4 кг ем берилади. Қочириш даврига тахминан 1—1,5 кун қолганда ем миқдори 1—1,2 кг га етказилади. Қочириш даври бошланиши билан қўчқорларга кунига 1,5—2 кг бедаичани, 1—1,2 кг ем аралаштириб берилади. Наслчилик хўжаликларида бундан ташқари сут ва товуқ тухуми ҳам бериб турилади.

Қоракўл қўйларининг серпуштлигини оширишда академик М. М. Заводский ишлаб чиқсан гармонал усулнинг аҳамияти катта. Бу усулнинг моҳияти шундаки, совлиқ қочирилиши олдидан териси орасига 5—15 миллиграмм СЖК препарати — бия қонидан олинган зардоб юборилади. Бу препарат совлиқларнинг жинсий безлари фаолиятини активлаштиради, натижада совлиқларда бир йўла иккита, ҳатто уч-тўртта тухум етилади. Ана шунда улар қочирилганда иккита, учта айрим ҳолларда эса бундан ҳам кўпроқ қўзи туғади.

Ўзбекистонда совлиқлар СЖК препарати билан дастлаб 1940 йилда «Нишон» совхозида эмланди. Шу йили совхоз чўпонлари териси орасига СЖК препарати юборилган совлиқларнинг ҳар 100 тасидан ўрта ҳисобда 157, препарат қўлланилмаганларидан эса 108 та қўзи олдилар. Бироқ бу усул нақадар самарадор бўлишига қарамай, республика хўжаликларида 1958 йилга қадар кенг қўлланилмади. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳ-

лаш мумкин. СЖК препарати республикага Орский биофабрикасидан келтирилар эди. Масалан, 1955 йили мазкур фабрикадан атиги 16 мингта, 1956 йилда 35 мингта ва 1957 йили 32 мингта совлиққа етадиган миқдорда препарат олинди. 1958 йили Ўзбекистонда қон зардоби тайёрлайдиган махсус биопункт ташкил қилинди. Кейинчалик бу препарат область ветеринария лабораторияларида ҳам тайёрланадиган бўлди. Масалан, 1958—1959 йиллар мобайнида республика бўйича 200 мингта совлиққа етадиган СЖК препарати ҳозирланган бўлса, шундан 124 мингта қўйни эмлашга етадигани Бухоро обlastida тайёрланди.

Шундай қилиб совлиқларни СЖК препарати билан эмлаш оммавий тус ола бошлади.

1965 йили республика Қишлоқ хўжалик министрлиги айrim совхозлар лабораториясида СЖК тайёрлашини тақиқлади ва уни фақат махсус биопунктларда ишлаб чиқаришга қарор қилди. Шу сабабли 1965—1966 йиллардан кейин СЖК препаратини етишириш ва у билан совлиқларни эмлаш бирмунча озайди.

СЖК қўлланиш нақадар фойдали эканлигини «Конимех» давлат наслчиллик заводи мисолида яққол кўриш мумкин. Бу хўжаликда 1962 йилда 9,5 минг, 1963 йили 25 минг, 1964 йилда 12,8 минг, 1965 ва 1970 йилларда 20 мингтадан совлиқ СЖК препарати билан эмланди. Натижада 1963 йилда ҳар 100 совлиқдан ўрта ҳисобда 126, 1965 йили 145 та ва 1970 йили 152 та қўзи олинди.

Бухоро обlastining «Коммунизм» совхозида олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, совхоз 1966 йили СЖК тайёрлаш, эмлаш ҳамда қўзилатиш учун 24,8 минг сўм сарфлагани ҳолда СЖК билан эмлаш натижасида 6 мингта қўшимча қўзи олди. Бу миқдордаги қўзининг қиймати 79,5 минг сўмни ташкил этди. Совхоз фақат СЖК қўллашдан 54,6 минг сўм соф даромад олди. 1970 йили совхоз СЖК ишлаб чиқариш, эмлаш, қўйларни қўзилатишга 21 минг сўм сарфлади. СЖК эмлашдан 4,7 мингта қўшимча қўзи олишга ёки 69 минг сўм қўшимча, 48 минг сўм соф даромад олишга муваффақ бўлди.

Булар СЖК препаратини қўлланиш самараларини ёрқин кўрсатиб турипти. Лекин шуни унутмаслик керакки, СЖК ни ем-хашак базаси мустаҳкам бўлган-дагина ёппасига қўлланиш мумкин.

1964 йилда об-ҳаво яхши келиб, яйловларда ўт сероб бўлди. Шу йили Бухоро областидаги «Томди» совхозида қочириш учун ажратилган совлиқларнинг 93% и СЖК препарати билан эмланди. Натижа ёмон бўлмади — ҳар 100 совлиқдан 141 қўзи олинди. 1965 йили кўкламида эса ёмғир кам ёғди. Яйловда ўтнинг мазаси бўлмади. Шунинг учун совхозда фақат 29% совлиқ СЖК билан эмланди, натижа барибир яхши бўлмади. Ҳар 100 совлиқдан атиги 85 қўзи олинди. Демак, шу йили яйловда ўт кам бўлгани учун СЖК қўлланиш совхоз учун фойда бермади. Бундай ҳоллар кўп учрайди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, чўпонлар ҳар 100 совлиқдан кўпроқ қўзи олиш мақсадида ҳар бир совлиқга нормадан ортиқ препарат юборадилар ва уларни ёппасига эмлайдилар. Натижада ҳар совлиқдан иккитадан, ҳатто учтадан қўзи олишга эришилади. Бу қўзиларнинг 60—70% и тери учун сўйилади. Бунда қоракўл тери етиштириш кўпаяди-ю, бироқ нимжон туғилган урфочи қўзилар ҳисобига сурув структураси бузилиб, у сифат жиҳатидан қайта тикланмайди.

Кохоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари буни ҳисобга олиб, СЖК препаратини қўлланишда конкрет шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда маълум тартиб ўрнатишлари керак. Товар маҳсулот берадиган хўжаликларда ем-хашак мўл бўлганда қочирилгунча яхши семиртирилган совлиқлар, шунингдек 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган бақувват ва соғлом қўйлар мазкур препарат билан эмлангани маъқул.

Қўйчиликда қўзин олишни қўпайтиришда қўйлар суруви состави тўғри танланганлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Қўйлар сурувиде совлиқларнинг салмоғи тегишли даражада бўлиши қўйчиликнинг интенсив ривожланиш даражасини ифодалайди.

Афсуски, республика колхоз ва совхозларининг қўй сурувларида совлиқлар салмоғи ҳамон қониқарли миқдорда эмас. 1970 йили совлиқлар салмоғи 1958 йилга нисбатан қоракўл қўй сурувларида колхозлар бўйича 8,8%, совхозлар бўйича эса 6,3% камайди ва шунга мувофиқ 1970 йили 56,4 ва 60,3% ни ташкил этди. Думбали қўй урчитадиган колхоз ва совхозларда совлиқлар салмоғи яна ҳам паст бўлиб, 52—54% дан ошмайди. Айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Сурхондарё областларидаги колхозлар сурувлари структурасидаги

совлиқлар салмоғи талабға мұтлақо жавоб бермайды. Бу жойларда ахта қўй ва қўзилар салмоғи нормадан ортиб кетган. Бу эркак қўзилар ўстиришга кўплаб қолдирилиши оқибатидир.

Ҳозирги даврда республикадаги деярли барча колхоз ва совхозларда сунъий қочириш кенг ёйилган. Шунинг учун ҳам ҳар 1000 совлиқ ҳисобига 2—3 қўчқор ва 10—12 та синовчи қўчқор қолдириш кифоя қиласди. Умумий сурувда уларнинг салмоғи 1—1,5% дан ошмаслиги керак. Бунга амал қилингандан 1970 йили республика колхозларида 48,1 мингта ўрнига 14 мингта қўчқор, совхозларда эса 79,1 мингта ўрнига 25 мингта қўчқор қолдирилган бўлур эди.

Илгор қоракўлчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, совлиқлар сурувдаги жами қўйларнинг камида 75% ини ташкил этиши керак. Қўйлар структураси мустаҳкам хўжаликларда бу кўрсаткични шароитга қараб 80% га етказса бўлади. Шунда сурувни тўлдириш учун қолдирилган эркак қўзилар 1,6 процентни ташкил этади.

Ҳисор ва жайдари қўй урчитадиган хўжаликларда ҳам умумий сурувда совлиқлар салмоғи кам деганда 70—75% ни ташкил этиши керак. Бунда наслдор қўчқорларнинг 20—25% ини, она қўйларнинг 15—20% ини гўштга топшириш мўлжалланади. Қўзи олиш 100% ни ташкил этади. Бинобарин, 75 қўзи олинади. Шундан 35—40 таси сурувни тиклабгина қолмай, ҳар йили унинг 10% ўсишини ҳам таъминлайди. Шу йилнинг ўзида туғилган эркак қўзилар 6—8 ойлигига 45—50 кг. вазнга эга бўлади, бинобарин, шу йилнинг ўзида гўштга топширилади.

Маълумки, ҳисор қўйларини ҳам сунъий қочириш мумкин. Бунда ҳар бир наслдор қўчқор 300—500 бош она қўйни таъминлайди. Шунинг учун сурувда улар сони 0,4—0,5% дан ошмаслиги керак. Бундан ташқари ҳидловчи қўчқорларнинг сурувдаги салмоги 1% дан зиёд бўлмаслиги керак.

Ҳисор қўйларидан иборат сурувда ҳам эркак қўзилар бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, 2—3 ёшдаги қўчқор 6—8 ойлик тўқлига қарзганда 10—15 кг юқори вазнга эга бўлади. Демак, қўчқор қўзиларни узоқ вақт боқиб ўстирган билан сарфланган харажатни унинг қўшган вазни қопламайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш зарурки, умумий сурув-

да совлиқ қўйлар салмоғини тобора ошириш қўйчилик-нинг интенсив ривожланишини ва ҳар қандай шароитда иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

ЖУН ЕТИШТИРИШНИ ҚЎПАЙТИРИШ

Дагал жун асосан қоракўл ва думбали қўйлардан олинади. Шунинг учун ҳам ана шу зотлардаги қўйлардан имкони борича кўп жун олиш чорвадорларнинг муҳим вазифасидир.

Жун етиштиришни қўпайтириш қўйлар сонигагина эмас, уларнинг ҳар биридан қирқиб олинган жун миқдорига ҳам боғлиқ. Республикада 1970 йилда ҳар бош қўйдан 1969 йилга нисбатан ўртacha 0,8 кг кўп жун қирқиб олинди. Лекин бу жун етиштиришни қўпайтиришнинг ички имкониятларидан тўла фойдаланиляпти, деган гап эмас. Масалан, 1970 йили республикадаги 55 совхоздан 5 тасида ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда 2,2 кг., 20 тасида 2,8 кг., 23 тасида 3,3 ва ниҳоят 7 тасида 3,8 кг. жун қирқиб олинди.

Думбали қўй урчитадиган хўжаликларда ҳам ўртacha жун қирқими кўнгилдагидек эмас. Масалан, 1970 йили Тошкент обlastидаги Охунбобоев номли ва Жамбул номли совхозларда 2,2 кг., Сурхондэрё обlastидаги «Бойсун» совхозида 0,9 кг, «Боботоғ» совхозида 1,2 кг, ва Қашқадарё обlastидаги «Шаҳрисабз» совхозида 1,8 кг дан ошмади.

Қўйчилик совхозлари тажрибаси шуни кўрсатдики, яхши семизликдаги қўй озғин қўйга қараганда 30—40%, ўртacha семиз қўйга нисбатан эса 15—20% ортиқ жуп беради. Бундан ташқари ориқ қўйлардан қирқиб олинган жуннинг толаси қисқа, ингичка бўлади. Шундай экан, қўйларни бир хил озиқлантириш керак. Йил оғир келганда ва қўйлар бўғоз бўлганда уларга яйловдан олган озиқдан ташқари қўшимча донти озиқлар ва ош тузи бериб туриш зарур.

Ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган ўртacha жун миқдори унинг зотига, жинсига, тана тузилишига ва ёшига ҳам боғлиқдир. П. В. Арапов маълумотига қараганда З ёшга тўлгунча қоракўл қўйларининг жуни анча ортиб бориб, шундан кейин 7 ёшга етгунча деярли турғун бўлади ва кейин камая бошлайди. Бинобарин, қоракўл қўйларни 7—8 ёшидан кейин хўжаликда сақлаш жун қирқими жиҳатидан ҳам ўзини оқламайди.

Кўплаб юқори сифатли жун етишириш учун қўйларнинг зотини яхшилаш керак. Масалан, жупи ўртacha жингалак I класс қўйдан шу классга мансуб жуни йирик жингалакли қўйга нисбатан 2,2%, жуни майда жингалакли қўйга қараганда эса 12,5% кўп жун қирқиб олинади. Элита қўйлардан қирқиб олинган жун ҳам салмоғи, ҳам сифати жиҳатидан анча юқори бўлади. Масалан, элита қўйлар жуни ўртacha жингалакли I класс қўйларга қараганда 6,5%, шунингдек, жуни йирик жингалакли қўйларга нисбатан 12%, жуни майда жингалакли қўйларга қараганда эса 13% ортиқ жун беради.

Бу рақамлар шуни кўрсатадики, қўйларнинг зоти, мунтазам равишда яхшилаб борилса, фақат тери сифати яхшиланнибгина қолмай, ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган жун миқдори ҳам анча кўпаяди.

Қўйлардан кўплаб жун қирқиб олишда жун қирқиши муддатини тўғри белгилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Майнин ва ярим майнин жунли қўйлар тулламайди, дагал жунли қўйлар, эса апрель охири ва май бошларида туллайди. Бинобарин, республика шароитида баҳорги жун қирқими 20—25 майгача кечиктириб юборилса, туллаш туфайли тахминан 10—15% энг қимматбаҳо тивит жун йўқолиши мумкин. Ўзбекистон шароитида дағал жунли думбали ва қоракўл қўйлар жунини қирқиб олишнинг энг қулагай вақти юқорида таъкидлаганимиздек, 25 апрелдан 10 майгачадир. Кузги қирқимни эса августнинг охирида бошлаб, сентябрнинг ярмиғача тугатган маъқул.

Қўйлар вақти-вақти билан чўмилтириб турйлса, жуни яхши ва сифатли бўлиб ўсади. «Қонимех» давлат паслчилик заводида қўйлар цемент ҳовузларда 2—3 марта чўмилтирилиши натижасида жун қоплами тифизлашиб, толаси тобора яхшилангани аниқланган.

Қўй жунини давлатга топширишда унинг нам-қуруқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, жун толаси бошқа хил толалар — зигирпоя, табиий ипак, пахта толаларига нисбатан намни яхши тортади ва ўзида узоқ вақт сақлаб қолади. Нам жун тез бузилади, чирийди, физик-техник хусусиятларини камайтиради. Шунинг учун давлат корхоналарида колхоз ва совхозлардан қабул қилинган ювилмаган ифлос жун ювилади ва 105—110 даражада иссиқда қуритилади. Лекин шунда ҳам, яъни қуритилган жун таркибида ҳам нам сақланиб қолиши эътиборга олиниб, кондицион намлик даражаси

майин жун учун 17%, дағал жун учун эса 15% белгиланган. Масаған, 100 кг дағал жун ювилиб қуритилғандан кейин намлиги нормал бўлса ҳам ундан фақат 85 кг тоза ва қуруқ жун чиқади.

Маълумки, баҳорги жун қўй устида 8 ой, кузги жун 5 ой, қўзи жуни 5—6 ой ўсади. Шу вақт мобайннида жун қум, чанг-тўзон ва бошқа нарсалардан кўп ифлосланади. Шунинг учун ҳам у қирқиб олинганидан кейин албатта ювил тозаланади. Республикаизда тайёрланадиган қоракўл қўй жунидаги тоза жуннинг асосий нормаси баҳоргиси учун 52%, кузгиси ва қўзи жуни учун 57% белгиланган; майин жунлар учун тоза жун чиқиш нормаси 36%, ярим майин жун учун ўрта ҳисобда 42,5%, ярим дағал жун учун — баҳоргисига 49,5%, кузгисига — 57% белгиланган. Қўйлардан жун қирқиб олиш плани ҳам мазкур нормага асосан қайта ҳисобланади. Йилда ўртacha 3 кг жун берган қоракўл қўйидан 1620 г тоза жун олинган ҳисобланади.

Жун сифатини қандай яхшилаш мумкин? Бунинг учун биринчи навбатда қўйларни бутун йил давомида юқори семизликда асраш зарур. Шунда жун бир текис яхши ўсади. Бундан ташқари жуннинг қум, ганч, қий, ёввойи ўтлар билан ифлосланишига, ҳар хил бўёқ билан белгилашга йўл қўймаслик керак.

ҚУИ ГЎШТИНИ ҚЎПАЙТИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ

Гўштга топшириладиган қўйлар юқори семизликда бўлишини таъминлаш қўйчиликни жадал ривожлантиришнинг, айниқса қўй гўштини қўпайтиришнинг муҳим резервидир. Қўйларнинг энг қимматбаҳо биологик хусусияти шундаки, улар дашт шароитида ҳам ўзини яхши ҳис этади. Агар қўй яхши боқилиб, ўз вақтида суғориб турилса, тез семиради. Қоракўлчиликда тез семириш жиҳатидан биринчи ўринда 28—30 ойлик ахта қўйлар, иккинчи ўринда 16—18 ойлик шишак қўйлар туради. Қари қўйларни семиртириш анча қийин. Шунинг учун уларга дашт яйловларида олган ўтлардан ташқари қўшимча ем берилади. Шундагина улардан 30—40% и ўртадан юқори семизликка етади, холос. Лекин қўпгина қоракўлчилик колхоз ва совхозларида «қариб, тиши ишдан чиқди», деган баҳона билан қўплаб совлиқлар гўштга топшириб юборилмоқда. Масалан, 1970 йилда Бухоро областининг қоракўлчиликка ихтисослаштирилган сов-

хозларида совлиқлар гүштга топширилган жами қўйларнинг қарийб 58% ини ташкил этди. Бу 1965 йилдагидан 6% кўпиди.

Айни вақтда сўнгги йилларда қўчкор ва бичилган қўйларни, бултур ва шу йил туғилган қўзиларни гүштга топшириш анча камайди.

Жайдари ва ҳисор қўйлари урчитадиган хўжаликларда гүштга асосан катта ёшдаги қўйлар ва ўтган йили тугилган қўзилар топширилган. Бу хўжаликларда ҳам шу йил туғилган қўзиларни семиртириб, гүштга топшириш яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, Сурхондарё областидаги ҳисор қўй урчитиладиган «Бойсун» совхози 1970 йилда туғилган қўзиларнинг 0,8% ини ўша йилда давлатга гүшт учун топширган, холос. 1220 та қўзи эса хўжаликнинг ўз ички эҳтиёжи учун сўйилган.

Катта ёшдаги қўйлар қатори ёш қўзиларни ҳам бўрдоқига боқиб, семиртириб, гүштга топшириш сифатли ва арzon гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим омиларидан эканини унумаслик керак.

Юқорида таъқидлаганимиздек, 7—8 ойлик ҳисор қўй қўзиларини семиртириб, гүштга сотиш иқтисодий жиҳатдан кўп самаралидир. Буни Сариосиё районидаги «Боботоғ» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Бу хўжалик 1970 йили давлатга 1335 қўзи (ҳар бирининг ўртача вазни 35 кг) сотди. Гўштга топширгунга қадар ҳар қўзи ҳисобига хўжалик 12 сўм 60 тийин сарфлади, уни гўштга сотишдан 29 сўм 66 тийин даромад кўрди. Демак, ҳар бир ёш қўзидан 17 сўм 36 тийин соф фойда олди.

Ёш қўзиларни бўрдоқига боқиш ҳам ниҳоятда фойдали. Масалан, 1970 йили Сариосиё районидаги совхозларро бўрдоқиҷлилк пункти I та ёш қўзини 2 ой мобайннида бўрдоқига боқиш учун 120 кг шулха (1 тоннаси 100 сўм) ёки бир бош қўзини бўрдоқига боқишга 3 сўм 48 тийинлик ем-хашак сарфлади... Бўрдоқига боқувчиларнинг меҳнат ҳақи ҳар қўзи ҳисобига 1,35 тийинни ташкил этди. Битта қўзига бир суткада 2 кг пахта шулхаси, 250 г ем, 250 г пахта шроти бериб турилди (жами харажат 4 сўм 83 тийиндан иборат бўлди). Икки ойда ҳар бир қўзининг тирик вазни ўртача 8,5 кг ошди (бир суткада 140 гр га тўғри келади). База ҳар қўзини гўштга сотишдан 2 сўм 40 тийин соф даромад олишга муваффақ бўлди. Ёш қўзиларни (6—8 ойлик) гўштга топши-

ришни рағбатлантириш мақсадида давлат жуда катта шароит яратиб қўйибди. Чунончи, 1970 йил 1 майдан жорий этилган янги прейскурантда Ўзбекистон хўжаликлаврига ёши бир йилгача бўлган қўйларнинг тирик вазнини 28—30 кг. га етказиб гўштга топширса, унинг ҳар тонна тирик вазни учун 850 сўм тўланиши ёзиб қўйилган.

Бундан гўштга катта ёшдаги қўйларни кам топшириш керак, деган маъно келиб чиқмайди. Катта ёшдаги қўйларни семиртириб, сўнг гўштга топшириш мақсадга мувофиқдир. Бу соҳада Бухоро обlastи хўжаликлари, айниқса совхозларининг эришган ютуқлари ибратлидир. Масаланинг мұҳим томони шундаки, Бухоро обlastининг табиий яйлов шароити Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё обlastларникига қараганда анча нокулай. Лекин шупга қарамай, Бухоро обlastининг хўжаликлари қўйларни бўрдоқига боқиб, семиртиришда юқоридаги область хўжаликларига нисбатан анча юқори кўрсаткичларга эришяпти. Чунончи, ҳар қўйнинг тирик вазни 40—42 килограммга етказиб гўштга топширилмоқда. Шунинг учун ҳам қўй гўшти етиштириш Бухоро обlastида катта фойда манбаига айланиб бормоқда. Масалан, 1970 йили республиканинг ҳамма совхозлари қўй гўшти сотишдан 6846 минг сўм фойда олган бўлса, шундан 1729 минг сўми, яъни 25,2% ини Бухоро обlastи совхозлари олдилар.

27-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Бухоро обlastи колхоз ва совхозлари қўйларни ўртacha тирик вазнини 41,5—42 кг. га етказиб гўштга топшираётган бир вақтда бу республика хўжаликлари бўйича 38—39 кг дан юқори эмас. Шунга қарамай Бухоро обlastнда ҳам қўйларни бўрдоқига боқиш кўнгилдагидек ташкил этилган, деб бўлмайди. Чунки юқори семизликда сотилган қўйлар салмоғи 1970 йилда 8—9% ни ташкил этди, холос. Ваҳоланки, 1958 йилда мазкур кўрсаткич совхозларда 28,3% ни, 1966 йилда 32,3% ни ташкил этганди.

1966—1970 йилларда республика бўйича гўштга топширилган ҳамма зотларга мансуб қўйларни қўшиб ҳисоблаганда юқори семизликдаги қўйлар салмоғи колхозларда 4—10%, совхозларда эса 16—24% дан юқори бўлмади. Гўштга топширилган қўйлардан колхозларда 58—70%, совхозларда 54—65% ини ўрта семизликдаги, шунга мувофиқ 20—35% ва 16—24% ини ориқ қўйлар ташкил этди. Шунинг учун гўштга топширилган қўйларнинг

Бухоро области ҳамда республика колхоз ва совхозларида гўштга топширилган қўйларнинг семизлиги

Йиллар	Хўжаликлар	Гўштга топширилган қўйлар		Шу жумладан % ҳисобида		Битта қўйча вазни.
		мингта	тирик вазни минг. ц.	уртадан юқори семизликда	уртача семизликда	
Бухоро обласи бўйича						
1958	колхозлар	128,7	48,4	13,1	55,5	31,4
	совхозлар	43,8	17,7	28,3	64,2	7,5
1960	колхозлар	228,8	83,7	6,3	50,8	42,9
	совхозлар	93,3	35,5	16,1	61,5	22,4
1963	колхозлар	189,1	36,9	—	33,9	66,1
	совхозлар	75,8	29,6	15,1	56,1	28,8
1966	колхозлар	131,3	49,6	0,4	67,3	32,3
	совхозлар	107,2	41,5	32,3	64,8	2,9
1970	колхозлар	130,9	54,8	7,6	83,6	8,8
	совхозлар	79,0	32,6	8,7	89,1	2,2
ЎзССР бўйича						
1966	колхозлар	332,8	126,4	4,0	61,0	35,0
	совхозлар	561,8	222,6	24,0	60,0	16,0
1967	колхозлар	329,3	123,4	6,8	57,6	25,6
	совхозлар	578,5	221,3	21,4	54,4	24,2
1968	колхозлар	300,8	115,3	5,2	64,8	30,0
	совхозлар	584,8	228,6	24,9	58,8	16,3
1969	колхозлар	174,6	67,7	4,5	67,5	28,0
	совхозлар	320,0	121,7	10,5	63,2	26,3
1970	колхозлар	260,9	103,6	10,0	70,6	19,4
	совхозлар	455,3	171,4	16,6	65,4	18,0

ўртача тирик вазни охирги беш йил давомида ўзгармади. Бу жиҳатдан совхозларда аҳвол нисбатан дуруст бўлсада, сўнгги йилларда гўшт топшириш сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар уларда ҳам анча пасайиб кетди. Чунончи, юқори семизликда топширилган қўйлар салмоғи 1170 йилда 1966 йилга нисбатан 7,4% пасайган ҳолда ўрта семизликдагилари 5,4% ва ориқ қўйлар 2% га ортди. Бу республика қўйчилик хўжаликларида гўштга топширилган қўйлар парваришига яхши эътибор берилмаётганлигини кўрсатади.

Ихтисосластирилган қоракўлчилик совхозларида қўйларни семиртириб гўштга топширишни яхшилаш соҳасида катта имкониятлар бор.

Қоракўлчилик совхозларини группаларга бўлиб, гўштга сотилган қўйлар вазни анализ қилинганда кўп

нарса кўзга ташланди; 14 та совхозда гўштга топширилган қўйларнинг ўртача тирик вазни 35 кг. га ҳам етмайди, 29 та совхозда бу кўрсаткич 39 кг. дан, 19 тасида 42 кг. дан ва атиги 2 хўжаликда 48 кг. дан ортиқ бўлган.

Айрим зоналар бўйича қўйларни гўштга топшириш анализи шуни кўрсатдики, чўл зонада жойлашган 16 совхоз 1970 йили 104,7 мингта қўйни гўштга топширган, улардан ҳар бирининг ўрта вазни 41,2 кг. ни ташкил этган. Бу кўрсаткич ярим чўл зона совхозлари бўйича 37,0 кг., тоғ олди зонасида жойлашган совхозларда 37,3 кг. дан иборат бўлди.

Чўл зонасида жойлашган «Конимех» совхозининг қўй гўшти етиштириш ва давлатга топшириш соҳасидаги ютуқлари ибратгидир. Бу совхоз қўйларни доим юқори семизликкача боқиб, сўнг гўштга топширади. Хўжалик 1966 йили гўштга ҳар бирининг вазни 44,6 кг дан 8,8 мингта қўй топширган бўлса, 1970 йили ҳар бирининг вазни 47,2 кг. дан салкам 3 мингта қўй топширди. Шунингдек, «Томди», «Мингбулоқ», «Оёққудуқ», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари гўштга топширган қўйлар вазни ўрта ҳисобда 43—45 кг дан кам бўлмади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, агар ҳамма хўжаликлар ҳар бир қўйнинг вазнини 45 кг га етказганда эди, шу ҳисобдан 60 мингта қўй тежаб қолинган ёки давлатга қўшимча равишда 23 минг центнер гўшт топширилган бўлур эди.

Ориқ қўйлар боқувга қўйилиб, вазни 39 кг дан 45 кг. га етказилса ёки 15% оширилса, сўйилган вазнда гўшт миқдори 35%, тўйимлилиги эса (ёғини ҳам қўшиб ҳисоблагандан) 100% қўпаяди. Бинобарин, республика колхоз ва совхозларида қўйлар ўртадан юқори ва жуда бўлмагандан ўртача семизлик даражасига етказилгандан кейингина гўштга топширилиши керак.

Юқорида таъкидланганидек, қоракўлчиликда гўштга топширилган қўйларнинг 50—60% ини тиши ишдан чиққанлиги учун брак қилинган совлиқлар ташкил этади. Қўйчилик хўжаликларида бу совлиқлар августда боласидан ажратилган замон брак қилиниб, 2—3 ойдан кеийиноқ гўштга топшириб юборилади. Ўз-ўзидан маълумки, баҳор ва ёзда боласини эмизган совлиқлар саралаш даври бошлангунча жуда ориклияди, шу боисдан бундай қўйларни 2—3 ой боқиб, обдон семиртириш имконияти бўлмайди. Айни вақтда бу ориқ қўйларни хўжаликда қишлиш учун қолдириш ҳам хавфли, уларнинг нобуд

бўлиши муқаррар. Шунинг учун колхоз ва совхозлар бу қўйларни ориқ ҳолатда гўштга топшириб юборишга мажбурдирлар.

Мана шундай ноқулай вазиятни ҳисобга олиб, «Конимех», «Коммунизм», «Қизилкүм», «Чимқўргон», «Нурота», «Нишон» совхозларида брак қилингандан қари совлиқларни гўштга топшириш бошқачароқ усулда самарали ташкил этилган. Масалан, ҳар йили кузда, яъни қўйларни қочириш кампанияси бошлангунча 6,5 ёшдаги совлиқлар ажратиб олиниб, улардан алоҳида отар тузилади, улар қўзи олиш мақсадида яхшилаб семиртирилгандан кейин барвақт қочирилади. Ана шунда бу совлиқлар эрта кўкламда қўзилайди, улар боласидан ажратилади — сифатли тери берадиган қўзилар сўйилади, қолганлари эса ўстириш учун қолдирилади. Боласидан ажратилган брак совлиқлар серўт яйловларда боқиб семиртирилгандан кейингина гўштга топширилади. Юқоридаги совхозларнинг тажрибасига қараганда бу қўйлар яхшилаб парваришланса, гўштга топширгунча ҳар қайсиси 6—8 кг семиради. Агар бирор сабабга кўра кузда совлиқлардан алоҳида отар тузилмаган бўлса, улар албатта қўзилаш кампаниясидан кейин тузилиши керак. Юқорида таъкидланганидек, брак совлиқлар боласидан ажратилади ва баҳорги серўт яйловларда боқиб семиртирилиб, майнинг охирида гўштга топширилади. Чунки қўйларни кузда ўтлатиб бўрдоқи қилиш ёздагига нисбатан яхшироқ, эрта кўкламдагига нисбатан ёмонроқ патижада беради.

Кексалиги сабабли яйловда ўтлатиб бўрдоқи қилинадиган совлиқларнинг 500—600 тасидан бир отар ташкил қилиб, бўрдоқига боқишни яхши қиласидиган тажрибакор чўпонларга биркитиб қўйиш ва бу сурувлар учун бўрдоқи қилиш даврипинг охиригача серўт ва қудуғи бор яйловлар ажратиш лозим.

Қўйларни яйловда боқиб семиртириш энг қулай усул ҳисобланади. Тажрибали чўпонлар яйловда қўй боқиш даврини асосан уч мавсумга бўладилар. Бунда биринчи — баҳорги мавсум апрелдан то 10—15 июлгача, иккинчи мавсум 5—10 сентябрдан то 15—20 октябргача тўғри келади. Бу вақтда яйловда шувоқ уруғи, шўрак за бошқа ўтлар кўп бўлади. Учнинчи мавсум 15 ноябрдан 15—20 декабргача давом этади. Бу пайтга келиб ўсишдан бутунлай тўхтаган ҳар хил шўрак ўт ва шувоқ ёмғир

таъсирида майинлашиб, қўйлар учун жуда ейимли бўлиб қолади.

Гўшт етиширишда шу мақсад учун боқилаётган қўйлар орасидан семирганларини вақт-вақти билан ажратиб олиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки отарлардаги қўйларнинг баъзилари хўра бўлиб, кўп ўтлаб жадал семирса, бошқалари аксинча кам ўтлаб, ҳадеганда вазнини оширмайди. Шунинг учун ҳам сурувдаги ҳамма қўйлар бир текис семиришини кутиб ўтирумасдан, семирганларини ажратиб олиб, гўштга топширавериш лозим. Бу давлат учун ҳам, хўжалик учун ҳам фойдалидир.

Қўйларни гўштга топшириш муддатини тўғри белгилаш, айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қўйлар икки муддатда — ёз ва кузда гўштга топширилади. Уз-ўзидан маълумки, қўйларни гўштга топшириш мўддати ҳар қайси хўжаликдаги мавжуд шарт-шароит ҳисобига олинган ҳолда белгиланади.

Бундан ташқари, қўйларни гўштга топшириш муддатини жун қирқими билан ҳам боғлаш зарур. Агар қўйлар жуни қирқимасдан гўштга топширилса, хўжаликда жун тайёрлаш плани бажарилмай қолиши мумкин. Кўпчилик хўжаликларда қўйлар июнь-июль ойларида гўштга топшириб юборилади. Бу эса кузги жун жуда камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Яйловда боқиб семиртирилган қўйларни гўшт тайёрлаш пунктигача ҳайдаб бориш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу иш яхши уюштирилмаса, ҳар бир қўй 6—8 кг гача вазини йўқотиши мумкин. Шу сабабли қўйлар ҳайдаб бориладиган йўллар ва яйловдаги қудуқлар олдиндан белгиланиб, бир қудуқдан иккинчи қудуққа томон қўйларни кечаси ёки эрта тонгда ҳайдаб кундузи дам берган маъқул. Бунда сурув ҳар суткада 12—15 км дан ортиқ масофа босмаслиги керак.

Ҳозир ҳамма йирик ихтисослаштирилган қўйчилик хўжаликларида ем-хашакни қайта ишлаш, чунончи, жойларда дағал пояли хашаклардан ва концентратлардан таркиб топган аралаш озиқ тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Бинобарин, гўшт учун боқилаётган қўйларни табиий яйловларда ўтлатиш билан бирга, қўшимча равишда қўлдан озиқлантириш ҳисобига тез семиришини таъминлаш мумкин.

Самарқанд областининг «Улус» совхозида 1956 йили 168 бош қоракўл қўйни бўрдоқи қилиш юзасидан таж-

риба ўтказилди (С. И. Кедрова, 1967). Бунда қўйларнинг озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжининг 51,4% яйлов ўсимликлари ва 48,6% қўлдан берилган қўшимча озиқ ҳисобига қондирилди. Бунда бир кунда ҳар бир қўйга 0,8 кг каррак талқони, 0,4 кг шрот бериб турилди. Брак қилинган ана шу совлиқларни бўрдоқига боқиши 84 кун давом эттирилди. Шу давр мобайнида улардан ҳар бирининг ўртача тирик вазни 39,6 кг дан 44,5 кг гача кўтарилиди. Ҳар қўй вазнини 1 кг ошириш учун 8,5 озиқ бирлиги сарфланди. 1 кг озиқ бирлигининг қиймати 2,8 сўмни, қўйлар вазнини 1 кг ошириш билан боғлиқ сарфлар қиймати 0,21 сўмни ташкил этди. Ўша йили совхоз гўшт учун топширган ҳар қўйдан ўрта ҳисобда 98 тийиндан фойда кўрди.

Брак қилинган совлиқларни бўрдоқига боқиши тажрибаси шуни кўрсатдики, бўрдоқи қилиш муддатини 60 кунда тугаллаш лозим. Бу ишни бундан узоққа чўзиш иқтисодий жиҳатдан мўлжалланган натижани бермайди.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришда тери сифати жиҳатидан брак қилинган қоракўл қўчқорларни яйловда ва қўлда боқиб семиртириш ҳам катта резервдир. Бичилган қўчкор гўшти сифатсиз терисига нисбатан анча кўп даромад келтиради. Тажриба шундан далолат берадики, тери сифати жиҳатидан брак қилиган эркак қўзиларни 7—8 ойлигига гўштга топширган маъқул. Агар улар яхши боқилса, шу ёшида ҳар бирининг ўртача вазни 40—45 кг га етади. Бунинг учун А. В. Малоновнинг (1959 йил) маълумотига қараганда, қўзилар жадал усуlda бўрдоқи қилиниши, яъни уч ойлигига (вазни 25 кг.) 750 озиқ бирлиги, 4 ойлигига (вазни 32 кг.) 1000 озиқ бирлиги, 5 ойлигига (вазни 39 кг.) 1200 озиқ бирлиги ва ниҳоят 6 ойлигига (вазни 46 кг.) 1400 озиқ бирлиги миқдорида ем-хашак билан боқилиши лозим.

Ахталанган қўзиларни 7—8 ойлигига гўштга топширишнинг афзалликларига қарамай, кўпгина колхоз ва совхозларда уларни 1,5 ёшга киргандан кейингина гўштга топширяптилар. Бунинг оқибатида ана шу қўзиларни боқишига сарфланган харажатлар кўпинча қопланмай қолаётир. Масалан, 1965 йили «Улус» совхозида 4803 та тўқли 1,5 йил боқилиб ҳар қайсисининг ўртача вазни 35,3 килограммга етганда гўштга топширилди. Бунда ҳар бир тўқли ҳисобига 5 сўм 94 тийин зарар кўрилди. Шу йили совхозда 2232 тўқли онасидан ажратилиши би-

ланоқ (үрта вазни 24,8 кг) гүштга топширилиши туфай-ли ҳар қайси түқли ҳисобига 11 сүм 20 тийин фойда олинди.

Яна бир мисол келтирамиз. 1965 йили «Каттақұрғон» совхози 4881 та 1,5 ёшли түқлини гүштга топширди, уларнинг ҳар бирини боқиб семиртириш учун пландаги 15 сүм 80 тийин үрнига 23 сүм 50 тийин, яъни 7 сүм 70 тийин ортиқ сарфланди. Шу йилнинг ўзида 3736 та түқли 4—5 ойлигіда гүштга топширилганда ҳар бири ҳисобига 13 сүм фойда олинди. Қўриниб турибдик, түқлиларни туғилган йили гүштга топшириш иқтисодий жиҳатдан беистисно фойдалидир.

Ёш түқлиларни шу йили гүштга топширишни икки муддатда ташкил этиш лозим. Биринчи группасини она-сидан ажратган вақтда (август) ойида топшириш керак. Бу группага ажратылган түқлиларнинг тирик вазни 30 кг дан кам бўлмаслиги керак. Қолган түқлилардан (вазни 25 кг атрофида) яна бир группа ташкил этиб, тахминан 60—70 кун давомида интенсив равишда бўрдоқига боқилади ва октябрь ойида вазни 30 килограммда ошгандага гүштга топширилади. Бу вақтга келиб, вазни 30 кг га етмаган түқлиларни бўрдоқига боқиш давом эттирилиши керак ва ноябрь-декабрь ойларида ҳаммасини қушхонага топшириб юбориш зарур.

Қоракўлчилик совхозларининг тажрибасидан маълумки, ёш түқлилар бўрдоқига боқилганда уларнинг тирик вазнига мувофиқ бир кунда 1 кг га қадар майдаланган янтоқ ва карракдан иборат дағал хашак, 0,4—0,5 кг омухта ем, арпа ёки кунжарадан иборат концентрат 0,4—0,5 кг пахта шулхаси сарфланиши яхши самаралар беради. Айниқса, рационга биомицин, терромицин препаратларидан аралаштириб едириш яхши натижалар беради. Бунда түқлининг 1 кг тирик вазни ҳисобига 0,5 гр антибиотик сарфланади. Совхозлар тажрибасидан маълумки, түқлиларни семиртиришда 1 ц терромицин сарфланса, қўшимча равишида 2,5 центнер тирик вазни етишириш мумкин. Шунингдек, кормогризин, карбомид препаратлари ҳам емга аралаштирилнб берилса, 10—12% қўшимча вазн беради.

Фақат ёш түқлиларнингина эмас, балки катта ёшдаги қўйларни ҳам қўлдан озиқлантириб, бўрдоқига боқиш ижобий натижалар беради. Масалан, А. А. Раҳимов (1967 йил) маълумотига қараганда Тошкент областини

нинг Янгийўл районидаги бўрдоқичилик пунктида қорақўл қўйларни бўрдоқига боқиш юзасидан тажриба ўтказилди. Бунда ҳар бир қўйга суткада 1—1,1 озиқ бирлиги миқдорида чигит шулхаси (1,7—1,9 кг), чигит кунжараси (0,3 кг), буғдой кепаги (0,1 кг) дан иборат ем 80 кун давомида бериб турилди. Натижада ҳар бир қўй ўрта ҳисобда 9,1 кг, шу жумладан совлиқлар 8,8 кг, қўчқорлар 9,8 кг ва ахта қўйлар 8,7 кг семирди. Ўртача кундалик семириш шунга мувофиқ 110, 123 ва 109 гр ни ташкил этди. Демак, қўйларни яйлов ўтидан фойдаланмасдан фақат қўлдан озиқлантириб бўрдоқи қилиб, сўнг гўштга топшириш ҳам давлат, ҳам хўжалик учун фойдалидир.

ҚУЙЧИЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИҮЛЛАРИ

Ишлаб чиқариш воситаларидан самараали фойдаланиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, фан-техника ютуқларидан, илфор агрономия ва зоотехника тажрибалиридан кенг фойдаланиш, моддий рафбатлантириш ва хўжалик ҳисобини яхши йўлга қўйиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва шулар заминида кўп ва арzon маҳсулот этиштириш қишлоқ хўжалик ходимларининг ҳозирги даврдаги асосий вазифасидир. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилсаю ишлаб чиқариш чиқимлари ҳам тобора ошиб кетса, хўжалик иқтисодий жиҳатдан заифлашади. Бинобарин, маҳсулот этиштиришни кўпайтириш билан баробар унинг маълум бирлигини этиштиришга сарфларни камайтириб, таннархини арzonлаштириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Меҳнат сарфларини камайтириб, унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самараадорлигини оширишнинг, айни вақтда меҳнаткашлар моддий фаровонлиги даражасини кўтаришнинг муҳим омилидир. Меҳнат унумдорлиги юқори суръатлар билан ўсар экан, ишлаб чиқариш шунчалик жадал ривожланади. Шунинг учун ҳам 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планда колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигини қарийб 40—45% юксалтириш кўзда тутилган.

Меҳнат бойликлар яратиш воситасидир. Лекин жамият тараққиётида ҳар қандай меҳнат эмас, балки унумдор, самарали меҳнат роль ўйнайди. Шунинг учун социалистик жамиятда юқори меҳнат унумдорлиги учун изчил равишда кураш олиб борилади. В. И. Ленин меҳнат унумдорлиги, бу оқибат натижада, янги ижтимоий тузум ғалабаси учун энг асосий ва жуда муҳимдир, деб уқдирган эди.

Республика қишлоқ хўжалигида, жумладан қўйчилигига меҳнат унумдорлигини оширишнинг битмас-туғанмас имкониятлари мавжуд. Қўйчиликда меҳнат унумдорлиги — чорвадорлар меҳнати иқтисодий самарасининг бевосита ифодасидир.

Республика қўйчилигига меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий самараси жуда катта. 1970 йил колхоз ва совхозлар қўйчилик фермаларида 11716 минг одам куни сарфланди. Буларнинг умумий қиймати 69.449 минг сўмни, ҳар бир одам куниники эса 5,9 сўмни ташкил этди. Фермаларда меҳнат сарфининг атиги 1 % қисқариши 117 минг одам куни ёки 690 минг сўмни тежаш демакдир.

Ағсуски, ўтган беш йилликда республика колхоз ва совхозларининг қўйчилик фермаларида меҳнат унумдорлигига сезиларли ўзгариш юз бермади. Масалан, колхозлар қўйчилик фермаларида сарфланган ҳар бир одам куни ҳисобига 1965 йилда 6,6 сўмлик ялпи маҳсулот етиширилган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда ҳам ўзгармади, совхозларда эса бу кўрсаткич 1965 йили 9,5 сўмни, 1970 йили 9,7 сўмни ташкил этди. Ҳар бир центнер қўйчилик маҳсулотини етишириш учун сарфланган меҳнат (одам куни ҳисобида) даражасида ҳам сезиларли ўзгариш рўй бермади.

Лекин шу нарсани таъкидлаш зарурки, меҳнат унумдорлиги совхозлар қўйчилик фермаларида колхозларнига қараганда анча юқори, бу нисбат 1965—70 йилларда 44—54% атрофида бўлди. Бинобарин, колхозларда қўйчилик фермалари ишини яхшилаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини анча ошириш мумкин. Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Сурхондарё областлари колхозларининг қўйчилик фермаларида меҳнат унумдорлиги ҳатто республиканинг ўртача кўрсаткичидан 12—32%, шу областлардаги совхозлар кўрсаткичидан эса 25—35% паст. Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан Бу-

хоро области колхоз ва совхозларининг кўрсаткичлари пібратлидир. Область қўйчилик фермаларида меҳнат унумдорлиги республиканинг ўртача даражасидан колхозларда 25%, совхозларда 12% юқоридир. Областнинг Томди райони колхозлари меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ихтисослаштирилган қўйчилик совхозларидан қолншмайди. 1970 йили район бўйича 1 бош қоракўл тери учун 1,4 одам куни, 1 ц қўшилган вазн учун 5,0 ва 1 ц жун учун 15 одам куни сарфлади. Сарфланган ҳар бир одам куни ҳисобига район колхозларida 10 сўмлик қорақўлчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу райондаги Ж. Балимонов номли ихтисослаштирилган колхозда меҳнат унумдорлиги республика миқёсидаги кўрсаткичларга нисбатан қарийб иккى баравар, Бухоро области колхозлари қўйчилик фермаларида эришилган даражага қараганда 20—40%, Томди райони кўрсаткичига нисбатан 10—18% юқоридир. Бу маълумотлар ҳам республика колхозлари қўйчилигида меҳнат сарфларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишда катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Лекин кўпчилик қўйчилик хўжаликларида бу соҳадаги имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Буни Бухоро области колхозларининг 1 бош қўйни асраш учун сарфланган меҳнат миқдори жиҳатидан айрим группаларга бўлиб таҳлил этганда яққол кўриш мумкин (28-жадвал).

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, агар Бухоро облатининг ҳамма колхозлари меҳнат сарфлари жиҳатидан 1 группа колхозлари даражасига tengлашса, тахминан 1286 минг киши куни ёки ҳаммаси бўлиб 3212,5 минг сўм тежаб қолинарди. Шунда область колхозларida бир дона қоракўл тери таннархи 11,7 сўм ўрнига 9 сўмга тушган бўлар эди. Шуни ҳам айтиш керакки, 1 группа даги колхозларда ҳам умуман олганда, маҳсулот бирлигига меҳнат, нисбатан кўп сарфланган. Масалан, шу группадаги Томди районидаги Ленин номли колхозда 1 дона қоракўл тери олиш учун 1,3 киши куни, яъни 1 группадаги колхозлардагига қараганда 24% кам меҳнат сарфланди.

Қўйчилик совхозлари ҳам маҳсулот бирлигига сарфланадиган меҳнатни камайтиришда катта ички имкониятларга эга.

Бухоро области колхозларида бевосита меҳнат сарфлари ва маҳсулот таннархи

Кўрсаткичлар	I бosh қўйни боқиши учун сарфланган киши куни миқдори бўйича колхозлар группаси			
	I	II	III	IV
	2,0 гача	2,1—3,0	3,1—4,0	4,0 дан юқори
Группадаги колхозлар сони	21	44	33	8
I бosh қўйни боқиши учун сарфланган меҳнат	1,6	2,7	3,3	4,5
Бевосита меҳнат сарфи:				
1 та терн олиш учун	1,7	2,8	3,5	5,0
1 ц жун етиширишга	17,2	28,5	35,0	49,9
1 ц гўшт етиширишга	5,6	9,5	11,6	25,5
1 киши куни ҳисобига етиширилган ялпи маҳсулот қиймати, сўм	10,1	5,8	4,6	3,3
Таннарх, сўм: I дона тери	4,0	12,6	15,9	18,9
1 ц жун	40,0	126,4	159,5	188,7
1 ц гўшт	13,4	42,1	53,0	96,4

28- жадвал маълумотларидан шу парса маълум бўлдики, III группани ташкил этган 12 совхозда ҳар бир киши куни ҳисобига 17,5 сўмдан ялпи маҳсулот етиширилган. Бу ўртача совхозлар бўйича ҳисобланган мазкур

Республика қоракўлчилик совхозларининг 1970 йили 1 киши куни ҳисобига етиширилган қўйчилик маҳсулоти миқдорига қараб группаларга бўлиниши

Группалар	1 киши куни ҳисобига етиширилган ялпи қўйчилик маҳсулоти киммалар групласи	Группада совхозлар сони	Группада етиширилган ялпи маҳсулот, минг сўм	Жамнiga инсбетан, %	Группада сарфланган киши куни, (мингта)	Жамнiga инсбетан %	Группада 1 киши кунига турғи келадиган ялпи маҳсулот, сўм
I	10 сўм гача	15	11429,3	19,2	1303,1	27,6	8,8
II	11—15 сўм	27	29561,5	49,7	2357,1	50,0	12,5
III	16 сўм ва ундан юқори	12	18462,3	31,1	1054,1	22,4	17,5
Жами:	совхозлар бўйича	54	59453,1	100	4714,3	100	12,6

кўрсаткичдан 38,9 % ва I группани ташкил этган 15 совхоз бўйича ҳисобланган ўртача кўрсаткичдан қарийб 2 баравар юқоридир. III группа совхозлари етиштирилгап жами маҳсулотнинг 31,1% қисмини берган ҳолда уларнинг жами меҳнат сарфидағи салмоғи 22,4% ни ташкил этди, холос. Аксинча, I группа совхозларининг меҳнат сарфидағи салмоғи 27,6% ни, ялпи маҳсулотдаги улуши эса 19,2% ни ташкил этди. Албатта III группа совхозлари меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳамма имкониятлардан тўла фойдаланди, деб бўлмайди. Мазкур группага киритилган «Конимех», «Нурота», «Коммунизм», «Кўкча», «Қизилқум» ва бошқа қоракўлчилик совхозлари 1970 йил ҳар бир киши куни ҳисобига 18—20 сўмлик ялпи маҳсулот етиштиришга муваффақ бўлдилар. Юқорида номлари аталган совхозларда 1 та қоракўл тери етиштиришга 0,8—1,0, 1 ц. гўшт учун 3—4 ва 1 ц. жун ишлаб чиқаришга 14—16 киши куни, яъни республика совхозларидагига нисбатан 50—70% кам меҳнат сарфланди. Шунинг учун ҳам илгор совхозларда қўйчиликдан олинадиган асосий маҳсулотларнинг таннархи қарийб 2 баравар арzonга тушаётнр.

Қўйчилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш резервларинн ишга солиш имкониятлари билан танишайлик.

МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арzonлаштириш учун меҳнатни тўғри ташкил этиш ва илфор технологияни дадил жорий этиш лозим. Ўзбекистон қўйчилигида, чўпонлар меҳнатини ташкил этишда ҳали анчагина камчиликлар мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёнлари тобора кенг механизациялаштирилмоқда. Бироқ, шунга қарамай чўпонлар меҳнати ҳамон эски тартибда уюстирилмоқда. Масалан, совлиқларнинг 600—800 тасидан, онасидан ажратилган қўзиларнинг 400—500 тасидан бир сурув ташкил этилиб, унга 3—4 чўпон биркитилади. Бунда ҳар бир чўпонга тўғри келадиган қўй миқдори 200—250 тадан ошмайди. 1970 йилда Бухоро обlastидаги «Мингбулоқ» совхозининг 39,5 мингта қўйи бўлиб, булар учта ферма ва 69 отарга бўлинганди. Ҳар бир фермада ўрта ҳисобда 13 мингта қўй бор эди. Бир отардаги қўйлар сони 572 тадан иборат

бўлди. Ҳар бир чўпонга ўрта ҳисобда 190 та қўй тўғри келди. Бинобарин ҳар уч чўпон бир отар қўй боқса, бу сурувдаги қўй сони 600 бошдан зиёд бўлмайди.

Қўйчилик хўжаликларида отарлар бир-бирлари билан маълум узоқликда жойлаширилган. Шунинг учун айрим ишларни бажаришда отарларнинг чўпонлари ўзаро ёрдамлашомайдилар. Қўйчиликда шундай мавсумий жараёнлар борки, уларни бригадаларнинг доимий аъзолари кучи билангина бажариб бўлмайди. Масалан, 400—600 бош қўйдан иборат отар йилнинг айрим даврларида бир неча группаларга бўлиниб кетади. Масалан, сунъий қочириш даврида: сунъий қочирилмаган қўйлар группаси; бир марта сунъий қочирилган қўйлар группаси (бу группадаги қўйлар икки марта сунъий қочирилади); ёзда отар икки груплага — қўзи эмизадиган ва қўзиши терига сўйилган совлиқлар группалари; қўзилаш даврида отар учта сакмонга — тул ва соғиладиган қўйлар группаларига бўлинади. Тажрибадан шу нарса маълумки, бригада аъзолари алоҳида группаларга бўлиниб кетиши натижасида совлиқларни сунъий қочириш ва қўзилатиш даврида чўпонларнинг ўзи барча ишларни бажаришга улгурмай қолади. Натижада четдан қўшимча ишчи кучи жалб этишга тўғри келади. Масалан, Бухоро обlastida ги «Коммунизм» совхозида 1970 йили ўрта йиллик доимий ишчилар сони 553, мавсумий ва мувакқат ишчилар 183 кишини ташкил этди. Бу эса меҳнат унумдорлиги пасайишига, ортиқча сарфларга сабаб бўлмоқда. Совлиқларни сунъий қочириш ва қўзилатиш даврида отарларни ана шундай майда группаларга ажратмасликнинг иложи йўқ, албатта. Меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик учун йириклиштирилган чўпон бригадалари ташкил этиш лозим.

Қўйчилик колхоз ва совхозларида меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг муҳим йўлларидан бири ҳозирги отарларни йириклиштиришдан иборатdir. Қўйчиликда 3—4 отардан иборат йирик бригадалар колхоз тузуми йилларида ташкил этилгани қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тарихидан маълум. Бу йилларда чўллар сув билан етарли таъминланмаганлиги учун 6—8 отар навбат билан битта қудуқдан сув ичарди. Мана шу бир қудуқдан сув ичадиган ҳамма отарларга бир бош чўпон раҳбарлик қиласарди. Кейинчалик чўлларда сув манбалари сони кўпайиши муносабати билан йирик

қўйчилик бригадалари айрим майда отарларга ажраб кетди.

Шунингдек, уруш йиллари қўйбоқарлар этишмаслиги муносабати билан айрим ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда (қўзилаш ва сакмонлар ташкил этишида, жуп қирқиш ва ҳоказо) икки отар бирлаштирилар ва мазкур ишлар биргаликда бажариларди. Урушдан кейинги йилларда меҳнатни ташкил этишининг нисбатан прогрессив бу шакли асоссиз равишда қўлланилмай қўйди. Йириклиштирилган қўй бригадалари бир қатор иқтисодий афзалликларга эга.

Шу жиҳатдан «Конимех» давлат наслчилик заводининг бу борадаги тажрибаси дикқатга сазовордир. Бу хўжаликда совлиқларни сунъий қочириш даврида энг юқори кўрсаткичларга эришиш ва кузда яйловда қўй боқиши пухта ташкил этиш мақсадида уч-тўртта майда чўпон бригадаси вақтинча бирлаштирилади. Натижада қўй боқиши билан банд бўлган икки — уч чўпон бўшаб, бошқа ишларда фойдаланилади. Демак, чўпонлар бригадаси шу тарзда йириклиштирилганда иш авжи қизгин паллада четдан ишли кучи жалб этишга эҳтиёж сезилмайди. Сунъий қочириш даври тугаллангандан кейин чўпон бригадалари ўзларига биркитилган қўйларни яна ажратиб олиб боқаверади. Совлиқларни қўзилатиш ва жун қирқиш даврида ҳам иш ана шу тартибда ташкил қилинади. Совхозда уч-тўртта майда бригададаги эмизикилди совлиқлардан, қўзисининг ёши ва семиз-ориқлиги ҳисобга олинган ҳолда, вақтинча учта группа — эрта қўзилаган совлиқлар группаси, ўрта муддатда қўзилаган совлиқлар группаси ташкил этилади. Бу группалар қўзилар онасидан ажратилгунча сақланади. Бу усул қўлланилганда қўйларни яхши парваришиш, наслдор қоракўл қўйлар этиштириш, шунингдек, чўпонлар бригадасида меҳнат унумдорлигини анча ошириш имконияти туғилади. 1959 йилда Самарқанд обlastидаги «Ленинчи чорвадор» колхозида ҳам ана шундай йириклиштирилган чўпон бригадалари ташкил этилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот этиштиришни кўпайтиришда самарали натижаларга эришилди. Илгарилари хўжаликда отардаги 500—600 та қўйга уч киши қарап эди. Кейинчалик чўпон бригадалари йириклиштирилгач, ҳар қайси отардаги қўйлар сони 1700—2100 тага етказилди. Бун-

да битта отарга 7—9 киши, яъни бригада бошлиғи, уч—түртта чўпон ва шунча ёрдамчи чўпон қарайди. Йириклаштирилган бригада эса, ўз навбатида звеноларга бўлиниади. Ҳар қайси звено учта чўпондан иборат бўлиб, уларнинг иккитаси қўй боқади, шу чўпонлардан биттаси қудуқдан сув чиқаради, чўпонлар билан алмашиниб қўй боқади. Ёрдамчи чўпон овқат пиширади, чўпон дам олганда эса қўй боқади. Бригада бошлиғи ҳамма ишга раҳбарлик қилиди. Шундай қилиб, сунъий қочириш ва қўзилатиш даврида бригадага четдан қўшимча равишда ишчи кучи жалб қилинмайди.

«Ленинчи чорвадор» колхозида чўпон бригадаларини йириклаштириш натижасида уларнинг сони анча қисқарди, меҳнат унумдорлиги ошди, меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, инвентарлардан фойдаланиш яхшиланди. Ём-хашак тежаб тергаб сарфланадиган бўлди, қўйларни, зоотехника — ветеринария кўригидан ўтказиш осонлашди, хуллас, мўл-кўл ва арzon маҳсулот етиштириш учун қулай шароит яратилди.

Демак, қўйчиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арzonлаштиришда мазкур колхознинг илфор тажрибасини бошқа хўжаликларда ҳам кенг жорий этиш зарур эди. Лекин бундай бўлмади. Ҳатто «Ленинчи чорвадор» колхозининг ўзида ҳам йириклашган бригадалар фаолияти кўпга чўзилмади, тарқатилиб, илгариги аслига қайтарилиди.

Отарларни бирлаштириш йўли билан тузилган йирик қўйчилик бригадалари бузилиб кетишининг бир қатор сабаблари бор.

Биринчидан, 2—3 та отар бирлаштирилгани билан улар ишлаб чиқариш звеноси сифатида мустақил қолаверган, меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳам отарлар бўйича ҳисоб-китоб қилинган. Йиккинчидан, айrim хўжаликларда отарлар бирлаштирилгану, лекин чўпонлар сони қисқартирилмаган, шунга қараб йириклашган қўйчилик бригадалари иқтисодий жиҳатдан фойдасиз деб, топилган. Учинчидан, чўл яйловлари кам хашак бериши, ҳосили пастлиги, сув манбалари етишмаслиги, қўйхоналар тарқоқ ҳолда жойлашганлиги кабилар йирик қўйчилик бригадалари тарқатиб юборилишига сабаб бўлди. Тўртинчидан, қўйчиликда меҳнатни йирик бригадалар заминида ташкил этишга яна бир нарса тўсқинлик қилиб

келмоқда, у ҳам бўлса отарлар оиласидан принципда ташкил этилишидир. Маълумки, ҳозирги кунда ҳамма колхоз ва совхозларда чўпонлар бригадалари асосан бир оила аъзоларидан — ота ва бола, эр ва хотин ёки ака-ука ҳамда уларнинг оила аъзоларидан ташкил топгандир. Улардан бири қўй боқса, қолганлари унга ёрдам беришади.

Мана шундай, бир оила аъзоларидан иборат бригада иккинчи оила аъзоларидан ташкил топган бригада билан бирлаштирилишига қаршилик қилади, чунки бунда бир оила бошлиғи бош чўпонлик мавқеидан маҳрум бўлишни истамайди, бинобарин бу чўпоннинг оила аъзолари ишлаб чиқаришга илгаригидек берилиб қатнашмайди. Буларнинг ҳаммаси йирик бригадаларга асоссиз барҳам берди.

Фикримизча, оддий йўл билан айрим отарларни бирлаштириш асосида йирик қўйчилик бригадалари тузиш ва уларда ишлаб чиқаришни комплекс механизация заминида ташкил этиш керак. Бундай йирик механизациялашган бригадаларга яйлов, зарур миқдорда машина, асбоб-ускуна, иш ҳайвонлари, ишлаб чиқариш бинолари биркитилади. Қозоғистоннинг Чимкент обlastидаги «Задарё» қоракўлчилик совхозида йирик чўпон бригадалари ташкил этилган. Бир бригадага 3000 бош қўй, зарур миқдорда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда транспорт воситалари биркитилади. Унинг аъзолари 12 кишидан иборат бўлиб, ҳар чўпонга ўрта ҳисобда 250 бош қўй тўғри келади. Бригада қўйларни ўз кучи билан парваришлайди, сунъий қочириш, қўзилатиш, жун қирқиши ишларини бажаради, ҳатто зарур миқдорда дағал хашак тайёрлайди, қўйхоналарни жорий ремонт қилади. Меҳнатнинг ана шундай муайян даражада илмий асосда ташкил этилиши совхозда чўпонлар меҳнат унумдорлигини 25%, меҳнат ҳақи 25—30% ошишини таъминлади.

Чўпон бригадалари йириклаштирилса қўйчивонлар ва уларнинг оила аъзоларига маданий-майший хизмат кўрсатиш янада яхшиланади ва осонлашади. Яйловларда уй-жойлар, медицина пункти, магазин, кутубхона, клуб, мактаб, ҳаммом ва бошқа бинолар қуриб, шинамгина қишлоқ барпо қилиш мумкин бўлади. Ана шунда чўпонлар оила аъзоларининг сакмончи, жун қирқувчи бўлиб ишлашлари, хуллас ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун қулай шароит яратилади.

Манбалардан маълумки, Янги Зеландия, Австралия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда 2000—3000 бош қўйдан иборат отарлар ташкил этилган бўлиб, бундай отарга битта чўпон қарайди. Отарлар ёши ва жинси бир хил қўйлардан ташкил этилади. Чунончи Австралияда қўйлар атрофи тўсиқ билан ўралган участкаларда боқилади. Чўпонлар иши сугориш иншоотлари ва тўсиқларга қараб туришдан иборат. Қўйчиликда меҳнат унумдорлиги ниҳоятда юқори, чунки бу ерда ҳамма иш жараёнлари механизациялаштирилган, чунончи, сув чиқариш, жун қирқиши ва бошқалар тўла механизациялаштирилган. Тўғри, яйловлар атрофини ўраш, сув чиқариш кўп маблағ талаб этади. Лекин чўпонлар сони камайиши ҳисобига катта фойда олинади. Шундай экан, Ўзбекистон шароитида ҳам қўйларни атрофи ўралган загон система усулида парваришлаш меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим резервидир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арzonлаштиришда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Йирик қўйчилик фермаларида ва совхозларда марказлаштирилган пунктларда электр агрегатлари билан жун қирқиши йўлга қўйилганилиги худди шу нуқтаи назардан, айниқса, диққатга сазовордир.

Республиканинг деярли барча ихтисослаштирилган хўжаликларида машинада жун қирқиши марказлаштирилган пунктларда бажарилади. Лекин, қўйчилик хўжаликнинг бир тармоғигина бўлган колхозларда машинада жун қирқиши марказлаштирилмаган.

Марказлаштирилган пунктларда жун қирқишининг нақадар самарали эканлигини Саъмарқанд обlastидаги «Ленинчи чорвадор» колхози мисолида яққол кўриш мумкин. Илгари бу хўжаликнинг қоракўлчиллик фермаларида 15 та жун қирқиши пункти мавжуд бўлиб, уларда 345 киши ишлардан. 1959—1960 йиллардан бошлаб жун қирқиши пункти 2 жойда марказлаштирилиб, уларда мавсумда 174 киши жун қирқадиган бўлди, натижада меҳнат унумдорлиги деярли 2 баравар ортди. Қирқим муддати анча қисқарди.

Ҳозирги даврда йирик қўйчилик хўжаликларининг кўпида жун қирқишида «ЭСА—12», «ЭСА—16», «ЭСА—36» ёки «КТО—48» кўчма электр агрегатларидан фойдаланилади. Бу агрегатлардан фойдаланиш фермада

15—20 минг бош қўй мавжуд бўлса, юқори самара беради. Агар хўжаликда 40—50 минг бош ва ундан кўп қўй бўлса, «ЭСА —60» маркали йириклаштирилган электр агрегат қўл келади. Кузатишлар шундан далолат берадики, қўйлар жунини қирқиши хўжаликда битта марказлаштирилган пунктда ташкил этиш ҳар томонлама фойдалидир. Аввало, жун қирқиши муддати кескин қисқаради. Жун қирқишида банд бўлган ходимлар меҳнати ва агрегатлар иш унумдорлиги ортади. «Нурота», «Қизилча», Ленин номли, «Коммунизм», «Конимех» ва бошқа ихтисослашган совхозларда марказлаштирилган йирик жун қирқиши пунктлари ташкил этилган. Мазкур пунктлар 80—100 та жун қирқувчи машина билан жиҳозланган. Ҳар бир ферма қўйлари навбат билан марказлаштирилган пунктга алоҳида-алоҳида отарлар бўйича ҳайдаб келтирилади. Бу совхозларда қўйлар жуни марказлашган пунктда қирқиб олиниши бу ишни бажариш муддати 20 кундан ўрта ҳисобда 10 кунга қадар қисқаришига олиб келди. Қирқиб олинган жунни класларга ажратиш, сифатини аниқлаш ишлари анча яхшиланди. Марказлашган пунктда айниқса, қирқимда банд ходимлар унумли ишлаши учун тегишли қулайлик барпо этилган. Буларнинг ҳаммаси жун қирқиши билан боғлиқ чиқимлар 40—50% камайишини таъминлади. Кузатишлар шуни кўрсатдики, жун қирқимида меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг рационал асосда ташкил этилишига ва қирқувчининг иш тажрибаси, қобилияти, маҳоратига баглий. Шундай экан, жун қирқувчини ҳар йили ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин республика хўжаликларида ҳар йили 25—30% қирқувчи янгиланади. Шунинг учун жун қирқишида умумий унумдорлик юқори эмас.

Жун қирқиши зарур асбоб-ускуналар билан беками кўст таъминланган маҳсус биноларда қирқилса, ишни назорат қилиш осонлашади, техникадан унумли фойдаланилади. Буни мамлакатимиздаги илфор хўжаликлар, шунингдек, хорижий мамлакат чорвадорлари тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Янги Зеландияда қўйлар жуни қирқиб олинаётганда боғланмайди. Жун қирқувчи қўйни ўзи ушлаб, иш жойига келтиради. Қўйларнинг жуни олинадиган бино ичida барча қулайликлар яратилганлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари эса пухта ташкил этилганлиги туфайли жун қирқадиган

агрегатнинг иш унуми жуда юқори — бир киши 9 соатлик иш кунида камида 200 та, ҳатто 300—350 та қўй жунини олади.

Ўн йилдирки, мамлакатимиизда жун қирқишининг жадал усули жорий этилган. Бунда Янги Зеландия, Австралия мамлакатлари тажрибаси асос қилиб олинган. Чувончи Оренбург обlastининг қўйчивонлари чет мамлакатлар чорвадорлари тажрибасини ўрганиб оммалаштиришда катта ташаббус кўрсатдилар. Улар янги зеландияликлар тажрибасидан фойдаланиб, жун қирқишининг «Оренбург» усулини ишлаб чиқдилар. Бунда ҳам жун қирқувчи қўйни ўзи ушлаб, иш жойига келтиради, қўй боғланмайди, жун қирқадиган машиналарни чархлаб, ўзи созлайди. Машинкани усталик билан юргизиб, кунига 150 тагача қўй жунини олади. Жун қирқувчиларнинг Бутунитифоқ конкурсида ғолиб чиққан Т. И. Клишевич, С. Байрамқулов, И. Тхохов, А. Айбазов ва бошқалар 160—180 ва бундан ҳам кўп қўй жунини олишга муваффақ бўлишди.

Жун қирқишининг бу илгор усули республика қўйчилигига ҳам кенг жорий этилса, жуда яхши бўлур эди. Бунинг учун колхоз ва совхозларда ҳар йили жун қирқишининг илгор усулларини ўргатадиган маҳсус курслар ташкил этилиши керак.

Шунингдек, қўзиларни тери учун марказлаштирилган пунктларда сўйиш ҳам меҳнат сарфларини камайтиришда ижобий натижа беради. Аммо шу кунга қадар қўйчилик хўжаликларида, айниқса пахтачилик ва қорақўл билан шуғулланадиган колхозларда конвейер усулида ишлайдиган механизациялаштирилган қўзи сўйиш пунктлари йўқ. Қўзи ҳар қайси фермада, ҳатто чўпон бригадасида сўйилаверади. Бунда қўзи сўючининг иш унуми ниҳоятда паст — у 10 соатлик иш кунида атиги 20—25 та қўзи сўяди. Шунинг учун чўл ва ярим чўл зоналарида колхозлараро марказлаштирилган, механизациялаштирилган, поток линия усулида ишлайдиган қўзи сўйиш пунктлари ташкил этиш лозим. Юқорида таъкидланганидек, бундай пунктлар республикадаги аксари қоракўлчилик совхозларида муваффақиятли ишлаб турибди. Бу ерда меҳнат унуми ва маҳсулот сифати анча юқори. Чунки қўзини сўйиш иши конвейер усулида ташкил этилган.

ХҮЖАЛИК ҲИСОБИННИ МУСТА҆ҚАМЛАШ ВА ҚҰЙЧИВОНЛАР МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хўжалик ҳисоби ишлаб чиқариш рентабеллигининг муҳим омилидир. Ҳар бир хўжаликда хўжалик ҳисоби амалга оширилиши билан моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик принциплари муста҆қамланади, меҳнаткашлар турмуш даражаси ошади, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур миқдорда маблағ жамғарилади.

Хўжалик ҳисоби социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муҳим ва самарали шаклидир. Бунда социализм объектив иқтисодий қонунлари талабларининг таъсири учун қулай шароит яратилади. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули сифатида хўжалик ҳисобига бир қатор принциплар тааллуқлидир. Чунончи ҳар бир колхоз ва совхоз шу коллектив манфаатларини умумдавлат манфаатлари билан бирга қўшиб олиб борувчи давлат планлари асосида хўжалик юритади. Ҳар бир хўжаликка оператив муста҆қиллик берилган. Ҳар бир хўжалик ишлаб чиқаришни ташкил этар экан, оқибат натижада жами харажатларни олинган даромад ҳисобига қоплаб, маълум даражада соф фойда этиштириши тақозо этилади. Колхоз ва совхоз ходимларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, самарадорлигини оширишга даъват этувчи моддий манфаатдорликни пазарда тутади. Ҳар бир колхоз, совхоз коллективи зиммасига давлат планлари ва ишлаб чиқаришга тааллуқли ҳар хил шартномаларни бажариш учун моддий жавобгарлик юклатилади. Ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш сўм билан муттасил назорат қилишни тақозо этади. Мана шу принципларга амал қилган ҳолда хўжалик ҳисобини жорий этиш ва юритиш ҳар бир колхоз ва совхозда маҳсулот ишлаб чиқариши кўпайтириши, унинг сифатини яхшилашни, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишни албатта таъминлайди.

Хўжалик ҳисоби жорий этилган ҳар бир колхоз ва совхоз қиймат қонунидан фойдаланиб, таннарх, нарх, фойда, кредит каби иқтисодий категорияларни ишлатади; ўз муносабатларини олди-сотди принципи асосида юритади; харажатларни хўжалик фаолияти натижалари билан пулга чақиб таққослайди, харажатларни даромад

ҳисобига қоплайди, ишлаб чиқаришни рагбатлантириш тадбирларини кўради.

Шундай қилиб, ҳамма колхоз ва совхозлар хўжалигини хўжалик ҳисоби асосида юритишга кўчиш социалистик қишлоқ хўжалигига раҳбарликнинг янги, самарали босқичидир.

Колхозларда ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисоби асосида ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд, чунончи уларда асосий ва оборот фонdlар бўлиб, ишлаб чиқаришни мустақил ташкил этиш ҳуқуқи берилган. Бинобарин ҳар бир колхозда жамғарилган маблағ ҳисобига такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин. Бироқ, 1956—1958 йилларга қадар колхозларда қиймат қонуни талабларига етарли даражада амал қилинмасди, харажатлар даромадлар билан таққосланмас, этиштирилган соф фойда, демак, ишлаб чиқариш рентабеллиги ноаниқ ҳолда қоларди. Бу камчиликлар бартараф этилди. 1956—1957 йиллар ва айниқса, 1958 йилдан эътиборан колхозларда ҳам жорий йилдаги ишлаб чиқариш чиқимлари ҳисобга олинадиган, этиштирилган маҳсулот, шунингдек, бажарилган иш бирлигининг ташархи ҳисобланадиган, демак қишлоқ хўжалик тармоқларининг фойдалилик (ёки зааралик) даражаси ҳисобланадиган, олинган натижаларга мувофиқ тегишли тадбирий чоралар амалга ошириладиган бўлди. Хўжалик ҳисобининг ҳамма принциплари рўёбга чиқиши учун барча имкониятлар яратилди. Айниқса, сўм воситасида ҳар бир участка, бўлим, бригада фаолияти назорат қилинмоқда. Колхозларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янада юқори суръатлар билан ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини оширишдан ходимларнинг моддий манфаатдорлиги тобора ошмоқда. Давлат планилари йилдан-йилга оширилиб бажарилиши, маҳсулот этиштириш кўпайиши, колхозлар экономикаси мустаҳкамланиб, колхозчилар моддий фаровонлиги яхшиланиши, қишлоқларнинг ободонланиши — буларнинг ҳаммаси хўжалик ҳисоби тўғри ташкил этилишининг ёрқин ифодасидир.

Энди совхозларга келсак, мазкур хўжаликлар давлат корхонаси сифатида умумхалқ мулкига асосланади. Бинобарин, ишлаб чиқариш фақат ички жамғариш ҳисобига эмас, маълум даражада давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ҳисобига ҳам кенгайтирилади. Шунинг

дек, совхозлар ўртасида оборот маблағлар ва фойда за-
руриятга мувофиқ қайта тақсимланади, фойданинг бир
қисми давлат бюджетига ажратилади. Бинобарин, сўнгги
йилларга қадар совхозларда ишлаб чиқариш ярим хўжа-
лик ҳисоби заминида ташкил этиб келинган.

Совхозлар ишлаб чиқарининг самарадорлигини
ошириш, уларда хўжалик ҳисоби принципларини мус-
таҳкамлаш ва бу принципларга тўла амал қилиш учун
шароит яратиш, давлат билан совхозларнинг ўзаро мун-
носабатларини такомиллаштириш мақсадида КПСС
Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумида ва
КПСС XXIII съездиде совхозларни тўла хўжалик ҳисоби-
га ўтказиш юзасидан конкрет вазифа қўйилди. Шунга
мувофиқ 1967 йил 13 апрелда КПСС Марказий Комитети
ва СССР Министрлар Совети «Совхозлар ва бошқа дав-
лат қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик
ҳисобига ўтказиш тўғрисида» маҳсус қарор қабул қилди.
1967 йил 1 июлдан бошлаб мамлакатда 400 дан зиёд
совхоз, жумладан Ўзбекистонда 3 совхоз хўжаликни
бошқаришнинг янги системасига ўтказилди. Ҳозирги
вақтда деярли ҳамма совхозлар тўла хўжалик ҳисоби
асосида ишламоқдалар.

Совхозлар янги иқтисодий шароитда ўз маҳсулотла-
рини колхозлар учун белгиланган юқори харид нархла-
ри билан сотмоқдалар. Шунинг учун маҳсулот сотишдаи
тушган умумий даромаддан фақат ишлаб чиқариш хара-
жатларини қоплабгина қолмай, хўжаликни жадал ри-
вожлантиришда ҳам фойдаланмоқдалар.

Совхозларнинг мустақиллиги анча кенгайди, ҳар бир
хўжаликнинг конкрет шароитини ҳисобга олмай, юқори-
дан план тузиб бериш ҳоллари барҳам топди. Эндилик-
да етишириладиган маҳсулотлар, меҳнат унумдорлиги,
ходимлар сони, маҳсулот таннархи, капитал сарфлар
ҳажми каби муҳим кўрсаткичларни ҳам совхозларнинг
ўзлари планлаштирадиган бўлдилар. Шунингдек, тўла
хўжалик ҳисобига ўтган совхозларга ўзининг бекор ётган
ортиқча машина ва қуролларини, транспорт воситалари-
ни, асбоб-ускуналар, уруғлик сингари моддий-бойликларни
бошқа хўжаликларга сотиш ҳуқуқи берилди. Бундан
ташқари совхозлар давлат тайёрлов пунктлари қа-
бул қилмаган, тез бузиладиган сабзавотлар, мева ва
бошқа маҳсулотларини кооперативга ва бозорга сотиш
ҳуқуқини ҳам олдилар.

Янги иқтисодий шароитда хўжалик юритиш моддий рағбатлантириш принципларининг рўёбга чиқишига кенг йўл очди. Ҳозир хўжалик ҳисобидаги совхозлар ўзлари етиштирган соф даромадга тўла ҳукмронлик қиласидилар, ўз ихтиёрларича сарфлайдилар. Чунончи, планли соф фойдадан 15% ажратилади, пландан юқори олинган соф фойдадан рағбатлантириш фондига ажратиладиган қисми юқори органлар кўрсатмасига мувофиқ икки баравар камайтирилиши мумкин. Лекин соф фойдадан моддий рағбатлантириш фондига ажратиладиган маблағ йиллик меҳнат ҳақи фондининг 12% идан юқори бўлмаслиги лозим. Бинобарин, меҳнат ҳақи фонди ҳажм жиҳатидан қанчалик катта бўлса, моддий рағбатлантириш фондига ажратиладиган маблағнинг абсолют миқдори ҳам шунча кўп сўмни ташкил этади. Шунинг учун моддий рағбатлантириш фондига ажратиладиган маблағни хўжалик экономикасининг ихтисослашиш жиҳатдан йўналишига мувофиқлаштириш тўғри бўлади.

Янги низомга мувофиқ моддий рағбатлантириш фондидан фойдаланиш тартиби тубдан ўзгарди ва яхшиланди. Илгари совхоз фондидан фойдаланишини фақат директор бошқарса, эндиликда бу фонд бўлим, ферма, бригада, участкалар миқёсида уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги кўрсаткичларига мувофиқ тақсимланмоқда.

«Копимех» наслчилик совхози иш тажрибаси бу жиҳатдан ҳам ибратлидир. Бу ерда рағбатлантириш фондининг таҳминан 75% и йиллик ишлаб чиқариш натижаларига мувофиқ чўпонлар бригадалари ўртасида тақсимланса, 5% и ишлаб чиқариш жараёнларини сифатли ва ўз вақтида ўтказган бригада ва фермаларга берилади, 8—10% и социалистик мусобақа голиблари ўртасида тақсимланса, 10—12% қўйчивонларга бир йўла моддий ёрдам сифатида ажратилмоқда. Қўриниб турибдики, моддий рағбатлантириш фондининг асосий қисми юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларини рағбатлантириш, ишчилар моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланган. Шундай экан, мазкур фонд ҳажмини меҳнат ҳақи фондига нисбатан 12% қилиб чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки моддий манфаатдорлик яхши йўлга қўйилиши хўжалик ҳисобини мустаҳкамлайди, ходимларни тежамкорликка даъват этади, фойда ва зарарни ҳисобга олишини ўргатади.

Хозирги кунда фойда ва фойда олишни таъмилаш хўжалик ҳисобининг муҳим принципларидан ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир хўжаликда соф фойда етишириши кўпайтириш учун моддий рағбатлантиришини ташкил этиш лозим. Айниқса, хўжалик раҳбарлари, мутахасеслари фаолиятининг соф фойда ҳажеми, давлат плаяларининг сон ва сифат жиҳатдан бажарилишига қараб баҳолаш, моддий жиҳатидан рағбатлантириш тақозо этилади.

Хўжалик ҳисобини ташкил этиш, айниқса тўла хўжалик ҳисобига ўтиш совхозларда ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни «Конимех» совхози мисолида яққол кўриш мумкин. Хўжалик 1968 йилдан эътиборан тўла хўжалик ҳисобига ўтказилган эди. Маҳсулот ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб, харажатлар қисқармоқда. Бу эса ўз навбатида соф фойда ва меҳнат унумдорлигига баракали таъсир кўрсатяпти.

Хўжалик ҳисоби ҳамма участка, бўлим, ферма ва бригадаларда жорий этилгандагина яхши самаралар беришини унутмаслик ва бунга амал қилиш керак. 1964 йилдан эътиборан ҳамма ихтисослашган қўйчилик хўжаликлари, жумладан совхозлардаги ферма ва чўпонлар бригадалари ҳам хўжалик ҳисоби асосида иш юрита бошлади.

Хўжалик ҳисобини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳар бир чўпон бригадаси ишини алоҳида планлаштириш, айниқса моддий — пул харажатлари, меҳнат ҳақи фондини аниқ ҳисоблаб бориш лозим. Агар ҳисоб-китоб ишлари яхши йўлга қўйилмаса, ҳар бир ферма ва бригада етишириётган маҳсулотни ҳамда сарфларни назорат қилиш қийинлашади.

«Коммунизм», «Чинмўрғон», «Конимех» каби илгор қоракўчлилик совхозларида ички хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш мақсадида дастлаб ишлаб чиқариш топшириқлари диққат билан кўриб чиқилади. Шундан сўнггина улар ҳар бир ферма ва бригадага етказилади. Бу топшириқда йил охирида қўйлар сони қанча бўлиши кераклиги, ҳар бир қўйдан қирқиб олинадиган ва жами етишириладиган жун миқдори, гўштга топшириладиган қўйлар сони, ҳар 100 совлиқдан қанча қўзин олиниши, тери учун сўйиладиган ва ўстириш учун қолдириладиган қўзилар сони, жамгариладиган ём-хашак миқдори аниқ

кўрсатилади. Бундан ташқари, йиллик план-топшириқда ферма ва бригадалар бўйича меҳнат сарфлари, меҳнат ҳақи фонди, моддий пул харажатлари, ялпи маҳсулот қиймати, шунингдек, олинадиган соф фойда миқдори акс этдирилади.

Йил охирида хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари эришилган ҳақиқий кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва йил бошида тузилган план-топшириқ билан таққосланади. Намуна учун 30-жадвалда Сурхондарё областининг Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг С. Алтоев раҳбарлик қилаётган қўйчилик бригадаси учун 1970 йилга белгиланган план-топшириқ ва эришилган ҳақиқий кўрсаткичлар келтирилди.

30 - жадвал

Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг С. Алтоев бошлиқ қўйчилик бригадаси 1970 йили эришган хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари

Хўжалик ҳисоби кўрсаткичлари	План	Хўжалик йили якунидаги ҳақиқий натижа
Йил бошига қўйлар сони	618	618
Ўртacha 1 қўй ҳисобига жун етиштириш, кг . . .	1,6	1,9
Ялпи жун, ц	9,9	11,7
Ҳар 100 совлиқдан қўзи олиш	97	120
Жами қўзи олиш	600	741
Онасидан ажратишда ўртacha 1 қўзининг оғирлиги, кг	31	32
Жами қўзиларнинг ялпи тирик вазни, ц.	186	240
Етиштирилган ялпи жун қиймати, сўм	2 797	2 714
Етиштирилган тирик вазн қиймати, сўм	15 810	20 468
Жами ялпи маҳсулот, сўм	18 107	23 182
Йиллик меҳнат ҳақи, сўм	3 611	3 611
Ш. ж. гарантияланган қисми (80 %), сўм	2 885	2 885
Маҳсулот учун қўшимча ҳақ (20 %), сўм	722	722
Планни ортиғи билан бажаргани учун қўшимча меҳнат ҳақи, сўм	—	2 305

Хўжалик ҳисобини жорий этиш ва мустаҳкамлаш билан бирга ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш керак. 1966 йил июль ойидан республика колхозларида меҳнатга қатъий гарантияланган ҳақ тўлаш системаси жорий этилди. Шумносабат билан колхозларда ҳам етиштирилган маҳсуз

лот миқдорига қараб ҳақ тўлаш системасига ўтилди. Натижада ходимлар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, моддий-пул маблағларни тежаб-тергаб сарфлаш, нобудгарчиликнинг олдини олишга қизиқиш билан интиладиган бўлдилар. Меҳнатга гарантияли ҳақ тўлаш бригада ва ферма ходимларига ҳар ойда асосий иш ҳақининг 70—80% и миқдорида аванс бериб борилади, асосий ҳисоб-китоб эса йил охирида ҳақиқатда етиштирилган маҳсулот миқдорига қараб қилинади. Янги — гарантияланган аккорд-мукофот системада меҳнатга ҳақ тўлаш колхозлар фермасида қўйчилик маҳсулотини кўпайтириш, таннархини арzonлаштиришдан моддий манфаатдорликни янги поғонага кўтарди. Бу ижобий натижалар бермоқда.

1970 йилда Узбекистон Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўзининг колхозлар ташкилий ишлари Бош бошқармаси ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-текшириш институти томонидан ишлаб чиқилган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тавсияларни жорий этди. Бу тавсияларга биноан колхозлар қўйчилигига меҳнатга ҳақ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши лозим:

Думбали қўйчилик бригадаси йиллик меҳнат ҳақи фондининг 20% и, қоракўлчиликда 35—40% и етиштирилган жун, қоракўл тери, тирик вазн ва олинган қўзи учун, қолган 80—60% и эса қўйлар бош сонини сақлаганлиги учун тўланади.

Масалан, 4 кишидан иборат чўпон бригадасига 800 бош қоракўл совлиқ биркитилган. Планга мувофиқ бригада бир қўйдан 2,5 кг, жами 2000 кг жун, онасидан ажратгунга қадар 350 бош қўзини парваришлаб, 52,5 ц. тирик вазн, 430 та қоракўл тери етиштириши лозим. Бу маҳсулотлар қиймати (давлат харид баҳосида) қуйидаги миқдорни ташкил этади:

- жун: $2000 \text{ кг} \times 5 \text{ сўм} = 11\,720 \text{ сўм}$
- тирик вазн: $52,5 \text{ ц} \times 85 \text{ сўм} = 4462 \text{ сўм}$
- қоракўл тери: $430 \times 22 \text{ сўм} = 9460 \text{ сўм}$

Жами: 25 642 сўм.

Ҳар бир турдаги маҳсулотнинг ялпи даромаддаги салмоғи қуйидагича ифодаланади:

- гўшт — 17,4%
- Жун — 46,0%
- қоракўл — 36,6%

Чўпон меҳнати 5- разряд тариф ставкасига биноан баҳоланади. Бунда бир киши кунига 2 сўм 73 тийин тўғри келади. 4 нафар чўпоннинг 365 кунлик меҳнат ҳақи 3985 сўм 60 тийинни ташкил этади. Чўпонлар узоқ яйловда, оғир шароитда ишлагани ҳисобга олиниб, беш ойлик меҳнат ҳақи 40 % га оширилади. Шунда уларнинг йиллик меҳнат ҳақи жами 4650 сўмдан иборат бўлади.

Чўпонлар билан ҳисоб-китоб қилинганда ана шу йиллик меҳнат ҳақи фондининг 40% и, яъни 1860 сўми етиширилган жун, гўшт, қоракўл тери ва қўзи учун қолган, 60% ёки 2790 сўми совлиқларни боқиш ва сақлаш учун берилади.

Энди маҳсулот учун ажратилган 1860 сўм бизнинг мисолимизда қўйидагича тақсимланади:

- гўшт учун (17,4%) — 326 сўм;
- жун (46%) — 839 сўм;
- қоракўл тери учун (36,6%) — 695 сўм.

Бунда маҳсулот бирлигининг қиммати қўйидагича ифодаланади:

- 1 ц гўшт — 6 сўм 20 тийин (326 : 52,5);
- 1 кг жун — 42 тийин (839 : 2000);
- 1 дона қоракўл тери — 1 сўм 72 тийин (695 : 430).

Йиллик меҳнат ҳақининг қолган 2790 сўми (60%) бригададаги 800 бош совлиқнинг ҳар бирини бир ойда боқиш учун тўғри келадиган сўмни аниқлаш мақсадида (800×12 ой = 9600) 9600 га тақсимланади. Бунда: $2790:9600=29$ тийин чиқади. Шу йўл билан битта қўй учун меҳнат ҳақи 29 тийин эканлиги аниқланди.

Йил охирида ҳақиқатда етиширилган маҳсулотга қараб қайта ҳисоб-китоб қилинади ва бош чўпоннинг йиллик асоснӣ меҳнат ҳақига 15% қўшимча тўланади.

Совлиқлар боқиладиган чўпон бригадаларида ҳар 100 совлиқ ҳисобига қўйидаги тартибда ёрдамчи биркитилади:

- қочириш даврида — 12 киши куни.
- қўзилаш даврида, қиши ва эрта баҳорда — 24 киши куни.
- ёзда — 12 киши куни.

Булардан ташқари қўйлар қишида ва эрта баҳорда қўзилаганда 60 та қўзи боқиш учун, ёзда 120 та қўзи боқиш учун 45 кунлик муддатга бир сакмончи биркитилади. Сакмончилар меҳнати III разряд билан баҳо-

ланиб, ҳар 100 та совлиқ ҳисобига 95 та қўзини омон сақлаганлиги учун асосий меҳнат ҳақига 20 % қўшимча ҳақ берилади. Жун қирқимига жалб этилган қўшимча ишчиларга ҳар бир қўй жунини қирққанлиги учун меҳнат ҳақи берилади. Бунда жун қирқиш нормаси, қўйларнинг маҳсулдорлиги эътиборга олинади.

Бошқа иккинчи даражали ишларга жалб этилган ходимлар меҳнатига II разряд даражасида ҳақ тўланади. Лекин ўз вазифасини ситқидилдан, сифатли бажаргандарга ишбай меҳнат ҳақига нисбатан 20 % қўшимча мукофот берилади.

Сакмончи, жун қирқувчи ва ташқаридан жалб этилган бошқа колхозчиларнинг асосий меҳнат ҳақига узоқ яйловларда ишлагани учун 40 % қўшимча ҳақ берилади.

Қўйларни қочиришда 2500—3000 қўйга битта осеменатор биркитилади ва унга ойига ўрта ҳисобда 70—80 сўм меҳнат ҳақи тўлаш тавсия этилади. Бундан ташқари қўзилатиш натижасига мувофиқ қисир қолмай қўзилаган ҳар бош совлиқ учун осеменаторга б тийиндан қўшимча ҳақ тўланиши лозим. Агар фермада маҳсус осеменатор йўқ бўлиб, бу ишни бошқалар бажарса, ҳар битта сунъий қочирилган совлиқ учун 18 тийин тўланади.

Бундан ташқари сунъий қочиришда иштирок этган ҳар бир колхозчиннинг асосий меҳнат ҳақига қўзилаш якунига қараб 100 совлиқдан 95—100 та қўзи олинса 5%, 101—105 та олинса —10%, 106—110 та қўзи олинса 15%, 110 тадан юқори миқдорда қўзи олинса 20% (СЖК қўлланилмаганд) қўшимча ҳақ берилади.

Колхозлар қўйчивонларига яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун асосий меҳнат ҳақидан ташқари қўйидаги тартибда қўшимча ҳақ тўланади:

— қўзиларни онасидан ажратгунга қадар ҳар 100 совлиқ ҳисобига 95 тадан ортиқ қўзи олишга эришса, ана шу пландан ташқари олинган ва парваришлишнаётган қўзи қийматининг 50% миқдорида;

— пландан ташқари етиштирилган қоракўл тери қийматининг 50% и;

— пландан ташқари етиштирган жун қийматининг 50% и;

— катта ёшдаги қўйларнинг 97% дан ортиқ қисмини сақлаб қолса, пландагидан ортиқча сақлаб қолинган қўй қийматининг 50% и;

Шунингдек, чўпонларга натура ҳолида ҳам қўшимча ҳақ берилади.

Чунончи, қоракўлчилик бригадасига қўзиларни онасидан ажратиш даврига келиб, ҳар 100 совлиқдан 95—100 қўзи олинганилиги аниқланса, ҳар 10 та қўзидан биттаси, 100 тадан зиёд олинган қўзиларнинг ҳар бештасидан биттаси; совлиқ СЖҚ билан эмланган отарда 100 бош совлиқ ҳисобига 100 тадан зиёд олинган қўзиларнинг ҳар 10 тасидан биттаси бригадага қўшимча натура ҳақи сифатида берилади.

Думбали қўйчилик отарларида чўпонларга натура ҳақи сифатида қўзиларни онасидан ажратиш даврига келиб, ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 85—95 дан зиёд қўзи олинганилиги аниқланса, зиёд олинган ҳар 10 та қўзининг биттаси, 95—100 та дан зиёд олинган қўзиларнинг ҳар бештасидан биттаси берилади. Буни янада аниқ тасаввур этиш учун мисол келтирамиз: 4 та чўпондан иборат бригадага 800 бош думбали совлиқ биркитилган. Планга мувофиқ ҳар 100 та совлиқдан 85 тадан, жами 680 та қўзи олиниб, онасидан ажратгунча сақланиши кепрак. Ҳақиқатда мазкур бригада 768 та ёки 100 совлиқ дан 96 тадан қўзи олишга муваффақ бўлди ва уларнинг ҳаммасини омон сақлади. Демак, бригадага натура ҳақи сифатида 9 та қўзи берилади.

Бу қаңдай ҳисобланади? Ҳар 100 совлиқдан 85 тадан 95 тага қадар олинган қўзиларнинг ҳар 10 тасидан биттаси, яъни 8 та қўзи ва 96 тадан зиёд олинган қўзиларнинг бештасидан биттаси, яъни 1 бош қўзи берилади.

Отардаги катта ўшдаги қўйларнинг 97% дан ортиқ сақланган қисмининг 50 % и бригада аъзоларига бўлиб берилади.

Бўрдоқига боқилаётган ёки семиртирилаётган қўйларни боқиша банд бўлган чўпонларга пландан зиёд етиштирган тирик вазннинг 50% и тўланади. Масалан, 4 кишидан иборат чўпон бригадасига 800 бош қоракўл қўй биркитилган. Ҳар 100 та совлиқдан 103 та — жами 826 қўзи олини, дейлик. Бунда бригаданинг натура ҳақи қуйидагича ҳисобланади: 100 та совлиқ ҳисобига 95 тадан, 100 таси ҳисобидан 40 та, 100 тадан зиёд ҳисобидан 26 та қўзи олинган; 97% дан зиёд 9 бош катта ўшдаги қўй сақлаб қолинган. Демак, 95 тадан 100 та қўй олингани учун 4 та (ўнтадан бири), 100 дан зиёд олинган 26 қўзининг 5,2 таси, 97% дан зиёд сақланган 9 қўй-

нинг ярми, яъни 4,5 таси, жами 13,7 та қўзи натура ҳақ сифатида бригадага берилади.

Мазкур бригада олиши керак бўлган қўшимча меҳнат ҳақининг пул билан тўланадиган қисми миқдорини ҳисоблаб кўрайлик.

Мисолимизда 780 бош ўрнига 826 бош қўзи олинди. Уларни сўйишдан пландаги 430 ўрнига 435 та қоракўл тери олинди. Зиёд олинган 5 та қоракўл тери қиймати 110 сўм бўлиб, шундан 50% и яъни 55 сўми бригадага қўшимча меҳнат ҳақи сифатида тўланади.

Онасидан ажратилгунча 391 қўзи омон сақланди. Бу пландагидан 41 бош кўп. Шунинг ярми, яъни 20,5 бош қўзи бригадага берилиши керак. Лекин юқорида мазкур бригада 9,2 бош қўзини натура ҳақ сифатида олди. Шу сабабли қолган қисми яъни (20,5—9,2), 11,3 та қўзи қиймати (136 сўм) бригаданинг қўшимча меҳнат ҳақидир.

Семиртириш учун ажратилган отарни боқаётган бригадага қўшимча меҳнат ҳақи қўйидаги тартибда ҳисобланади:

— пландан ташқари етиштирилган тирик вазн қийматини 50% и;

— тежаб қолинган моддий пул воситаларининг 50% и,

— пландан ташқари қирқиб олинган жун қийматининг 50% и;

Наслдор қўчқорларни парваришлайдиган бригадага, агар қўчқорларнинг юқори семизлиги таъминланган, соғлом ва қочиришга яхши тайёрланган бўлса, асосий ва резервдаги наслдор қўчқорларнинг бир боши ҳисобига 1 кг. дан, ҳидловчи қўчқорларнинг бир боши ҳисобига 0,5 кг. дан тирик вазнда натура ҳақи берилади.

Меҳнатга янгича ҳақ тўлаш системаси жорий этилиши, айниқса қўйчиликка ихтисослашган совхозларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Чунки янги система бўйича ишчиларга пил бўйи етиштирган маҳсулотининг миқдорига қараб иш ҳақи тўланади. Чунончи, қўйчилик бригадаларида отардаги совлиқларни боқадиган чўпонларга олинган қўзи ва қоракўл терилар сони, шунингдек, етиштирилган жун миқдори ва қўйлар вазнига вазн қўшилгани учун; қўзи боқаётган чўпонга етиштирилган жун ва қўзилар вазнини оширгани учун; қўчқорларни боқувчиларга қўчқорлар

жун миқдори ва тирик вазни кўпайгани учун ҳақ тўла-
нади. Маълумки, қоракўл қўйлардан йил бўйи бир меъ-
ёрда маҳсулот олинмайди. Шу боисдан отарга қораётган
ишчиларга маҳсулот топширилгунига қадар боқилаётган
қўйларнинг сонига қараб, тариф ставкасига мувофиқ
оїлик иш ҳақи белгиланади. Йил охирида ёки мавсум ту-
гагач, иш якунига қараб охирги ҳисоб-китоб қилинади,
яъни етиширилган барча маҳсулотлар учун тариф
ставкаси бўйича ҳақ тўланади. Лекин бунда ишчига ой
сайнин иш ҳақи сифатида тўланган аванс суммаси босиб
қолинади.

Маҳсулот етиширишни кўпайтириш ҳамда арzon-
лаштиришда моддий манфаатдорликни ошириш мақса-
дидга ялпи маҳсулот етишириш планини ортиги билан
бажаргацлиги учун ишчиларга қўшимча олинган маҳ-
сулот қийматининг (давлат харид нархлари бўйича)
20% и, бевосита харажатларни камайтирганлиги учун
эса тежаб қолинган маблағнинг 40% и миқдорида пул
мукофоти берилади. Бундан ташқари, 1963 йилдан
эътиборан натура билан қўшимча ҳақ тўлаш тартиби
ҳам амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР совхозларида
пландан ташқари етиширилган ортиқча маҳсулот учун
чўпонлар бригадасига натура билан қуйидагича ҳақ
тўланади:

— яхши боқиб семиртирилганлиги учун қўй ва қўзи-
ларнинг 97% идан ортифи, яъни 12 таси; ҳар 100 совлиқ-
дан 95 та қўзи олиб, уларни онасидан ажратгунча
боқканлиги учун ҳар 10 та қўзидан биттаси, ҳар 100 сов-
лиқдан 100 тадан ортиқ қўзи олиб, уларни онасидан аж-
ратгунча боқканлиги учун ҳар 5 қўзидан биттаси — жа-
ми 20 та қўзи ёзилади. Демак, чўпонлар бригадасига
ҳаммаси бўлиб 32 та қўзи берилади.

Қоракўлчиликда чўпонлар меҳнатига асосий ва қў-
шимча ҳақ тўғри тўланса, уларнинг моддий манфаат-
дорлиги ортади. Натижада чўпонлар ташаббус кўрса-
тиб ишлаш ва мўл маҳсулот етиширишга иштилади-
лар. Бу эса оқибат натижада қўйлар маҳсулдорлигини
oshiриш, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, хуллас,
қоракўлчиликнинг рентабелли тармоққа айланишига
ижобий таъсир этади (31-жадвал).

Жадвал маълумотлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг ян-
ги прогрессив усули жорий этилган 1961 йилдан кейин

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системаси жорий этилгандан кейин
Еухоро сбластидаги «Коммунизм» қўйчилик совхози асосий ишлаб
чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши**

Кўрсаткичлар	Йиллар	
	1961	1970
Олинган жами қоракўл тери, минг дона . . .	24,1	32,8
Етиштирилган жун, ц	1644	1925
Қўй ва қўзилар ялпи вазни, ц	4279	9229
Ҳар 100 совлиқдан олинган қўзи, бош . . .	104,5	124
Битта қўйдан қирқиб оличган жун, кг.	2,5	3,7
Гўштга топширилган ҳар бир қўйнинг ўртача вазни, кг	39,2	40,2
Биринчи сортга топширилган қоракўл тери, %	60	84
Нобуд бўлган барча қўйлар, %	1,8	0,5
Бир киши куни ҳисобиги етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати, сўм	6,6	10,5
Олинган жами соф фойда, минг сўм . . .	227	425
Шу жумладан, пландан ташқари соф фойда, минг сўм	42	167

совхоз ишлаб чиқариши тез ривожланганини, самара-
дорлиги ошганлигини кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан меҳнатга гарантияланган ҳақ
тўлаш системасига ўтган колхозлар ҳам совхозлар учун
белгиланган тариф ставкаси норма ва ставкаларидан
фойдаланса, ёмон бўлмасди (32-жадвал).

Бундан ташқари, ахта қўзиларни қўшимча бир ц.
семиртиргани учун I зонада 11, 14 сўм, II зонада 9,87
сўм ва III зонада 9,30 сўм тўланади.

Ҳисоб-китоб қилингунга қадар чўпонларга таъриф
ставкасига мувофиқ аванс бериб борилади.

Зоотехника-ветеринария тадбирлари (қўй ва қў-
зиларни бонитировка қилиш, эмлаш, чўмилтириш ва
ҳоказо) ўtkазиладиган даврда чўпонларга уч-тўртта
ёрдамчи ишчи ажратиб берилиши керак. Совлиқларни
боқаётган чўпонлар бригадасига қочириш даврида ҳар
100 совлиққа 12 киши қишки ва кўкламги қўзилатишда
24, ёзги қўзилатишда 12 киши куни ҳисобидан мавсумий
ишчилар биркитилади, 60—120 та қўзи боқаётган чў-
понга 45 кун ишлаш шарти билан сакмончи берилади.
Сакмончига кунига 1 сўм — 95,4 тийиндан ҳақ тўланади.
Бундан ташқари, қўзилаш даврида камида 95—100 та
қўзини яхши парваришланганилиги учун унга бир ойлик

**Қоракүлчиллик совхозларида норма бўйича бир чўпонга биркитилиш
қўйлар сони ва меҳнат ҳақининг баҳоси**

Кўйларнинг группаси (ёшига қараб)	Зоналар	Бир чўпонга бир китилиш- ган қўйлар со- ни	Меҳнатга тўланадиган ҳақ			
			бир ц. жун учун	коракфу- тери 100 суммик, максулот учун	кузандани 5 ойгача боқсанли- ги учун	Битта кўй- ни бир ой боқсанни учун
Наслдор совлиқлар	I	200	91,80	22,43	3,95	0,41
	II	220	83,40	21,01	3,66	0,37
	III	250	72,86	18,05	3,16	0,33
Наслдор урғочи қўзилар	I	200	92,49	25,00	3,47	0,40
	II	220	84,78	21,00	3,68	0,38
	III	250	73,99	17,98	3,12	0,29
Совлиқлар	I	220	83,46	20,63	3,55	0,37
	II	240	76,50	19,10	3,34	0,34
	III	265	69,55	17,11	2,94	0,31
Урғочи қўзилар	I	220	84,08	20,30	3,54	0,31
	II	240	77,07	19,34	3,39	0,30
	III	265	69,68	16,91	2,93	0,20
Кўчкорлар	уччала зона	100	347,63	—	—	0,83
Ахта қўзилар	I	250	92,40	—	—	0,26
	II	280	82,90	—	—	0,26
	III	300	77,00	—	—	0,24
Ахта қўйлар ва кўчкорлар	I	250	122,60	—	—	0,29
	II	280	110,60	—	—	0,26
	III	300	102,70	—	—	0,24

Тариф ставкасининг 20 проценти миқдорида мукофот берилади.

Колган ёрдамчи ишчиларга тариф ставкасига муво-
фиқ ёки кунига 1 сўм 73,5 тийиндан ҳақ тўланади. Айни
вақтда ишни сифатли бажарганликлари учун уларга
меҳнатга тўланадиган ҳақининг 20% и миқдорида муко-
фот бериш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, агар чўпонга «Моҳир чў-
пон» деган ном берилган бўлса, унинг иш ҳақи 20%
оширилади.

Натура билан ҳақ тўлашга келганда шуни қайд этиш
лозимки, чўпон нақд пулдан ташқари ҳар 100 совлиқ
ҳисобига 95 тадан ортиқ қўзи олиб парваришланлиги
учун 95 тадан зиёд қўзининг ҳар ўнтадан биттасини;
ҳар 100 совлиқ ҳисобига 100 тадан ортиқ қўзи боқсан-
лиги учун мўлжалдан зиёд парваришланган қўзининг

ҳар бештадан биттасини; йил бошида отардаги совлик-ларни СЖК препарати билан эмлаб, 100 совлиқдан 100 тадан ортиқ қўзи олиб, уларни гўштга топширгунча яхши парваришиласа, 100 тадан зиёд қўзининг ҳар ўнтадан биттасини; шунингдек, қўй-қўзиларни йил бўйи яхши боқиб, уларнинг 97%дан ортигини нобуд қилмай сақлаб қолса, ана шу мўлжалдан ортиқ сақлаб қолинган қўй-қўзиларнинг ярмини олади. Қўйлар бўрдоқи қилинса ёки йил бўйи боқиб гўштга топширилса, қўйларни пландан ташқари семиртирганлиги учун қўшилган қўшимча вазнинг 50% и натура ҳолда берилади.

Қоракўлчилик совхозларида маҳсулот етиштирганлик учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги системаси айrim камчиликлардан ҳам холи эмас. Гап шундаки, совхозларда мазкур система қўлланилганда етиштириладиган асосий маҳсулотлар сифатини яхшилашдан чўпон ва бошқа ишчилар моддий жиҳатдан манфаатдор бўлмайдилар.

Шунинг учун ҳам қоракўлчилик колхоз ва совхозларида ишчиларга асосий ва қўшимча ҳақ тўлаш тери сифатини, наслчилик ишларини яхшилаш имконини берадиган қилиб йўлга қўйилиши керак.

Маълумки, давлат наслчилик заводларининг вазифаси республикадаги барча қоракўлчилик хўжаликларига эпг яхши наслдор қўчкорлар етиштириб беришдан иборат. Бинобарин, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги системасини ишлаб чиқиша маҳсулот сифатини ҳам ҳисобга олиб, давлат наслчилик хўжаликларида меҳнатга тўланадиган ҳақнинг миқдори товар хўжаликларида-гига нисбатан анча юқори бўлиши керак. Ана шундагина наслчилик ишларини йўлга қўйишда қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, кадрларга доимо ғамхўрлик қилиш, уларнинг малакасини ошириш, чўпон оиласарининг турмуш даражасини яхшилаш ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бириди. Ҳозирги вақтда республиканинг асосий қўйчилик районларида, айниқса Томди, Нурота, Фориш районларида малакали кадрлар етишмайди. 1970 йил маълумотларига қараганда колхоз ва совхозларга 2 мингта чўпон талаб қилинади. Модомнки шундай экан, чўпон-механизатор тайёрлайдиган бир йиллик мактабларни ташкил этиш, маҳсус олий ва ўрта ўқув юртлари-

да малакали кадрлар етиштиришга жиiddий эътибор бе-
риш лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 1972 йил
февраль ойида бўлиб ўтган пленуми республика халқ
хўжалигини, унинг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хў-
жалигини, айниқса чорвачилик фермаларини етук, ўз
ишини пухта эгаллаган, малакали мутахассислар би-
лан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Баъзи колхоз ва совхозларда чўпонларга маданий-
маиший хизмат кўрсатиш даражаси шу куннинг тала-
бига жавоб бермайди. Чўпон бригадаларини радиолаш-
тиришни яхши йўлга қўйиш, чорвадорларни кийим-бош
ва бошқа зарур товарлар билан етарли миқдорда таъ-
минлаш, уларга медицина хизмати кўрсатишни янада
яхшилаш ҳамда шу сингари муҳим масалаларни ҳал
қилиш пайти келди. Йирик табиий газ конлари очилган-
лиги муносабати билан Қашқадарё, Бухоро ва Самар-
қанд областларида чўпонларни газ плиталари билан
таъминлаш ниҳоятда қулай ва фойдалиdir.

Коммунистик партия ва Совет давлати чорвадорларга
доимо гамхўрлик қилиб келмоқда, чўллар ободонлаш-
тириляпти, асфальт йўллар (масалан Нурота — Томди
асфальт йўли) ётқизиляпти, қўйчивонлар ичимлик сув,
газ, электр билан таъминланяпти. Чўлда шаҳар типи-
даги қишлоқлар барпо этиляпти.

Республикада қўйчилар меҳнати алоҳида шарафли-
дир. Ҳозир йирик колхоз ва совхозларда қўйчилар ту-
пар-жойларини ободонлаштиришга катта эътибор бе-
риляпти. Янги-янги туарар-жойлар, клуб, кино-театр,
шифохона, мактаблар барпо этиляпти. Бундан икки йил
муқаддам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите-
ти, республика Министрлар Совети Қизилқум маркази-
да қоракўлчиларнинг янги район марказини қуриш
тўғрисида қарор қабул қилди. Мана уч йилдирки, Қи-
зилқумда Томди райони маркази — Томдибулоқ қурил-
япти. Томди райони республикада қўйчиликка ихтисос-
лашган ягона чорвачилик марказидир. Районнинг 7 млн.
га яловида 700 минг бош қоракўл қўйлари урчитилади.
Саккизинчи беш йилликда Томди райони чорвадорлари
давлатга 1,5 млн. дона қоракўл тери, 225 минг ц. гўшт,
100 минг ц жун етказиб бердилар.

Районда республика ва бутун мамлакатимизга донг
таратган қўйчивонлар етишиб чиқди. Икки марта Соци-

алистик Мөхнат Қаҳрамони Жабой Балимонов шу ерда мөхнат қилиб, шон-шүҳрат қозонди. Собиқ «Оқтөв» колхозига Ж. Балимонов номи берилди. Шунингдек, Томди районини Калимбет Құстемиров, Байтиллу Айтбайнов, Турдибек Баишев, Идирис Давлетов, Қалабой Абдураҳмонов, Алимқұл Нисанбоев каби таниқли чорвардорларни — Социалистик Мөхнат қаҳрамонларини етиширди. Районда юзлаб чўпонлар Ленин ордени билан мукофотланган. Ана шу номдор чорвардор районауда йирик марказ — Томдибулоқ «Узгоспроект» лоийҳасига мувофиқ барпо этиляпти. Ҳозир уч қаватли Советлар уйи, 400 ўринли мактаб-интернат, савдо маркази, майший хизмат комбинати, 120 ўринли касалхона, болалар бокчаси, меҳмонхона, стадион, кўпгина турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Уйларга газ, электр, водопровод ўтказилган. Янги беш йилликда бу ерда 100 минг квадрат метр турар-жой барпо этилади.

Сўнгги йилларда бевосита чўл-биёбонларда яшаб ишлайдиган чўпонлар меҳнатини енгиллаштирадиган, унумдорлигини оширишга қаратилган анчагина ишлар қилинди, сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилди. Бироқ ҳамон чўпонларнинг турмушидаги маданий шароит мақтайдиган даражада эмас. Чўпонларни турар-жой билан таъминлаш билан бирга, хонадонларни газлаштириш, электрлаштириш ҳамон ҳал этилмай келмоқда. Шунинг учун чўл шароитига мослашган чогроқ двигатель ва генераторлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ва чўпон хонадонини энергия билан таъминлаш вазифаси турипти.

Чўпон бир суткада, қарийб 20 соат ишлайди, шундан 14 соат давомида қўйларни бевосита яйловда ўтладиди. Шу вақт давомида унинг маданий ҳордиқ чиқариш манбаи фақат транзистор приёмникдан иборат, холос. Чўпонлар газета, журналларни ўз вақтида олиб туришмайди, айниқса, ёшлар меҳнати маданий ҳордиқ билан уйғунлаштирилмаган. Шунинг учун ҳам уларда чўпон бўлиш, яйловларда қолиб ишлаш иштиёқи баланд эмас. Ҳозир 34 мингдан зиёд чўпонлар армиясида 17—30 ёшлилар атиги 18% ни ташкил этиши ҳам мавнавий эҳтиёжларини туғилиб ўsgan жойида қондиролмаган ёшлар бошқа жойларга, айниқса шаҳар ва посёлкаларга ишга кетиб қолаётганидан далолатдир.

Чўпонлар учун замонавий маданий ва майший шароит яратиб бериш — ёш кадрлар қўнимсизлигини туғатиш омилидир

**МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ВА ҚҮЙЧИЛИК РЕНТАБЕЛЛИГИ.
ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ
АҲАМИЯТИ
ТАННАРХНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

КПСС XXIV съездзи қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини маҳсулот етиширишни тобора кўпайтиришгагина эмас, шу билан бирга ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартириб боришга ва шу заминда хўжаликни тежаббергаб бошқаришга даъват этди.

Қишлоқ хўжалигига маҳсулот таннархи хўжалик фаолиятига баҳо беришда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Маҳсулот таннархи даражаси хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқаришни қанчалик пухта ташкил этганлигини ва бошқараётганлигини ўзида акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш рентабеллик даражасини белгилайди. У арzonлашган сайн ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб боради. Маҳсулот таннархини арzonлаштириш қўйчиликда иқтисодий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. Буни қисман мана бу мисолдан ҳам кўрса бўлади: 1970 йилда республикадаги қўйчилик колхоз ва совхозларида сарфланган 106788 минг сўмлик ишлаб чиқариш чиқимлари ақалли 1% камайтирилганда ҳам қўшимча равишда 1070 минг сўм фойда олинган бўлур эди. Бинобарин, мавжуд нархларда таннарх қанчалик паст бўлса, фойда шунчалик кўпаяди. Аksi ҳам бўлиши мумкин, яъни маҳсулот таннархи кўтарилса, фойда камаяди. Демак, маҳсулот таннархи фойда даражасини муайян даражада ифодаловчи иқтисодий восита сифатида амал қиласи. Таннарх даражаси ва уни арzonлаштиришнинг аҳамиятини фақат фойдага нисбатан аниқлаш мумкин. Таннарх — фойда — рентабеллик бир-бири билан боғлиқ, бир-бирини тақозо қилувчи иқтисодий категорияидир. Шунинг учун мазкур кўрсаткичлар колхоз ва совхозларда биргаликда ўрганилиб, таҳлил этилади, хўжалик фаолиятига улар юзасидан иқтисодий баҳо берилади.

Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг деярли ҳамма томони маҳсулот таннархида ўз аксини топар экан, иқтисодий нуқтаи назардан мазкур синтетик кўрсаткични тўғри ҳисоблашнинг ақамияти муҳимдир.

Маълумки, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришда, айниқса хўжаликни бошқаришнинг иқтисодий методларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишида КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленуми қарорлари муҳим роль ўйнади. Сентябрь Пленуми қарорларида мамлакат қишлоқ хўжалигида, айниқса колхозларда ҳам маҳсулот таннархини ҳисоблаш зарурияти алоҳида таъкидланди.

1953—1954 йиллардан эътиборан маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартиби ва методикаси борасида иқтисадчилар ўртасида назарий ва амалий мунозаралар, амалий фикр алмашувлар бўлди ва шу заминда маҳсулот таннархини ҳисоблаш колхозларда ҳам йўлга қўйилди, совхозларда эса бирмунча такомиллаштирилди. Колхозлар йиллик ҳисоботида маҳсулот таннархи кўрсаткичларига 1958 йилдан эътиборан тўла маънода ўрин берилди. Орадан қарийб ўн йилдан зиёд муддат ўтган бўлса ҳам таннархни ҳисоблаб чиқишининг амалдаги усули ҳамон етарли даражада такомиллашмади. Гап шундаки, маҳсулотлар таннархига, соф фойдани ташкил этувчи айrim элементлар киритилмоқда. Масалан, социал страхование нобуд бўлган моллар қиймати ва айrim унумсиз сарфлар таннарх таркибига киритиляпти. Шунинг учун маҳсулотлар таннархи унинг бирлигини этиштиришга ҳақиқатда қилинган харажатлардан анча юқоридир. Бинобарин, таннархни тўғри аниқлаш учун уни соф фойданинг айrim элементларидан, яъни хўжалик социал страхование ташкилотларига ажратиладиган харажатлардан, нобудгарчиликдан кўрилган заарлардан холи этиш керак. Шунингдек, хўжалик йил давомида ҳар хил сабабларга кўра тўлаган штрафларни, пеня каби унумсиз харажатларни маҳсулот таннархи ҳисобнiga киритиш сунъий равишда уни ўз ҳақиқий даражасидан узоқлаштиради, қимматлаштиради. Айrim хўжаликларда, ҳатто камоматлар маҳсулотларнинг чириши ва бузилишидан келган заарларни ҳам маҳсулотлар таннархига сочиб юборилади. Буидай унумсиз харажатлар ташкилотларидан оиди.

парх ҳисобига әмас, балки айбдор шахслар ҳисобига киритилиб, қолланиши керак. Құйчилик совхозларида маңсулот таннархига киритилған ҳар хил унумсиз харажаттар, яғни құшымча чиқимлар 0,2—2,0% ни ташкил этади. Колхоз ва совхозларда мазкур унумсиз харажаттар алоқида ҳисобга олиниши ва уларни қисқартиш чоралари күрилиши керак.

Бундан ташқари құйчилик колхоз ва совхозларида йиллик чиқимларни турлари, группалари бүйіча ҳисобга олишда ва уларни фермада етиштирилған маңсулот тури бүйіча тақсимлашда ҳам анчагина камчилікlasses=bor. Маълумки құйчиликда йиллик чиқимларнинг асосий қисмини меңнат ҳақи, ем-хашак, асосий воситалар амортизацияси каби мұхым чиқимлар ташкил этади. Мазкур харажаттар хұжаликларнинг аналитик ҳисобида ҳам, молия иланица ҳам, йиллик ҳисоботида ҳам акс эттирилади. Шунинг учун уларни таҳлил этиш ишлари анча яхши ійлігде құйилған. Лекин құйларни суғориш, жунини қирқиши, сунъий қочириш құзиларни териге сүйиб, биринчи ишлов бериш сингари мұхым жараёнларни бажарыш билан боғлиқ чиқимлар хұжаликларда аналитик йүл билан ҳисобга олинади-ю, аммо йиллик ҳисоботда ўз аксини топмайды. Бу, мазкур чиқимларни таҳлил қилиб, уларни қисқартырып резервларини аниклашни анча қийипластиради. Ваҳоланки бу чиқимлар йиллик харажатда анчагина солмоққа эга. 1965 йилга қадар, масалан совхозларнинг йиллик ҳисоботида құйларни сунъий қочириш, суғориш чиқимлари алоқида берилиб, кейинчалик 1966 йилда асоссиз олиб ташланди. Ұша йилги маълумотта қараганда, республика (совхозлар) бүйіча құйларни сунъий қочириш чиқимлари 319 минг сүмни, суғориш чиқимлари 512 минг сүмни ташкил этади ёки буларнинг йиллик жами чиқимлари салмоғи мувофиқ равишида 0,7 ва 1,1% дан иборат бўлган. Лекин айрим хұжаликларда, чунончи, «Ўзбекистон», «Ғузор», «Нурота», «Октябрь 40» йиллиги, «Томди» ва бошқа хұжаликларда құйларни суғориш учун сарфланган харажаттар жами йиллик чиқимнинг 6—16% ини, сунъий қочириш сарфлари эса 2,5—4,3%¹ ини ташкил этди.

Жун қирқиши ҳам құйчиликта сермеңнат ишлардан ҳисобланади ва таннархнинг анчагина қисмини ташкил этади. Жун қирқиши билан боғлиқ харажаттар анали-

тик ҳисобга олинади-ю, лекин йиллик ҳисоботда акс этирилмайды. Натижада бу харажатлар таннархнинг қанча қисмини ташкил этгани жумбоқ бўлиб қолаверади.

Буларни ҳисобга олиб, ҳар бир хўжаликда қўйчилик маҳсулотларини етишириш билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоби тўғри йўлга қўйилиши ва бунинг учун йиллик ҳисоботда харажатлар қўйидаги группалар бўйича берилиши мақсадга мувофиқдир:

- асосий ва қўшимча иш ҳақи;
- социал страхованиега ажратмалар;
- ем-хашак;
- қўйларни сурориш;
- жун қирқиш;
- қўзиларни териси учун сўйиш ва терига ишлов бериш;
- асосий воситалар амортизацияси;
- асосий воситаларнинг жорий ремонти;
- қўйларни даволаш профилактикаси;
- қўйларни сунъий қочириш;
- маҳсус кийим, майдा инвентарь;
- бошқа бевосита харажатлар;
- умумий ишлаб чиқариш харажатлари;
- умумхўжалик харажатлари;
- жами ишлаб чиқариш чиқимлари;
- ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлар;
- чиқимлар ва сарфларнинг ҳаммаси.

Қўйчиликда сут етиширишнинг товар аҳамияти йўқ бўлса ҳам бу соҳага қилинган сарфларни алоҳида ҳисобга олиб, маҳсулот таннархини ҳисоблашда қўшимча етиширилган маҳсулот сифатида жами йиллик чиқимлардан чегириб ташланиши лозим.

Қўйчилик хўжаликларида харажатларни юқорида келтирилган турлари ва группалари бўйича ҳисобга олиш ва йиллик ҳисоботда акс эттириш маҳсулот таннархини иқтисодий жиҳатдан атрофлича ўрганиш, бу соҳадаги ички резервларни аниқлаб ишга солиш имконини беради.

Қўйчиликда ишлаб чиқариш чиқим ва сарфларини тўғри ҳисобга олиш билан бирга сарфлар миқдорини тўғри тақсимлашга эришиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун йиллик чиқимлар, аввало, ёшига қараб бўлинган қўй сурувлари бўйича группаланиши, сўнгра,

жар сурув миқёсида етиштирилган маҳсулот турларига тұғри тақсимланиши зарур. Совхозлар қоракүлчилигидә маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда йиллик харажатларни олдиндан айрим ёшдаги қўй сурувлари бўйича аниқлаб олиб, сўнг уларни мазкур ёшдаги сурувда етиштирилган маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш 1940 йилда қишлоқ хўжалик органлари томонидан тавсия этилган эди. Бунда асосий сурув бўйича ҳисобга олинган йиллик харажатнинг 46% и жуна, 52% и қоракўл терига ва ниҳоят 2% и сутга юбориларди. Шунингдек, онасидан ажратилган қўзилар сурувини парваришлаш чиқимларининг 25% и жун, 75% и қўшилган тирик возн ҳисобига киритилади. Ўтган йили туғилган қўзи ва боқувдаги қўйлар суруви бўйича ҳисобга олинган йиллик чиқимларнинг 37% и жун ва 63% и қўшилган вазн ўртасида тақсимланади.

Йиллик чиқимларни маҳсулот турлари ўртасида юқорида келтирилган коэффициентлар асосида тақсимлаш ва шу заминда жун, қўй гўшти ва қоракўл терига таннархини ҳисоблаш усули деярли такомиллашмади. Шунинг учун унинг ўрнига харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлашнинг янги коэффициенти жорий этилди. Қоракўлчилик маҳсулотларини бу усулда ҳисоблаш 1961 йилга қадар давом этди. Унинг мөҳият ва мазмуни қўйидагича: йиллик чиқимларнинг умумий суммасидан жун ва қўшимча етиштирилган маҳсулотларнинг харид баҳолар асосида ҳисобланган қиймати чегириб ташланади. Қолган чиқимлар суммасининг 70% и шу йили олинган қўзилар, 13% и қўзилар онасидан ажратилгандан кейин қўшилган вазн ва 17% ои ўтган йили туғилган қўзиларнинг қўшган вазни ҳисобига тақсимланади. Мазкур усулда қоракўлчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан, юқорида таъкидланганидек, қўшимча олинган маҳсулотлар қаторида жун таннархи ҳисобга олинмасди. Бу нотўгри, албатта. Чунки жун қоракўлчиликда асосий маҳсулотлар туркумига кираади. Шунинг учун ҳам унинг таннархи албатта ҳисоблашиши шарт. 1961 йилдан 1964 йилгача қўйчилик совхозларида маҳсулот таннархи иттифоқ миқёсида тавсия этилган гўшт коэффициентига асосан ҳисобланадиган бўлди. Бунда 1 ц. қўй гўшти бир коэффициент, 1 ц. жун 3 коэффициент ва 1 дона қоракўл терига 0,3 коэффициентга

тeng қилиб олинган. Олдингига нисбатан таннархни ҳисоблаш мазкур усулининг ижобий томони жуп таннархни ҳам ҳисоблашни тақозо этишида бўлса, камчиликлари шундан иборатки, бунда қоракўл тери таннархини сунъий равишда ошириб, жун ва айниқса, гўшт таннархини пасайтириш кўзда тутилган. Натижада қоракўл тери асосий маҳсулот сифатида ўзининг илгариги иқтисодий аҳамиятини йўқота бошлади. Хўжаликларда қоракўл тери етиширишни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун кураш, ҳатто бирмунча сусайди. Чунки хўжаликларнинг йиллик соф даромадида қоракўл тери салмоғи кескин пасайиб, жун, гўшт маҳсулотлариники анча ортди.

Шуни ҳисобга олиб, 1965 йилдан эътиборан қўйчилик хўжаликларида маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг янги тартиби жорий этилди. Бунда қўшимча маҳсулотлар қиймати чегириб ташлангандан кейин қолган йиллик чиқимлар суммасини жун, гўшт, тери маҳсулотларига уларнинг харид баҳолари асосида вужудга келган қиймат ҳажмига пропорционал равишда тақсимлаш тавсия этилади. Янги туғилган қўзи қоракўл тери нархида баҳоланади. Шунинг учун тери учун қолдирилган қўзининг ҳам таннархи teng бўлади.

Қўйчиликда йиллик чиқимларни маҳсулот турлари бўйича харид баҳоларига мувофиқ тақсимлашнинг қатор камчиликлари бор. Гап шундаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, гўшт, жун терининг давлат харид баҳолари муайян вақт ўтиши билан турмуш тақозоси туфайли ўзгариб туради. Сўнгги ўн йилда қўйчилик маҳсулотларининг давлат харид баҳолари 4 марта ўзгарди, кўпроқ нархи оширилди. Бундан ташқари муайян харид баҳолар заминида ҳам маҳсулот қиймати унинг сифатига қараб ўзгариши мумкин. Шундай экан, йиллик чиқимларни маҳсулот қийматига мувофиқ тақсимлаш заминида ҳисобланган маҳсулот таннархи даражасини бир неча йиллар динамикасида ўзаро таққослаш мумкин эмас. Чунки айрим маҳсулотнинг, чунончи, жуннинг харид баҳоси ва сифати ошишига мувофиқ (жуни етишириш учун сарфлападиган харажатлар илгариги ҳолича қолганда ҳам) унинг таннархи анча кўтарилади. Ёки аксипча, мазкур йилда жун сифати пасайиши натижасида умумий қийматининг ҳажми камайиши унинг таннархи арzonлашувига олиб келади. Худди шу-

нингдек, қоракўл тери сифати пасайиши натижасида (харжатлар ва харид баҳоси ўзгармаган ҳолда) таннархи арzonлашади.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан қўйчилик маҳсулотини ҳисоблашнинг бундай тартиби колхоз ва совхозлар рентабеллик даражасини ҳамма маҳсулотлар бўйича сунъий равишда тенглаштиради. Натижада таннархнинг иқтисодий аҳамияти ва рентабелликка актив таъсир этиш хусусияти маълум даражада пасаяди.

Бизнинг фикримизча, таннархни ҳисоблаш тартиби, чунончи, йиллик чиқимларнинг маҳсулот турлари бўйича тақсимланиши чиқимларнинг қисқариши заминида ҳар бир маҳсулот тури бўйича объектив равишда рентабеллик даражаси тобора кўтарилиши таъминланиши керак. Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш чиқимларини ва умуман хўжалик фаолиятини иқтисодий баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи экан, уни ҳисоблаш тартиби имконияти борича маҳсулот турлари, моллар подаси бўйича ҳисобга олинган меҳнат ва моддий пул харожатлари мажмуасига асосланishi керак. Қўйчиликда маҳсулот турлари бўйича ҳисобга олишнинг имконияти бўлмаган харажатларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлашда маҳсулот бирлигини етиштириш учун озиқ бирлиги сарфини мезон сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. 1940 йили қишлоқ хўжалик органдари томонидан қоракўлчилик маҳсулотлари таннархни ҳисоблаш бўйича тавсия этилган тартиб ана шунга асослангандир. Лекин у вақтда маҳсулот таннархидаги озиқнинг ҳиссаси катта эмас, деган мулоҳазаларга кўра, харажатларни озиқ нормасига мувофиқ маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш қўллаб-қувватланмади. Бу хотүғри эди. Чунки қўйчилик хўжаликларида ем-хашак сарфи йиллик бевосита чиқимларнинг 25—40% ини ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш зарурки, қўйчилик хўжаликларида ёшига қараб бўлинган қўй сурувлари бўйича ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобга олишни йўлга қўйиш билан бирга, харажатларни фермада етиштириладиган асосий маҳсулот турлари бўйича тақсимлашда ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланган таннарх даражасини аниқлашда сифатида озиқ сарфи нормасига асосий мезон сифатида таяниш зарур (33-жадвал).

Қоракұлчилик маҳсулоттарининг ҳар хил варианта ҳисобланган таннархи

(Ўзбекистон совхозларининг 1970 йил матъумотлари асосида)

Маҳсулот түри	I вариант	II вариант	III вариант	IV вариант
	1961 йилгача	1961—1964 йыллар	1965 й. ҳозирги	келгусида
Қоракұл тери, сүм	15,9	18,4	14,3	11,2
Жүн	—	184,5	230,7	379,5
Онасидан ажратылған құзилар-нинг тирик вазни	27,9	61,4	62,4	42,1
Қатта ёшдаги құйларнинг құшилған тирик вазни	76,3	58,9	64,2	42,6

Күриниб турибдики, таннарх ҳар хил варианта ҳисобланганда маҳсулоттар бирлигига түғри келадиган чиқимлар ҳажми ҳам шунга биноаи анчагина фарқ қиласы. Масалан, қоракұл тери таннархи 11,2 сүм (IV вариант) ва 18,4 сүм (II вариант). Бинобарин, маҳсулот таннархини ҳисоблаш методикасии түғри танлаш ва шу мақсад учун харажатларни тақсимлашда илмий асосланған коэффициентдан фойдаланиш тақоза этилади. Шундагина таннарх ўз иқтисодий ақамиятини ва рентабелликни ифодалашдаги таъсирини ошириб боради. Биз IV вариантда таннархни ҳисоблашда маҳсулот бирлиги учун озиқ сарфи нормасидан фойдаландык.

Қишлоқ хұжалигыда перспектив план тузиш спра-вочнигіда (қайта ишланған иккінчи нашри, Тошкент — 1966) қоракұлчиликда 1 кг құй гүшти етиштириш учун (совлиқ салмоғи 70% ни ташкил этадиган сурувда) 12 кг озиқ бирлиги, 1 ц жүн етиштириш учун (ўртача жүн қирықими 3 кг ни ташкил этгандан) 90 кг ва 1 дона қоракұл тери етиштириш учун эса 109 кг озиқ бирлиги сарфи нормалаштирилған. Фикримизча, бу озиқ сарфи нормалари анча юқори берилгандыр. Бутуниттифоқ қоракұлчилик илмий текшириш институти яқын вақтда харажатларни алоҳида-алоҳида сурувлар бўйича тақсимлашнинг табақалаштирилған нормасини ишлаб чиқиб, колхоз ва совхозларга тавсия этиши лозим.

Фақат қоракүлчиликда әмас, балки майин жунли, ярим майин жунли, дағал жунли ҳисор жайдары ва бошқа зот қўйлар урчитадиган хўжаликларда ҳам йиллик чиқимларни жун ва гўштга тақсимлашда озиқ сарфи нормасига таянган маъқул.

Маълумки, 1954 йилга қадар амал қилган Низомга биноан, қоракүлчиликдан ташқари бошқа зотларга мансуб қўйчиликда йиллик чиқимларнинг 57% и, жунга 43% и олинган қўзи ва қўшилган вазнiga тақсимланарди. 1954 йилдан кейин янги тақсимлаш коэффициенти, яъни жунга 51%, қўзи ва унинг вазнiga 49% жорий этилди. 1961 йилдан эътиборан 1 : 5 нисбатда, яъни 1 ц гўшт 1 коэффициент, 1 ц жун эса 5 коэффициентга тенг қилиб олинган нисбатда тақсимланди. 1965 йилдан эътиборан маҳсулотларнинг давлат харид баҳосида вужудга келган қийматининг ҳажмига мувофиқ тақсимланадиган бўлди. Умумий харажатларни тақсимлаш усули ўзгаришига мувофиқ айрим маҳсулотлар таниархи ҳам сунъий равишда ўзгаради. Бинобарин, Ўзбекистон чорвачилик институти маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган озиқ миқдорини қўй боқиладиган жой шароитига мослаб, илмий жиҳатдан аниқлаб бериши зарур.

Қўйчилик хўжаликларида гўштга сотилган қўйтирик вазнининг таниархини тўғри ҳисоблаш ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, қўзи асосий сурувга кўчирилганда унинг тирик вазни ва 1 ц вазнининг давлат харид баҳоси асосида баланс қиймати аниқланади. Қўзининг асосий сурувга кўчириш вақтидаги вазни ўрта ҳисобда 30 кг бўлса, ҳар кг вазнининг давлат харид баҳоси 0,8 сўм, бинобарин, қўзининг баланс қиймати 24 сўмни ташкил этади. Томди районидаги Ж. Балимопов номли қоракүлчилик колхози 1970 йили 11189 бош ёш қўзини асосий подага ўтказди. Уларнинг ҳаммасининг қиймати 276134 сўмни, ҳар бошники эса 24 сўмни ташкил этди. Колхоз шу йилги 8602 бош катта ёшдаги қўйни брак қилиб гўштга топширди. Бу қўйларнинг инвентар баҳодаги ялпи қиймати 249651 сўмни, ҳар бош қўйники эса 29 сўмни ташкил этди. Битта қўйни бир йил парваришилаш чиқимлари мазкур колхозда 1970 йили 20,5 сўмдан иборат бўлди. Совлиқ қўй ҳар йили биттадан брак қилиниб, гўштга топширилгунча эса камида 5 та қўзи беради, териси учун сўйилса (5×18)—90 сўм даромад келтиради. Бундан ташқари битта қўй йилига ўр-

та ҳисобда 3 кг, беш йилда эса 15 кг жун беради ёки яна (15×3) 45 сүм даромад беради. Бир бош қўй беш йилда ўрта ҳисобда 135 сүм (қўзилаган йили ҳисобга олинмади) даромад келтиради. Айни вақтда уни парваришлаш чиқимлари 5—6 йилда 100—120 сўмдац ортмайди. Бинобарин, 6—7 ёшда брак қилиниб, гўштга топширилган қўй қиммати хўжаликка текин фойда бўлиб қолиши керак. Лекин қоракўлчилик хўжаликлирида ҳар йили давлатга харид этиладиган қўй гўштининг ҳар 1 ц ининг баҳоси 50—60 сўмга тўғри келади. Бу иқтисодий нуқтаи назардан нотўғридир. Колхоз ва совхозларда асосий подадаги қўйлардан асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилишини ҳисобга олиб, амортизация чиқимларини ҳисоблаш тартибицини белгилаш ва уни амалда қўлланиш хўжалик ҳисоби системасини мустаҳкамлашда муҳим иқтисодий тадбир бўлур эди.

Ҳозирги даврда колхоз ва совхозларда қўйчилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш тартиби анча яхшиланган бўлсада, ҳамон талаблар даражасида эмас. Йиллик чиқимларни маҳсулот турлари бўйича тақсимлаб, таннархни аниқлаш тартиби илмий жиҳатдан деярли асосланмаган. Бинобарин, тегишли илмий муассасалар мазкур масала билан яқиндан шугулланишлари зарур.

ҚЎЙЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАННАРХ ДАРАЖАСИ ВА СТРУКТУРАСИ

Маҳсулот таннархининг пасайиши рентабелликни кўтаришда жуда муҳим иқтисодий аҳамиятга эга. Афсуски, республика колхоз ва совхозларида қўйчилик маҳсулотлари таннархи охирги беш йил давомида ўзгармади, аксинча айрим йилларда ҳатто ошиб кетди. Текширишлар шуни кўрсатадики, 1965—1970 йилларда колхоз ва совхозларда қўйчилик маҳсулотларининг таннархи ошиб кетишига асосан қўйларни боқиши учун ортиқча меҳнат сарфланганлиги ҳамда моддий пул харажатлари кўпайганлиги сабаб бўлди. Тўғри, баъзан харажатлар анча юқори бўлиши мумкин, лекин шунда ҳам ортиқча сарфланган харажат маҳсулот етишириши кўпайтириш ҳисобига ошиби билан қопланиши керак.

Сүнгги йилларда қўйлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида моддий пул ва меҳнат анча кўп сарфланди-ю, лекин кўзланган мақсадга эришилмади. Шу боисдан ҳам етиширилаётган қоракўл тери, жун ва гўштнинг таннархин қимматлашди. Демак, қўйлар маҳсулдорлигини ошириш маҳсулот таннархини камайтиришнинг катта резерви ҳисобланади. 1970 йилда 1966 йилга нисбатан қўй бошига сарфланган харажатлар колхозларда 51,5%, совхозларда эса 38,8% ошди-ю, қўйлар маҳсулдорлиги шунга мувофиқ ўсмади. Масалан, ҳар қўйдан жун қирқиб олиш 1970 йилда ҳам 1966 йил даражасида ўзгармасдан қолди ва колхозларда 2,4 кг, совхозларда 2,9—3,0 кг атрофида бўлди. Шунингдек, қўзи олиш ва гўшт етишириш ҳам кўзланган даражада кўпаймади. Оқибатда 1 ц жун таннархи 1970 йили 1966 йилга нисбатан колхозларда 18,7%, совхозларда эса 45,5% ошиб кетди.

Колхозларда ҳам, совхозларда ҳам қўйларни боқиш, шунингдек, қўйчилик фермалари ходимлари меҳнатига юқори баҳода ҳақ тўлаш учун қилинган қўшимча харажатларга қарамай, қоракўлчилик маҳсулотлари етиширишни кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш таъминланмади. Вазифа — ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, ҳар бош қўй ҳисобига оз маблағ сарфлаб, тобора кўп маҳсулот етиширишдан иборат. Бухоро обlastидаги «Қоммунизм» совхозининг чўпон бригадалари бўйича маҳсулдорлик ва таннархни ўрганиш шуни кўрсатдики, илфор бригадаларда бир дона қоракўл, 1 ц жун ва 1 ц тирик вазн етишириш учун қолоқ бригадаларга қараганда икки баравар кам маблағ сарфланади. Бунга асосан қўйлар маҳсулдорлигини ошириш ва моддий пул воситаларини тежаб-тергаб сарфлаш натижасида эришилмоқда. Лекин афсуски, аксарият колхоз ва совхозларда қўйларнинг маҳсулдорлиги кўнгилдагидек эмас. Бунинг устига моддий пул воситаларини сарфлашда ҳам тежамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Оқибатда бир қатор хўжаликларда қўйчилик маҳсулотларининг таннархи анча қимматга тушяпти (34-жадвал). Бу эса рентабеллик пасайишига сабаб бўлмоқда. 1 дона қоракўл тери таннархи чўл зонада жойлашган совхозларда 12,5 сўмдан 18,5 сўмга, ярим чўл зонасидаги совхозларда 11,2 сўмдан 16,7 сўмга ва тоғолди зонасидаги совхозларда 11,1 сўмдан 16,5 сўмга қадар фарқ қиласди. Шунга мувофиқ қоракўл терини

**Республика совхозларининг бир дона қоракўл тери таннархига
қараб зоналар бўйича группаланиши (1970 йил)**

Группа	Группадаги совхозлар сони	Группада бир дона қоракўл терининг					Бир дона қора- кўлга сарфланган кини кутия	IGO та складидан олинган кўзи	Бир бом кўнни йиллик асрарчи- кимлары
		таннарх	харид бў- хоси	фарқи	фойдалан- лик даро- жаси, %				
<i>I зона</i>									
II	3	12,5	16,5	4,0	32,0	1,1	124	15,3	
III	5	14,9	18,5	3,6	24,1	1,2	131	19,2	
IV	4	16,4	17,6	1,2	6,6	1,5	125	23,4	
V	4	18,5	18,7	0,2	1,1	1,6	140	26,3	
зона бўйича	16	15,6	17,7	2,1	13,4	1,4	132	21,2	
<i>II зона</i>									
I	4	11,2	17,3	6,1	54,4	1,0	133	19,7	
II	5	13,0	17,2	4,2	32,3	1,3	126	21,4	
III	6	15,2	18,2	3,2	21,0	1,4	128	23,5	
IV	2	16,7	18,6	1,9	11,3	1,6	135	25,6	
зона бўйича	17	13,8	18,0	4,2	30,4	1,3	131	22,2	
<i>III зона</i>									
I	4	11,0	17,2	6,2	54,9	1,2	123	16,6	
II	8	12,5	17,9	5,4	43,2	1,3	120	18,7	
III	6	14,6	17,1	2,5	17,1	1,5	110	19,0	
IV	4	16,5	17,6	1,1	6,6	1,5	121	22,1	
зона бўйича	22	13,3	17,5	4,2	31,5	1,4	119	18,8	

давлатга сотишдан келадиган соф даромад ҳажми ҳам турличадир. Масалан, I зонада бир дона қоракўл тери-нинг сотишдан олинган соф даромад II ва III группа совхозларида 3,6—4 сўмни ташкил этган ҳолда, V группа совхозларида мазкур кўрсаткич 0,2 сўмдан иборат бўлган, холос. Шунингдек II зонада совхозлар группаси бўйича I та қоракўл терини сотишдан олинган соф даромад 1,9—6,1 сўм, III зонада 1,1—6,2 сўм миёсида та-бақаланиши — асосан таннарх даражасига боғлиқдир.

Бундан ташқари фермаларда меҳнат унумдорлнги билан маҳсулдорликнинг соф даромад ҳажмига ва тан-нарх даражасига таъсири анчадир. Жадвалдан кўриниб

турибдикى, ҳар учала зонанинг I ва II группа совхозларида IV ва V группа совхозларига нисбатан ҳар 1 дона қоракүл учун 20—30% кам меңнат сарфланган. Бу мазкур хўжаликларда қоракүл тери таннархи 30—40% пасайишига ижобий таъсир этган. Шунингдек, ҳар 100 совлиқдан кўп қўзи олишга эришган совхозларда ҳам қоракүл таннархи бирмунча арzonга тушган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳар учала зонада жойлашган совхозларда маҳсулот таннархини арzonлаштириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш борасида имкониятлар мавжуд. Чунончи, I зонада 1 бош қўйни асрash, парваришлаш сарфи ўрта ҳисобда 21,2 сўмни ташкил этган, шу зонага қарашли I груплага киритилган совхозларда мазкур кўрсаткич 26,3 сўмдан иборат бўлиб, ўртacha зонадагига қараганда 24%, I группа совхозларидагига нисбатан 72% юқори бўлган. Бир бош қўйни асрash сарфлари турлича бўлиши II ва III зона совхозларига ҳам характерлидир.

Эндиликда қўйчилик колхоз ва совхозлари иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди, замонавий техника ва малакали кадрлар билан тобора кўп таъминланяпти. Демак, хўжаликка тўғри раҳбарлик қилиб, фан ютуқлари ва илгор тажрибалардан оқилона фойдаланилган тақдирдагина маҳсулот етиштириши кўпайтириш ва таннархини арzonлаштириш мумкин. Бунга I зонадан «Коммунизм», «Конимех», II зонадан «Ғазғон», «Қизилқўм» ва III зонадан «Улус», «Мингбулоқ» совхозларининг иш тажрибаси яққол мисол бўла олади. Бу хўжаликларда 1 дона қоракүл етиштириш учун 10—11 сўм сарфланиб, давлатга 18—19 сўмдан сотилади. Натижада соф фойда 8 сўмни ташкил этмоқда. Чунки мазкур хўжаликларда бир тери учун 0,6—0,8 киши куни сарфланади, холос. Айни вақтда ҳар 100 бош совлиқдан 130—150 тадан қўзи олишга муваффақ бўлиняпти.

Сўнгги йилларда маҳсулот таннархини чуқур анализ қилиш натижалари ва маҳсулот таннархининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлган факторлар қўйчиликда ишлаб чиқариш сарфлари ва уларнинг динамикасини синчиклаб кўриб чиқишини тақозо этаётир. Қўйчиликда ҳам маҳсулот таннархи ишлаб чиқаришга ва меңнат ҳақи учун сарфланадиган асосий ҳамда оборот маблағларидан ташкил топади. Ўтган беш йилда қўйчилик хўжаликларида меңнатга ҳақ тўлаш ва моддий пул ха-

ражатларининг нисбатида катта ўзгаришлар рўй берди (35-жадвал).

35 - жадвал

Республика колхоз ва совхозлари қўйчилигига меҳнатга тўланган ҳақ ва моддий пул харажатлари нисбати

Кўрсаткичлар	Хўжалик-лар	Қоракўлчиликда		Думбали қўйчиликда	
		1966 й.	1970 й.	1966 й.	1970 й.
Харажатларнинг ҳаммаси, минг сўм . . .	колхозлар	24 210	28 154	17 436	21 434
	совхозлар	43 471	50 105	6 868	7 095
Шундан меҳнат ҳақи, % . . .	колхозлар	49,2	47,4	46,1	44,9
	совхозлар	47,3	44,3	43,8	38,7
Моддий пул харажатлари, %	колхозлар	50,8	52,6	53,9	55,1
	совхозлар	52,7	55,7	56,2	61,3

Жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, колхозларда 1970 йили қўйчилик маҳсулотлари етиширишга қилинган жонли меҳнат сарфлари 1966 йилга нисбатан қоракўлчилик фермаларида 1,8%, думбали қўйчиликда 1,2% камайди, моддий пул харажатларининг салмоғи эса шунга мувофиқ ортди. Республика совхозларида маҳсулот етишириш учун сарфланган жонли меҳнат харажатлари шу муддатда қоракўлчилик бўйича 3%, думбали қўйчиликда 5,1% камайиб, моддий пул воситалари сарфи шунга мувофиқ даражада ошди. Бу соҳада колхозларга нисбатан совхозларнинг устунлиги совхоз фермаларида колхоз фермаларидағига нисбатан меҳнат унумдорлиги анча юқори эканлигидан, механизация, фан ютуқлари, илгор тажрибалардан кенгроқ фойдаланилаётганлигидан далолат беради.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, колхоз қўйчилик фермаларида ҳам, қўйчилик совхозларида ҳам ишлаб чиқариш харажатларида меҳнатга тўланадиган ҳақнинг салмоғи ҳали анча катта. Чунки фермаларда анчагина ишлар қўлда бажарилади. Шунинг учун, аввало техникадан унумли фойдаланиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш йўли билан меҳнат унумдорлиги янада ошириш талаб қилинади. Қўйчилик фермаларида ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш зарурияти маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тан-

нархини арzonлаштириш вазифаларидан келиб чиқади. Сўнгги йилларда қўйчиликда меҳнат унумдорлигининг ўртача ўсиш даражаси меҳнат ҳақининг ўсиш даражасига нисбатан орқада қолиши қўйларни боқиш учун сарфланган жами харажатлар миқдори кўпайиши ва маҳсулот таннахи қимматлашиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, 1958 йили колхозлар қўйчилигидага 1 киши кунининг ўртача қиймати 1,8 сўм бўлган эди, 1966 йилда бу кўрсаткич 3,2 сўмга, 1970 йилда 4,1 сўмга тўғри келди. Ҳар бир қўй учун сарфланган жами меҳнат сарфининг ялпи суммаси 1958 йилда 4,6, 1966 йилда 7,5 ва 1970 йилда 9,4 сўмга тўғри келди. Совхозларда эса меҳнатнинг ўртача қиймати шунга мувофиқ равишда 2,1, 3,8 ва 4,5 сўмга, меҳнат сарфининг ялпи миқдори эса 3,4,6,9 ва 9,3 сўмга тўғри келди.

Кўриниб турибдики, колхоз ва совхозларда бир киши кунининг қиймати 1958—1970 йилларда 2 баравардан зиёд ошди. Бу эса пировардида меҳнатга тўғанадиган ҳақнинг ялпи суммаси ҳар бир қўйга ҳисоблагандага 2—2,5 баравар кўпайиб кетишига сабаб бўлди.

Буларнинг ҳаммаси қўйчиликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига меҳнат харажатларини, бинобарин, маҳсулот таннахини анча камайтиришни тақозо этади.

Колхоз ва совхозларда моддий пул харажатлари составида қўйларнинг озиғи учун сарфланган харажатлар асосий ўринни эгаллади. Қоракўлчилик хўжаликлиарида ем-ҳашак қиймати меҳнат ҳақидан кейинги ўринда туради. Үнинг салмоғи 1970 йили колхозларда ялпи харажатларнинг 26% ини, совхозларда 19%, моддий пул харажатлари структурасида эса шунга мувофиқ равишда 49,8% ва 33,8% ини ташкил этди. Шу билан бирга моддий пул харажатлари составида ем-ҳашак сарфларининг салмоғи колхозларда 1970 йили 1966 йилга нисбатан 10,9% ошди. Совхозларда эса, аксинча 0,8% пасайди. Думбали қўйчиликда ем-ҳашак харажатлари салмоғи яна ҳам юқоридир. 1970 йили моддий-пул харажатларининг колхозларда 48,3% ини, совхозларда 40,3% ини ем-ҳашак ташкил этди.

Харажатлар структурасида бошқа бевосита сарфлар ҳам, жумладан, асосий воситалар амортизацияси, жорий ремонти, маҳсус коржомалар, майда инвентарлар, ёрдамчи тармоқларга хизмат қилиш учун сарфлан-

ган харажатлар катта салмоқقا эга. Моддий пул харажатлари составида бу сарфларнинг салмоғи 1970 йилда колхозлар қоракўлчилигига 32,1%, думбали қўйчиликда 33,4%, совхозлар қоракўлчилигига 42,1 думбали қўйчиликда 33,8% ни ташкил этди. Шунингдек, моддий пул харажатларининг колхозларда 18% ини, совхозларда 24—26% ини умумишилаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари ташкил этади.

МОДДИЙ-ПУЛ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Маҳсулот таннархини арzonлаштириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишда моддий-пул харажатларини муттасил равишда камайтириб бориш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Буни қўидаги мисолдан ҳам қўриш мумкин. 1970 йилда олинган маълумотларга кўра моддий-пул харажатлари республикадаги колхозлар қўйчилигига 26601 минг, совхозларда 32250 минг сўмни ташкил этди. Агар ана шу сумманинг ақалли 1 процен-

36 - жадвал

Колхозлар қоракўлчилигига 1 бош қўй ҳисобига сарфланган моддий-пул харажатлари (сўм)

Харажатлар	Йиллар	Областлар						Республика бўйича ўтга ҳисобда
		Самарқанд	Бухоро	Кашка-даёв	Сурхон-дарё	Хоразм	КҶАССР	
Ем-хашак қиймати	1958	1,4	1,8	1,4	1,2	2,2	1,6	1,6
	1965	2,6	3,5	1,5	2,4	3,3	1,7	2,9
	1966	3,4	3,5	2,7	2,5	3,3	1,5	3,0
	1970	4,6	4,6	3,2	3,2	3,1	2,5	4,1
Бошқа бевосита харажатлар .	1958	1,1	1,2	1,0	1,0	1,2	0,7	1,1
	1965	2,6	1,9	2,4	2,4	2,1	2,5	2,2
	1966	3,0	3,0	2,4	2,7	2,7	2,6	2,8
	1970	4,2	4,0	3,5	3,1	2,9	2,7	3,7
Умумишилаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари	1958	1,1	0,7	0,8	0,9	1,3	0,7	0,9
	1965	0,5	1,0	0,4	0,5	0,3	0,4	0,7
	1966	1,8	1,9	1,9	2,0	1,6	1,5	1,9
	1970	2,0	3,0	1,6	2,6	1,7	1,5	2,4
Жами харажатлар	1958	3,6	3,7	3,2	3,1	4,7	3,0	3,6
	1965	6,4	6,4	4,3	5,3	5,7	4,6	5,8
	1966	8,2	8,2	7,0	7,2	7,6	5,6	7,7
	1970	10,8	11,6	8,3	8,9	7,7	6,7	10,2

**Совхозлар қоракүлчилігінде 1 бөш қүй ҳисобига сарфланған моддий-
пул харажатлари (сүм)**

Харажатлар	Йылдар	Областлар						
		Сирдаре	Самарқанд	Бухоро	Кашкадарье	Сурхондаре	ҚҚАССР	Республика бұйнанда хисобда
Ем-хашак қиймати	1958	—	0,8	1,0	1,1	0,4	0,3	0,9
	1965	2,4	2,7	3,6	2,3	1,2	1,3	2,6
	1966	1,6	2,3	3,7	2,8	2,8	2,0	2,7
	1970	2,6	3,8	4,4	4,5	4,8	3,2	4,0
Жорий ремонт ва амортиза- ция	1958	—	0,3	0,3	0,3	0,2	0,1	0,3
	1965	0,9	0,8	0,7	0,8	0,4	0,4	0,7
	1966	1,1	0,8	1,2	0,7	0,7	0,7	0,9
	1970	2,1	1,6	1,9	1,4	1,9	1,6	1,7
Бошқа бевосита харажатлар .	1958	—	0,7	0,8	0,6	0,5	0,2	0,6
	1965	1,4	1,4	2,9	1,9	1,4	1,0	1,8
	1966	2,4	1,8	2,7	1,8	0,7	1,3	2,0
	1970	3,6	2,2	4,3	3,2	1,9	2,9	3,2
Үмуминшлаб чи- қариш ва умум- хұжалик хара- жатлари . .	1958	—	1,1	1,4	1,2	0,6	0,4	1,1
	1965	2,3	1,8	2,1	1,9	0,4	0,8	1,9
	1966	2,5	1,9	2,3	1,9	1,5	1,6	2,1
	1970	3,9	2,4	3,2	2,3	2,7	2,5	2,8
Жами харажат- лар	1958	—	2,9	3,5	3,2	1,7	1,0	2,9
	1965	7,0	6,7	9,3	6,9	3,4	3,5	7,0
	1966	7,6	6,8	9,9	7,2	5,7	5,6	7,7
	1970	12,2	10,0	13,8	11,4	11,3	10,2	11,7

ти тежалганда ҳам колхоз ва совхозлар 588 минг сүм фойда күрган бўлур эди. Лекин, аксинча охириги йилларда моддий-пул харажатлари ўрта йиллик бир бөш қўйга ҳисоблаганда анча ошди (36 ва 37-жадваллар).

Энди республика колхоз ва совхозларида моддий-пул харажатларини камайтириш учун қандай резервлар борлиги ва улардан фойдаланиш йўлларини кўриб чиқайлик.

Жадваллардан кўриниб турибидики, моддий-пул харажатларининг анчагина қисмини ем-хашак сарфи ташкил этади. Демак, маҳсулот таннархини камайтириш учун аввал ем-хашакдан рационал фойдаланиш, уни етишитириш ва тайёрлашни мумкин қадар арzonлаштириш керак.

Маълумки қўйларнинг озиқ рациони асосан яйловдаги ўтлардан иборат. Масалан, 1970 йили яйловлардаги ўтлар совхозларда қўйларнинг йиллик озиқ рационида 65% ни, ем эса 15% ни ташкил этди. Колхозларда ҳам аҳвол дсярли шундай бўлди. Модомики шундай экан, колхоз ва совхозларда ем-хашак учун сарфланадиган харажатлар асосан хўжаликнинг ўзида етишириладиган, шунингдек, четдан сотиб олинадиган озиқ таннархига боғлиқ. Бинобарин, қўйларни яйловларда, шунингдек ем бериб боқиши тўғри ташкил этиш, кўплаб арzon ва сифатли ем-хашак тайёрлаш, уни тежаб-тергаб сарфлаш қўйчиликда ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, колхоз ва совхозларда озиқ рационининг структураси зоотехника нуқтаи назаридан, айниқса, иқтисодий жиҳатдан талабга тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Чунки қўйчилик хўжаликларида одатда ем керагидан ортиқча сарфланиди-ю, лекин қўйларга хашак, айниқса, янги ўрилган ширали кўк ўт етарли миқдорда берилмайди. Ҳатто йиллик рационга ширали кўк ўт мутлақо киритилмайди. Масалан, норма бўйича битта қўйга йилига 150 кг ёки 70 озиқ бирлигига тенг келадиган миқдорда хашак берилиши керак. 1970 йида бу кўрсаткич колхозларда 110 кг, совхозларда эса атиги 82 кг ни ташкил этди. Натижада четдан кўплаб озиқ сотиб олишга тўғри келди. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархи қимматлашиши ва ем-хашак структурасида емга сарфланган харажатларнинг ортиб кетишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда республикадаги деярли барча қўйчилик хўжаликларида ем асосан четдан сотиб олинаётир. Бу ҳам маҳсулот таннархи қимматлашиб кетишига сабаб бўлаётир. Масалан, республика колхозларида четдан ем сотиб олишга сарфланган маблағ жами ем-хашак харажатларининг 65% ини ташкил этади. Бухоро обласси хўжаликларида эса бу кўрсаткич 70—80% га боради.

Колхоз ва совхозлар топширган қўйчилик маҳсулотлари эвазига давлатдан асосан кунжара, дон, аралаш ем, кепак ва ҳоказолар олади. Емнинг баҳоси унчалик қиммат эмас. Лекин шунга қарамай сотиб олинадиган озиқлар колхоз ва совхозларга жуда қимматга тушади. Чунки аксарият хўжаликлар темир йўл станциясидан 200—300 км узоқда жойлашган бўлиб, сотиб олинган

емни ташиб келтириш учун анча-мунча маблағ сарфлашга тўғри келади.

Бундан ташқари, колхоз ва совхозларда дон экинлари экишга яроқли лалми ерлар жуда кам. Бинобарин, хўжаликларнинг ўзида кўплаб өм етишириш имконияти йўқ. Бу ҳол доирилган қудуқларидан чиқсан сув билан суғориладиган участкалардан ниҳоятда унумли фойдаланишини тақозо этади.

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа областларда кенг лалмикор ер майдонлари бўлганинг ўзларида етиширилган озиқбоп дон ҳисобига қўйларни четдан өм сотиб олмасдан бемалол боқиш учун барча имкониятларга эга. Афсуски, бу областлар колхоз ва совхозларидан дон етиширишни кўпайтиришга етарли даражада эътибор берилмаётир. Дон экинлари ҳосилн баъзан ўз чиқимларини ҳам қопламаётир. Масалан, Сурхондарё обlastи совхозлари давлатга арпа сотишдан 1970 йили 8 минг сўм, колхозлари 17 минг сўм заарар кўрдилар. Чунки, арпа ҳосилдорлиги жуда паст. Республика колхозларидан мазкур өмбоп доннинг ўртача ҳосилдорлиги 6—8 ц ни ташкил этган ҳолда айрим областларда 4—5 ц бўлиб, харажатларни қопламаяпти. Шундай экан арпадан мўл ҳосил олиш чораларини кўриш керак. Айни вақтда озиқбоп сули, маккажӯхори ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кўтариш ҳам мўл маҳсулот олишни, таннархни пасайтиришни таъминлайди. Чунки кўпгина хўжаликларда мазкур экинлар кам экилади, бунинг устига улардан паст ҳосил олинади.

Кўйлар ёз ва кузда яйловларда яхши боқилиб, қишишача обдон семиртирилса, емга талаб анча қамаяди, семиз қўй қишиш қаттиқ келганда ҳам совуққа бирмунча яхши бардош беради. Башарти қўйлар ориқ бўлса, уларни муваффақиятли қишлиши учун парваришини кучайтириш, одатдагидан кўпроқ өм бериш талаб қилинади. Жуда ориқ қўйларнинг маҳсулдорлиги жуда паст бўлади, айрим ҳолларда улар ориқлик оқибатида ҳатто бола ташлаши ҳам мумкип. Буларнинг ҳаммаси хўжаликка катта зиён етказади.

Озиқ запасидан унумли фойдаланиш учун ем-хашакни яхши сақлаш, тежаб-тергаб сарфлаш талаб қилинади. Одатда дагал хашак қўйларга фақат майдалаб берилиши керак, ана шундагина нишхурд кам чиқади.

Акс ҳолда унинг қарийб ярми чиқитга чиқади. Бунинг устига у унчалик тўйимли ҳам бўлмайди.

Тажриба шуни кўрсатадики, ДҚУ машинасида қирқилган хашакка 40—50% ем аралаштирилиб берилса, рационнинг тўйимлилик қиймати кескин ошади, бундай аралашма озиқдан деярли нишхурд чиқмайди. Натижада ем бирмунча тежалиб, озиқ ҳаражатлари ўрта ҳисобда 40—50% камаяди. Бунда 1 қўйга бир марта бериладиган озиқ миқдори 0,5—0,6 кг дан ошмаслиги керак. Қўйларни кунига неча марта озиқлантириш эса уларнинг ориқ-семизлигига ва яйловларнинг озиқ запасига боғлиқ.

Ем-хашак сарфларини камайтиришда дағал хашак таннархини арzonлаштиришнинг ҳам аҳамияти катта. Маълумки, қўйчилик колхоз ва совхозларида хашакни ўриб ва йифиб олиш учунгина маблағ сарфланади. Бироқ, шунга қарамасдан хўжаликларда 1 ц хашакнинг таннархи анча қимматга тушмоқда. Масалан, 1966 йили республика совхозларида 1 ц пичан тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 1,83 сўм, 1970 йили 2,28 сўм, жумладан Қашқадарё области совхозларида 2,51 сўм сарфланди. Айрим совхозларда эса бу кўрсаткич ҳатто 3 сўмни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, яйловларнинг пичан ҳосилдорлиги жуда паст. Масалан, Бухоро областида яйловларнинг ҳар гектаридан атиги 1,5—2 ц пичан ўриб олинади. Шунинг учун унинг таннархи қимматга тушяпти.

Қўйчилик хўжаликларида хашак таннархи юқори бўлишига асосий сабаблардан яна бири пичан ўришда механизациядан кенг фойдаланилмаётганлигидир. Пичан қўлда ўрилганда меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлади-ю, аммо сарф-ҳаражатлар ортиб кетади.

Қўйчилик колхоз ва совхозларида қўйларни боқиши учун сарфланган озиқ бирлиги ҳисобига сарфланган ҳаражатлар ортифи билан қопланадиган даражада кўплаб маҳсулот етиштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Лекин шунга қарамай, аксарият хўжаликларда бу соҳада кўнгилдағидек натижаларга эришилмаёттир. Масалан, Бухоро областидаги «Конимех» ва «Оёққудуқ» совхозларида қўй боқиши шароити деярли фарқ қилмаслигига қарамай, биринчи хўжаликда 1 қўйни боқиши учун, иккинчи хўжаликдагига қараганда 0,6 сўмлик кам озиқ сарфланди, бунинг устига қўйлар маҳсулдорлиги ҳам анча

юқори бўлди. 1970 йили «Конимех» совхозида ҳар 100 совлиқдап 152 қўзи, «Оёққудуқ» совхозида эса 139 қўзи олинди. Биринчи хўжаликда ҳар қайси қўйдан 4,5 кг жун қирқиб олинниб, битта қўй ҳисобига 12 кг гўшт етиширилган бўлса, иккинчи хўжаликда бу кўрсаткичлар 3,3 ва 8,2 килограммни ташкил этди.

Натижада «Конимех» совхозида ҳар қайси қўйга сарфланган 1 сўмлик озиқ ҳисобига 6,8 сўмлик, яъни «Оёққудуқ» совхозидагига нисбатан 2,1 сўмлик ортиқ ялпи маҳсулот етиширилди.

Қишига жамгариб қўйилган хашакни яхши сақлаш ҳам қўй боқишини арzonлаштиришда ижобий роль ўйнайди.

Масалан, ўрилган пичанни маҳсус бостирмаларда ёки усти енгил-елпи ёпилган очиқ жойларда сақлаш мумкин. Омбор ва қўшарларда сақланган 1 ц пичан усти енгил-елпи, масалан, брезент билан ёпилган пичанга қарагандা 10—12 тийин қимматга тушади.

Қўйчиликда трактор, автомашина, от-улов, электр станция, устахона, молларни даволаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун ҳам анча маблағ сарфланади. 1970 йили республика колхозларида шу хилдаги харажатлар 10980 минг сўмга, совхозларда эса 13199 минг сўмга етди, яъни қўйчиликдаги жами моддий-пул харажатларининг 41,2 ва 40,9%ини ташкил этди. Бунда автотранспорт харажатлари бевосита харажатлар структурасида колхозлар бўйича 24%, совхозлар бўйича 26% га боради. Бу харажатларнинг асосий қисми ёнилги, мойлаш материаллари, жорий ремонт, машина ва гаражнинг амортизацияси учун сарфланган. Қўйчилик хўжаликларида машиналар учун эҳтиёт қисмлар етишмаётганлиги, техника сифатсиз ремонт қилинаётганлиги, ёўл ёмонлиги учун ҳам техника қувватидан атиги 50—60% фойдаланилмоқда.

Қўйчиликда зооветеринария хизмати учун анчагина маблағ сарфланади. Бу харажатларнинг миқдори касалликка қарши курашда ишлатиладиган ва хўжаликда касалланган қўйларни даволаш учун сотиб олинадиган дори-дармонларнинг миқдори ҳамда нархига қараб белгиланади. Масалан, 1960 йилда қоракўлчилик колхозларида ҳар 1 қўй учун шу мақсадга 0,08 сўм, 1965 йилда эса 0,13 сўм, 1970 йилда 0,17 сўм, совхозларда шунга мувофиқ равишда 0,09, 0,14 ва 0,21 сўм сарфланди.

Бу колхоз ва совхозларда қўйларни касалликлардан сақлаш яхши йўлга қўйилмаганлигидан, шунингдек доридармонлардан етарли даражада тежаб-тергаб фойдаланилмаётганлигидан, шунинг учун охирги йилларда мазкур харажатлар ошиб бораётганидан далолат беради. Лекин бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритаётган илғор хўжаликлар ҳам бор. Масалан, 1960—1965 йилларда «Коммунизм» совхозида зооветиринария тадбирлари яхши ташкил этилганлиги туфайли шу мақсадда ҳар бир қўй ҳисобига 0,01—0,02 сўм, 1970 йили 0,6 сўм сарфланди.

Қўйчилик маҳсулотлари таннархини арzonлаштиришда билвосита харажатларни қисқартириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин афсуски, сўнгти йилларда республика қўйчилик хўжаликларида билвосита харажатлар ошиб бормоқда. Масалан, колхоз қоракўлчилигига 1970 йили 1966 йилга нисбатан билвосита харажатлар 2173 минг сўм, совхозларда 586 минг сўм ортиқча сарфланди. Лекин уларнинг салмоғи процент ҳисобида бирмунча камайган. Бунинг боиси колхоз ва совхозларда қўйларни асраш харажатларининг бевосита қисми кескин ошиб кетганлиги билан изоҳланади.

Иқтисодий анализ ишлари шуни кўрсатдики, билвосита харажатлар умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик сарфларидан иборат бўлиб, уларнинг қарийб ярмидан кўпроғини умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик доирасидаги ходимларнинг меҳнат ҳақи ташкил этади. Масалан, республика колхозларида жами билвосита харажатларнинг қарийб 62%, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областлари колхозларида эса 76—78% меҳнат ҳақидан иборат. Шу муносабат билан қўйчилик колхозларида раҳбар ходимларга ҳақ тўлаш ишларини ҳамда штат масалаларини тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Қўйчилик совхозларида ҳам билвосита харажатлар структураси колхозларнидан деярли фарқ қилмайди. Бинобарин, уларни қисқартириш манбалари бир хилдир: колхозларда ҳам, совхозларда ҳам умумишлаб чиқариш сарфлари асосан фермадаги ходимлар штатини қисқартиш йўли билан камайтирилади. Шунингдек, умумишлаб чиқариш тоифасидаги воситалардан тежаб фойдаланиш ҳам мазкур сарфлар қисқаришига олиб келади.

Энди умумхўжалик сарфларига келсак, қоракўлчиликка ихтисослашган Томди район колхозлари шу мақсад учун 1970 йили 961 минг сўм сарфлаган, шундан 747 минг сўми (77,7%) маъмурий бошқарма харажатлари ва 214 минг сўми (22,3%) хўжалик харажатларидан иборат бўлган. Маъмурий бошқарма харажатлари таркибида меҳнат ҳақи 24,4% ни, хўжалик харажатлари таркибида эса меҳнат ҳақи 54,2% ин ташкил этди. Бинобарин, бу ёрда ҳам штат масаласи муҳим роль ўйнайди, имконияти борича бу соҳада ортиқча сарфларга йўл қўйиш мумкин эмас. Шунингдек, хизмат командировкалари, концелярия, босмахона, почта, телеграф ва телефон харажатларини камайтириш ҳам билвосита сарфларни қисқартириш манбай ҳисобланади. Хўжалик томонидан Давлат банкидан олинган қарзларнинг ўз вақтида узилиши ҳам билвосита харажатларни камайтиришда катта роль ўйнайди. Чунки, кўпчилик хўжалнклар бу масалага соvuққонлик билан қараб, қарзни тўлаш муддатини анча кечиктириб юборадилар ва бунинг учун олинган суммага қараб процентдан ташқари пения тўлашга мажбур бўладилар. Масалан, Томди райони колхозлари 1970 йили ҳаммаси бўлиб 28 минг сўм пения ва штрафлар тўлади.

Бундан ташқари, колхоз ва совхозларда қўзиларни терига сўйиш, жун қирқиши, териларни ёйиб қуригиш учун маҳсус бинолар қуриш керак. Чунки бошқа биноларни бу ишларга мослаш учун йил сайнин кўплаб маблаг сарфланади. Бу ҳам пировардида билвосита харажатлар кўпайиб кетишига олиб келади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, хўжаликларда ишлаб чиқариш пухта ташкил этилиб, мавжуд маблағ ва резервлардан унумли фойдаланилса, қўйчилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва арzonлаштиришда тобора самарали натижаларга, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга эришиш мумкин.

Колхоз ва совхозларда қанчалик мўл ва арzon гўшт, жун, қоракўл тери етиштирилар экан, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси шунча юқори бўлиб, соф даромад миқдори ошиб боради. Лекин колхоз ва совхозларда қўйчилик маҳсулотлари етиштириш харажатлари кейинги йилларда ошиб кетиши муносабати билан мазкур соҳанинг иқтисодий самарадорлиги анча пасайишига йўл қўйилди. Масалан, колхозларда қўйчиликнинг умумий рентабеллиги 1965—1966 йилларда 15,3—16,5% ни

ташкил этса, 1969 йили 2,8 %, 1970 йили эса 11,2% дан иборат бўлди.

Республика совхозларида ҳам аҳвол бундан яхши бўлмади—1969 йили қўйчиликнинг ялпи рентабеллиги совхозларда 1965 йилга нисбатан 29,7%, 1970 йили эса 5,6% паст бўлди. Таъкидлаб ўтиш зарурки, совхозларда 1965—1970 йилларда қўйчилик рентабеллиги колхозлардагига қараганда ўрта ҳисобда икки баравар юқори бўлди. Бинобарин, колхозлар мазкур кўрсаткични яхшилаш борасида ҳали катта имкониятларга эга. Совхозларда ҳам мана шундай имкониятлардан тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Колхозларда, айниқса, қоракўл тери етиширишнинг рентабеллиги паст бўлса, совхозларда гўшт сотишдан нисбатан кам даромад олиняпти. Масалан, 1965—1970 йиллари совхозларда қўйчиликдан ўрта ҳисобда олинган 73942 минг сўм соф даромаднинг 26,1% и қўй гўшти сотишдан, 38,8% и жун ва 35,1% и қоракўл тери харид этишдан олинган. Колхозларда қўйчиликдан ўтган олти йил мобайнида жами 25383 минг сўм соф даромад олинди. Шундан 43,38% қўй гўшти, 39,2% жун ва 17% қоракўл тери ҳиссасига тўғри келди (38-жадвал).

Колхоз ва совхозларда қўйчилик рентабеллиги ҳозирги ўсиб бораётган талабларга жавоб бермайди. Фермаларда ишлаб чиқариш чиқимларини қисқартириш, маҳсулот таннархини арzonлаштириш ҳамда меҳнат унумдорлиги ва қўйлар суреви маҳсулдорлигини ошириш ва шулар ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш зарур.

Коммунистик партия ва Совет давлати қишлоқ хўжалигини, жумладан қўйчиликни жадал ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш чораларини изчиллик билан амалга оширилоқдалар.

Таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда чорвачиликда ва унииг муҳим соҳаси қўйчиликда банд ходимлар меҳнат манфаатдорлигини ошириш мақсадида моддий рагбатлантириш принципини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. 1958 йилдан кейинги даврда давлат томонидан гўшт, жун ва қоракўл терининг харид баҳолари бир неча бор оширилганлиги бунинг яққол исботидир.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965) Пленуми қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин

**Республика колхоз ва совхозларида қўйчилик маҳсулотларини
сотишдан олинган соф фойда**

Диллар	Кўйчилик маҳсулотлари сотишдан олинган соф фойда	Шу жумладан					
		гўштдан		жундан		қоракўл теридан	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
минг сўм	%						

Колхозлар

1965	4 126	16,5	1 315	31,8	2 194	53,1	617	15,1
1966	4 584	15,3	2 419	52,7	1 078	23,5	1 087	23,8
1967	3 477	10,2	2 328	66,9	358	10,3	791	22,8
1968	6 549	19,2	2 267	34,6	2 820	43,1	1 462	22,3
1969	973	2,8	261	26,8	588	60,4	124	12,8
1970	5 674	11,2	2 527	44,5	2 921	51,4	225	4,1
6 йилда	25 383	12,9	11 118	43,8	9 959	39,2	4 306	17,0

Совхозлар

1965	14 953	37,3	171	11,4	6 752	45,1	6 487	43,5
1966	15 494	34,5	3 657	23,6	6 303	40,7	5 533	35,7
1967	12 214	25,8	2 714	22,2	4 210	34,4	5 290	43,4
1968	13 048	23,9	367	27,4	5 076	38,9	4 398	33,7
1969	3 874	7,6	1 066	27,5	1 641	42,3	1 167	30,2
1970	14 340	31,8	6 628	46,2	4 766	33,2	2 946	20,6
6 йилда	73 942	26,2	19 353	26,1	28 748	38,8	25 841	35,1

юксалтиришнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқди. Шу асосда 1965 йилниг 1 майидан эътиборан қишлоғ хўжалиги маҳсулотларининг харид баҳолари оширилди. Чунончи, 1 та қоракўл терининг нархи 4 сўмга, 1 ц жундаги нархи 126 сўмга, 1 ц қўй гўшти баҳоси 46 сўмга оширилди. Натижада колхоз ва совхозлар даромади, айниқса соф даромади кескин кўтарилиди. Масалан, 1965 йилда республика колхозларида етиштирилган ялпи қўйчилик маҳсулоти 1964 йилда амал қилган давлат харид нархларида баҳолангандага 39 208 минг сўмни, 1965 йилги оширилган харид нархларда баҳолангандага 40 975 минг сўмни ташкил этди. Бинобарин, давлат харид нархлари оширилганлиги туфайли колхозларнинг қўйчилиқдан

қўшимча олган соф фойдаси 1767 минг сўмни ташкил этди. Давлат харид нархлари 1965 йилда оширилганлиги натижасида совхозлар олган қўшимча соф фойда 3668 минг сўмни ташкил этди. Бу, совхозлар қўйчивонларининг ўша йилги жами меҳнат ҳақининг 18,8% ини ташкил этди.

39 - жадвал

Колхоз ва совхозларда қўйчилик маҳсулотларининг харид нархи даражаси, сўм

Ишлар	Колхозлар			Совхозлар		
	I ц қўй гўшти	I ц жун	I дона қоракўл тери	I ц қўй гўшти	I ц жун	I дона қоракўл тери
1965	55,1	229	16,5	55	230	13,9
1966	59,6	229	15,8	61	231	14,8
1967	60,0	231	16,5	58	231	15,0
1968	61,5	258	17,2	59	231	15,4
1969	65,4	285	17,1	60	233	14,8
1970	78,3	315	17,0	79	302	17,8

1970 йилда давлат харид нархлари яна оширилди.

Ҳозирги даврда давлат колхоз ва совхозлардан қишлоқ хўжалик, жумладан қўйчилик маҳсулотларини № 70—08—23 преискурант асосида сотиб олади. Бунда совхозлар учун ҳам улар хўжалик ҳисобига тўла қўчирилганлиги муносабати билан илгариги тайёрлаш баҳолари бекор қилиниб, колхозларники даражасида харид нархлари белгиланган. Чунончи, республика колхозларидан ҳам, совхозлардан ҳам тирик вазндан 1 тюқори семизликдаги қўй гўшти 1020 сўм, ўрта семизликдагиси 850 сўм, ўртадан паст семизликдагиси 640 сўм ва ниҳоят, ностандарт ориқ мол 510 сўмга сотиб олинади.

Қоракўл қўйлардан қирқиб олинган 100% соф чиқишида ҳисобланган бир кг жун 5,48—5,86 сўмдан, ҳисор қўй жуни эса 4,32—5,70 сўмдан сотиб олинади.

Колхоз ва совхозларда етиштирилган 1 дона қора рангли 1 сорт қоракўл тери тури ва сифатига қараб 13—23 сўм, кўк рангли 1 сорт тери — 26—34 сўм, сур рангли 1 сорт тери 28—33 сўмга сотиб олинади.

Давлат томонидан қўйчилик маҳсулотларининг ҳарачатдаги харид нархлари анча юқори белгиланган бўлиб, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этган хўжаликларда юксак самара ва рентабелликни таъминлайди.

Кейинги йилларда республика қоракўлчиллик хўжаликларида маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Натижада 1958 йилда стандарт талабига жавоб берадиган биринчи сорт соғ қоракўл терилар сони колхозларда 79,0%, совхозларда 87,0% га етди. Ҳолбуки, 1940 йилда бу кўрсаткич колхозларда 40,6%, совхозларда 64,6% ни ташкил қиласган эди. Бунга асосан қўйларни яхши боқиш ва наслчилик ишларини намунали олиб бориш туфайли эришилди. 1964 йилда партия ва ҳукуматимиз наслчилик ишларини яхшилаш тўғрисида маҳсус қарор қабул қиласди. Қарорда чорвадорлар олдига келгусида қоракўл тери сифатини ошириш, бунинг учун эса, қоракўл қўйлар зотини яхшилаш, совлиқларни дуруст парваришилаш ва наслдор қўчқорлардан қочириш каби муҳим вазифалар қўйилди.

Қоракўл қўйлар зотини ва тери сифатини яхшилаш наслчилик совхозлари, зотли моллар етиширадиган давлат хўжаликлари ва колхозлардаги наслчилик фермаларининг роли айниқса катта бўлди. Масалан, «Нишон», «Қорақум», «Муборак», «Қонимех», «Қарноб» ва бошқа илфор қоракўлчиллик хўжаликларининг чорвадорлари фан ютуқлари ҳамда илфор тажрибага суюниб, қоракўл қўйларнинг маҳаллий иқлим шароитига мослашган янги линия, авлод ва зотларини яратдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон қоракўлчилари урушдан кейинги йилларда наслчилик ишларини планли равишда олиб боришлари натижасида колхоз ва совхозларда етиширилаётган қоракўл маҳсулотларининг сифати анча яхшиланди.

Лекин шунда ҳам 1960 йилга қадар етиширилган қоракўл териларнинг кўп қисми I-B, яъни кавказ ва қовургасимон группадаги биринчи сорт териларга тўғри келади. Улар сифат жиҳатидан айтарли катта қийматга эга эмас. Шуниси ачинарлики, I-A, яъни жакет группасига кирадиган қоракўл тери етишириш кўпаймади, аксинча, айrim хўжаликларда камайиб кетди.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1940—1959 йилларда I-A группасига мансуб I сорт қоракўл терилар сони колхозларда атиги 8,6, I-B группасига мансуб терилар эса 18,3% кўпайган. Совхозларда ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди: 1940—1951 йилларда I-A

группасига кирадиган қоракўл терилар сони I3,6%, I-Б группасига оидлар эса 6,0% ортди. Лекин 1951 йилдан бошлаб қимматбаҳо қоракўл териларнинг сони камайиб кетди. Масалан, 1959 йилда I-А группасидаги терилар 1951 йилдагига қараганда 12%, I-Б группасидагилар эса 7,9% кам етиширилди. Аммо унча юқори баҳоланмайдиган I сортнинг I-В группасига кирадиган қоракўл териларнинг сони шу йиллар ичida анча кўпайди.

Юқорида келтирилган мисоллардан шу нарса кўриниб турибдики, сифат жиҳатидан энг юқори баҳолана-диган қоракўл терилар кўплаб етиширилмаётир. Республика хўжаликларида наслчилик ишлари, совлиқларни боқиши кўнгилдагидек ташкил этилмаганлиги, шунингдек мутахассис кадрларнинг ишга нисбатан жавобгарлиги пасайиб кетганлиги учун ҳам ана шундай ҳол содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам 1960 йилда республика хўжаликларида наслчилик ишларини яхшилаш юзасидан маҳсус тадбирлар белгиланди. Барча қоракўлчилик хўжаликлари наслчилик ишларининг олиб борилишига қараб уч хил категорияга: давлат наслчилик заводлари, наслчилик репродуктор хўжаликлар ва товар маҳсулоти, берадиган хўжаликларга бўлинди. Давлат томонидан тасдиқланган 6 та давлат наслчилик заводи жумласига Самарқанд обlastидаги «Нурота» ва «Қарноб», Қашқадарё обlastидаги «Нишон», «Қорақум», «Муборак», Бухоро обlastидаги «Қонимех» совхозлари киритилди. Кейинчалик давлат наслчилик заводларининг сони Сурхондарё обlastидаги Гагарин номли, Қашқадарё обlastидаги «Ғузор» совхозлари ҳисобига ортди. Ўзбекистонда 8 совхоз ва 6 колхоз репродуктор хўжалик сифатида тасдиқланди. Қолган қоракўлчилик колхоз ва совхозлари эса юқори сифатли (давлат стандарти талабларига жавоб берадиган) қоракўл тери етиширадиган хўжаликлар жумласига киритилди. Давлат наслчилик заводлари қўй зотларини такомиллаштириш, юқори сифатли маҳсулот берадиган қоракўл қўйларни яратиш, асл зот қўчқорлар етишириш ва уларни наслчилик-репродуктор хўжаликларига, шунингдек, завод типидаги қоракўл қўйлар кўпайтириладиган (товар маҳсулот берадиган) хўжаликларга зарур сонда етказиб бериши лозим.

Наслчилик-репродуктор хўжаликларнинг асосий вазифаси наслдор қўйларни, айниқса қўчқорларни қўпайтириш ва ўстириш, шунингдек репродуктор хўжаликли-

рига биркитилган товар фермаларини ана шундай қўйлар билан таъминлаш ҳамда юқори сифатли қоракўлтери етиширишдан иборат.

Кези келганд шуни ҳам айтиш керакки, давлат наслчиллик заводлари, шунингдек наслчиллик-репродуктор хўжаликларда қўйлар наслини яхшилаш ҳамда колхоз ва совхозларнинг товар фермаларига наслдор қўйлар етказиб беришда самарали натижаларга эришди. Масалан, 1961—1965 йилларда Самарқанд обласидаги «Нурота» давлат наслчиллик заводи республикадаги қоракўлчилик хўжаликларига 15 мингдан зиёд наслдор тўқли ва қўзи сотди.

1960—1961 йилдан бошлаб қоракўл қўйлари кўпайтириладиган барча колхоз ва совхозларда маҳсулот сифатини ошириш мақсадида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жўмладан, совлиқни қочиришдан олдин сортировка қилиш, отарларни совлиқларнинг класси ва жун конституцияси типига қараб тузишга жиддий эътибор берилди. Одатда, энг яхши қўчқорларни танлаб олиш мақсадида қочириш компанияси бошланишдан олдин қўчқорлар зооветеринария кўригидан ўтказилади. Сунъий қочириш компаниясини муваффақиятли ўтказиш учун аввало наслчиллик заводлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларида осеминатор (сунъий қочирувчи)ларнинг семинари ташкил этилиб, семинар машғулотларида совлиқларни сунъий қочириш учун қўчқор танлаш ва наслчиллик ишларига доир бошқа масалалар муҳокама қилинади. 1961 йили СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан наслчиллик ишлари асосида қоракўл қўй ва қўзиларни бонитировка қилиш бўйича кўрсатма чиқарилган эди. Ана шу кўрсатмада қўй-қўзиларни, шунингдек қоракўл териларни классига қараб баҳолаш ва танлаш бўйича янги Низом берилган. Бунда қоракўлчилик хўжаликларида наслчиллик ишларини олиб бориш учун меҳнатни ташкил этишининг прогрессив формалари белгиланган.

Шу муносабат билан барча қоракўлчилик хўжаликларига қўйларни боқиши бирмунча яхшилаш, танлаш ишларини системали равишда олиб бориш, шунингдек «Конимех» давлат наслчиллик заводи ва бошқа илфор хўжаликларнинг қўзиларини парваришилаш соҳасидаги тажрибасидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда Бухоро қоракўлчилик заводида колхоз ва совхозлардан тери-ларни қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш, шунингдек экспорт қилишни яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу, қоракўл тери сифатини яхшилашда катта аҳамият касб этди. Ана шундан кейин заводнинг колхоз ва совхозлардан қоракўл тери қабул қилиб олиши тартибга тушди. 1960 йилдан эътиборан наслчилик ишларида комплекс тадбирлар амалга оширилиши натижасида колхоз ва совхозлардан олинаётган қоракўл териининг сифати анча яхшиланди. Заводлар колхоз ва совхозлардан қоракўл терини эски, яъни 22 йилдан бери фойдаланиб келинган («ОСТ НКА а Г 370») давлат стандарти бўйича эмас, балки янги стандарт («ГОСТ 8748—58») бўйича қабул қила бошлади. Янги давлат стандартига мувофиқ тимқора тусли қоракўл тери сортлари учта асосий: энг юқори баҳоланадиган жакет ва унчалик яхши баҳоланмайдиган кавказ ҳамда юпқа қовурғасимон группага бўлинади. Кейинги икки типдаги қоракўл териларнинг сони бундан бўён аста-секин камаяверади.

1960—1970 йилларда асл I сорт қоракўл тери етишириш колхозларда 17%, совхозларда 15,4% кўпайди, II ва III сорт қоракўл тери эса анча камайди. Масалан, 1970 йилда республика колхозларида II сорт қоракўл тери 1960 йиллардагига нисбатан 10,4% оз тайёрланди. Совхозлarda эса бу камайиш 8,2% ни ташкил этди. III сорт қоракўл тери колхозларда 6,5%, совхозларда 7,3% кам етиширилди.

Шуниси характерлики, 1960—1970 йилларда I сорт қоракўл тери асосан энг юқори баҳоланадиган қоракўл тери ҳисобига кўпайди. Масалан, 1960 или колхозларда етиширилган I сорт тимқора терилар орасида жакет группасига мансуб қоракўл тери 9,5% ни ташкил этган бўлса, 1970 йилга келиб бу кўрсаткич 25% дан ошди. Кавказ группасига мансуб қоракўл тери етишириш эса шу давр ичida 22,8 % дан 18,4% га қадар пасайди. Республика қоракўлчилик совхозларида ҳам худди шундай ҳол юз берди.

Шерози ва сур териларнинг сифати яхшиланиши билан бирга уларнинг сони ортди. Масалан, 1960—1970 йиллар мобайнида I сорт шерози тери етишириш колхозларда 21,8%, сур тери — 22,5%, совхозларда эса шун-

га мувофиқ равишда 9,8% ва 12,2% га ортди. Лекин шунга қарамай, сифат жиҳатидан унчалик юқори баҳоланмайдиган териilar республикада етиштирилаётган шу хилдаги ялпи маҳсулотда анча катта салмоқقا эга.

Бундан ташқари, колхоз ва совхозларда етиштирилаётган қоракўл териilar сифат жиҳатидан бир-биридан тафовут қиласди. Республиkaning айрим область ва хўжаликларида бу нарса кўзга, айниқса, яққол ташланади. Мавжуд маълумотлар 1970 йилда 1965 йилга нисбатан республиkaning ҳамма областларида давлатта топширилган қоракўл териilar сифати анча яхшиланганини кўрсатди. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа область колхозларида I сортга топширилган териilar миқдори 4—10% атрофида ўси. Шунингдек, Сирдарё обlastinинг совхозлари I сортга тери сотишини 26,9% га, Самарқанд обlasti совхозлари 13,3% га, Бухоро область совхозлари 12,7%, Қашқадарё обlasti совхозлари 11,6% га оширишга муваффақ бўлдилар. Муҳими шундаки, I сорт тери миқдорининг ўсиши энг қимматбаҳо қисобланадиган жакет группасига мансуб тери етиштириш кўпайғанлиги ҳисобига таъминланган. Бу соҳада, айниқса, Бухоро обlasti хўжаликларининг ютуқлари ибратли бўлди. Область колхозларида жакет группасига оид қоракўл тери етиштириш 1965 йилдаги 13,8% дан (I сорт териilar жумласида) 1970 йилда 27,4% га қадар ўсиши таъминланди. Область совхозларида жакет группаси териilarини етиштириш шу давр мобайнида 17,7% ортади.

Бирок, маҳсулот сифати жиҳатидан ҳамма областлар бир текис юқори кўрсаткичларга эришди, деб бўлмайди. Масалан, 1965 йилда Хоразм обlasti колхозларида I сорт қоракўл тери Бухоро ва Қашқадарё областлари колхозларидағига нисбатан 20—22 %, жакет группасига мансуб энг қимматбаҳо териilar эса 8—11 % кам етиштирилди. Аммо унчалик яхши баҳоланмайдиган I ва II сорт қоракўл териilarнинг салмоғи Хоразм обlasti колхозлари топширган ялпи маҳсулотда 44 % ни ташкил этди. Шундай ҳолат орадан беш йил ўтишига қарамасдан 1970 йилда ҳам ўзгармади. Масалан, шу йили Хоразм обlasti колхозлари Бухоро обlasti колхозларига қарагапда жами I сорт териidan 13,5 %, энг қимматбаҳо ҳисобланувчи жакет териilarдан 9,2% кам харид этди. Айни вақтда қиммати паст II ва III сорт териilar Хо-

разм обlastida Бuxoro oblastidagi nisbatan 1970 yillda 13,5% kўp etishiрилди. Қorakўlchilik sovhozlaridagi aҳvol ҳam bундан яхши эмас. Masalan, 1970 yillda Sirdare, Samarqand va Buxoro oblastlari sovhozlarida etishiрилган жами қorakўl terinинг 80—84% I sortga topshirildi. Bu Қoraқалпоғiston ACCP sovhozlaridagi nisbatan 7—10% ortiқdir. Жакет groupasiga mansub қorakўl terilarning salmoғi Қoraқалпоғiston ACCP sovhozlarida 20—24% dan oшмади, яъни Sirdare, Samarqand va Buxoro oblastlari sovhozlaridagi қaraғanda 6—8% past bўлди. Қavказ va boшқа groupalarга oид қorakўl terilar etishiриш соҳасида ҳam aҳvol deярли ana шундай эди.

Lekin shuni aloҳida taъkidlاب ўтиш kerakki, naschlilik iшlari яхши tashkil этилган давлат naschlilik заводларида ҳар йили юқори сифатli қorakўl teri etishiрилмоқда. Masalan, 1965 yillda respublika sovhozlarida 67,5% I sort tим қora, shu жумладан 13,5% жакет tipidagi қorakўl teri etishiрилган bўlsa, давлат naschlilik заводларида bu кўrsatkich shunga muvoғiқ raviшda 80,5% va 20,7% ni tashkil etdi. 1970 yillda ҳam naschlilik заводларида қorakўl teri sifati respublikанинг ўrtacha daражасидан ancha юқори bўлади.

Kўйlarни boқish va naschlilik iшlari яхши йўлga kўйilgan ixtisosлаштирилган йирик xўjалиklar ҳam tери sifatini oширишda давлат naschlilik заводлари singari юксак kўrsatkichlarга эriшмоқda va bu bilan respublikada қorakўlchilikni rivожлантиришga salmoқli ҳисса қўshmoқda.

Fikrimizning исботи учун mana bундай bir misol keltiriамиз. 1957 yillga қadar Ўзбекистонда жами қorakўl terilarning қariyib 80% и kolxozlarda etishiрилар эди. Maъlumki, ўsha йили kolxozlaragini kichik fermalar basasiда 14 ta янги қorakўlchilik sovhozi tashkil этилди, ular respublika bўйicha давлатga topshirilgan жами қorakўl terilarning қariyib 40% inni etkazib berdi. 1962 yili Қozogiston CCP dаги ikki йирик қorakўlchilik xўjaliғi — «Chimқўргон» va «Kizilқum» sovhozлari Ўзбекистон CCP составига kири tilidi. 1964 yillda қorakўl kўйlarни йирик xўjaliklariga tўplash давом эттирилди. Paxtakor kolxozlaragini bir қанча fernalar basasiда 20 ta йирик sovhoz tashkil

этилди. Натижада 1965 йилга келиб республика бўйича ихтисослаштирилган қоракўлчилик совхозларининг сони 52 тага, улардаги қўйларнинг сони эса 2,5 миллионга етди. Совхозларда етиштирилган қоракўл териларнинг салмоғи 63% ни ташкил этди.

Қоракўлчиликда ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш қоракўл териларни яхшилаш учун барча шарт-шароитларни яратишга имкон берди. Шундай қилиб, янги ташкил қилинган 20 та совхозда 1966 йилда 74,0%, 1970 йилда 85% энг юқори сифатли I сорт қоракўл териларни етиштирилди.

Аммо шунга қарамай, колхозлар Ўзбекистонда қоракўлчиликни ривожлантиришга ҳали ҳам катта ҳисса қўшаётир. Масалан, 1970 йил маълумотларига қараганда, республика бўйича давлатга топширилган қоракўл терининг 25,8% ини колхозлар, 51,3% ини совхозлар, 22,9% ини бошқа категориядаги хўжаликлар етказиб берди.

Республика бўйича етиштирилган қоракўл терилар сифатининг анализи колхозларда етиштирилган қоракўл терилар сифати совхозлардагига нисбатан аича пастлигини кўрсатди. Масалан, 1966 йили совхозларда қоракўл терининг 77,3% и, колхозларда эса 76,2% и, 1970 йили шунга мувофиқ 82,6 ва 79,1% и I сортга топширилди. Агар аҳолидан сотиб олинган териларни сифати ҳисобга олинмаса, колхозларда етиштирилган мазкур маҳсулот сифат кўрсаткич анча пасайишини кўрамиз. Масалан, 1970 йилда колхозлардан ва аҳолидан сотиб олинган қоракўл терининг I сортга сотилгани 79 % ни ташкил этган ҳолда, аҳолидан сотиб олинган териларнинг I сорти 83,2%, колхозларда эса бу кўрсаткич 77,2% дан иборат бўлди. Аҳолидан сотиб олинган терилар сифати юқори бўлишининг сабаби шундаки, индивидуал тарзда териларни топширувчилар энг яхши қўзиларни териларни сифат кўрсаткичлари совхозларда етиштирилган териларнинг сифат кўрсаткичлари совхозларда эришилган натижага яқинлашиб келмоқда.

Модомики шундай экан, ҳамма колхозларда илгор хўжаликларнинг бой тажрибасидан фойдаланиб, юқори баҳоланадиган териларни кўплаб етиштириб, кавказ ва қовурғасимон группаларга оид терилар сонини иложи борича камайтириш керак. Бунинг учун эса барча хў-

жаликларда мавжуд имкониятларни ишга солиб, наслчилик ишларини намунали йўлга қўйиш лозим. Бу соҳада Бухоро облатининг Томди ва Свердлов, Қашқадарё облатининг Қарши ва Косон районлари колхозларининг иш тажрибалари ва ютуқлари ибратлидир. Мазкур район хўжаликлирида I сорт териларнинг ялпи маҳсулотдаги салмоғи 82—88% ни ташкил этди. Шу жумладан жакет I кирпук терилар чиқиши 2,5—12,6%, қалин жакетларники 10—17%, Москва жакетиники 10—20% атрофида бўлди. Айниқса, Косон райони колхозларидан сифатли қоракўл тери етиширишда йилдан йилга юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Алоҳида хўжаликлар ютуги ва тажрибаси устида фикр юритилар экан, маҳсулот сифати жиҳатидан номлари республика ва иттифоқимизга машҳур бўлган «Конимех», «Нурота», «Коммунизм», «Муборак» ва бошқа хўжаликларни тилга олмасдан илож йўқ. Масалан, 1971 йили республика совхозлари бўйича I сортга сотилган тим қора қоракўл тери 84% ни ташкил этди. Бунда айниқса, Бухоро облати совхозларининг ҳиссаси катта бўлди — I сортга сотилган тери салмоғи 86,4% га етди. Областдаги «Шафрикон», «Октябрь 40 йиллиги» «Коммунизм» совхозлари давлатга 88—89%, «Конимех» совхози 92,6% терини I сортга сотиб, областдагина эмас, ҳатто республикада энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, Қашқадарё облатидаги «Муборак» (92,7%) «Ўзбекистон» (93,6%) совхозлари ҳам қоракўл тери сифати жиҳатидан катта ютуқларни қўлга киритдилар. Юқорида номлари зикр этилган совхозларда жакет группасига мансуб энг юқори баҳоланадиган терилар салмоғи 36—40% ни ташкил этди. Бу республика совхозлари эришган ўртача даражадан 4,8% юқоридир.

Шу муносабат билан «Конимех» совхозининг маҳсулот сифатини яхшилашдаги илфор тажрибасини ёритиб ўтиш ўринлидир. Мазкур хўжалик 1931 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан тимқора қоракўл тери ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 1970 йили намунали наслчилик ишлари конкурсida «Конимех» давлат наслчилик заводи учини мукофот, яъни иккинчи даражали диплом. «Москвич» енгил машинаси ва 2000 сўм пул билан тақдирланди. Шу йили хўжалик давлатга 18,8 мингта тимқора қоракўл тери топширди, шундан I сорти 93%, жакет группаси 36,5% ни ташкил этди. Бундан ташқари

жар 100 та совлиқ ҳисобига ташқарига 9 тадан наслдор қўчқор чиқарилди.

Наслчилик ишлари совхозда 1940 йили бошланди. Шу мақсадда совлиқлар «Қорақум» ва «Муборак» совхозларидан наслдор қўчқорлар олиб келиниб, қочирилди. Бу иш 1948 йилгача давом этди. Шу йилдан эътиборан хўжалик ўзининг наслдор қўчқор ва қўйларига эга бўлди. Охириги ўн уч йилда (1948—1960) хўжаликда олиб борилган наслчилик ишлари натижасида қоракўл қўйларининг «Конимех» типи яратилди. 1961 йили давлат комиссияси буни қабул қилди. «Конимех» типидаги қўйларни яратишда совхознинг бош зоотехники Н. В. Баринова, катта зоотехники Ш. Фозилов ва директори Ш. Кузембоевнинг ҳиссаси катта бўлди. Кейинчалик «Конимех» типини яхшилашда совхоз ветврачи Ш. Галиевнинг хизматлари ҳам катта бўлди. Ҳозир хўжалик ССР нинг ҳамма қоракўлчилик районларига ва қўшни Мўғилистонга наслдор қўзи етказиб беряпти.

«Конимех» давлат наслчилик заводининг наслчилик ишларидағи ютуқларининг боиси шундаки, мазкур хўжаликда терисининг жун қоплами ўртacha жингалак, тузилиши бақувват, элита I ва II класс совлиқларига шу хилдаги (шунингдек, тана тузилиши завод типига тўла жавоб берадиган элита I класс) қўчқорлар қўйилади. Бундай совлиқлардан кўпроқ элита ва I класс қўзилар туғилади. Гавдаси нозик ва қўпол совлиқлар конституцияси бақувват, лекин совлиқнидан бир оз фарқ қиласидиган қўчқорлардан қочириллади. Нозик типдаги I класс совлиқларга сифат жиҳатидан текширилган ва текширишда авлодининг кўпчилиги терисининг жун қоплами йирик жингалак қўзи берадиган қўчқорлар қўйилади.

«Конимех» давлат наслчилик заводида қўзиларни боқиша маҳсулот сифатини оширишга қаратилган ва ҳамма хўжаликларда bemalol амалга оширса бўладиган муҳим тадбирлар ишлаб чиқилган. Афсуски, бу тадбирлар бошқа хўжаликларда кенг тадбиқ этилмаётir.

Масала шундаки, «Конимех» заводида ишлаб чиқилған тадбир қўлланилганда янги туғилган қўзилар, шунингдек, қўзилаган совлиқлар организмининг нормал ўсиши учун қулай шароит туғилади. Бунинг учун ҳар бир фермада сурувдаги қари совлиқлар ўрнини янги туғилган қўзилар билан тўлдириш учун қўзилаш даври

бошлангунча маҳсус план тузиб чиқилади. Бунда 3—4 отардаги қўйларнинг класси, шунингдек, сержингалаклиги ва гавда тузилиши бир-бирига жуда ўхшашлари олинади. Қўзилаш даврида совлиқлар қўзиси билан 5—7 кун давомида планда кўрсатилган отарларни битта қилиб қўзилатилган жойдан 25—30 километр наридаги шувоқ-эфемерли яйловга ҳайдалади. Қўзилар онасидан ажратилгандан кейин фермага қайтарилади ва бу ерда қиш давомида сифатли озиқ билан боқилади. Баҳорга келиб улар бошқа участкага кўчириллади ва қочириш компанияси бошланиши олдидан асосий территорияга, яъни совлиқлар урчитиладиган жойга олиб келипади.

Наслчилик ишлари пухта ташкил этилганлиги ва қўзилар яхши парваришиланиши натижасида «Конимех» давлат наслчилик заводида энг юқори сифатли қоракўл тери берадиган типдаги зотдор қўйлар вужудга келтирилибгина қолмай, уларнинг маҳсулдорлиги ҳам анча оширилди. Масалан, 1940 йилга қадар ҳар қўйдан аранг биттадан қўзи, 2 кг жун олинарди. Эндиликда ҳар 100 совлиқдан 150 қўзи, ҳар қўйдан 4 кг жун олиняпти. Гўштга сотилган битта қўй вазни 46—48 кг га етди.

«Конимех» давлат наслчилик заводи ва бошқа илгор хўжаликларнинг наслчилик ишларини юритиш, қўйларни парваришилаш борасидаги иш тажрибаларини оммалаштириш, республикада тимқора қоракўл тери сифатини яхшилаш, жумладан жакет группасига мансуб, айиқса, жакет I группасидаги 1 сорт, гўшт пардаси юпқа, шунингдек гўшт пардаси юпқа ясси группадаги терилар сонини кўпайтиришга имкон беради.

Маълумки, аксарият колхоз ва совхозларда қўзилаш даврининг дастлабки пайтларида туғилган, энг яхши қоракўл тери берадиган қўзилар гўштга топшириш мақсадида боқишига қолдирилади. Қўзилаш даврининг иккинчи ярмида туғилган қўзилар ёппасига тери учун сўйилади. Лекин бу вақтга келиб терининг жун жингалаги ўсиқ бўлади. Бинобарин, жакет типидаги юпқа териларнинг сони камайиб кетади. Бундай ҳолларда «Конимех» давлат наслчилик заводида яхши тери берадиган қўзиларни сўйиб, сифатсиз тери берадиганларини гўштга топшириш мақсадида боқиш учун қолдирилади. Шу йўл билан қоракўл терилар сифатини оширишга муттасил эришилади.

«Конимех» наслчилик заводида наслчилик ишлари мұваффақиятли юритилишининг яна бир боиси шундаки, бу хұжаликда совлиқларнинг ҳаммаси сунъий қочирилади. Бу тадбир әнг наслдор құчқорлардан унумли фойдаланиш ва наслчиликда ҳисоб-китоб ишларини аниқ олиб боришига имкон берди. Афсуски, айрим хұжаликларда бу мұхым масалага тегишли даражада әътибор берилмаётір.

Бу ерда «Конимех» давлат наслчилик заводининг наслчилик ишларини юритишдаги мұваффақиятлари диққатға сазовор эканлигини таъкидлаш билан бирга, мазкур илғор хұжаликда ҳам ҳали наслчилик ишларини, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасыда катта ишлар қиқилиниши кераклигини ҳам айтиш лозим. Чunksи совхозда жакет группасига мансуб ўта қимматбақо териilar кам етиштирилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида құшни республикалардаги илгор хұжаликлар күрсаткічларини келтириш ўринлидір. Масалан, Туркманистоннинг Байрамали райониде жойлашган, асосан тимқора қоракүл тери етиштиришга ихтисослаштирилған «Уч—Аджи» давлат наслчилик заводи 1970 йили 16 мингта қоракүл тери етиштирилған бўлса, шундан 93,6% I сортга топширилди. Энг аъло сифатли қимматбақо жакет группасига мансуб териilar 63,4% ни ташкил этди.

1970 йилда мана шу мисли тенгсиз ютуқлари туфайли «Уч—Аджи» наслчилик заводи иттифоқ миқёсидаги наслчилик ишлари конкурсида голиб чиқди ва бириңчи мукофотга сазовор бўлди. Хұжалик «Хурмат» дипломи, «Волга» автомашинаси ва 6000 сўм билан тақдирланди.

Мана шундай юксак мукофотга Қозогистоннинг Чимкент обласидаги «Задарё» давлат наслчилик заводи ҳам сазовор бўлди. Бу хұжалик ҳам тимқора қоракүл етиштиришга ихтисослашгандир. Совхоз 1970 йили шундай териilarдан давлатга 22 мингта сотди, жумладан I сорти 88,7% ни, жакет группаси 53% ни ташкил этди. Бу күрсаткич «Конимех» совхозиникига нисбатан 16,5% юқоридир.

Шундай экан, Ўзбекистонда құшни республикалар ютуқларини оммалаштириш мақсаддага мувофиқдир. «Уч—Аджи» ва «Задарё» совхозларига мутахассислар юбориб, иш тажрибаларини синчиклаб ўрганиш ва республика-

нинг ҳамма колхоз ва совхозларида наслчилик ишларини яхшилашда фойдаланиш зарур.

Тимқора қоракўл тери етиширишга ихтисослашган «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг ҳам намунали наслчилик ишлари диққатга сазовордир. Хўжалик ҳар йили давлатга 25—30 мингта қоракўл тери сотади. Шундан 91—93% I сортларга қабул қилинмоқда. Энг қимматбаҳо жакет группасига оид қоракўл терилар салмоги эса 39—45% ни ташкил этмоқда. Бундай қувончли кўрсаткичларнинг асосий манбай шундаки, ҳар йили қўйлар подасини тўлдиришга қолдираётган қўзиларнинг қарийб 60% ини элита ва I класс қўзилар ташкил этади. Шунинг учун ҳам хўжалик ҳар йили ташқарига 1—1,5 мингта қимматбаҳо наслдор қўчқор чиқаради. 1970 йили шундай зотли қўчқорлардан 2,5 мингтаси, урғочи қўзилардан 2 мингтаси ташқарига чиқарилди.

«Ўзбекистон» давлат наслчилик заводида наслчилик ишлари планли ташкил этилган. Наслчилик ишлари комплексида наслдор қўчқорларни саралаш, парваришлаш ва авлодини текшириш ишларига алоҳида эътибор берилади. Чунки совлиқларни сунъий қочирганда наслдор қўчқор уруғи билан 700—800 совлиқни таъминлаш мумкин. Бинобарин, шу мақсад учун энг қимматбаҳо наслдор қўчқорлардан фойдаланиш учун имконият кенгдир.

Хўжаликда наслдор қўчқорларни қўзилигида саралаб парваришлаш, авлодининг сифатига мувофиқ баҳолаш ишлари амалдаги инструкция асосида бажарилади. Бунда наслдор эркак қўзини 10—20 кунлигига қайта баҳолаш ишларига катта эътибор берилади. Чунки бу ишини бажариш учун ажратилган 10—12 киши кўп йиллик тажрибага эга бўлишларига қарамай, шошилинч иш тутилса 1—3 кунлик қўзиларни саралаш вақтида маълум хатоларга йўл қўядилар. Бинобарин, танланган қўчқорлар орасида талабга жавоб бермайдиганлари ҳам учраб туради. Шунинг учун орадан 10—15 кун ўтгач, ҳар бир отардаги наслдор қўчқор қўзилар онасидан ажратиб, бир хонага тўпланади. Ўлар орасидан жун қоплами қуруқлари, пигментациясини йўқотганлари, узунлиги жиҳатидан жуни бир текисда бўлмаганлари, жингалагининг шакли ва гули йўқола бошлаган ва экстеръер жиҳатидан талабга жавоб бермаганлари ажратилиб олиниб, ўнг қулогининг учи кесилади ва алоҳида груп-

пага ўтказилади. Күп йиллик маълумотга асосан наслга яроқсиз деб топилган ёш қўзилар уларнинг жамисига нисбатан 10—15% дан ошмайди. Кейинчалик талабга жавоб беради, деб топилган наслдор ёш қўчкорлар танлаб олиниб, қулоқлариға қўшимча равишда ранги но мерлар тақиб қўйилади.

Мазкур баҳолаш натижалари аввало махсус журналга, сўнг насл карточасига ёзилади. Шу йўл билан саралаб олинган наслдор қўчкорлар ҳам жамига нисбатан 15—20% ни ташкил этади. Бу наслдор қўчкорлар 5 ойга, сўнг бир ёшга ва бир ярим ёшга тўлганда яна қайта сараланади. Бунда дагал ва нозик конституцияга эга бўлганлари брак қилинади. Хўжаликда наслдор қўчкорларни саралаш ишлари улар авлодининг сифати жиҳатидан текшириш билан якунланади. Авлодининг сифати жиҳатидан хўжаликда ҳар йили 25—35 қўчкор текширилади. Булар яхшилар ичидаги яхшиларидир. Шулар жумласидан насл жиҳатидан энг яхши, деб топилганлари сурувни такомиллаштирувчи группага ўтказилади. Хўжаликда шундай наслдор қўчкорлардан 80 та бор. Шу йўл билан саралаб, яхши парваришлиган наслдор қўчкорларни етиштириш, биринчидан хўжаликнинг ўзида қоракўл терни сифати кескин яхшиланишини таъминлади ва кўплаб қўшимча даромад берди. Иккинчидан, наслдор қўчкорларни ташқарига сотишдан хўжалик ҳар йили 250—300 минг сўм фойда олмоқда, учинчидан совликларни қочиришда фойдаланиладиган наслдор қўчкорлар сони 1964—1965 йиллардаги 2,7—3,0 мингтадаи 1970—1971 йилларда 1,2—1,4 мингтага қадар қисқартирилди. Бинобарин, қўй сурувининг структураси ва иқтисодий самараси анча ортди.

Қоракўл терини дастлабки ишлашда колхозларда нуқсонли териilarнинг салмоғи совхозлардагига нисбатан ўрта ҳисобда 2—4% кўп. Бунинг боиси шундаки, совхозларда терини дастлабки ишлаш колхозлардагига қараганда анча яхши ташкил қилинган. Қоракўл териilarни дастлабки ишлашга етарли эътибор берилмаслиги оқибатида республика колхозларида нуқсонли териilar сони ва салмоғи ортиб кетмоқда. Масалан, 1960—1970 йилларда нуқсонли териilar салмоғи 6,4% дан 11,5% га етди. Айниқса Хоразм (1966 йилда 24%, 1970 йилда 17,3%). Сирдарё (1966 йилда 15,3%, 1970 йилда 19,7%) областлари ва Қорақалпоғистон АССР (1966 йилда

21,4%, 1970 йилда 10%) колхозларида қоракўл териларга дастлабки ишлов бериш қониқарсиз ташкил этилган. Нуқсонли қоракўл терилар Хоразм обlastининг Хева (20%), Янгибозор (24,5%), Қўшқўпир (39,4%), Қорақалпоғистон АССР нинг Қўнғирот (31%), Шуманой (30%), Тўрткўл (21%), Самарқанд обlastининг Булунғур (22%), Сурхондарё обlastининг Шўрчи (29,5%), Денов (25%), Қашқадарё обlastининг Яккабоғ ва Қамаши (18%) районлари колхозларида кўплаб етиширилмоқда. Сўнгги йилларда ҳамма йирик хўжаликларда қўзиларни марказлашган поток линия асосида сўйиш ташкил этилиши нуқсонли терилар камайишини таъминлади. 1970 йилда республика колхозларида нуқсонли терилар 3,5% ни ташкил этди. Лекин Бухоро обlastи колхозлари 5%, Томди район колхозлари 7,6%, Термиз райони 9,4% (1970 й.) атрофида шакли ўзгарган тери топширилдилар. Бу, йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан анча юқоридир.

Буларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, қоракўлчилик фермаларида қўзи сўядиган, терига дастлабки ишлов берадиган ва бошқа мутахассислар қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, хўжаликлар қўзи сўядиган марказлашган ҳамда механизацияшган пункт ва тери қуритадиган маҳсус жой ҳамда зарур асбоб-ускуналар билан етарли даражада таъминланса, нуқсонли терилар кескин камаяди.

Маълумки, аборт қилинган ва ўлик туғилган қўзилардан кўпинча ностандарт тери олинади. Бундай териларни камайтириш ҳисобига ҳам колхоз ва совхозлар қоракўл терилар сифатини анча яхшилашлари мумкин. Чунки хўжаликларда етиширилаётган териларнинг анчагина қисми ностандарт, деб топилмоқда. Ностандарт тери етишириш нуқсонли терилар етиширишдек хўжаликларга катта зарар келтиради, чунки уларнинг харид баҳоси нормал териларнига нисбатан анча пастdir. Масалан, бир дона нозикчанинг харид баҳоси 7—10 сўмдан, яхобобники 3,5 сўмдан, голякники 0,3—1,2 сўмдан ошмайди. Фақат қоракўлчанинг нархи нормал териларни даражасида баҳоланади. Шундай экан, совлиқлар бола ташлашига йўл қўймаслик, уларни яхшилаб парвариашлаш, ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказиб туриш зарур. Шундагина ностандарт терилар камайишига эришиш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «қоракўлча» етишириш иқтисодий нуқтаи назардан фойдали, деб топилмоқда. Шу муносабат билан республикада 1960—1964 йилларда «Узглавзогатскоткром»га қарашли молларни бўрдоқига боқадиган базаларда олимлар ва мутахассислар томонидан бўғоз совлиқларни қорнидаги боласи етилмасдан сўйиб, «қоракўлча» етишириш тажрибалари кўп ўтказилди. Шу йўл билан 1965—1969 йилларда «Узглавзаготскоткорм» системасида 130 мингдан ортиқ «қоракўлча» етиширилди. Мазкур базаларга колхоз ва совхозлар гўштга топширган қоракўл совлиқлардан нисбатан ёш, соғлом, юқори семизликдагилари танлаб олиниб, ҳидловчи қўчқорлар воситасида куйга келганлари аниқланади ва уларнинг орасига қўчқорлар қўйилади. Қочган совлиқларнинг ҳар 200—300 бошидан иборат группалар ташкил этилиб, қочган куни маҳсус журналга ёзилади. Орадан 14 кун ўтгач қочган-қочмаганилиги аниқланади. Қочмаганлари бу группадан чиқариб ташланади. Қўйлар иссиқ кунлари очиқ ҳавода, соvuқ тушиши билан бостирмаларда қўлда боқилади. Бунда уларга кунига икки марта пахта кунжараси ва шроти берилади. Суткасига ҳар бош қўйга 300 гр. беда пичани ҳам берилади. Умумий озиқ сарфи суткасида 0,9—1,2 озиқ бирлигини ташкил этади. Бундан ташқари бўғоз қўйлар база яқинидаги яловларда боқилади. Шундай қилиб, бўғоз қўйлар қочгандан сўнг 130—135 кун ўтгач қушхонада гўштга сўйилади, қорнидаги боласидан «қоракўлча» олинади. Шунингдек, кейинги йилларда кушхоналарда гўштга сўйилиши керак бўлган она қўйларни август ойида сунъий қочириб, 128—135 кундан кейин гўштга сўйиб, қорнидаги боласидан қоракўл терининг «қоракўлча» хилини олиш имконияти борлигини тажрибалар асосида ВНИИК ҳам исботлади ва бу метод асосида батафсил тавсияномалар ишлаб чиқди.

Шунга асосан, Қашқадарё обlastидаги «Ғузор», «Деҳқонбод», «Пачкамар», «Акробод», «Большевик», Охунбобоев номли, «Кўкдала» совхозлари 1969 йил август ойи бошида тиши ишдан чиққанлиги, қарилиги жиҳатидан брак қилинган 7300 та совлиқ ажратиб, қочиришга тайёрладилар. Қочиришдан олдин уларга прогрестораннинг майдаги 1,5 процентли эритмаси юборилди (инъекция қилинди). Шундан икки кун кейин ҳар бир қўйга СЖК эмланди. Бир суткадан кейин куйга

келган қўйлар танланиб, шу куннинг ўзида эрталаб ва кечқурун (икки марта) сунъий қочирилди. Бу иш ҳам-маси бўлиб 4 кун давом этди ва 13 августда тугади.

Қочирилган совлиқлар алоҳида парваришланди, ҳар бирига ўрта ҳисобда 15 кг қўшимча концентрат сарфланди. Декабрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб 1845 та она қўй гўштга сўйилди, қорнидаги боласидан «қоракўлча» олипди. Ҳар 100 қўйга 119 тадан «қоракўлча» тўғри келди. Жами 2195 та «қоракўлча», давлатга сотилиб, 48 минг сўм пул даромади олинди. Демак, бошқа совхозларда ҳам қоракўлча етиширишни ташкил этиш— қўшимча даромадни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир.

Республика совхозларида ҳар йили 200—250 мингта совлиқ гўштга топширилади. Агар шу миқдордаги совлиқларнинг ақаллӣ ярмидан «Қоракўлча» олиш ташкил этилса, ҳар йили бу ноёб тери нусхасидан 100 минг дона етишириш мумкин. Давлат харид баҳоларида бу 2,5 млн. сўмни ташкил этади.

Хўжаликлар ва давлат манфаати, айниқса шерози ва сур териларни кўпайтиришни тақоза қиласиди. Чунки бу терилар тимқора терига нисбатан анча юқори баҳоланади. Сўнгги йилларда Ленинграддаги халқаро ким ошди савдосида шерози тери тимқора терига нисбатан 20—30%, сур тери эса 40—80% юқори баҳо билан сотиб олинмоқда. Демак, сур ва шерози тери етишириш хўжаликларга катта даромад келтиради. Масалан, 1970 йил маълумотига кўра, республика колхозларида етиширилган 1 дона тимқора қоракўл тери 18 сўм 30 тийинга, шерози тери 26 сўм 62 тийинга, сур тери 29 сўм 46 тийинга харид қилинган ёки 1 дона тимқора терига қараганда шерози терининг ўртача ҳақиқий харид баҳоси республика колхозларида 45,4%, сур териники эса 61% юқори бўлган. Айни вақтда республика колхозларида 1 дона қоракўл тери таннархи, хилидан қатъий назар, 1970 йили 16 сўм 76 тийинни ташкил этди. Кўриниб турибдики, колхозлар 1 дона тимқора терини давлатга сотишдан 1 сўм 54 тийин фойда кўрган бўлса; 1 дона шерози теридан 9 сўм 86 тийин, сурдан 12 сўм 70 тийин соғ фойда кўрганлар.

Аммо шунга қарамай, шерози ва сур тери ниҳоятда кам етиширилмоқда. Масалан, 1950 йилда республика колхозлари бўйича давлатга топширилган жами қоракўл териларнинг атиги 2,3% ини, совхозларда эса 0,9%

ини шерози тери ташкил этган. Шунингдек, 1946—1950 йилларда сур тери нинг ялпи маҳсулотдаги салмоғи колхозларда 2,0%, совхозларда эса 0,3—1,0% дан ошмади. Шу муносабат билан кейинги йилларда рангдор қоракўл тери етиширишга аҳамият анча кучайтирилди. 1965 йилда Ўзбекистонда 15 совхоз тим қора тери, 16 совхоз тим қора ва шерози тери, 10 совхоз сур тери, 2 совхоз тим қора ва сур тери, 9 совхоз шерози ва сур тери берадиган қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштирилди. Натижада колхозларда сур тери етишириш 1955—1958 йиллардаги 1,3—1,9% дан, 1966 йилда 13,1% га, совхозларда эса 0,3—0,6% дан 1,9 га етди. Териларни ассортименти бўйича етишириш динамикаси 40-жадвалда келтирилган.

Кўриниб турибдики, республика колхоз ва совхозларида қимматбаҳо шерози ва сур териларни етишириш анча кўпайди. Масалан, колхозларда шерози териларнинг ялпи маҳсулотдаги салмоғи 1961 йилдаги 12,4% дан 1970 йили 19,3% га, совхозларда эса мувофиқ равишда 8,9% дан 9,7% га ўсди.

40 - жадвал

Ўзбекистонда шерози ва сур тери етишириш (1960 — 1970 йиллар)

Йиллар	Қоракўл териларнинг ҳаммасидаги салмоғи, %								
	колхозлар			совхозлар			республика бўйича		
	қора	шерози	сур	қора	шерози	сур	қора	шерози	сур
1961	68,8	12,4	4,8	75,4	8,9	0,7	71,3	11,1	3,3
1962	65,6	15,3	7,4	77,3	11,5	0,9	69,8	13,9	5,1
1963	66,0	14,5	6,5	74,8	11,7	0,8	68,9	13,5	4,6
1964	59,6	14,1	7,4	66,9	11,6	1,0	62,2	13,1	5,0
1965	52,9	18,7	12,5	69,5	10,3	1,3	63,1	13,5	5,7
1966	51,5	17,5	12,6	71,6	12,4	1,9	64,0	14,8	6,5
1967	52,6	17,8	14,1	68,4	12,0	2,3	62,1	14,3	6,9
1968	49,3	19,0	18,1	68,1	12,1	2,8	60,3	15,0	9,1
1969	47,3	18,7	16,9	55,2	7,6	1,7	51,6	12,3	8,1
1970	45,1	19,3	19,2	65,1	9,7	3,0	54,9	14,4	11,0

Совхозларда тим қора қоракўл тери етишириш 1970 йили 1961 йилдагига қараганда 12,6%, шерози тери етишириш 41,6%, сур тери етишириш эса 6,5 баравар кўпайди. Натижада республика миқёсида 1961—1970

йиллар мобайнида тим қора қоракўл тери етиштириш 20,2% камайган ҳолда, шерози тери етиштириш 36,3%, сур тери етиштириш 3,8 баравар кўпайди.

Республикамизда етиштирилаётган жами шерози терининг 26,2% ини Бухоро, 30% ини Қашқадарё, 22,7% ини Самарқанд области хўжаликлари, жами сур териининг эса 72,8% ини Бухоро облатининг колхоз ва совхозлари бераётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, рангдор тери тайёрлашда колхоз ва совхозлар билан бир қаторда шахсий секторнинг ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Масалан, 1966 йил маълумотига қараганда, республикада етиштирилган жами сур терининг 70% и шахсий сектор, 18% и совхозлар ва 12% и колхозлар секторига тўғри келган; шерози тери етиштириш ҳам шунга мувофиқ равишда 41,4%, 50,2% ва 8,1% ни ташкил этган. 1970 йилга келиб мазкур соҳада юз берган ўзгаришлар қуидагича бўлди: етиштирилган жами сур терининг 74,6% и, шерозининг 53,9% и шахсий секторга тўғри келди. Кўриниб турибдики, рангдор қоракўл тери шахсий секторда колхоз ва совхозлардагига қараганда анча кўп тайёрланмоқда. Бинобарин, қоракўлчилик колхоз ва совхозлари олдида ҳамма имкониятлардан фойдаланиб, шерози ва сур тери етиштиришни яқин йиллар ичida кескин кўпайтиришдек муҳим вазифа турибди. Бу мақсадга фақат хўжаликларда наслчилик ишларини план асосида юритиш, илғор колхоз ва совхозлар тажрибасидан кенг фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин. Бухоро облати хўжаликларининг илғор тажрибалари диққатга сазовордир. Бу облати ҳар йили ташқарига 10—15 мингта наслдор қўзи сотади, шундан 65—70% сур, 20—25% кўк қўзилардир. Бухоро облатининг кумуш ва тилла ранг сур терилари оламга машҳурдир. Бундай гўзал тери берадиган қўйлар Свердлов, Ромитон райони колхозларида урчитилади. Свердлов райони колхозлари 1970 йили давлатга 24,6 мингта сур тери топширди, шундан 91% и 1 сортга қабул этилди. Рометон район колхозлари давлатга 20,2 мингта сур тери сотган бўлса шундан 97% 1 сортга қабул этилди.

Қимматбаҳо сур терилар революциядан олдин фақат Бухоро хонлигида, аниқроғи ҳозирги Свердлов, Бухоро ва Ромитон районларида етиштирилар эди.

Совет ҳокимияти йилларида сур тери берадиган қўйлар подасини кўпайтириш, шу мақсадда олиб бориладиган наслчиллик ишларининг назарий ва амалий асосларини яратишда катта ютуқларга эришилди. Урушдан кейинги (1947—1948) йилларда «Қорақум» наслчиллик заводига Бухоро обласидан сур тери берадиган наслдор қўчқорлар олиб келиниб, қора тери берадиган она қўйлар билан чатиширилди. Натижалар кутилгандан ҳам зиёд бўлди: қора совлиқ ва сур қўчқордан бунёдга келган ургочи қўзиларнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи насли 65—70% қора ва 30—35% сур тери бериши аниқланди. Шу йўл билан «Қорақум» совхозида сур тери етишириш кўнгилдагидек йўлга қўйилди. Олиб борилган тажрибалар асосида қора совлиқларни сур қўчқорлар билан чатишириш бўйича наслчиллик ишлари методикаси яратилди. Бу сур тери етиширишни йилдан-йилга кўпайтиришга имкон берди. Масалан, 1951 йилда «Қорақум» совхози ҳаммаси бўлиб 70 дона сур тери етиштирган бўлса, 1969 йилда хўжаликда бу теридан 1,5 мингта етиширилди. Хўжаликда шундай қилиб сур тери берадиган наслдор қўйлар суруви яратилди. Қорақум совхозида сур қўйлар сурувини яратиш бўйича олиб борилган тажриба Ўзбекистоннинг бошқа хўжаликларида кенг қўлланилмоқда.

«Меҳнат Қизил Байроқ» орденли «Нурота» наслчиллик заводида шерози завод типидаги қўйлар сурувини яратиш бўйича (кўк ва тимқора қўйларни чатишириш йўли билан) 1944—1946 йилларда ВНИИК ходимлари томонидан бошланган наслчиллик ишлари ижобий натижалар билан якунланди. В. И. Стаяновская, совхоз директори Х. Эгамов, Я. Нуримбетов ва бошқалар иштирокида яратилган шерози қўйлар сурувинг завод типи 1970 йили давлат комиссияси томонидан қабул қилинди.

«Нурота» наслчиллик заводининг муваффақиятларида хўжаликинг жами қўйлари Бутуниттифоқ қоракўлчилик илмий текшириш институти ходимлари ёрдамида сараланиб, наслчиллик фермалари ташкил қилиниши катта роль ўйнади. Хўжаликда:

1-ферма завод типидаги шерози тери берадиган қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштирилди. У жакет типидаги (ІІ класс) элита ва 1 класс шерози тери берадиган совлиқлар билан таъминланди.

2-ферма наслчиллик ва репродукция ишларига ихтинослаштирилди. Бу ерда аъло сифатли тимқора тери берадиган совлиқлар боқилади.

3-ферма наслчиллик ишлари билан шуғулланади, бу ерда сур тери берадиган совлиқлар кўпайтирилди.

4 ва 5-фермалар товар маҳсулот беради. Бу ерда тимқора ҳамда шерози тери берадиган совлиқлар кўпайтирилди.

Сифати паст тимқора тери берадиган совлиқлар ҳар йили наслчиллик фермасидан олиниб, 4-фермага, шерози тери берадиганлари эса 5-фермага ўтказиб турилади.

Товар фермадаги совлиқлар энг яхши қўчқорлардан қочирилади. Наслчиллик фермасидаги энг яхши эркак қўзилар насл учун қолдирилади.

Совлиқлар сараланаётганда, улардан олинадиган қоракўл терининг рангига қараб, алоҳида-алоҳида группаларга ажратилади. Отардаги совлиқларнинг ўрни тўлдирилиб турилади. Бунда улар терисининг типи ва класси бўйича танланади. Масалан, 1-отарга элита совлиқлар, 2-сига жакет типидаги I класс, 3-отарга эса жакет типидаги II класс совлиқлар киритилади. Шунингдек, қовурғасимон тери берадиган совлиқлар 0,4, текис-ясси тери берадиганлари —4,5, кавказ типидаги — 6 ва ниҳоят ҳеч қандай типга бўлинмайдиган III класс совлиқлар 7-отарга ажратилади.

Шерози тери берадиган совлиқлар сараланаётганда ҳам терининг жилвасига (рангдорлигига) қараб: ўртача кўк, тўқ кўк ранг ва оч кўк ранг қоракўл тери берадиган группаларга ажратилади ва сурув ана шу типга мансуб қўйлар билан тўлдирилади.

Кейинги йилларда саралаш, жуфтлаш ишлари авж олдирилиши натижасида хўжаликда совлиқларнинг сур тери берадиган наслдор суреви вужудга келтирилди. Бу муҳим ишни амалга оширишда ҳам ВНИИК ходими В. И. Стаяновская, завод директори Х. Эгамов, З—ферма мудири М. Курбаев, чўпонлардан Ж. Омонов, З. Турдиев, Э. Ҳакимов ва бошқа тажрибали мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Шерози ва сур териларни етиштиришда «Гагарин» наслчиллик заводининг ютуқлари ҳам ибратлидир. Мазкур рангдаги териларни ишлаб чиқаришга ихтинослаштирилган бу хўжалик 1971 йилда 7374 дона қора (33%), 5679 та шерози (25,5%) ва 3016 та (13,6%) сур тери

етишириди. Хўжалик ҳар йили 100 бош қўй ҳисобига 10—12 та наслдор қўзини бошқа хўжаликларга сотади. I сорт қора тери 86—88% ни, шерози—88—90% ни ва сурнинг биринчи сорти—84—88% ни ташкил этади. Наслчилик ишларини яхши йўлга қўйиб, маҳсулот сифатини оширганлиги учун «Гагарин» наслчилик заводига 1970 йилги конкурс якунига биноан иккинчи мукофот, яъни биринчи даражали диплом, «Газ—69» енгил автомашина ва 4000 сўм пул мукофоти берилди.

Кўк ва сур етиширишни кўпайтириш вазифаси наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган ва олдидан тузилган план асосида ташкил этиш зарур. Шерози ва сур қоракўл терини кўплаб етишириш учун иккичилди, масалан, тимқора ва сур тери ёки тимқора ва кўк тери берадиган қўйларни жуфтлаштириш керак. Бунда тимқора қоракўл терининг сифати пасайиб кетиши мумкин, деган хавф тугилмаслиги лозим, чунки бу «Қорақум» ва «Нурота» давлат наслчилик заводларида олиб борилган кўп йиллик тажрибаларда исботланди. Чунончи, «Қорақум» наслчилик заводида сур тери берадиган қўчкорлар тимқора тери берадиган совлиқларга бир неча бор қўйилганда қора қоракўл терининг сифати ёмонлашмади.

Лекин шуни унумаслик керакки, сур тери берадиган қўйларнинг вазни тимқора тери берадиган қўйларнига нисбатан анча енгил, бунинг устига улар қаттиқ иқлим шароитига анча чидамсиз. Шу сабабли улар билан наслчилик ишлари олиб бориш бирмунча қийин. Демак, наслчилик ишларига киришишдан олдин дастлаб сур қўйларнинг вазни ва маҳаллий шароитга чидамлигини ошириш лозим. Бунинг учун сур тери берадиган совлиқларни гавда тузилиши бақувват, вазндор қўчкорлар билан чатишириш керак.

Бунда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, сур терилар сатҳининг ҳамма жойи бир хил товланиб турмайди, терининг бўйин ва бош қисмигина ҳақиқий сурга ўхшаб товланади. Демак, сур тери сифатини яхшилаш борасида ҳали талайгина ишларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, шерози терилар ичida кавказ сортига мансуб кам қимматли оч кулранг тусли, жингалаклари ўсиқ терилар ҳали кўп чиқиб туради. Бинобарин, наслчилик селекция ишлари мана шу нуқсонларни камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Қоракүлчиликда наслчилук ишларини ривожлантириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда наслчилук билан шуғулланадиган зоотехник ва сараловчи (бонитёр) ларни кўпайтириш, йил сайн уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, фан ютуқлари ва илгорлар тажрибасини кенг оммалаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Келгусида тажрибали чўпонлардан иложи борича кўплаб зоотехник ва сараловчилар тайёrlаш, айниқса, муҳимdir. Шундагина ҳар бир колхоз ва совхоз ўз наслчилук фермасига эга бўлиши мумкин. Ҳозирги даврда кўпчилик хўжаликларда наслчилук ишларини юритиш учун малакали кадрлар йўқлигидан наслдор, энг аъло сифатли элита ва I класс совлиқлар ҳамма отарларга тарқатиб юборилган. Эндиликда насл жиҳатидан аъло сифатли қўйларни ҳеч бўлмагандан битта отарга, кейинчалик битта фермага тўплаб, улар билан тегишли наслчилук ишларини олиб боришни ташкил этиш керак.

Қоракўл тери сифати ҳақида гап борганда, бу масалани СЖК препаратини қўллаш билан боғлаш лозим. Афсуски, кейинги йилларда бу муҳим тадбир кўп ҳолларда эътибордан четда қолмоқда. СЖК препаратидан фойдаланилганда хўжаликларда ҳар 100 совлиқдан кўплаб қўзи, демак, кўп тери олинади. Чунончи, ҳар совлиқдан иккитадан қўзи олиниши СЖК препарати туфайлиdir. Бинобарин, СЖК препарати қўзи олишини кўпайтиради, лекин бу қоракўл тери сифатига таъсир этмайди, деган савол ўринлиdir. Битта совлиқ қорнида битта эмас, балки иккита, учта, ҳатто ундан кўп қўзи ривожланар экан, бу, қўзиларнинг майдаланишига, демак, қоракўл тери сатҳи кичрайиб кетишига олиб келади.

Шундай экан, қоракўл терини сифат жиҳатдан баҳолашда унинг катта-кичиклиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир дона қоракўл терининг ўртача сатҳи (боши, оёғи ва думидан ташқари) камида 1300 кв. см бўлиши керак. Давлат стандарти — ГОСТ бўйича қуруқ тузланган, шунингдек ошланган терининг сатҳи камида 700 кв. см. бўлиши керак, сатҳи 350—700 кв. см бўлган қоракўл терилар «нозикча» группасига киради, бундан ҳам кичиклари эса ностандарт ҳисобланади ва брак қилинади.

Қоракўл терининг ҳажми қўзининг ёши ва тана ту-

зилиши хусусиятига, совлиқлар қочирилган ва бўгозлик давридаги ёшига, семиз-ориқлигига, шунингдек, бир йўла туғилган қўзилар сонига боғлиқдир. СЖК препаратини қўлланиш натижасида совлиқларда бир неча жинсий ҳужайра етилади. Шунинг учун битта совлиқдан бир нечта қўзи олинади, бунда улардан ҳар бирининг тери сатҳи кескин камаяди. Бухоро областидаги «Коммунизм» совхозида совлиқларнинг юз проценти СЖК препарати билан эмланган отарларда 20—30% идан биттадан, қолганларидан эса 2—3 тадан қўзи олинди. Эгиз туғилган қўйларнинг ҳаммаси тери учун сўйилди. Натижада жуда кўп кичик тери олинди. (41-жадвал)

41 - жадвал

**Совлиқдан бир йула олинган қўзиларнинг сонига қараб тери катта-
кичиликгининг ўзгариши**

Бир йула олинган қўзи- лар сони	Терининг ўр- тана сатҳи, кв. см.	Битталигига нисбати, %	Теринларнинг катталигига қараб тақсимланиши, %					
			700 кв см	900 кв см	1000 кв см	1200 кв см	1400 кв см	1400 кв см дан ортик
1	1 299	100	2,01	8,24	17,52	37,45	34,78	
2	1 094	84,2	12,12	22,32	42,42	16,10	7,04	
3	937	72,2	28,74	46,92	16,13	8,21	—	
4	870	67,1	53,17	37,56	9,27	—	—	
5	811	62,5	88,83	11,17	—	—	—	

Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти ходими Т. Валиевнинг таъкидлашига, битта совлиқдан олинган битта ва иккита қўзи терисининг сатҳи ошлангандан кейин 13—14% кичраяди, яъни икковиники биргаликда 1178—1515 кв. см бўлиб қолади; бир йўла туғилган учта қўзи терисининг катталиги эса стандарт талабига мос келмайди; бир совлиқдан бир йўла туғилган 4 та қўзи терисининг 40—45% и «нозикча», қолганлари эса ностандарт чиқади. Республика қоракўлчилик бош бошқармаси 1962 йилда олиб борган кузатишлар шуни кўрсатдики қоракўлчилик совхозларида СЖК препарати билан совлиқлар ёппасига эмланганда сатҳи 1000 кв см дан кам бўлган қоракўл терилар 14% ни, айрим хўжаликларда эса жами терининг 35—40% ини ташкил этди. Республика колхозларида ҳам ақвол бундан яхши

бўлмади. Шунинг учун сўнгги йилларда республика колхоз ва совхозларида «нозикча» ва брак қоракўл терилар сони ва ялпи маҳсулотдаги салмоғи ортаётир. Масалан, 1958 йили республикада жами тайёрланган қоракўл терининг атиги 0,6% ини «нозикча» ва 0,5% ини брак тери ташкил этган бўлса, 1965 йилга келиб бу кўрсаткичлар 2,7% ва 1,7% ни ва 1970 йилда 4,1% ва 1,8% га чиқди. СЖК препарати ёппасига қўлланилганда қўзилар терисида нуқсонлар кўпаяди, терининг сифати кескин пасаяди.

Қоракўл терилар сатҳи кичрайиши хўжаликларга ҳам, давлатга ҳам зарар келтиради. Бутуниттифоқ қоракўлчилик институти маълумотларига қараганда Ленинградда ким ошди савдосида нормал ҳажмдаги «Московский жакет» сортли қоракўл тери шу сортга оид, лекин сатҳи 800—1000 кв. см. терига нисбатан 57%, сатҳи 800 кв. см. дан кичик бўлганларига нисбатан эса 63% кам баҳода сотилди.

Демак, шулардан хulosса қилиб айтиш мумкинки, СЖК препаратини қўлланиш қоракўлчиликда катта самара беришига қарамай, қоракўл терилар сифатига ҳамда қоракўл қўзилар наслининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун наслдор қўзиларни парваришлаб, ташқарига сотадиган давлат наслчиллик заводларида, наслчиллик хўжалик ва фермаларида СЖК препаратини қўллашни муайян даражада чеклаш зарур. Фақат товар маҳсулот олинадиган хўжаликларда (ем-хашак мўл-кўл бўлгандагина) СЖК препаратидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қоракўл терилар сифатига об-ҳаво шароити ҳам катта таъсир кўрсатади. Чунки об-ҳавонинг қандай келишига қараб яйловларининг озиқ запаси ўзгариб турди. Академик В. М Юдин, «Қорақум» давлат наслчиллик заводида олиб борган кўп йиллик кузатишлар натижасига асосланиб, об-ҳаво шароити ҳар хил келган йилларда қўчқор ва совлиқлардан олинадиган қўзиларнинг тери сифати бир хил бўлавермаслигини таъкидлайди. Шунингдек, битта авлоддан туғилган қўзиларнинг тери сифати ҳам об-ҳаво шароитининг қандай келишига қараб ўзгаратди. Масалан, яйловда ўт яхши битган йилда «Қорақум» давлат наслчиллик заводида элита ва I класс қўзилардан олинган қоракўл терининг сифати яйловда ўт кам бўлган йиллардагига нисбатан

ўрта ҳисобда 11,5%, айрим пайтларда эса ҳатто 37% гача ошган.

Совлиқларни боқиши ва парваришилаш шароити асосан эмбрионлик давридан бошлаб организм орқали ҳомиланинг тери сифатига таъсир эта бошлайди. Шунарса маълумки, энг яхши қоракўл тери асосан барвақт туғилган қўзилардан олинади Қўзилатиш даврининг охирларида туғилган қўзиларнинг териси унчалик сифатли бўлмайди. Демак, совлиқларни барвақт ҳаво исиб, яйловда ўт яхши ўсабошлигар даврда қўзилайдиган қилиб қочириш лозим. Совлиқлар қанчалик кеч қўзиласа, терининг сифати шунча пасаяди. Чунки бўғоз совлиқлар баҳорги яйловда узоқроқ ҳайдаб боқиласа, терининг гўшт пардаси қалинлашиб, жун қоплами жингалакланишдан тўхтайди, ўсиб кетади. Баъзи бир сабабларга кўра совлиқлар ўз вақтида қочирилмай, қўзилатиш компанияси кечикиб кетса, бу ҳолда бўғоз қўйларни иложи борича кам ўт яйловга ҳайдаш ва туғишига яқин қолганда уларни кун ора сугориш керак. Бу тадбир теридаги гўшт пардасининг янада майинлашиши ва жун жингалаклиги яхшиланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда қоракўл териларига — енгил, калта жунли, ялтироқ жакет І кирпук, сур, кўк ҳамда «қоракўлча» териларига талаб йилдан йил ошиб бормоқда. ВНИИК олимлари буни ҳисобга олиб, қоракўл қўйлари наслчилигини танлаш, жуфтлаш, классларга ажратиш ишларини асосан тери сифатига қараб амалга ошириш методини яратдилар. Республика хўжаликлари айрим тур ва сифатга эга бўлган териларни етиширишга ихтисослаштирилди. Териларни стандартлашнинг янги принциплари ишлаб чиқилди. Мана шу ишлар учун 1970 йилда ВНИИКнинг бир группа ходимларига (И. Дьячков, В. Стояновская, Р. Писменная, Ф. Шарафутдинов, М. Кошовой ва республика қишлоқ хўжалик министрлиги ходими П. Фадеичев) Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди.

АДАБИЁТЛАР РУИХАТИ

- Абдуллаев М.* Хўжалик ҳисоби ва моддий рағбатлантириш. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти. 1971.
- Брословский С. Б.* Эффективность применения СЖК в каракулеводстве. М., изд. МСХ СССР, 1966.
- Бурлаков Н. М.* Экономика и организация скотоводства. М., изд-во «Колос», 1970.
- Воробьев П. А., Курганский В. М.* Работа чабана в отаре. М., изд-во «Колос» 1971.
- Васин Б. Н.* Цветной каракуль. М., изд-во. «Колос», 1968.
- Головченко С. Г., Расулов А.* Изень и его возделывание в каракулеводческих районах Узбекистана. Ташкент, изд-во «Фан», 1967.
- Гаевская Л. С.* Каракулеводческие пастбища Средней Азии, изд-во «Фан», 1971.
- Добрынин В. П.* Интенсификация в скотоводстве и свиноводстве. М., изд-во. «Колос», 1966.
- Закиров М. Ю., Васильев А. А.* «Каракуль Узбекистана». Ташкент, изд-во «Узбекистан», 1970.
- Производство шерсти и баранины в тонкорунном и полутонкорунном овцеводстве. М., изд-во «Колос». 1969.*
- Кадырниязов Г. Н.* Резервы повышения продуктивности овцеводства. Алма-ата, Казсельхозгиз, 1963.
- Кедрова С. И.* Қоракўл қўйларни яйловда боқиш. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, 1967.
- Мамбетов А.* Резервы увеличения производства продукции овцеводства и повышения его рентабельности. Фрунзе, изд-во. «Киргизстан», 1966.
- Легенцева Н. И.* Экономическая эффективность укрупненных чабанских бригад. Алма-Ата, изд-во «Қайнар», 1970.

- Мамедов Ш.* Овцеводство — высокодоходная отрасль. М., изд-во «Колос». 1966.
- Маллаев Г., Салимов С.* Кўйчилликда меҳнат унумдорлигини ошириш. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1971.
- Муродов А.* Қоракўлчиликда хўжалик ҳисоби ва маҳсулот таниархи. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1968.
- Мухлисулин Ш. И.* Хозрасчет в овцесовхозах. Алма-Ата, изд-во «Кайнар», 1970.
- Морозов Н. Л., Иванов В. Ф.* Орошение на базе артезианских вод. М., изд-во «Колос», 1968.
- Манаков В. С.* Основные проблемы развития овцеводства в Туркменской ССР. Ашхабад, изд-во «Туркменистан», 1965.
- Обухова А. Д., Кедрова С. И.* Использование пасищ в овцеводческих хозяйствах М., изд-во «Колос», 1968.
- Пентюк М. В.* Вопросы увеличения поголовья овец и производство баранины. М., 1962.
- Рахимов А. А.* «Қоракўлчилик». «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент. 1967.
- Сайдахметов О.* Овцеводство в колхозах Киргизии. Институт экономики АН Киргизской ССР., вып. I., 1958.
- Стояновская В. И.* Қоракўл қўйларни ўстириш тажрибаси, Тошкент, 1962.
- Гапильский И. А., Цунц В. З.* Мясошерстные овцы Узбекистана. Ташкент, изд-во «Ўзбекистан», 1971.
- Тавитов М. Ю.* Каракуловодство Казахстана. Алма-Ата, изд-во «Кайнар», 1970.
- Чернеев Р. А.* Интенсификация каракуловодства в Туркменской ССР. Ашхабад изд-во «Туркменистан». 1971.
- Шаппо А. Ф.* Землеустройство овцеводческих совхозов Узбекской ССР, Ташкент, 1968.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Құйчиликнинг иқтисодий аҳамияти	6
Құй бөқиладиган табний яйловлар характеристикаси	20
Құйчиликнинг айрим зотлари бүйіча жойланishi	30
Құйчиликнинг ривожланиши. Құйлар бош сочининг ўсиш динамикасы	40
Құйчилик маҳсулотлари. Қөрақұл тери етиштириш	55
Жұн етиштириш	59
Гүшт етиштириш	62
Құйчилик интенсивлаштириш йүллари	67
Яйловлардан фойдаланишин яхшилаш	73
Құйчилик хұжаликларда ем-хашак етиштиришни интенсивлаштириш имкониятлари	73
Яйловларга сув чиқариш	76
Яйловларни серозиқ қилиш	87
Хашак етиштириш ва тайёрлаш	92
Құйчилик фермаларда ишларни механизациялаш	95
Хашак тайёрлашни механизациялаш	96
Сугоришини механизациялаш	102
Қоракұл терини дастлабки ишлешни механизациялаш	105
Жұн қирқишини механизациялаш	108
Ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш сәмарадорлиги	109
Құй сурувларини қайта тиклашни интенсивлаш ва маҳсулдорлигини ошириш	117
Күз ва қышда құй боқиши	125
Құклам ва ёзда құй боқиши	128
Құзилардан отарлар ташкил этиш	131
Құйчилик бинолари	135
Совлиқлар серпуштегінин ошириш	137
Жұн етиштиришиң күпайтириш	147
Құй гүштини күпайтириш резервлари	149
Құйчиликнинг иқтисодий сәмарадорлигини ошириш йүллари	158
Мемлекеттің ошириш	158
Мехнат ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологиясипи тақомиллаштириш	162
Хұжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва құйчинонлар моддий манбаатдорлигини ошириш	170
Маҳсулот таннархни ва құйчилик рентабеллігі. Таннархни арзоналаштиришининг иқтисодий аҳамияти. Таннархни ҳисоблаш тартибини тақомиллаштириш	187
Құйчилик маҳсулоттарининг таннарх даражасы ва структурасы	196
Моддий-пұл ҳаражаттарини қисқартыриш	202
<u>Маҳсудот</u> сифатини яхшилаш	213